С нашей точки зрения, в сложившихся условиях наиболее полное совпадение интересов всех сторон может быть обеспечено лишь при совместной разработке странами СНГ действенных мер по противодействию распространению опасного заболевания – пандемии коронавируса и нынешнего инфляционного пика. В жестком экономическом мире, в который мы входим, поодиночке не устоять. Опыт Европы подтверждает это.

## **МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ – МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЎТИНИНГ БОШ ОМИЛИ**

*Хусанов Б.Ш. и.ф.н., доцент,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон  
Жумаев З.С. магистратура талабаси,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Аннотация. Мақолада мамлакатда аҳоли бандлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош омили эканлиги алоҳида аҳамияти берилган.*

**Калим сўзлар:** аҳоли бандлиги, турмуш даражаси, турмуш сифати, талаб, истеъмо, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлар.

**Аннотация.** В статье подчеркивается, что занятость в стране является ключевым фактором социально-экономического развития страны.

**Ключевые слова:** занятость населения, уровень жизни, качество жизни, спрос, потребление, сбережения, заработная плата, доходы населения.

**Abstract.** The article emphasizes that employment in the country is an important factor in the socio-economic development of the country.

**Key words:** level being of population, quality of being, the high quality level of being, factors, prosperity, depositions of population, population incomes, minimum wage, fares.

Ўзбекистонда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ўсиши ҳамда бандликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилиб келинмоқда.

Лекин, барқарор иқтисодий ўсиш, юқори даражадаги бандлик, кўшимча даромад, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўзгаришларнинг амалга оширилиши, аввало хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳудудий жойлашуви ва таркибий такомиллашув масалаларига боғлиқ. Ушбу масалаларни ҳал этишнинг асосий йўли – сифатли хизмат кўрсатувчи рақобатбардош соҳа тармоқларини аҳоли истиқомат қилаётган масканларда кўпайтириш. Алоқа, ахборот, молия ва банк сектори, транспорт хизматларини энг кескин суръатларда ривожлантириш зарур. Бу йўналишда ижобий ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида хизматлар соҳасига бир қатор имтиёз ва рағбатларни кўзда тутадиган мақсадли дастур қабул қилинганлиги бежиз эмас.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имкониятларини туғдиради. Бу эса, ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш имкониятини ишлаб чиқишни тақозо этади. Олдинги бобларимизда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини оширишга таъсир этадиган омилларни таҳлил қилган эдик. Аҳоли пул даромадлари, хизмат кўрсатиш соҳасида ўртача иш ҳақи, соҳадаги ялпи маҳсулот кўрсаткичлари аҳоли бандлигини оширишда муҳим омил эканлигини аниқладик. Шу боис, ушбу омилларнинг аҳоли бандлигидаги улушининг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш муҳимдир.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли бандлиги ва аҳоли фаровон турмуш даражасини таъминлашга доир масалаларни ҳал этишда, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар, ўз навбатида, ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг (2016 йил 16 январ) йил якунларига бағишланган маърузасида мазкур соҳа иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб ҳамда танланган мавзу мақсади ва вазифаларига мос равишда, хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги каби ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммони ҳал этишнинг концептуал йўналишларидан бирига айлантириш йўллари кўрсатиб ва шу орқали Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашда эришилган ютуқ ва камчиликлар, шунингдек, бандлик муаммосини ҳал этишда хизматлар соҳасининг тутган ўрниниёритиш муҳимдир.

Банд бўлганларнинг меҳнат фаоллигини ошириш – уларни фақатгина турли омил ҳамда воситалар (иш ҳақи, мукофот ва хоказолар) ёрдамида самарали меҳнат қилишга ундаш бўлиб қолмасдан, балки ана шундай меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда самарали меҳнат қилиш салоҳиятига эга бўлган иш кучини жалб этиш ҳамдир. Чунки, самарали меҳнат қилишга қодир, самарали меҳнат қилиш салоҳиятига, имкониятига эга бўлган шахсларгина самарали меҳнат қилиши мумкин.

Банд бўлганларнинг меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплекс ёндашиш асосида, бир-бирига боғлаб амалга оширилса, катта ижобий самара беради.

Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, унга муносабат ва фаровон яшаши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва ишсизлар сонини кескин

камайтиришнинг мамлакатда пухта ўйланган йўналишларини ва уни амалиётда жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда ишсизлик ва бандлик муаммосини ҳал этиш ҳамда меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштиришнинг икки муҳим йўналишлари, яъни:

- биринчи йўналиш – моддий ишлаб чиқариш тармоқларини, айниқса, саноат, қурилишни жадал суръатлар билан ривожлантириш бўлса, иккинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш билан боғлиқлигини асос қилиб олган ҳолда улар қуйидагича асосланди. Биринчи йўналиш – бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг (пахта ёки бошқалари) 1 миллион 400 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга эканлиги мамлакатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қопланади[1].

Ҳаракатлар стратегиясининг таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишнинг устувор йўналишларидан 2017 йилда умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланган.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиш натижасида, қисқа вақт ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар билан тўлдириш мақсадида саноатни жадал ривожлантиришни талаб этади. Бунинг натижасида ушбу тармоқда янги иш ўринлари пайдо бўлади. Қимматбаҳо ва юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташки бозорда рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам саноатни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш учун кенг имкониятлар юзага келади. Айтиш жоизки мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида тўла қайта ишлашга эришиш учун камида 8-10 йил керак бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда аҳолини, айниқса қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини, янги, замонавий уй-жой билан таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсат қурилиш индустриясини ривожлантириш ва ушбу тармоқда кўплаб янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Қурилиш индустрияси билан бир қаторда, унга дахлдор бўлган кўп тармоқлар ҳам ривожланади, уларда янги иш ўринлари барпо этилади.

Моддий ишлаб чиқаришда моддий хизмат турлари ривожланади (моддий ишлаб чиқаришда моддий хизматлар 33 фоизни ташкил этади), демак, хизматлар бўйича янги иш ўринлари пайдо бўлади (бизнинг прогнозларимиз бўйича 5100 нафар янги иш ўрни яратилади). Лекин, шуларга қарамадан, моддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари бандлик муаммосини узил-кесил ечишга қодир эмас. Назаримизда, ушбу соҳада яратиладиган янги иш ўринлари сонининг кўпайишига тесқари таъсир кўрсатадиган айрим омиллар ҳам бор. Авваламбор, бу юқорида зикр этилган жонли меҳнатнинг тежалишига олиб келадиган янги, замонавий техника ва технологияларнинг кенг жорий этилиши. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида банд аҳоли сони ханузгача жуда кўп. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган аҳоли сони иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 26,2 фоизини ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, Буюк Британияда - 2,6 фоизни, АҚШда ушбу кўрсаткич - 3,3 фоизни, Испанияда - 4 фоизни, Германияда - 5,5 фоизни ташкил этади[2]. Қишлоқ хўжалиги субъектлари (фермер ва деҳқон хўжаликлари) моддий-техника базалари мустаҳкамланиб, техника воситалари кўпайиб бориши натижасида кўл меҳнатига эҳтиёж камайиб боради ва келажакда тармоқда банд бўлганлар сони ҳам камайиб боради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, агар қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ривожланган мамлакатлардаги меҳнат унумдорлик даражасига эришилса у ҳолда 3395,1 минг киши ишсиз қолади.

Иккинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам (моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги каби) фан ва техника ютуқларининг амалиётга жорий этилиши, иқтисодий ўсишда интенсив омиллар ролининг кескин ошиб бориши натижасида жонли меҳнатнинг тежалиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши юз беради. Шубҳасизки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва ҳажм кўрсаткичларининг, жумладан, соҳада яратилаётган ялпи ички маҳсулотҳажмининг жадал суръатлар билан ошиши фақат янги иш ўринларини яратиш (экстенсив омил) ҳисобидан амалга ошавермайди.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, бугунги кунда жамиятнинг ахборотлашуви ва глобаллашув шароитларида ҳеч бир алоқа тури уяли алоқанинг ўрнини боса олмайди. Масалан, “Европа комиссиясининг маълумотларига кўра, Европа ҳамжамияти ялпи ички маҳсулот ва



меҳнат унумдорлиги ўсишининг 40 фоизи телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш асосида амалга оширилган”. Таҳлилнинг кўрсатишича, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари муайян даражада телекоммуникация секторига киритиладиган инвестициялар даражаси ва унинг рақобатдошлиги билан изоҳланади[3].

Лекин, мавжуд ҳолатдан келиб айтиш мумкинки, барибир, постиндустриал ахборотлашган жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик муаммосини ҳал этишда бениҳоя катта имкониятларни юзага келтириши мумкин.

Шу боис, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли бандлигини ошириш ва шу орқали уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга доир масалаларни ҳал этишда, хизмат кўрсатиш соҳасининг фаолият кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб бериш зарур.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга муροжатномаси. “2018 йил - Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Халқ сўзи, 2017 й 23 декабр.
2. Кушнир И.В. Мировая экономика // <http://www.be5.Biz/ekonomika/mo13/tech.htm>
3. Махкамов.Б.Ш. Глобаллашув ва иқтисодий модернизиациялаш шароитида уяли алоқа хизматларини самарали ривожлантириш. Автореферат. - С.: - 2016 29 б.

## **ЛИЗИНГГА ОЛУВЧИНИ ТАНЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР**

**Латинова Ш.М.,**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** мақолада миллий лизинг бозорида лизингга олувчини танлашда молиявий кўрсаткичларнинг аҳамияти ёритилган. Лизингга олувчини танлашда эътиборга олинган асосий молиявий кўрсаткичлар таркиби ва аниқлаш йўллари келтирилган. Якуний қарор қабул қилишда бу кўрсаткичлар бўйича тегишли таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** лизинг, молиявий кўрсаткичлар, ликвидлик, активлар, пасивлар.

**Аннотация:** В статье подчеркивается важность финансовых показателей при выборе лизингополучателя на национальном лизинговом рынке. При выборе лизингополучателя учитывается состав основных финансовых показателей и способы их определения. Разработаны рекомендации по использованию показателей в принятии окончательных решений.

**Ключевые слова:** лизинг, финансовые показатели, ликвидность, активы, пассивы.

**Abstract:** The article emphasizes the importance of financial indicators when choosing a lessee in the national leasing market. When choosing a lessee, the composition of the main financial indicators and the methods of their determination are taken into account. Recommendations for the use of indicators in making final decisions have been developed.


**Key words:** leasing, financial indicators, liquidity, assets, liabilities.

Сўнгги йилларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лизинг хизматиға эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида янги технологик ускунаға талаб пайдо бўлганда, лизинг хизматидан фойдаланишнинг молиялаштиришнинг бошқа шакллариға нисбатан қулайлигини, қарз муносабатларида технологиянинг ўзидан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш мумкинлигини келтириб ўтиш мумкин. Лизинг шартномаси иштирокчилари учун операциянинг самарали бўлишини таъминлаш ҳамда юзаға келиши мумкин бўлган рискларнинг салбий таъсирини камайтириш учун ҳам лизингга олувчининг тадбиркорлик лойиҳасини молиявий баҳолаш талаб этилади.

Лизингга олувчининг тадбиркорлик лойиҳасини молиявий баҳолашда ликвидлик, рентабеллик, тўловға қобилиятлилик, фойдалилик, активлар ва акционерлик капиталидан фойдаланишни акс эттирувчи бир гуруҳ кўрсаткич (коэффициент)лардан фойдаланилади.


Лизингга олувчининг тўловға қобилиятлилик кўрсаткичлари –чизмада ифодаланган.

Активларнинг ликвидлик даражаси бўйича гуруҳланиши эса -чизмада келтирилган.



1-чизма. Лизингга олувчи тўловга қобилиятлигининг асосий кўрсаткичлари Корхона ликвидлигини баҳолаш мақсадида баланс актив ва пасив кўрсаткичларини қуйидаги икки хусусиятига кўра гуруҳлаш мумкин:

- Ликвидлиكنинг пасайиш даражаси бўйича (актив);
- Қоплаш муддатининг даражаси бўйича (пасив).



**2-чизма. Ликвидлик даражаси бўйича корхона активларининг гуруҳланиши**

Активларни пул маблағларига айланиш тезлиги бўйича қуйидаги гуруҳга ажратиш мумкин (2-чизмада келтирилган ( $A_1 - A_4$ )):

- Доимий ҳаракатдаги активлар -  $A_1$  (балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар);
- Тез сотилувчи активлар -  $A_2$  (дебиторлик қарзлар ва бошқалар);
- Секин сотилувчи активлар -  $A_3$  (захира ва харажатлар);
- Қийин сотилувчи активлар -  $A_4$  (узок муддатли активлар).

Пассивларни эса уларни қайтариш муддатидан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- муддати келган тўлов мажбуриятлари –  $P_1$  (кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар);
- Қисқа муддатли пассивлар –  $P_2$  (банкнинг қисқа муддатли кредитлари, қисқа муддатли қарзлар, келгуси давр харажатлари);
- Узоқ муддатли пассивлар –  $P_3$  (узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар);
- Доимий пассивлар –  $P_4$  (ўз маблағлари манбалари)[1].

Баланс ликвидлилигини аниқлашда баланс актив ва пассив гуруҳлари ўзаро таққосланади.

Баланс мутлоқ ликвидлилиги шартлари қуйидагича бўлади:

- $A_1 \geq P_1$ ;
- $A_2 \geq P_2$ ;
- $A_3 \geq P_3$ ;
- $A_4 \leq P_4$ .

Агар юқорида келтирилган биринчи учта тенгсизлик бажарилса, демак баланс мутлоқ ликвид ҳисобланади. Тўртинчи тенгсизлик эса баланслаштириш маъносини беради, яъни ушбу тенгсизликнинг бажарилиши корхонада ўз айланма маблағларининг борлигини англатади ва биз буни қуйидагича ифодалаймиз:

$$\check{Y}_{ам} = \check{Y}_{мм} - A_{вк},$$

Бу ерда:

$\check{Y}_{ам}$  – ўз айланма маблағларининг мавжудлиги;

$\check{Y}_{мм}$  – ўз маблағлари манбаи (баланс пассиви I-бўлими жами);

$A_{вк}$  – асосий воситалар ва қуйилмалар (баланс активи I-бўлими жами).

Агарда юқорида келтирилган тенгсизликлардан бирортаси қайд этилган оптимал вариантдан четлашса, унда баланс ликвидлиги унинг абсолют ликвидлигидан фарқланади.

Назарий жиҳатдан активларнинг бирор гуруҳида етишмовчилик кузатилса, у бошқа гуруҳ активлари билан қопланиши мумкин. Аммо амалиётда паст ликвидли активлар тез ликвидли активларнинг ўрнини боса олмайди.

-  $A_1$ - $P_1$  ва  $A_2$ - $P_2$  актив ҳамда пассивлар гуруҳининг таққосланиши корхонанинг жорий ликвидлигини акс эттириб, яқин орада унинг тўловга қобилиятлилиги (тўловга қобилиятсизлиги)дан далолат беради;

-  $A_3$ - $P_3$  тенгсизлиги эса истиқболли ликвидликни акс эттиради ва унга таяниб корхонанинг узоқ муддатли тўловга қобилиятлилиги башорат қилинади.

Лизингга олувчи баланснинг ликвидлиги ликвидлиликни аниқлашнинг анъанавий кўрсаткичлари асосида таҳлил қилинади ва олинган натижалардан келиб чиқиб баланснинг абсолют ликвидликнинг барча мезонларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш имконияти яратилади. Натижада лизингга олувчи давр боши ва давр охирида нафақат пассивларнинг балансда қайд этилган мажбуриятларнинг исталган тури бўйича мажбуриятларини, балки қуйида келтирилган мажбуриятларни ҳам қоплай олади:

- Ишлаб чиқарилаётган товарлар бўйича юзага келган мажбуриятлар (сифатни ошириш, реклама, истеъмолчиларнинг томонидан юқори баҳоланиши, рақобатчиларга нисбатан истеъмол сифатларини ошириш ва ҳ.к.);

- Сервис бўйича мажбуриятлар (сервиснинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги, сервиснинг жозибаторлиги, сотувдан кейинги сервиснинг йўлга қўйилганлиги ва ҳ.к.);

- Нарх бўйича мажбуриятлар (товарнинг истеъмолчилар томонидан юқори баҳоланганда, юқори сифат ва тўлиқ сервисда нархнинг жозибаторлиги ва ҳ.к.) ва б.

Лизингга берувчи томонидан потенциал лизингга олувчини танлашда нафақат юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар, балки уларга қўшимча сифатида молиявий барқарорлик, ишчанлик, рентабеллик, молиявий левеерж каби кўрсаткичларнинг таҳлилини ҳам амалга ошириш талаб этилади

Демак, лизингга олувчиларнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш молиявий коэффицентлар орқали амалга оширилади. Молиявий коэффицентларни аниқлаш ва таҳлил қилиш лизингга олувчининг абсолют молиявий барқарорлик кўрсаткичларини баҳолашни янада кенгайтиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса лизингга олувчилар молиявий ҳолатини комплекс ўрганиш амалиётига жуда кам ҳоллардагина мурожаат қилинади. Бирорта манбада лизингга олувчи хўжалик юритувчи

субъектлар маълумотлари асосидаги реал тахлилий маълумотларни деярли учратмаймиз. Бу ҳолат молиявий кўрсаткичларнинг йиллар кесимидаги динамик ўзгаришларида ҳам кузатилади.

Шу сабабли, лизингга олувчини таҳлил қилишда қуйидаги таклифларни бериб ўтаемиз:

- чоп этиладиган манбаларда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларида маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг айнан қайси шакли ва сатрларидан олинганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Шу орқали уларнинг аниқлигини ва бир хиллигини таъминлаш мумкин;

- миллий лизинг бозорида лизингга олувчини танлаш, яъни унинг молиявий ҳолатини баҳолаш орқали тегишли қарорни қабул қилиш учун махсус йўриқнома ишлаб чиқиш лозим. Ушбу йўриқномада лизинг муносабатларида лизингга олувчилар фаолиятининг ўзига хослиги, фаолият соҳаси, лизинг муддати каби омиллардан келиб чиқиб, лизингга олувчининг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини берадиган зарурий кўрсаткичларни аниқ белгилаб ўтиш лозим.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Воҳобов А.А., Ибрагимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: “Ўзбекистон”, 2002 й., 230 б.

### **МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ РИСКЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Бабаев Ш., PhD**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон*

**Гадаев Ж.М., ассистент**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиётни ривожлантиришда молия бозорида юзага келадиган рисклар ва унинг тизими ҳамда шу соҳанинг объектив зарурлиги ҳақида ёритилган. Мақолада жаҳон амалиётидаги молия бозоридаги рискли вазиятларнинг иқтисодиётда таснифланиши кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** молия бозори, риск, ноаниқлик, рискларни бошқариш, рискларни таҳлил қилиш, инвестиция рисклари.

**Аннотация.** В статье описаны риски развития экономики на финансовом рынке и его системе, а также объективная потребность отрасли. В статье рассматривается классификация рискованных ситуаций на финансовом рынке в мировой практике в экономике.

**Ключевые слова:** финансовый рынок, риск, неопределенность, управление рисками, анализ рисков, инвестиционные риски.

**Abstract.** The article describes the risks in the development of the economy in the financial market and its system, as well as the objective need of the industry. The article discusses the classification of risky situations in the financial market in the world practice in the economy.

**Key words:** financial markets, risk, uncertainty, risk management, risk analysis, investment risk.

Мамлакатга асосан қимматли қоғозлар бозорига инвестиция киритилаётганида энг аввало рискларни ва уларни таъсирини аниқлаш ҳамда олдини олиш мураккаб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ҳар бир инвестор ўз капиталини қаерга жойлаштириши, ундан кўриладиган молиявий натижанинг охири нима билан тугашини билмайди. Шу сабабли инвестор ўз фаолиятида ноаниқ ҳаракатлар борлигини ҳис қила бошлайди, лекин ҳис-туйғуларга ишонган ҳолда ҳозирги молия бозорида яхши натижани кўзлаш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам молия бозорида рискларни ҳис этиш ва бунда қандайдир эҳтимолда бўлган рискларни маълум усуллар ёки воситалар орқали бошқариш муҳим бўлиб ҳисобланади.

“Риск” тушунчасига жуда яқин бўлган “ноаниқлик” тушунчаси бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан рискнинг баъзи бир турларини таснифлаш учун синоним сифатида қўлланилади, хусусан, М.Бернадете Жанкес, Анабела П.Тересо, Пауло С.Л.П. Афонсо ўз илмий ишларида “Риск, асосан, молиявий йўқотишларни англатади. У ноаниқлик синоними сифатида ишлатилади ва инвестиция лойиҳаси билан боғлиқ даромадларнинг ўзгарувчанлигини англатади”[1] деган фикрни билдирганлар.

Ҳар бир инвестор молиявий активларни инвестицияга жойлаштиришида ўзида қандайдир ноқулай ёки рискли ҳолатлар пайдо бўлишлигини сеза бошлайди. Бундай ҳис-туйғулар таъсирида қуйидаги ҳиссиётларга дуч келиш мумкин бўлади:

- фойда кутилаётган даражадан кам бўлиш ёки бўлмаслиги;
- фойда умуман олинмаслиги ёки юқори даражада бўлиши;
- қимматли қоғозларнинг нархига нисбатан қўйилган маблағнинг маълум қисми йўқотилиши ёки наф келтириши;
- қимматли қоғозларга инвестиция қилиб қўйилган маблағнинг ҳаммаси йўқотилиши ёки наф келтириши.

Шу ўринда айтиш жоизки, молиявий натижаларнинг ноаниқлиги, аввало инвесторнинг маблағини йўқотилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолатни ҳақиқий ноаниқлик деб айтиш ҳам мумкин. Йўл қўйилиши мумкин бўлган рискка кутилаётган фойданинг маълум бир қисмини фонд бозорида тадбиркорликни амалга ошираётган савдо-сотиклар жараёнида йўқотилиши мумкин. Офатли риск кутилаётган фойдани йўқотиш билан бир қаторда қимматли қоғозлар билан ишлаш учун қилинган инвестиция маблағини ҳам йўқотилиши эҳтимоли юзага келади.


Агар кўзланган фойдани олиш аниқ бўлса, инвестиция рисксиз бўлиши ёки бўлмаслиги масаласи ҳам ноаниқ бўлиши мумкин, чунки риск йўқ бўлмайди, амалда фақат унинг даражасигина ўзгариши мумкин. Шу сабабли ҳар бир инвестициянинг ўз ўлчамига тўғри келадиган rischi бўлади. Унинг баҳоси ва кутилаётган фойданинг даражасига қараб, инвестиция турларига қараб riskлар баъзида бир хил бўлиши мумкин, лекин фойда турлича бўлиши мумкин. Шу вақтнинг ўзидаёқ қўйилган инвестициядан бир хил фойда олиш мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда риск даражаси ҳар хил бўлиш ҳам мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида қимматли қоғозлар riskи кутилаётган фойда билан ҳисобланган фойда ўртасида узвий боғлиқликлар мавжудлигини билиш талаб этилади. Фойда миқдори инвестиция даврига қараб ортиб бориши эҳтимоли тасодифий ҳолат бўлмайди. Шу ўринда риск – эҳтимоллик категориясидир ва уни бирор-бир кўринишидаги йўқотиш деб тушуниш эътироф этиб келинмоқда. Риск – бу умумиқтисодда мураккаб категория бўлиб ҳисобланади ва қимматли қоғозлар бозорида ҳар доим янги кўринишлари пайдо бўлаверади. Riskларнинг умумий классификацияси тўлиқ бўлмасада, уларни умумий жиҳатдан ўрганиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини бир ҳаёт деб тушунишимиз мумкин. Бу ҳаётда риск жуда катта аҳамиятни касб этади, агарда қимматли қоғозлар бозорида иккита брокер ишласа, иккаласи ҳам бир-биридан хавфсирайди. Бу бозорда ҳам то балоғат ёшига етмаган боладан тортиб ёшини яшаб бўлган киши ҳаётидаги riskли вазиятлар каби бўлади.

Riskни бошқариш имкониятлари ва методлари бўйича riskлар очиқ ваёпиқ турларга бўлинади. Очиқ riskлар бошқарувни талаб этмайди. Ёпиқ riskлар эса, диверсификация сиёсатини амалга ошириш йўли билан бошқарилиб туради, яъни ташкилот жами операциялари ҳажми кўплаб миқдордаги майдакредитларга тақсимланади; депозит сертификатлари чиқарилади; кредитвадепозитлар суғурта қилинади; актив ва passивларни бошқаришда ўйлаб, эҳтиёткорлик билан иш олиб борилади. Фаолият натижасига таъсири бўйича riskсоф ва спекулятив (сунъий) бўлади. Соф riskлар доимо йўқотишларга олиб келса, спекулятив riskлар банкка қўшимча даромад ҳам олиб келишимумкин [2].

Бизнингча, молия бозоридаги riskларни бошқариш, уларни олдини олишнинг асосий босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкин:



### 1-расм. Рискларни бошқариш босқичлари

Кўришиб турибдики, рискларни бошқариш олти босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич дарис комили аниқланади, яъни риск сабабини ва лойиҳага таъсир қила оладиган воқеа ёки вазиятлар аниқланади. Шунинг эътиборига олиш лозимки, рискларини бошқаришда уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш натижаларига асосланиб, бошқариш усуллари танланади.

Молиявий рискларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, уларни баҳолаш орқали кўрилиши мумкин бўлган оқибатларини бартараф этиш ёқиминималлаштиришга қаратилган қафолатли суғурта хизматлари тизимида юзага келадиган иқтисодий муносабатларнинг назарий-амалий жиҳатларидан бу борада орттирилган миллий ва халқаро тажрибалар тадқиқига асосланиб, кўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди, яъни “Молиявий риск” мазмунан мавжуд назариялар ва тизимли ёндашувасида янада аниқлаштирилиши замирида у бир вақтнинг ўзида ҳам зараркелтирувчи ҳам ижобий ҳодиса сифатида қаралиши, пировардида қафолатдан қутулган даражадаги фойдани олмаслик ёхуд уни йўқотиш (зараркўриш)нинг омили ҳисобланиши, мазкур риск - бу миқдорини ўлчаш мумкин бўлган ноаниқлик сифатида талқин этилиши мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Junkes M.B., Tereso A.P., P.S. Afonso L.P. The Importance of Risk Assessment in the Context of Investment Project Management: A Case Study // Conference on Enterprise Information Systems / International Conference on Project Management / Conference on Health and Social Care Information Systems and Technologies, CENTERIS / ProjMAN / HCist 2015 October 7-9, 2015. (902-910 pages).

2. Панова Г.С. Анализ финансового состояния организации. - М.: Финансы и статистика, 1996.

## КОРХОНА АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Боронов Б.Ф.**, доцент в.б.,

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Ўзбекистон

**Абдурасулов Ж.А.**, магистратура талабаси

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада активлар ҳисобининг долзарб масалалари, активларнинг корхона ресурслари сифатидаги роли, активларга доир ахборотларни халқаро стандартларга мувофиқ равишда молиявий ҳисоботларда акс эттириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** корхона активлари, корхона ресурслари, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы учета активов, роль активов как ресурсов предприятия, представление информации об активах в финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами.

**Ключевые слова:** активы предприятия, ресурсы предприятия, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета.

**Abstract:** The article covers current issues of accounting for assets, the role of assets as enterprise resources, the presentation of information on financial assets in the financial statements in accordance with international standards.

**Key words:** assets of the enterprise, financial reporting, international financial reporting standards, national accounting standards.


Бугунги кунда Республикамизда катта иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда, иқтисодий соҳасига бозор меҳназимлари ва молиявий ресурслари жорий этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) жорий қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори [1] тасдиқланди. Шу сабабли, МҲХСларни тан олиш, уларни жорий қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Корхона активларини тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологияси етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, бу соҳада корхона активлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) га мувофиқ “активлар – бу субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир (38.1-банд); активлар – бу хўжалик субъектининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкдир (39-банд)” [2].

Демак, корхона активлари корxonанинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашадиган ҳамда самара келтирадиган асосий ресурслардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда, Республикамизда корхона активларининг корхона ресурслари сифатидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Корхоналарда мавжуд бўлган ресурсларнинг ҳажми ва таркиби унинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этади. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни қанчалик юқори бўлса, унда қатнашадиган ресурслар таркиби ҳам шунчалик кўп бўлади.

Активлар корxonанинг асосий ресурсларидан ҳисобланиб, уларнинг корхона фаолиятидаги таъсирини турли иқтисодий жараёнларда кўриш мумкин. Корхона активларини муддати, ресурс турлари ва моддийлигига кўра ажратадиган бўлсак, уларни ўз навбатида 1-расм орқали ифодалашимиз мумкин бўлади. Демак, активлар корxonанинг ресурсларидаги таркиби бўйича қуйидагича бўлинади:

- муддатига кўра – узоқ ва қиска муддатли ресурслар;
- ресурс турларига кўра – меҳнат ва иқтисодий ресурслар;
- моддийлигига кўра – моддий ва номоддий ресурслар.



**1-расм. Корхона активларининг ресурслар таркибидаги қатнашиш жараёни<sup>1</sup>**

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, активлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятида иштирок этадиган асосий ресурсларидан ҳисобланиб, улар иқтисодий жараёнларнинг турли босқичида қатнашади.

Ҳозирги иқтисодиётнинг изчил ривожланиш даврида, корхоналар фаолиятидаги асосий ишлаб чиқариш омилларидан бирига айланиб бўлган корхона ресурсларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган активлар таркибида молиявий активлар пайдо бўла бошлади. Ушбу активлар бошқа активлар каби корхона фаолиятида узоқ ва қисқа муддатда айланишда бўлганлиги билан ўхшайди, аммо молиявий натижаларга таъсир кўрсатиши билан фарқ қилади, чунки улар корхона фаолиятида доим айланишда бўлиб, даромад олишга сабабчи бўлади ва корхона молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда корхона активларини тан олиш, уларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид стандартлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд бўлиб, мамлакатимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ислохотлар дастурларида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда корхона активлари ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича куйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олган ҳолда корхона активлари ҳисобининг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштириш;
- БҲМСларида халқаро стандартларда қўлланиладиган корхона активларига оид стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;
- МҲХСлари талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона активларини тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг янги методологиясини тузиш;
- хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида корхоналар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар бўйича ташкил этишлари учун бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларнинг малакасини ошириб бориш.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар корхона активлари таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштиришга ёрдам беради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда кўмаклашади. Корхона активларининг назарий ҳамда концептуал асосларини такомиллаштириш ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади ва ахборот фойдаланувчилар учун корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш самарадорлигини оширади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

<sup>1</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



2. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилган. 475-сон. <http://lex.uz/docs/828557>.

3. 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” стандарти. <https://www.ifrs.org/ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/>; [www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/](http://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/).

4. 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” стандарти. <https://nrm.uz/contentf?doc=470852> (ifrs) 9 finansovye instrumenty.

## ЛИЗИНГГА ОЛУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

*Латипова Ш. М.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада лизингга олувчининг фаолиятини кўп омилли баҳолаш орқали таҳлил қилиш ва унинг кредитга лаёқатлилиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Лизинг бозорида лизингга олувчилар фаолиятини комплекс молиявий баҳолаш бўйича хорижий тажриба ўрганилган ва миллий лизинг бозорида уни қўллаш бўйича илмий таклифлар бериб ўтилган.

**Таянч нушунчалар:** молиявий таҳлил, рентабеллик, ликвидлилик, рейтинг кўрсаткичлар, рейтинг баҳолаш, балл баҳоси, Фишберн схемаси.

**Аннотация.** Особое внимание в статье уделяется оценке результатов деятельности лизингополучателя через многофакторную оценку его кредитоспособности. Изучен зарубежный опыт комплексной финансовой оценки деятельности лизингополучателей на лизинговом рынке и даны научные рекомендации по его применению на национальном лизинговом рынке.

**Ключевые слова:** финансовый анализ, прибыльность, ликвидность, рейтинговые показатели, рейтинговая оценка, балльные оценки, схема Фишберна.

**Abstract.** Particular attention is paid to the assessment of the results of the lessee's activities through a multifactor assessment of his creditworthiness. The foreign experience of complex financial assessment of lessees' activities in the leasing market has been studied and scientific recommendations for its application in the national leasing market have been given.

**Keywords:** financial analysis, profitability, liquidity, rating indicators, rating score, scores, Fishburne scheme.

Лизингга олувчининг тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслиги билан боғлиқ кредит риси лизинг компанияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли лойиҳани баҳолашда лизингга олувчининг молиявий ҳолати асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабли маълум бир молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда лизингга олувчи фаолиятини молиявий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Миллий иқтисодиётимизда ана шундай кўрсаткичлар (мезонлар) сифатида куйидагилардан фойдаланилади:

- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти - Тқк;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - Ўқк;
- активларнинг ва харажатларнинг рентабеллилик коэффициенти - Арқ, Хрқ;

Яқуний қарорга келиш учун куйидаги қўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

- ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларнинг нисбат коэффициенти - Ўқк;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти - Қфк;
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти - Авқ.

Бунда молиявий таҳлил этилиши лозим бўлган корхона, яъни лизингга олувчилар куйидаги кўрсаткичлар орқали танлаб олинади:

- пуллик мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича уларни тўлаш кунидан уч ойдан ортиқ муддати ўтган кредиторлик қарзларининг мавжудлиги;
- корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги, яъни қисқа муддатли қарзларини жорий активлари билан қоплай олмаслиги;
- паст рентабеллилик ёки зарарлилик.

Лизингга олувчининг молиявий ҳолатини баҳолашда кенг қўлланиладиган усулларни таққослаш натижасида шундай хулосага келиндикки, халқаро амалиётда баҳолаш талабларига энг кўп жавоб берадиган усул сифатида чекланган эксперт баҳоли рейтинг модели эътиборга молик.

Ушбу усул эксперт томонидан киритилиши мумкин бўлган тузатишларга асосланиб кредит рейтингини аниқлашдан иборат. Кредит рейтинги маълум бир миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олган формула орқали аниқланади. Қоида бўйича, фақатгина миқдор кўрсаткичлари қўлланилади, сифат кўрсаткичлари эса миқдор кўрсаткичларига келтирилган ва стандартлаштирилган бўлгандагина қўлланилади. Лекин қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг классик рейтинг моделида лизинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва лизинг компаниясининг rischi эътиборга олинмаслиги туфайли, лизинг лойиҳасини баҳолашнинг классик рейтинг моделини баҳолашнинг кўп омилли комплекс моделига ўзгартиришга ҳаракат қиламиз (1-чизмага қаралсин).



**1-чизма. Лизинг лойиҳасини баҳолашнинг кўп омилли комплекс услубиёти [1]**

Ушбу методиканинг асосий элементлари сифатида “Лизингга олувчи тоифаси”, “Лизинг объекти тоифаси”, “Лизинг лойиҳаси тоифаси”, чекловлар рўйхати ёки стоп-омиллар ҳамда олинган кўрсаткичлар асосида таклифлар ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнини тартибга солувчи намунавий жараёни келтириб ўтиш мумкин.

Чекланган эксперт баҳоли рейтинг моделини ишлаб чиқиш эксперт мулоҳазаси ва статистик таҳлил асосида амалга ошириладиган босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқичда рейтингни аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар аниқланади. Иккинчи босқичда эса улуши солиштирма оғирликда ўз аксини топган ва якуний рейтинг кўрсаткичига таъсир қилувчи ҳар бир кўрсаткич ёки унинг улуши аниқланади. Учинчи босқичда эса ҳар бир кўрсаткич баҳоланади ва якуний рейтинг кўрсаткич аниқланади.

Рейтинг моделларидан фойдаланишда бир қатор муаммолар юзага келади. Ана шундай асосий муаммолардан бири сифатида турли кўрсаткичларни бир-бирига боғлаш ва қарама-қаршилигини бартараф этишни келтиришимиз мумкин. Аммо якуний рейтинг кўрсаткичини аниқлашда мажбурий тартибда фойдаланиладиган қатъий белгиланган ёки тавсия этилган кўрсаткичлар мавжуд эмас. Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини аниқлашда фойдаланиладиган бир қатор молиявий кўрсаткич (коэффициент)лар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг ҳам ягона рўйхати мавжуд эмас.

Молиявий ҳолатни таҳлил қилишда тавсия этилган молиявий коэффициентлар миқдори жуда ҳам кўп бўлиши мумкин. Шунга қарамай, диққат билан танланган молиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини тўлиқ ёритиши кераклиги сабабли улар рейтинг баҳолаш методологиясини ишлаб чиқишнинг асосий босқичларидан ҳисобланади ва кўрсаткичларни танлашда хатоликка йўл қўйиш рейтинг баҳосининг бузилишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг мақсади улар молиявий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот олиш (тасаввурга эга бўлиш) учун талаб этиладиган кўрсаткичлар миқдори ва жамланмасини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Бунда энг муҳим кўрсаткичлар сифатида таҳлил қилиниши мажбурий бўлган кўрсаткичларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Халқаро амалиётда лизингга олувчини молиявий баҳолаш мақсадида 2-жадвалда келтирилган коэффицентлар танлаб олинган.

2-жадвал

Халқаро амалиётда молиявий баҳолашда қўлланиладиган коэффицентлар [1]

№	Коэффицентнинг номланиши	Ҳисоблаш формуласи
1	Умумий ликвидлик коэффиценти $K_1$	$K_1 = \frac{(A_1 + \frac{1}{2}A_2 + \frac{1}{3}A_3)}{(П_1 + \frac{1}{2}П_2 + \frac{1}{3}П_3)}$ $A_1, A_2, A_3$ – сотилиши бўйича корхона активларининг турлари, $П_1, П_2, П_3$ – қопланиш муддати бўйича корхона мажбуриятлари
2	Қоплаш коэффиценти $K_2$	$K_2 = \frac{\text{Айланма маблағлар (баланс 390 сатр)}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар (баланс 600 сатр)}}$
3	Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	$K_3 = \frac{\text{Жорий активлар (баланс 480 сатр)}}{\text{Ўз маблағлари манбалари (баланс жами 400 сатр)}}$
4	Автономлик коэффиценти (молиявий мустақиллик)	$K_4 = \frac{\text{Хусусий капитал (баланс 480 сатр)}}{\text{Корхона жами мулки (баланс жами 400 сатр)}}$
5	Сотув рентабеллиги коэффиценти	$K_5 = \frac{\text{Асосий фаолиятнинг фойдаси (2-шакл 100 сатр)}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум (2-шакл 010 с)}}$
6	Фаолиятнинг умумий рентабеллиги коэффиценти	$K_6 = \frac{\text{Соф фойда (2-шакл 270 с)}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум (2-шакл 010 с)}}$
7	Тушумнинг ўсиши	$K_7 = \left( \frac{\text{Жорий даврда тушум миқдори}}{\text{Ўтган даврда тушум миқдори}} \right) * \frac{1}{n} - 1$

Лизингга берувчи томонидан потенциал лизингга олувчини танлашда нафақат юқоридаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар, балки уларга қўшимча сифатида молиявий барқарорлик, ишчанлик, рентабеллик, молиявий левеерж каби кўрсаткичларнинг таҳлилини ҳам амалга ошириш талаб этилади.

Молиявий кўрсаткичларнинг моҳиятини ёритишда юқорида келтирилган қайси кўрсаткичлар меъёрий ёки танқидий эканлиги бўйича ягона тавсиялар ва чекловлар мавжуд эмас. А.М.Тавасиевнинг фикрига кўра, АҚШ ва Европа давлатларида кўрсаткичларнинг моҳиятини ёритишда ушбу кўрсаткичларни хўжалик юритувчи субъектларнинг олдинги кўрсаткичлари билан ҳамда субъект тегишли бўлган тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш тавсия этилади [2]. Аммо ушбу тавсияни барча мамлакатлар иқтисодиётида қўллашнинг имконияти мавжуд эмас. Бунга асосий сабаб сифатида доимий равишда ҳуқуқий база (солиқ бўйича қонунчилик, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш, бошқа меъёрий ҳужжатлар)нинг ўзгариши, инфляция таъсири, шунингдек, дастлабки кўрсаткичларнинг йўқлигини мисол қилиб олишимиз мумкин. Меъёрий тармоқ кўрсаткичлари мавжуд бўлмаганлиги туфайли таҳлил қилинаётган корхонанинг кўрсаткичларини тармоқ кўрсаткичлари билан таққослаш ҳам жуда мураккаб бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли кўрсаткичларнинг чегаравий миқдорлари мамлакат қонунчилиги асосида ишлаб чиқилади. Юқорида қайд этилган етита молиявий кўрсаткичларга балл баҳоларини белгилаш мақсадида куйидаги ораликлардан фойдаланилади (4-жадвал).

4-жадвал

Молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашдаги молиявий кўрсаткичларнинг балли баҳоси [1]

Кўрсаткич	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл
$K_1$	$\geq 1$	[0,75; 1)	[0,5; 0,75)	$< 0,5$
$K_2$	$\geq 1,5$	[1,3; 1,5)	[1; 1,3)	$< 1$

K <sub>3</sub>	≥0,1	[0; 0,1)	[-0,1; 0)	<-0,1
K <sub>4</sub>	≥0,5	[0,3; 0,5)	[0,1; 0,3)	<0,1
K <sub>5</sub>	≥0,1	[0,05; 0,1)	[0; 0,05)	<0
K <sub>6</sub>	≥0,05	[0,03; 0,05)	[0; 0,03)	<0
K <sub>7</sub>	≥0,1	[0,05; 0,1)	[0; 0,05)	<0

Якуний рейтинг кўрсаткичида ҳар бир кўрсаткичнинг улуши лизинг компаниясининг кредит сиёсати, таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Кўрсаткичларнинг улушини аниқлашда уларнинг йиғиндиси бирга тенг бўлиши кераклигидан келиб чиқилади. Ҳар бир молиявий кўрсаткич учун Фишберн схемаси асосида уларнинг улушлари аниқланади ва натижалар жадвал кўринишида тақдим этилади (5-жадвал).

5-жадвал

**“Молиявий ҳолат”ни рейтинг баҳолашда кўрсаткичларнинг улуши [1]**

Молиявий кўрсаткич	Кўрсаткичнинг улуши
K <sub>1</sub>	0,17
K <sub>2</sub>	0,33
K <sub>3</sub>	0,11
K <sub>4</sub>	0,06
K <sub>5</sub>	0,13
K <sub>6</sub>	0,07
K <sub>7</sub>	0,13

Якуний кўрсаткични аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$K_{\text{якун}} = \sum_1^n K_n * \omega_n [1],$$

Бу ерда:

K<sub>n</sub> – n-чи кўрсаткичнинг балл баҳоси;

ω<sub>n</sub> – n-чи кўрсаткичнинг улуши.

Кредит муассасалари, хусусан лизинг компаниялари рейтингни аниқлашгандан сўнг қарздор (лизингга олувчи)ларни маълум бир шкалалар бўйича даражаларга ажратиш талаб этилади. Базель қўмитасининг баҳолашига асосан, кредитга лаёқатлилиқни баҳолашда ўртача 8 тадан 11 тагача турли шкалалардан фойдаланилади [3]. Бу шкалалар сони кредит муассасаси (лизинг компанияси) томонидан ўзининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва кредит рейтингини бериш мақсадида мустақил белгиланади. Кичик кредит муассасалари (ёки лизинг компаниялари) томонидан кредит портфелининг сифатини прогнозлаш учун кам сонли шкалалардан фойдаланилади. Рейтинг шкалалари сони кредит рейтинги асосида рентабеллик ва кредит риси даражасини аниқлайдиган тижорат банклари (лизинг компаниялари) томонидан оширилади. Шунга қарамай, шкалалар сонини ҳаддан ташқари ошириш амалий жиҳатдан кўрсаткичлар орасидаги фарқни тенглашишига олиб келади.

Шу сабабли, шкалалар сонини молиявий кўрсаткичларни балл асосида баҳолаш миқдорига тенг миқдорда белгилаш лозим. Рейтинг кўрсаткичларининг оралиғи ва чегарасини уларни аниқлаш методикасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб белгилаб олиш лозим. Баҳолаш мезони сифатида 1 балл олинади, яъни кўрсаткич қанчалик юқори бўлса молиявий ҳолат шунчалик паст бўлади. Агар барча кўрсаткичлар энг юқори натижани қайд этса, унда якуний рейтинг кўрсаткичи 1 га тенг бўлади. Қоида бўйича, энг юқори баҳога унинг энг юқори абсолют қиймати тўғри келади, лекин таққослаш учун аниқ бўлган асосдан бошлаш мақсадга мувофиқ (6-жадвал).

6-жадвал

**Молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашга оид шкалалар [1]**

Шкала	Якуний кўрсаткич моҳияти	Молиявий ҳолат
1	[1; 1,3]	Аъло
2	(1,3; 2]	Яхши
3	(2; 2,6]	Қониқарли
4	> 2,6	Қониқарсиз

Хулоса сифатида айтиш лозимки, Ўзбекистон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса лизингга олувчилар молиявий ҳолатини комплекс ўрганиш амалиётига жуда кам ҳоллардагина мурожаат қилинади. Бирорта манбада лизингга олувчи хўжалик юритувчи субъектлар маълумотлари асосидаги реал таҳлилий маълумотларни деярли учратмаймиз. Бундан ташқари, қонунчилигимизда ҳам молиявий кўрсаткичларни аниқлашда хориж амалиётидан фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Хусусан, кўрсаткичларнинг турлича номланишида, таркибланишида, аниқланиш тартибларидаги фарқли жиҳатлар шулар жумласидан. Шу сабабли, лизингга олувчини танлашда қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз:

- чоп этиладиган манбаларда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларида маълумотлар молиявий ҳисоботларнинг айнан қайси шакли ва сатрларидан олинганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Шу йўл билангина уларнинг аниқлигини ва бир хиллигини таъминлаш мумкин;

- лизингга олувчилар фаолиятини комплекс молиявий таҳлил қилиш мақсадида Фишберн схемасига таяниб ишлаб чиқилган рейтинг баҳолашдан фойдаланиш, кўрсаткичларнинг якуний натижадаги улуши орқали хулоса чиқариш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Багрецова Н.В. Многофакторная финансовая оценка лизингового проекта на основе анализа финансового состояния: автореф... дис. кан. экон. наук. – М.: 2013. – 36 с.

2. Банковское дело. Управление и технологии: учеб. для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / Под ред. проф. А. М. Тавасиева. – Москва: 2-е изд. Перераб. И доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 671 с.

3. Богатырева М.М. Оценка кредитоспособности заемщика в контексте новых требований Базельского комитета // Экономический вестник Ростовского государственного университета. №4, том 5., 2007 г.

<https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-kreditosposobnosti-zaemshchika-v-kontekste-novyh-trebovaniy-bazelskogo-komiteta>

## **БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Эрназаров Н.Э., ассистент,**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада бюджетлараро муносабатлар механизмини такомиллаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлашни ривожланишига бағишланган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилди ва бюджетлараро муносабатларнинг механизмини такомиллаштириш қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** бюджет, бюджетлараро муносабат, бюджет жараёни, субвенсия, трансферт, солиқ, даромад, механизм, муаммо, лойиҳа.

**Аннотация:** Статья посвящена совершенствованию механизма межбюджетных отношений и развитию финансового обеспечения, в первую очередь, актуальности темы, научным взглядам зарубежных и отечественных ученых в этой области и разработке научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию механизма межбюджетных отношений.

**Ключевые слова:** бюджет, межбюджетные отношения, бюджетный процесс, субсидия, трансфер, налог, доход, механизм, проблема, проект.

**Abstract:** The article is devoted to improving the mechanism of interbudgetary relations and the development of financial support, first of all, the relevance of the topic, the scientific views of foreign and domestic scientists in this area and the development of scientific proposals and practical recommendations for improving the mechanism of interbudgetary relations.

**Key words:** budget, inter-budgetary relations, budget process, subsidy, transfer, tax, income, mechanism, problem, project.

Республикамизда турли бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш йўллари, усуллари ҳамда қайта тақсимлашнинг амалга ошириш мезонлари, шунингдек, турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланган.

Давлат бюджети маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, турли даражадаги бюджетлар даромадларини шакллантириш ва харажатларини молиялаштиришда уларнинг

ваколатларини аниқ ажратиш муҳимдир. Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетларга доир чекланишларни инобатга олган ҳолда, бюджет тизимини бошқариш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларини мақсадли тарзда оқилона сарфлашда бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мунтазам равишда такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган Бюджет кодексининг 3-моддаси бюджетлараро муносабатлар тўғрисида тўхталиб ўтилган. Бунда, бюджетлараро трансфертлар — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган мабларлардир [1].

Давлат бюджет ва маблағларининг турли даражадаги бюджетлар ўртасида қандай йўллар билан қайта тақсимланиши, харажатларнинг молиялаштириш тартиби йўналишлари ва бошқалар батафсил ёритиб ўтилган. Бюджетларни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар пайдо бўлади. Шунингдек тасдиқланган бюджетларнинг бажарилиши жараёнида ҳам бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар пайдо бўлиши мумкин. Бюджетларни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида, моддий-техника базасининг бир хил бўлмаганлиги учун бюджетларнинг айримларида даромадлари режалаштирилаётган харажатдан ортиқ бўлса, бошқалари эса режалаштирилаётган харажатлари суммаси режалаштирилаётган бюджет даромадларидан ошиб кетган ҳолатларда ўзаро ҳисоб-китоблар керак бўлади.

Бизнинг фикримизча, бюджетлараро муносабатлар — Ўзбекистон Республикаси республика бюджет ва маҳаллий бюджетларини ўртасида бюджет жараёнида содир бўладиган молиявий муносабатлар мажмуидир.

Давлат бюджет ва маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

- юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва ўтказиб бериладиган даромадни ажратиш бериш;
- бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш;
- бюджет ссудалари ажратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетларига назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

Бюджет давлат учун зарур бўлган молия ресурслари миқдорини акс эттиради ва шунга қараб мамлакатдаги солиқ сиёсати белгиланади. Бюджет маблағларининг сарф этилиши, миллий даромадни ва ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашдаги аниқ йўналишларни акс эттиради ва натижада у иқтисодиётнинг самарали дастаги бўлиш имкониятларига эга бўлади. Бюджет хилма-хил муносабатларга дахлдор категориядир. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқ. Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини таъминлаш воситаларидан бири ҳамда иқтисодий ва ижтимоий сиёсат ўтказишнинг муҳим унсури тарзида фойдаланади.

Бюджет - иқтисодиётга, ишлаб чиқариш жараёнига, хўжалик ҳаётига давлат томонидан таъсир ўтказувчи воситадир. У давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади, ҳамда давлат томонидан ижтимоий соҳаларни бошқариш учун фойдаланилади.

Бюджет тизимининг бўғинлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бюджетлараро муносабатлар механизми орқали ташкил қилинади. Бюджетлараро муносабатлар бу бюджет тизимининг бир

поғонасидан иккинчи поғонасига бюджет маблағларининг кўчирилишидир. Давлат бюджети маблағларининг турли поғонадаги бюджетлар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

1. Тартибга солувчи даромадлари;
2. Бюджет дотациялари;
3. Бюджет ссудалари;
4. Бюджет субвенциялари;

Умумдавлат аҳамиятидаги солиқлар ва бошқа даромадларни тақсимлашда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

1. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси;
2. Минтақада давлат инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмаларни молиялаштириш;
3. Маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлашда ўз даромадларининг етишмаслиги.

Бюджетлараро алоқалар қуйидаги тамойиллар асосида йўлга қўйилади:

- ўзаро жавобгарлик;
- барча бюджетларни тўлдиришнинг ягона усулини қўллаш;
- ҳудудлар даромадини тенглаштириш;
- бюджетлар ўртасидаги молиявий муносабатларни максимал даражада қисқартириш;
- маҳаллий бюджетларни ҳукумат қарори асосида тўлдириб бориш;
- маҳаллий ҳокимиятларни ўзларининг бюджетлар даромадини оширишига қизиқишини

кучайтириш;

Бюджетлараро муносабатлар ошкоралигини таъминлаш. Бюджетларни тузиш ва тасдиқлаш жараёнида, моддий-техника базасининг бир хил бўлмаганлиги учун бюджетларнинг айримларида даромадлари режалаштирилаётган харажатдан ортиқ бўлса, бошқалари эса режалаштирилаётган харажатлари суммаси режалаштирилаётган бюджет даромадларидан ошиб кетган ҳолатларда ўзаро ҳисоб-китоблар керак бўлади.

Бюджет тасдиқлангандан сўнг давлат ва маҳаллий солиқлар ва даромадлар тўғрисида, маъмурий-худудий бўлинишдаги, ташкилотларнинг бўйсунлишидаги ўзгаришлар, турли хилдаги бўйсунлишдаги қурилиш объектлари ўртасида капитал қўйилмалар лимитларини қайтадан тақсимлашдаги ўзгаришлар бўйича янги қонунлар қабул қилиниши натижасида алоҳида олинган бюджетларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бажариладиган операциялар ҳисобга олинди[2-3].

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва самарали бошқарувига эришиш ҳамда даромадларни оширишда маҳаллий бюджетлар даромадларини тенглаштиришга эътибор қаратиш лозим.

- маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатиладиган вазифаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида бюджет бўғинлар ўртасида фойда солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиғининг муайян улушларда тақсимланишини жорий этиш лозим.

- бюджетлараро муносабатларни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишда саноат ишлаб чиқаришини ошириш ҳисобига солиқ солинадиган базани кенгайтиришни йўлга қўйиш зарур.

- давлат бюджетини тўлдиришдаги фискал функциясидан ва иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, соҳа ёки тармоқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган жамғармаларга мажбурий йиғимларни йўналтириш ва харид қилинган маҳсулотларга тегишли акциз солиғини чегириш амалиётининг бекор қилиниши маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. -Т.: “Adolat”, 2014 й. 296 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Эрназаров Н.Э., ассистент,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган бюджет тушунчаси мазмун-моҳиятини ёритиш, марказлашган пул фондиди ташкил этиши ва улардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий категориялар ўрганилган.

**Калим сўзлар:** бюджет, газна, молиялаштириш, маҳаллий бюджет, республика бюджет, пул маблағ, даромад, харажат.

**Abstract:** The article examines the economic categories associated with the creation and use of a centralized monetary fund, reveals the essence of the budget concept, which allows the state to fulfill its tasks and functions, to implement its economic and social policy.

**Keywords:** budget, treasury, financing, local budget, republican budget, money, income, expenses.

**Аннотация.** В статье исследуются экономические категории, связанные с созданием и использованием централизованного денежного фонда, раскрывается сущность концепции бюджета, которая позволяет государству выполнять свои задачи и функции, реализовывать свою экономическую и социальную политику.

**Ключевые слова:** бюджет, казна, финансирование, местный бюджет, республиканский бюджет, деньги, доходы, расходы.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш кенг, маълум воситалар-молия, кредит, солиқ валюта сиёсати ёрдамида амалга оширилади. Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг яшаш салоҳиятини айниқса устивор тармоқларни қўллаб-қувватлаши шарт, бунда у уларга нархларни тартибга солиш, имтиёзли солиқ солишни қўллаш ва ҳоказолар йўли билан реал ёрдам кўрсатади.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция йўналтириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган ижтимоий вазифаларни бажариш, давлатни бошқариш, муҳофафани таъминлаш каби аниқ, мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари Давлат бюджетини орқали молиялаштирилади.

Бюджет “Газна” деган маънони билдириб, бу давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вазифалари ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларини тўплаш ва сарфлаш шаклидир[1].

Бюджетнинг расмий равишда ўрнатилиши XVIII асрнинг 2-ярмида Франциядаги буржуа революциясидан кейин амалга оширилган. XIX асрнинг 2-ярмида Европа мамлакатларида бюджет категориясидан фойдаланила бошланди. Бюджет сўзи газна маъносини билдирар экан, унинг моҳияти ҳам давлатнинг қўлида марказлаштирилган пул жамғармаларининг ташкил этилиши ва давлатнинг сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар юзасидан пул муносабатларини билдиради. Давлат бюджетини молия тизими ҳамда давлат молия бўғинининг асосий қисмидир.

Давлат бюджетини - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштарилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджетини, унинг даромад ва харажатлари жамиятнинг иқтисодий категориялари билан чамбарчас боғлиқ. Давлат бюджетини орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиши зарурати туфайли келиб чиқади.

Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамиат миёёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади[2].

**Давлат бюджетининг асосий тушунчаси** — давлат пул маблағларининг (шу жумладан



давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджети асосан, давлат мақсадли жамғармалари, республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

**Республика бюджети дейилганда** - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Маҳаллий бюджет дейилганда** - Давлат бюджетининг тегишли вилоятлар, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Умуман, **бюджет инглизча сўз булиб**, давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган кириш чиким, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди.

Иқтисодий адабиётларда «бюджет» категориясига турли иқтисодчи олимлар томонидан ўзига хос таърифлар келтирилганини кўриш мумкин. Масалан, О.Г. Бежаев мазкур атамага қуйидаги таъриф беради: «Бюджет ҳуқуқий категория сифатида - бу давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари функцияларини таъминлаш учун тайинланган пул маблағларини шакллантириш ва сарф қилишнинг қонун билан ўрнатилган шакли, иқтисодий категория сифатида эса - молиявий режадир» [3]

Ушбу таърифда «бюджет» атамасига муносиб таъриф берилган бўлса- да, лекин уни молиявий режа сифатида талқин қилишда мазкур режанинг муайян муддатга асосланишини қатъий кўрсатиб ўтиш зарур эди, деб ҳисоблаймиз. Чунки, таърифда ҳуқуқий категория сифатида қонуний тартиб асосида кучга киритиш билан ўз моҳиятини очишига ҳамда, ҳақиқатан ҳам, бюджетининг (давлат бюджетининг) ҳар йили қонун асосида қабул қилинишини эътиборга олсак, юқоридаги билдирилган эътирозимиз ўринли эканлиги ўз тасдиғини топади.

Шунингдек В.В. Бочаров, В.Е. Леонтьевларнинг «Корпоративне финанс»1 номли ўқув қўлланмаларида мазкур атамага берилган таърифда ўзига юритувга жиҳатларни кузатиш мумкин: «Бюджет - корпорациянинг жорий, инвестицион ва молиявий фаолияти бўйича харажатлар ва маблағлар туркумини акс эттирувчи, одатда, бир йилгача тузиладиган тезкор молиявий режа» [4].

Мазкур таъриф, асосан, микродаражада, яъни хўжалик субъекти фаолияти доирасига хосроқ бўлиб, унда ҳар бир фаолият турларига алоҳида урғу берилган, шунингдек, энг аввало, харажатлар, сўнгра, пул тушумлари юз бериш ҳолатига таянилган, ҳамда бир йиллик муддатдан ошмайдиган бизнес- режани ифода этиб юборади.

Берилган ушбу таъриф корхона миқёсида берилган таъриф, деб эътириф этилишига асос бўла олади ва шу жиҳатдан уни тури, дея қабул қилиш мумкин. Бироқ давлат ёки маҳаллий ҳокимият бюджетлари учун муносиб таъриф бўла олмайди.

Маҳаллий ёки хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан «бюджет» атамасига берилган таърифлар талқинини кўплаб келтириш мумкин[5]. Бироқ ҳозирги кунда улар томонидан олиб борилган илмий-назарий ва бошқа тадқиқотларига асослаб берилган фикрларга асосланиб, бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатъий назар, унга уч жиҳатдан ёндошиш мумкинлигини умумий тарзда хулоса қилиш мумкин ва уни:

- иқтисодий категория сифатида;
- моддий маънода;
- ҳуқуқий категория сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз.

**Иқтисодий категория** сифатида бюджет турли бюджет фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш пайтида юзага келувчи ва рўёбга чиқувчи иқтисодий муносабатлардир.

**Моддий маънода бюджет** — тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий

таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади,

**Хуқуқий категория** сифатида **бюджет** тегишли худуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда молиявий эркинлигини кучайтириш мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кундаги молиявий сиёсатни тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади, унинг шаффофлигини таъминлайди, бу эса, шубҳасиз, бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида худудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А.Воҳобов, З.Срождидинова Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети. Т-2002й
2. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. -2 изд. М.: Дело ЛТД, 2001.-264 с.
3. Бежаев О.Г. Межбюджетные отношения: теория и практика реформирования. М.: «Экзамен», 2001., с. 8.
4. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. «Корпоративные финансы». Санкт-Петербург: «Питер», 2004., с. 463.
5. Врублёвская О.В., Романовский М.В. Бюджетная система Российской Федерации. М: Юрайт, 2000. с. 78.

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ФОРМИРОВАНИЯ И ИСПОЛНЕНИЯ СРЕДСТВ БЮДЖЕТА НА СОЦИАЛЬНЫЕ НУЖДЫ НАСЕЛЕНИЯ**

*Эрназаров Н.Э., ассистент,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитуту, Ўзбекистан*

*Турсунов Б., студент магистратуры,*

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Ўзбекистан*

**Аннотация.** *Статья посвящена характеристике целей социальных нужд населения и формирования доходных источников бюджета. В ней особенно отмечено то, что эффективное функционирование местного самоуправления возможно при условии соответствия источников делегируемым обязательствам.*

**Ключевые слова:** *доходы местных бюджетов, финансовая дисциплина, стабилизация доходной базы бюджетов.*

**Abstract:** *The article is devoted to the characteristics of the goals of the social needs of the population and the formation of income sources of the budget. It especially notes that the effective functioning of local self-government is possible, provided that the sources correspond to the delegated obligations.*

**Keywords:** *revenues of local budgets, financial discipline, stabilization of the revenue base of budgets.*

**Аннотация.** *Maqola aholining ijtimoiy ehtiyojlari va byudjetning daromad manbalarini shakllantirish maqsadlarining xususiyatlariga bag'ishlangan. Ayniqsa, manbalar topshirilgan majburiyatlarga mos kelishi sharti bilan mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlarining samarali ishlashi mumkinligi ta'kidlanga*

**Калит сўзлар:** *mahalliy byudjet daromadlari, moliyaviy intizom, byudjet daromadlari bazasini barqarorlashtirish.*

В 2021 году и в среднесрочной перспективе необходимо осуществить действия по следующим направлениям. При осуществлении государственных закупок необходимо обеспечить снижение расходов за счет исключения практики необоснованного завышения цен, особенно когда подобное происходит в таких чувствительных сферах, как закупки для нужд обороны, закупки лекарств, строительство и реконструкция автомобильных дорог. Это означает не что иное, как резкое сокращение ресурсов на обеспечение обороноспособности страны и развитие транспортной инфраструктуры, а так же лишение лекарств нуждающихся в них граждан.

Целесообразно рассмотреть возможность применения современных способов реализации проектов капитального строительства в отдельных сферах, предусматривающих ответственность

исполнителей за все стадии их осуществления, а так же за последующую эксплуатацию объектов.

### **1. Совершенствование местного бюджетного контроля.**

Должны быть кардинально изменены подходы к осуществлению местного контроля. Его содержание должно состоять не только в фиксации факта выделения и расходования средств, но и в подтверждении достижения эффекта, на который рассчитывали при принятии решений об их выдаче.

Необходимо четко разграничить полномочия и ответственность органов власти и местного контроля, установить параллелизм и дублирование в их работе.

### **2. Повышение эффективности использования ресурсов в государственном секторе.**

Нужно создать стимулы для повышения эффективности использования трудовых и материальных ресурсов в государственном секторе экономики, включая бюджетную сферу.

Необходимо на практике обеспечить внедрение государственных заданий на оказание государственных услуг и их оплату по реальным результатам, создать стимулы для ориентации государственных учреждений на запросы потребителей, в том числе за счет внедрения новых систем оплаты труда, привязанных к реальным результатам работы.

Необходимо создать стимулы для государственных учреждений к обеспечению экономии материальных ресурсов, используемых для оказания государственных услуг. В частности, следует продумать вопрос о сохранении в их распоряжении, в рамках бюджетных процедур, сэкономленных средств по оплате коммунальных услуг.

Публично – правовые образования должны обеспечивать соблюдение общих требований по энергоэффективности в приоритетном порядке.

Целесообразно рассмотреть возможность перевода значительной части бюджетных учреждений со сметного принципа финансирования на формирование государственных заданий с обеспечением финансирования за счет субсидий, в том числе на основе преобразования бюджетных учреждений в автономные учреждения.

### **3. Совершенствование механизмов оказания государственной помощи организациям.**

Государственная помощь организациям должна представлять собой механизм рефинансирования долговых обязательств, а не переход на государственное финансирование. Необходимо замещение, где это возможно, механизмов прямого бюджетного финансирования увеличения уставных капиталов организаций с рыночными инструментами привлечения денежных средств.

Требуется совершенствование механизмов предоставления государственных гарантий по кредитам, привлекаемым организациями на осуществление основной производственной деятельности капитальных вложений и на удовлетворения социальных нужд населения.

Предполагается рассмотреть возможность перехода начиная с 2025 года к программной структуре бюджета с одновременной корректировкой классификации расходов.

В ее основу могут быть положены долгосрочные целевые программы. При этом в долгосрочных целевых программах могут предусматриваться и другие, кроме бюджетных, инструменты достижения заданных целей: правовое регулирование, проведение структурных реформ, контроль, использование имущества, меры налоговой, таможенной и тарифной политики.

Совершенствование в рамках нового формата бюджета различных инструментов программно – целевого планирования целевых составляющих программ, приоритетных национальных проектов, проектов основных направлений деятельности Правительства, а так же создание и комплексной контрактной системы, обеспечивающей соответствие показателей и итогов выполнения государственных контрактов первоначально заложенным в них параметрам и утвержденным показателям бюджета, - все это позволит более четко определить приоритеты, цели и результаты использования бюджетных средств, установить индикаторы, характеризующие их достижения, организовать на постоянной основе мониторинг эффективности бюджетных расходов в частности социальных расходов.

## ФОРМИРОВАНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫПУСКНИКОВ ВУЗОВ

Узакова В.С., докторант PhD

Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятия «конкурентоспособный выпускник» и «конкурентоориентированный выпускник». Проблемы высшего образования по формированию конкурентоспособного студента. Приведены рекомендации по повышению конкурентоориентированности студента в вузе. Разработана модель конкурентоспособного выпускника вуза.

**Ключевые слова:** Конкурентоспособность студента, конкурентоориентированность студента, система высшего образования, модель конкурентоспособного выпускника.

**Abstract:** This article discusses the identifications of a “competitive graduate” and a “competitive-oriented graduate”. Problems of higher education in the formation of a competitive student. Given the recommendations for improving the student's competitiveness at the universities. A model of a competitive university graduate has been developed.

**Keywords:** Competitiveness of students, competitive-oriented students, higher education system, competitive graduate model.

**Аннотация:** Ушбу мақолада "рақобатбардош битирувчи" ва "рақобатбардошликка йўналтирилган битирувчи" тушунчалари муҳокама қилинади. Рақобатбардош талабани шакллантиришида олий таълим муаммолари музокара қилинган. Университетда талабанинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган. Рақобатбардош университет битирувчиси модел ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** Талабаларнинг рақобатбардошлиги, рақобатбардошликка йўналтирилган битирувчи, олий таълим тизими, рақобатбардош битирувчилар модели.

В настоящее время спрос на молодых специалистов на рынке труда вступает в противоречие с традиционно сложившейся их подготовкой. С одной стороны, в компаниях, фирмах и предприятиях имеется дефицит в высококвалифицированных кадрах – профессионалах своего дела. С другой стороны, выпускники высших учебных заведений не могут трудоустроиться из-за несоответствия их требованиям работодателей. Предприятия, фирмы, учреждения и организации устанавливают требования к своим будущим работникам с позиций профессиональных и должностных обязанностей, определяют условия будущей трудовой деятельности выпускников.

На рынке труда выпускники вузов выступают продавцами, а работодатели покупателями рабочей силы. Требования, предъявляемые работодателями к выпускнику, являются механизмом формирования конкурентоспособности будущих специалистов. Проблема обеспечения конкурентоспособности выпускника вуза одна из актуальнейших на сегодняшний день. Наряду с проблемами трудоустройства выпускников и высокой конкуренции между молодыми соискателями рабочих мест существует проблема дефицита квалифицированных кадров. Работодатели, испытывающие потребности в кадрах, отмечают, что найти хорошего специалиста непросто.

В связи с этим перед высшим образованием стоит актуальная задача-повысить качество подготовки специалистов и обеспечение конкурентоспособности выпускников. В Узбекистане была принята Концепция «Развития системы высшего образования до 2030 года» [1]: В целях определения приоритетных направлений системного реформирования высшего образования, поднятия на качественно новый уровень процесса подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров с современными знаниями и высокими духовно-нравственными качествами, модернизации высшего образования, развития социальной сферы и отраслей экономики на основе передовых образовательных технологий. В этой Концепции были подчеркнуты проблемы по подготовке высококвалифицированных кадров в Узбекистане:

➤ неэффективно налажена работа по подготовке кадров в сотрудничестве между высшими образовательными учреждениями и заказчиками кадров, недостаточно участие работодателей в формировании содержания высшего образования;

➤ не сформированы навыки критического мышления, самостоятельного поиска информации и анализа у студентов;

➤ неэффективно организованы практические занятия на производственных предприятиях, квалификационный уровень подготавливаемых специалистов недостаточно соответствует современным требованиям рынка труда.

Изучение опыта высшего образования в зарубежных странах показывает, современным подходом к решению проблемы трудоустройства выпускника вуза является повышение их конкурентоспособности на рынке труда. Анализ исследований зарубежных авторов (Резник, С.Д., Черниковская, М.В., Сочилова, А.А. Шилова, М.И., Белых, И.Л.) показал, что для того, чтобы повысить конкурентоспособность выпускников на рынке труда необходимо содействовать их конкурентоориентированность в вузе, что в дальнейшем способствует формированию конкурентоспособных специалистов. ВУЗ играет важную роль на конкурентоориентированность студента, так как студенты приобретают навыки конкурентоориентированности в процессе обучения.

Анализ вышеуказанных исследований позволил нам выделить понятия, «конкурентоспособный выпускник» и «конкурентоориентированный выпускник» которые, являются разными терминами, и отличаются друг от друга. По мнению авторов С.Д.Резника, М.В. Черниковской и А.А.Сочиловой понятие «конкурентоориентированность студента» отличается от понятия «конкурентоспособность студента», прежде всего, тем, что оно представляет собой результат комплексного влияния на объект конкурентоориентирования со стороны внешней среды» [3].

Конкурентоориентированность студента, комплексное воздействие на его личность ряда факторов, таких как вуз, родители и его окружающая среда, а также его умение использовать все знания, навыки и способности которые он приобрёл на протяжении всего учебного процесса при успешном трудоустройстве, что способствует формированию его конкурентоспособности на рынке труда.

Изучив зарубежный опыт подготовки кадров в системе высшего образования, мы пришли к выводу, что для того, чтобы формировать конкурентоориентированность студента необходимо внести изменения в традиционную систему образования, которая базируется на теоретических основах знаний, и фокусироваться больше на практические знания. Для решения данной задачи необходимо установить более тесное сотрудничество с заказчиками-потребителями кадров и привлекать их в учебный процесс с ранних курсов. Необходимо что бы учебные программы соответствовали требованиям работодателей.

Руководители и работодатели предприятий и организаций при приеме на работу специалиста обращают внимание на профессионализм, как на главный определяющий критерий [4]. Но у молодого специалиста профессионализма не бывает сразу по окончанию вуза, следовательно, им не стоит полагаться на их конкурентоспособность. Работодатель будет обращать внимания на его конкурентоориентированность. Если молодой специалист конкурентоориентирован, то он сможет выполнить свои задачи и устоять перед условиями работодателя с имеющими знаниями и навыками. Набирая опыта в своей сфере, молодой специалист трансформируется в конкурентоспособного специалиста. Очень важным является способность и умение самому находить знания.

На основе вышеуказанного строиться модель конкурентоспособного выпускника (см.: рис.1.)




Рис.1. Модель конкурентоспособного выпускника

По мнению В.И.Андреева базовой основой качеств, определяющих конкурентоспособность выпускника, является его способность к саморазвитию. Становление человека как конкурентной личности будет способствовать переход образования в самообразование, воспитание - в саморазвитие, а развитие- в творческую самореализацию личности [2].

Более того конкурентоспособность выпускников вузов также определяется и конкурентоспособностью самого вуза, так как в данном случае вуз является производителем товара. Однако конкурентоспособность учебного заведения, по мнению авторов М.И.Шиловой и И.Л.Белых является «более пролонгированной характеристикой, и качество конкурентоспособности выпускников обеспечивает ему престижность в течение длительного времени» [5].

Изучение теоретических основ формирования конкурентоспособности выпускника мы пришли к выводу, что вуз должен решить следующие задачи:

- Начиная с ранних курсов формировать у студента качества, которые определяют его конкурентоориентированность;
- Привлечение работодателей в учебный процесс и обеспечить их участия начиная с формирования учебных программ до проведения занятий и их участие в государственной аттестации выпускников.
- Создать благоприятную атмосферу и конкурентную среду для саморазвития и самообразования студентов для формирования конкурентоспособных навыков и способностей.

В вышеназванных исследованиях подробно изучены и анализированы требования работодателей к подготовке выпускников по повышению уровня их конкурентоориентированности. Таким образом, для развития этих качеств в период обучения необходимо в вузе создать условия для формирования нижеследующих знаний, умений и качеств.

➤ Уровень владения информационными технологиями – это один из важных критериев при приеме на работу, так как мы живем в мире, где цифровизация идёт ускоренным процессом. Молодой специалист должен быть достаточно компетентным в этой области, что бы быстро усвоить необходимые программные обеспечения, с которыми будет сталкиваться в трудовом процессе.

➤ Владение навыками саморазвития и самообразования – являются основными требованиями работодателей поэтому студент не должен ограничиваться теми материалами, которые ему будут преподносить преподаватели вуза. Он должен быть в постоянном поиске чего-то нового. Учить языки, стремиться получить новые знания и развивать свою память.

➤ Формирование лидерских качеств – эти качества человека, которые начинают, проявляться еще со школьных времен. Студент должен быть целеустремлённым и инициативным для того, чтобы повести за собой группу, уметь работать в команде, находить компромисс в конфликтных ситуациях. Уметь придумывать новые проекты и воплощать их в реальность, доводить до конца начатую работу и достигнуть успеха.

➤ Мотивированность — это одно из самых важных качеств каждого человека для того, чтобы достигнуть успеха в любом деле. Если человек достаточно мотивирован для решения какой-либо задачи, то насколько ему трудно бы не приходилось он достигнет своей цели. И не имеет значение сколько раз ему потребуется начинать все заново.

➤ Повышение собственной привлекательности: культура, этикет общения и поведения. Привлекательность является одним из важнейших факторов обеспечения личной конкурентоспособности студента. В соответствии с этим студенту нужно руководствоваться следующими рекомендациями: иметь привлекательный внешний вид, одеваться добротно и аккуратно, не допускать неряшливости; помнить о том, что по его внешнему виду судят и о качестве работы, об уровне его организации [3].

➤ Предприимчивость и умение рисковать — это одно из свойств лидерских качеств это умение проявить свою инициативу и принимать решение в трудных ситуациях самостоятельно, чётко анализировать ситуацию и уметь вовремя рисковать.

На основе вышеизложенного можно дать следующее определение понятия «Конкурентоспособный выпускник»: Конкурентоспособный выпускник – это конкурентоориентированная личность, которая обладает всеми необходимыми качествами и навыками, а также обладающий энтузиазмом работать над непрерывным самообразованием, компетентный, с умением самостоятельно принимать решение, в разных ситуациях используя базу знаний и с высокими планами по карьерному пути.

Современные работодатели заинтересованы к специалисту, который способен принять решение сам и решать проблемы, возникающие на рабочем месте, готовым к постоянному самообучению и самосовершенствованию. Предложенные в данной статье задачи для высших учебных заведений могут способствовать повышению уровня конкурентоориентированности студентов, что приведёт к их конкурентоспособности на рынке труда. Конкурентоспособные молодые кадры - не только успех отдельной организации или фирм, но и всего государства в целом.

#### **Список использованной литературы:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» №УП-5847 от 08.10.2019.
2. Андреев, В.И. Конкурентология. Учебный курс для творческого саморазвития конкурентоспособности / В.И. Андреев. – Казань: Центр инновационных технологий, 2013. – 468 с.
3. Резник, С.Д., Черниковская, М.В., Соколова, А.А. Конкурентоориентированность и конкурентоспособность выпускника вуза: опыт, перспективы научного поиска. // Проблемы современной экономики, 2013. - №3 (47). – С. 399-402.
4. Резник, С. Д., Соколова, А. А. Работодатели и студенты: о путях формирования конкурентоспособности студенчества. Университетское управление: практика и анализ, 2010. – №3. – С. 70-77
5. Шилова, М. И., Белых, И. Л. Формирование конкурентоспособности выпускника вуза // Вестник Томского государственного педагогического университета, 2010. – №4.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Ҳасанов Т.А., PhD, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси*

**Аннотация.** Мақолада уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш йўналишлари, жумладан, соҳани ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадларини шакллантириш, оператив тарзда амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва назорат қилишнинг асосий жиҳатлари ёритилган ва асосланган.

**Калим сўзлар:** уй-жой коммунал хўжалиги, узоқ муддатли мақсадлар, ривожлантириш дастурлари, баҳолаш мезонлари, иқтисодий ривожланиш.

**Аннотация.** В данной статье автором были описаны и обоснованы основные аспекты управления жилищно-коммунальным хозяйством, включая формирование долгосрочные цели и развития отрасли, разработку, оценку и мониторинг практических мероприятий по их оперативной реализации.

**Ключевые слова:** жилищно-коммунальное хозяйство, долгосрочные цели, программы развития, критерии оценки, экономическое развитие.

**Abstract.** In this article, the author described and substantiated the main aspects of housing and communal sphere management, including the formation of long-term goals and the industry development, assessment and monitoring of practical measures for their operational implementation.

**Keywords:** housing and communal sphere, long-term goals, development programs, assessment criteria, economic development.

Маълумки, ҳар қандай тизимни такомиллаштиришнинг асосий тамойили – бу вазифаларнинг устуворлиги ва кетма-кетлигининг тизимлаштирилган стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилганлиги ҳамда мақсадли кўрсаткич ва мезонлар орқали вазифаларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини таъмишлашдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан ҳам уй-жой

коммунал хўжалигини ҳам ривожлантириш учун комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадини амалга ошириш, аввало, муайян ҳудуд аҳолиси учун қулай яшаш муҳитини яратиш, уй-жой инфратузилмасини модернизация қилиш, соҳага кичик бизнесни жалб қилиш учун қулай иқтисодий шароитларни яратиш ҳамда соҳа бошқаруви сифатини яхшилашга қаратилади. Ўз навбатида, бундан кўзланган асосий стратегик мақсад – соҳани ривожлантириш орқали ҳудуд аҳолисининг турмуш сифатини яхшилашдан иборат.

Ривожланиш дастурларини амалга ошириш ҳудуддаги уй-жой комплексини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида шаклланади.

Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш дастурини амалга ошириш тизимли равишда стратегик кичик мақсадларга эришиш орқали амалга оширилади:

- уй-жой комплексининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратиш;

- уй-жой комплексининг муҳандислик, коммунал ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш;

- ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилаш;

- уй-жой коммунал хўжалигини узоқ муддатли ривожлантириш учун қулай шароитларни шакллантириш;

- уй-жой коммунал хўжалиги комплексининг маъмурий бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

- маҳаллий харажатларни доимий равишда молиялаштириш, жумладан уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш учун шароит яратиш.

Аҳолини талаб даражасида сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан таъминлаш, хизматларни модернизация қилиш ҳудуддаги ижтимоий иқлимни яхшилашнинг муҳим таркибий қисмидир. Хусусан, ҳудуд уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш йўналишлари сифатида куйидаги чора-тадбирлар белгилаш мумкин:

- ✚ ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйларни капитал таъмирлаш, яъни уй-жой фондининг эскириш даражасини пасайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва тегишли бошқарув ташкилотлари инвестициялари доирасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- ✚ уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларни қулай уй-жой билан таъминлаш, яъни кўп қаватли уй-жой қурилишини ривожлантириш, эскирган уй-жой фондини тугатиш ёки эскирган фондни камайтириш лозим.

Жумладан, ушбу муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал этиш учун аҳолини уй-жой фондидан кўчириш, шунингдек уй-жой коммунал хўжалигининг муҳандислик-коммунал инфратузилмасини (электр, иссиқлик, сув таъминоти ва оқова сувларни тозалаш) комплекс равишда модернизация қилишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий мақсадли дастур ишлаб чиқилади. Бунда, ўз навбатида, қуйидагилар инобатга олинади:

- аҳоли ва корхоналарни уй-жой коммунал хўжалигининг ишончли ва сифатли коммунал хизматлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш;

- уй-жой коммунал инфратузилмаси тармоқлари ва иншоотларини қуриш ва қурилиш ҳажмини ва нархларини аниқлаш;

- уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмасини ҳудуд, уй-жой ва саноат қурилишини ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатларини ишлаб чиқиш;

- истеъмолчиларга коммунал хизматларнинг мавжудлиги ва уй-жой биноларидаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган тарифларини ишлаб чиқиш;

- коммунал инфратузилмасини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, жумладан, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги ривожланиш прогнози ҳамда иссиқлик энергиясининг истиқболли истеъмолини ўз ичига олган ҳудудни иссиқлик билан таъминлашнинг тахминий схемасини ишлаб чиқиш;

- уй-жой коммунал хўжалиги мажмуасининг иссиқлик манбаларининг иссиқлик қуввати ва иссиқлик юқининг истиқболли баланслари;

- иссиқлик таъминоти ишончилигини баҳолаш;



- қурилиш, реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга инвестицияларни жалб қилиш ва ҳоказо.

Уй-жойкоммунал хўжалиги учун истиқболли сув таъминоти ва канализация схемасини ишлаб чиқиш, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳоли ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ичимлик суви таъминоти тизимларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва мақсадларини ишлаб чиқиш;

- ҳар хил ривожланиш сценарийларини ҳисобга олган ҳолда ичимлик ва техник сув истеъмолнинг прогнозларини ҳисоблаш;

- унга кафолат берувчи ташкилот мақомини бериш учун ичимлик сувини таъминлайдиган ва сув таъминоти тармоқларидан фойдаланадиган ташкилотни танлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Ўрта муддатли истиқболда муайян ҳудуднинг уй-жой коммунал хўжалигининг муҳандислик-коммунал инфратузилмасини комплекс модернизация қилиш доирасида қуйидагиларни режалаштириш мумкин:

- уй-жой коммунал хўжалиги мажмуаси бинолари ва иншоотлари томонидан иссиқлик энергиясини истеъмол қилишни автоматлаштириш;

- уй-жой коммунал хўжалиги мажмуасини иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қувурларни ва ускуналарни, тарқатиш қувурларини иссиқлик изоляцияси;

- уй-жой коммунал хўжалиги комплекси биноларининг иссиқ сув таъминоти тизимларида айланиш тизимларини тиклаш;

- биноларда гидравлик созлаш, тарқатиш иситиш тизимлари ва кўтаргичларни автоматик тарзда бошқаришни йўлга қўйиш.

Уй-жой коммунал хўжалигининг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ривожлантиришга, жумладан, иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш учун хусусий сармояларни жалб қилиш:

- ички ва жалб қилинган молиялаштириш манбалари ҳисобига уй-жойкоммунал мажмуасининг коммунал инфратузилмаси тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш;

- коммунал активларни капиталлаштириш ва уй-жой комплекси инфратузилмасининг инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Уй-жойкоммунал хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлашни таъминлаш учун инсон ресурсларини (кадрлар заҳираси) ривожлантириш, жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳудуд маъмурияти буюртмаси амалиётини жорий этиш. Бунда уй-жой коммунал хўжалиги мутахассислари учун ихтисослаштирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва замонавий йўналишларни аниқлаш кўзда тутилади.

Уй-жой коммунал хўжалиги бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш ва белгиланган вазифаларни бажариш учун бир қатор тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан,

Уй-жой коммунал хўжалиги ҳудудий маъмурияти тузилмасини оптималлаштириш:

- уй-жойкоммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги маъмуриятларнинг таркибий бўлинмаларининг функцияларини аниқлаштириш;

- уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ коммунал хизматчилар сонини оптималлаштириш, идоралараро ўзаро таъсир самарадорлигини ошириш.

Коррупциянинг олдини олиш механизмини такомиллаштириш, уй-жой коммунал соҳасидаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳал қилиш:

- уй-жой коммунал хўжалиги бошқаруви таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарларини эгаллаб турган шахслар, уларнинг турмуш ўртоқлари ва вояга этмаган болалари томонидан тақдим этилган даромадлар ва харажатлар, мулкый характердаги мол-мулк ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларнинг текширилишини таъминлаш;

- уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида коррупциянинг олдини олиш механизмини такомиллаштириш, соҳадаги манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Уй-жой коммунал хўжалиги комплексининг штат таркибини такомиллаштириш, жумладан, кадрлар захирасини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш билан шуғулланадиган раҳбар ходимларни сертификатлаш:

- уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш билан шуғулланиши мумкин бўлган ходимларни махсус ўқувларда ўқитиш ва сертификатлашни таъминлаш;

- коммунал хизматдаги вакансия учун малакавий талабларга жавоб берадиган шахслар иштирокида коммунал хизматдаги бўш лавозимларни тўлдириш учун очиқ танловлар ўтказиш;

- уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш билан шуғулланаётган, аттестациядан муваффақиятли ўтган ва хизмат натижаларига кўра кадрлар захирасига киритиш учун тавсия этилган ходимларни кадрлар захирасига киритилишини таъминлаш.

Коммунал хизматчиларнинг ўз вазифаларини самарали бажариш учун раҳбатлантиришни ошириш, уй-жойкоммунал хизматини бошқариш соҳасида корпоратив маданиятни шакллантириш:

- уй-жойкоммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар ўртасидатурли йўналишларда танловлар ўтказиш;

- уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси ходимлари учун давлат мукофотларини таъсис этиш.

Уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш:

- уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган корхона ва ташкилотлар Интернетда расмий электрон ресурсларни шакллантириш;

- маҳаллий аҳоли пунктлари ва уй-жойкоммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг расмий веб-сайтида маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг соҳадаги фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уй-жойкоммунал хўжалиги бошқарувини ривожлантишда вазифаларнинг устуворлиги ва кетма-кетлигининг тизимлаштирилган стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилганлиги ҳамда мақсадли кўрсаткич ва мезонлар орқали вазифаларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини таъмишлаш лозим. Шунингдек, соҳани ривожлантириш учун комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш, жумладан, узоқ муддатли мақсадини амалга ошириш ҳудуд аҳолиси учун фаровон яшаш муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни жалб қилиш билан бирга, қулай иқтисодий шароитларни яратади ҳамда соҳа бошқаруви сифатини яхшилаш ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 48-сон қарори. 2019 йил 18 январь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ларин С.Н. Модернизация сферы жилищно-коммунального хозяйства на основе внедрения инновационных подходов в управление и повышение эффективности воспроизводства жилищного фонда // Нац. интересы: приоритеты и безопасность. - 2013. - N 8. - 36-47.

3. Чанышев И.Р. Экономическое содержание жилищно-коммунального комплекса в условиях его реформирования // Нац. интересы: приоритеты и безопасность. - 2014. - N 44. - С.20-29.

4. Глазырин М. О создании системы комплексного развития муниципального образования // Экономист. 2014. N3. С.79-84.

5. Khasanov T.A. Improvement of the Housing Fund Management in Uzbekistan. International Journal of Advance Study and Research Work. Published by ALBOREAD (OPC) PVT/ LTD. 2020. - P. 144-147.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФОЙДАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АҲАМИЯТИ

*Усмонов П.Ш., ассистент,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Ходжимамедов А.А., ассистент,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фойдаси мазмун-моҳияти, уни шакллантириш аҳамияти, таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилган. Шунингдек, ишда тижорат банклари фойдасини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** тижорат банки, рақамли иқтисодиёт, рақамли банк, фойда, соф фойда, даромад, харажат.

**Аннотация.** В статье рассматривается сущность прибыли коммерческих банков, важность их формирования и анализ факторов влияния в контексте цифровой экономики. А также приводятся выводы и рекомендации по увеличению прибыли коммерческих банков.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, цифровая экономика, цифровой банкинг, прибыль, чистая прибыль, расход.

**Abstract.** The article discusses the essence of profit of commercial banks, the importance of their formation and analysis of influence factors in the context of the digital economy. It also provides conclusions and recommendations on increasing the profit of commercial banks.

**Keywords:** commercial bank, digital economy, digital banking, profit, net profit, profit, expense.

Тижорат банклари молия бозорида марказий ўринда туради. Айнан тижорат банклари орқали юридик шахслар ва аҳолига турли молиявий хизматлар кўрсатилади. Шу боисдан банк тизимига нисбатан ишончли шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузаларида банк тизимини ривожлантиришни муҳим масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар. “Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим... 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” [1].

Маълумки, фойда бозор иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банклари фаолиятида қаердаки молиявий муносабатлар олиб борилмасин, у ерда фойдани шакллантириш ҳақида фикрлар илгари сурилади. Тижорат банкларида ҳар бир операцияни амалга оширишнинг сабаби бу фойда олишга бориб тақалади.

Иқтисодчи олим Ш.Абдуллаева тижорат банклари фойдаси тижорат банклари фаолиятининг якуний натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткич эканлигини таъкидлайди [2]. Тижорат банклари фойдаси ёки фаолиятини зарар билан яқунлаган бўлса – зарар, ушбу ҳисобот даврида (ой, чорак, йил) барча даромадларидан харажат ҳамда солиқ ва тўловларни чиқариб ташлангандан қолган суммани ташкил этади.

Тижорат банкларининг жорий йил соф фойдаси улар капиталининг нисбатан барқарор манбаи ҳисобланади. Фикримизча, айтилган тижорат банклари кўшимча капитали таркибига киритиб келинаётган жорий йил соф фойдасини тижорат банкларининг асосий капитали таркибига киритиш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Чунки банкнинг жорий йил соф фойдаси барқарор молиялаштириш ҳисобланади ва у барча мажбурий тўловлар амалга ошириб бўлингандан сўнг вужудга келади.

В заключение отметим, что возможность создать и практически реализовать страхование риска может стать одним из важнейших их конкурентных преимуществ. Такой страховой компании обеспечено хорошее будущее и постоянный рост ее доходности, что отвечает ее стратегическим целям. Поэтому в условиях постоянного дефицита инвестиционных ресурсов руководителям предприятий необходимо осознать важность организации и внедрения систем страхования инвестиционной безопасности предприятий.

**Список использованных источников:**

1. Закон «О страховой деятельности» от 5 апреля 2002 г., № 358-II

2. Сербиновский Б.Ю. Страховое дело: курс лекций / Б.Ю.Сербиновский, В.Н.Гарькуша.- Ростов н/Д: ЮФУ, 2010.- 387 с.
3. Шахов В.В. Страхование: учеб. для вузов / В.В.Шахов.- М.: ЮНИТИ, 2003.- 311 с.
4. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: учебное пособие / Н.Б.Грищенко.- Барнаул: Изд-во Алт. Ун-та, 2001.- 274 с.

## **ОПТИМИЗАЦИЯ ОПЕРАЦИЙ ПАССИВНОГО ПЕРЕСТРАХОВАНИЯ. МНОГОФАКТОРНЫЕ МОДЕЛИ ОПРЕДЕЛЕНИЯ РАЗМЕРА ПЕРЕСТРАХОВАНИЯ**

*Хамраев М.С. докторант Phd, Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*  
*Саидкулов Ж., студент магистратуры,*  
*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*  
*Научный руководитель: проф. Зайналов Ж.Р.*

**Аннотация:** В статье рассматриваются операции перестрахования, которые осуществляют вторичное распределение риска, благодаря которому происходит количественное и качественное выравнивание страхового портфеля, так как деятельность страховых организаций строится на основе закона. Этот закон означает, что при достаточно общих условиях действие большого числа случайных факторов приводит к такому результату, который практически не зависит от случая.

**Ключевые слова:** страхование, перестрахование, страховые компании, финансовый инструмент, страховой договор, страховщик, договор, страховая сумма.

**Аннотация:** Мақолада таваккалчиликнинг иккинчи даражали тақсимотини амалга оширадиган қайта сугурталаш операциялари муҳокама қилинади, шу сабабли сугурта портфелининг миқдорий ва сифат даражасида даражаси мавжуд, чунки сугурта ташиқотлари фаолияти қонунга асосланади. Ушбу қонун шуни англатадики, жуда умумий шароитларда кўп миқдордаги тасодифий омиллар ҳаракати шидан деярли мустақил бўлган натижага олиб келади.

**Калим сузи:** сугурта, қайта сугурталаш, сугурта компаниялари, молиявий восита, сугурта шартномаси, сугурталовчи, шартнома, сугурта суммаси.

**Abstract:** The article discusses reinsurance operations that carry out secondary risk distribution, due to which there is a quantitative and qualitative leveling of the insurance portfolio, since the activities of insurance organizations are based on the law. This law means that under fairly general conditions, the action of a large number of random factors leads to a result that is practically independent of the case.

**Key words:** insurance, reinsurance, insurance companies, financial instrument, insurance contract, insurer, contract, sum insured.

Сегодня Республика Узбекистан стоит перед необходимостью серьезной, достаточно гибкой корректировки операций, связанных с перестрахованием как одного из видов страховой деятельности. Страховые компании Республики стоят перед выбором новых ориентиров современных способов мышления в рамках оптимизации операций пассивного перестрахования.

Перестрахование означает перераспределение между страховыми организациями созданного первичного страхового фонда [1, с. 198]. В процессе операций перестрахования осуществляется вторичное распределение риска, благодаря которому происходит количественное и качественное выравнивание страхового портфеля, так как деятельность страховых организаций строится на основе закона больших чисел. Этот закон означает, что при достаточно общих условиях действие большого числа случайных факторов приводит к такому результату, который практически не зависит от случая. Обоснованная передача рисков в перестрахование способствует практической реализации данного закона. Одновременно при создании сбалансированного страхового портфеля обеспечивается финансовая стабильность страховщика и повышается рентабельность страховых операций.

Согласно нормативных правовых документов Республики Узбекистан, регулирующих страховую деятельность, перестрахование – страхование одним страховщиком (перестрахователем) на определенных в договоре условиях риска выполнения части своих обязательств у другого страховщика (перестраховщика) [2; 3]. Иными словами, это страхование риска выполнения своих обязательств [4]. В современной экономической литературе наиболее часто перестрахование рассматривают как систему экономических (финансовых, договорных) отношений, в соответствии с которой страховщик, принимая на страхование риски, часть ответственности по ним (с учетом своих финансовых возможностей), передает на согласованных

условиях другим страховщикам или как страхование принятого перестрахователем риска у перестраховщика [7].

Страховые организации могут проводить перестрахование как один из видов страховой деятельности, а также использовать его как финансовый инструмент. В первом случае речь идет о принятии риска в перестрахование (активное перестрахование), что требует наличия лицензии, во втором – о передаче риска в перестрахование (пассивное перестрахование), что необходимо для поддержания финансовой устойчивости [1].

Различие в методах и способах управления, факторах, оказывающих влияние на страховые операции и операции пассивного перестрахования, обуславливают необходимость определения направлений анализа операций пассивного страхования, учитывающих данную специфику. Поэтому более важным является разработка многофакторных моделей для оптимизации операций пассивного перестрахования. Несмотря на очевидную необходимость перестрахования с точки зрения влияния на финансовые результаты деятельности страховой компании, в нем заключено определенное противоречие: с одной стороны, перестрахование, имея задачей сбалансирование страхового портфеля, защиту его от катастрофических и крупных страховых случаев и т.д., положительно влияет на общие финансовые результаты деятельности передающей компании; с другой – перестрахование связано с передачей перестраховщикам части премии и иногда весьма значительной, и, следовательно, в зависимости от результатов прохождения дела по доле перестраховщиков может ощутимо ухудшить или улучшить финансовые показатели передающей компании в определенном году ( в различные годы результаты перестрахования могут складываться по-разному). Исходя из сказанного, следует сделать вывод, что правильное определение размера перестрахования имеет важное значение для каждой страховой компании [5].

Учитывая специфику деятельности страховых организаций и необходимость выполнения обоснованных нормативных ограничений (показатели оценки финансовой стабильности страховых организаций; норматив ответственности по договору добровольного страхования (сострахования, перестрахования) иного, чем страхование жизни; порядок передачи обязательств перестраховщику и др.), перестраховочные операции являются неотъемлемой частью страховой деятельности.

При проведении операций пассивного перестрахования должны быть реализованы три основных требования:

- качественный отбор рисков для передачи в перестрахование;
- страховая организация (перестрахователь) при формировании прибыли не должна сильно зависеть от операций пассивного перестрахования;
- рентабельность операций пассивного перестрахования.

Рассмотрим первую модель:

$$\frac{\sum V_{\text{перестр. Перестр. Риск}}^{\text{переч.}} / \sum C_{\text{трах. Прем. Риск}}^{\text{перед}} \text{Перестр}}{\frac{\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям.}}}{\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{перестр.}}}} = \left( \frac{\sum V_{\text{перестр. Перестр. Риск}}^{\text{переч.}}}{\sum BV_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям.}}} \times \frac{\sum BC_{\text{ФС трах. Рез. Дог}}^{\text{прям.}}}{\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям.}}} \right) \times \left( \frac{\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям.}}}{\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{перестр.}}} \right) \quad (1)$$

где:  $\sum V_{\text{перестр. Перестр. Риск}}^{\text{переч.}}$  - сумма выплаты, перечисленная перестраховщиком по принятым в перестрахование рискам;  $\sum C_{\text{трах. Прем. Риск}}^{\text{перед}} \text{Перестр.}$  – страховые премии по рискам, переданным в перестрахование;  $\sum BV_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям.}}$  - общая сумма выплаты по договорам прямого страхования (сострахования), перестрахования;  $\sum BC_{\text{ФС трах. Рез. Дог}}^{\text{прям.}}$  - общая сумма сформированных страховых резервов по договорам прямого страхования (сострахования), перестрахования;  $\sum BC_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям.}}$  - страховые премии по договорам прямого страхования (сострахования), перестрахования.

Модель позволяет оценить изменение нормы убыточности рисков, переданных в перестрахование за счет следующих факторов:

- участие перестраховщиков в состоявшихся убытках, выплатах страхового возмещения и страховых сумм ( $\sum V_{\text{перестр. Перестр. Риск}}^{\text{переч.}} / \sum BV_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям.}}$ ). Служит для оценки эффективности перестраховочной защиты путем сопоставления с показателем участия перестраховщиков в

страховой премии. Наилучшим является большее значение показателя; значительное превышение участия перестраховщиков страховой премии над участием в страховых выплатах и состоявшихся убытках свидетельствует о неэффективности перестраховочной защиты, передаче в перестрахование менее рискованных объектов по сравнению с оставленными на собственном удержании [6, с. 194]. С одной стороны, это так, но возможна ситуация, когда были переданы в перестрахование риски с низкой вероятностью наступления страхового события, в отличие от тех, которые были оставлены у перестрахователя, что свидетельствует о некачественном отборе рисков для передачи в перестрахование;

- доля страховых выплат в общей сумме сформированных страховых резервов без учета операций перестрахования  $\left( \frac{\sum \text{БВ}_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}} \right)$ . Обратный показатель коэффициента достаточности страховых резервов (на основании страховых выплат) без учета пассивного перестрахования;

- коэффициент достаточности страховых резервов (на основании страховых взносов) без учета пассивного перестрахования  $\left( \frac{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}} \right)$ , отражает адекватность сформированных страховых резервов рискам, принятым на страхование. Характеризует верхнюю границу страховых резервов (практическая реализация принципа замкнутой раскладки ущерба), т.е. объем страховых резервов не может быть больше объема страховых взносов. Считается, что данный показатель должен быть больше 50% [6, с. 196];

- участие перестраховщиков в страховой премии  $\left( \frac{\sum \text{С}_{\text{трах. Прем. Риск}}^{\text{перед. Перестр.}}}{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}} \right)$  отражает участие перестраховщиков в страховой премии через удельный вес премии, переданной в перестрахование. Оптимальные пределы показателя – от 0,05 до 0,5 [6, с. 194].

Модель характеризует качество отбора рисков в перестрахование. Норма убыточности – это показатель страховой статистики. Его принято применять для анализа нормы убыточности страховых операций. В этом случае оптимальным будет более низкое значение. Применение его для анализа операций пассивного перестрахования позволяет исследовать качество отбора рисков, переданных в перестрахование, значит, оптимальным будет большее значение. Данный показатель логично будет сравнивать с нормой убыточности страховых операций. Более высокое значение нормы убыточности страховых операций по сравнению с нормой убыточности операций пассивного перестрахования будет свидетельствовать о неправильном отборе рисков в перестрахование и (или) неподходящем использовании форм договоров перестрахования.

Принимая решение о передаче рисков в перестрахование, страховщик должен соблюдать рекомендуемый уровень независимости финансового результата по страховой деятельности от операций пассивного перестрахования, так как, согласно действующему законодательству Республики Узбекистан, при передаче рисков в перестрахование ответственным перед страхователем по основному договору страхования за выплату страхового возмещения или страхового обеспечения остается страховщик по этому договору [3]. Для решения данной задачи была построена вторая модель:

$$\frac{\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.} / \sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\frac{\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum \text{С}_{\text{трах. Прем. Риск}}^{\text{перед. Перестр.}}} \times \frac{\sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}} \cdot \frac{\sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum \text{С}_{\text{об. Кап. С}_{\text{трах.}}^{\text{комп.}}} \times \frac{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}{\sum \text{БВ}_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}} \times \frac{\sum \text{БВ}_{\text{вып. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}{\sum \text{БС}_{\text{трах. Прем. Дог}}^{\text{прям. перестр.}}}} \quad (2)$$

где:  $\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.}$  - комиссионное вознаграждение и танъемы по рискам, переданным в перестрахование;  $\sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}$  - прибыль от страховой деятельности;  $\sum \text{С}_{\text{об. Кап. С}_{\text{трах.}}^{\text{комп.}}$  – собственный капитал страховой компании;

$\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.} / \sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}$  - показатель зависимости результата страховой деятельности от доходов по пассивному перестрахованию. Отражает степень участия перестраховщиков в результате деятельности страховой компании, уточняет зависимость эффективности страхования

от перестрахования. Есть наилучшее значение, но с учетом инвестиционной деятельности не больше 0,5 [6, с. 195].

Модель позволяет оценить влияние следующих факторов:

- доли комиссионного вознаграждения и тантьем по рискам, переданным в перестрахование в страховых взносах, переданных в перестрахование  $\left( \frac{\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum C_{\text{страх.Прем.Риск}}^{\text{Перед}} \cdot \text{Перестр.}} \right)$ , служит для определения эффективности перестраховочной защиты с точки зрения покрытия расходов на ведение дела прямого страховщика перестраховочной комиссией. Наилучшим является большее значение данного показателя; данный показатель подлежит сопоставлению с уровнем расходов на ведение дела в целом по страховой деятельности [6, с. 195];

- показателя участия перестраховщиков в страховой премии  $\left( \frac{\sum \text{Пр}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}} \right)$ ;

- рентабельности собственного капитала  $\left( \frac{\sum \text{Пр}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum C_{\text{соб.Кап.С}}^{\text{Комп.}} \cdot \text{Страх.}} \right)$ . Отражает эффективность страховой деятельности по отношению к вложенному (уставному) капиталу и капиталу, сформированному за счет прибыли от страховой деятельности [6, с. 199], т.е. сколько сумов прибыли от страховой деятельности получено на сум собственного капитала;

- уровня покрытия собственными средствами технических резервов без учета пассивного перестрахования  $\left( \frac{\sum C_{\text{соб.Кап.С}}^{\text{Комп.}} \cdot \text{Страх.}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}} \right)$ . Служит для сопоставления свободных от обязательств резервов и связанных резервов, отражает степень покрытия собственными средствами страховых обязательств по видам страхования, иным, чем страхование жизни при возможном неадекватном формировании резервов. Оптимальное значение показателя в экономической литературе – более 0,28 [6, с. 199]. В Рекомендации по анализу финансовой устойчивости страховых организаций данный показатель с учетом операций перестрахования назван коэффициентом достаточности собственного капитала (не менее 0,3). Показатель определяет достаточность (адекватность) собственного капитала (как источника средств выполнения обязательств перед страхователем в случае недостаточности средств страховых резервов) по отношению к объему принятых страховой компанией на себя рисков, выраженных в страховых резервах;

- коэффициента достаточности страховых резервов (на основании страховых выплат) без учета пассивного перестрахования  $\left( \frac{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum \text{БВ}_{\text{вып.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}} \right)$ . Отражает адекватность сформированных страховых резервов рискам, принимаемым на страхование. Определяет нижнюю границу объема страховых обязательств (размер страховых резервов должен покрывать произведенные страховые выплаты);

- нормы убыточности по страховым и перестраховочным операциям  $\left( \frac{\sum \text{БВ}_{\text{вып.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}} \right)$ ,

позволяет сопоставить величину расходов, отражающих обязательства по выплатам страхового возмещения, с величиной полученных страховых взносов. Показатель сопоставляется с усредненной величиной доли нетто-ставке, меньшее значение соответствует меньшей убыточности; отрицательным фактором является значительное превышение доли нетто-ставки над величиной полученного показателя и рост показателя более % в год [6, с. 201].

По пассивному перестрахованию сама деятельность должна быть рентабельной. Рентабельность продаж по операциям пассивного перестрахования можно определить как отношение прибыли от операций пассивного перестрахования к суммам полученного комиссионного вознаграждения и тантьем от этих операций. Для анализа и прогнозирования изменения рентабельности операций пассивного перестрахования за счет факторов была построена третья модель:

$$\sum C_{\text{страх.Прем.Риск}}^{\text{Перед}} \cdot \text{Перестр.} = \frac{\frac{\sum \text{Пр}_{\text{пас.перестр.}}^{\text{оп.}} \times \frac{\sum \text{Пр}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum \text{Пр}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}}{\frac{\sum K_{\text{возн.}}^{\text{Т.Риск}} \cdot \text{Перестр.}}{\sum C_{\text{страх.Прем.Риск}}^{\text{Перед}} \cdot \text{Перестр.}} \times \frac{\sum \text{Страх.Прем.Риск}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог}}^{\text{Прям.}} \cdot \text{Перестр.}}} \cdot \quad (3)$$

где:  $\sum \text{Пр}_{\text{пас.перестр.}}^{\text{оп.}}$  - прибыль от операций пассивного перестрахования.

Модель позволяет оценить влияние на рентабельность операций пассивного перестрахования следующих факторов: доли прибыли от операций пассивного перестрахования в прибыли от страховой деятельности  $\left(\frac{\sum \text{ПР}_{\text{пас.перестр.}}^{\text{оп.}}}{\sum \text{ПР}_{\text{страх.}}}\right)$ ; рентабельности страховой деятельности  $\left(\frac{\sum \text{ПР}_{\text{деят.}}^{\text{страх.}}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог.перестр.}}}\right)$ ; доли комиссионного вознаграждения и тантьем по рискам, переданным в перестрахование  $\left(\frac{\sum \text{К}_{\text{возн.}}^{\text{Т.Р.Риск.Перестр.}}}{\sum \text{С}_{\text{страхПрем.Риск}}^{\text{передПерестр.}}}\right)$ ; показателя участия перестраховщиков в страховой премии  $\left(\frac{\sum \text{С}_{\text{страхПрем.Риск}}^{\text{передПерестр.}}}{\sum \text{БС}_{\text{страх.Прем.Дог.перестр.}}}\right)$ . Наиболее спорные вопросы возникают в части определения размера комиссионного вознаграждения по операциям перестрахования. В Республике Узбекистан максимальный размер вознаграждения, получаемого государственным перестраховщиком по договору о перестраховании, должен составлять не более 4% от размера страхового взноса, получаемого перестраховочной организацией [2]. В международной практике перестрахователь может оставлять у себя до 25% доли перестраховщика в качестве комиссионного вознаграждения. Это объясняется тем, что перестрахователь выступает в качестве посредника и обслуживает договор прямого страхования.

Таким образом, применение данных моделей позволит повысить эффективность операций пассивного страхования с позиции обеспечения сбалансированного страхового портфеля, финансовой устойчивости страховой организации и рентабельности страховых операций путем определения оптимального размера обязательств, размещаемых среди перестраховщиков с учетом действующего законодательства Республики Узбекистан.

#### **Список использованных источников:**

1. Сербиновский Б.Ю. Страховое дело: курс лекций / Б.Ю.Сербиновский, В.Н.Гарькуша.- Ростов н/Д: ЮФУ, 2010.- 387 с.
2. Шахов В.В. Страхование: учеб. для вузов / В.В.Шахов.- М.: ЮНИТИ, 2003.- 311 с.
3. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: учебное пособие / Н.Б.Грищенко.- Барнаул: Изд-во Алт. Ун-та, 2001.- 274 с.

## **ИННОВАЦИЯНИНГ СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

*Хамроев М.С., таянч докторанти,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада ҳозирги кунда инновациялар жамият тараққиётининг асоси эканлиги, янги усуллари ва ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш зарурлиги, инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиши, яратиш ва тарқатиши, янги ташиқилий шаклларни жорий этиш масалаларига диққат қаратилган

**Калим сўзлар:** инновация, модернизациялаш, инновация технологиялар, стратегия, сугурта инфраструктураси

**Аннотация:** В статье делается акцент на том, что сегодня инновации - это основа общественного развития, необходимость внедрения новых методов и технологий производства, разработка, создание и распространение новых видов инновационных технологий, внедрение новых организационных форм.

**Ключевые слова:** инновации, модернизация, инновационные технологии, стратегия, страховая инфраструктура.

**Abstract:** The article focuses on the fact that today innovation is the basis of social development, the need to introduce new methods and technologies of production, the development, creation and distribution of new types of innovative technologies, the introduction of new organizational forms.

**Key words:** innovation, modernization, innovative technologies, strategy, insurance infrastructure.

Ҳозирги кунда инновациялар жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади, шу сабабли илмий-техник тараққиётнинг, шунингдек, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий шарти сифатида инновацион жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш зарурати юзага келади, пировард натижада фаолият юритишнинг янги усуллари ва ишлаб чиқариш



технологиясини жорий этувчи ҳар бир иқтисодий субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлашга эришилади.

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири ҳам иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг учун базавий соҳаларда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янги ва замонавий технологияларни фаол жорий қилиш ва модернизациялашни жадаллаштириш орқали тармоқлар ва ҳудудларда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни таъминлаш, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш лозимдир. Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган кучли демократик давлатни барпо этиш йўлидаги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида кенг қўламли модернизациялашни амалга ошириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишга қаратилган инновацияларни жорий этиш, бунинг учун турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг мазкур жараёнда фаол ва самарали қатнашишини таъминлашга асосланганлиги инновация фаолияти ва уни молиялаштиришни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳамда у бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда республикада тадбиркорлик фаолияти эркинликлари ва қулай муҳитининг яратилганлиги, очиқ рақобат шароити ва юқори иқтисодий манфаатдорликка эришиш имкониятлари тадбиркорларнинг ўз фаолиятини ташкил этиш, кенгайтириш ва ўзгартиришларида инновация лойиҳаларини жорий этишга бўлган интилишларини кучайтирмоқда. Бу эса мамлакатда инновациянинг мазмун-моҳиятини кенгрок ўрганиш, инновация фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштиришга бўлган муносабатларнинг ривожланишига олиб келмоқда. “Инновация” атамаси лотинча “инновато” сўздан олинган бўлиб, янгилаш ва яхшилаш деган маънони англатади. Умумий мазмунда мазкур атама одамлар томонидан, асосан, айни пайтда ва муайян вақтда янги деб қабул қилинган маданиятнинг моддий ёки номоддий қадр-қиммати сифатида тушуниланган. Бунда инновациянинг жорий этилиши янгиликни қўллаш жараёнини билдиради ва янгиликнинг тарқатилишига қабул қилиниши вақтидан бошлаб янги сифат – инновация (янгиликни жорий этиш)га айланади. “Инновация” атамаси бугунги кунда жуда кенг қўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган кизиқишларни янада кучайтирмоқда. Шу сабабдан мазкур атаманинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этган ва очиб берган айрим иқтисодчи-олимларнинг қарашларини ўрганишни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик. Жумладан, рус иқтисодчи олими И.Т.Балабанов нинг фикрига кўра: “инновация – назорат, ҳисоб, режалаштириш усули, таҳлилга қабул қилишнинг янги шакллаларини қамраб олган ҳолда янги техника ва технологияга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқаришни ташкил этишнинг янги шаклига капитал киритишдан олинган моддийлашган натижани ўзида намоён этади” [1]. Шунингдек, А.Б.Борисов инновацияларни қуйидагича таърифлайди: “инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижодий фаолият натижасини англатади” [2]. В.Г.Медынский олиб борган изланишлари асосида қуйидаги хулосага келган: “инновация сифатида олиб борилган илмий-тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янгисининг яратилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” [5]. Рус олимларидан В.В.Глущенко, И.И.Глущенколларнинг мазкур атамага берган таърифлари қуйидагича: “инновация – товарлар, хизматлар ва технологияларнинг фирма даражасидаги ташкилий шаклларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий ва инвестицион фаолият натижаси” [4]. Р.А.Фатхутдинов эса “инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси”, деб баҳолайди [8]. Шунга ўхшаш таъриф В.Л.Попов томонидан ҳам берилган бўлиб, унга кўра: “Инновация – бозорда сотиладиган янги турдаги ёки такомиллашган маҳсулотнинг, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараённинг амалга оширилишини ҳосил қилувчи инновация фаолиятининг якуний натижаси” [6] дейилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар ҳам “инновация” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича катта изланишлар олиб боришган ва ўзларининг замонавий талқиндаги таърифларини ишлаб чиққан. Шулар жумласидан иқтисодчи олимлар Р.И.Гимуш, Ф.М.Матмуродовлар томонидан инновация деганда “янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим”, дея таъриф берилган [3].

Жаҳон банки томонидан мазкур атама мазмунига берилган таърифда ҳам ўзига хосликни кўриш мумкин: “инновация – технологияларни англатади ёки ушбу жамиятда амалиётда қандайдир янги нарса қўлланилишини англатади” [9]. Инновациялар у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва ҳоказо) фойдаланишни англатар экан, мос равишда инновациялар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа турларга тақсимланади. Инновациялар дунёси инсон фаолияти соҳалари каби ранг-баранг ва турли-туман кўринишга эга. Инновацияларнинг қудрати жамият турмуш-тарзи, саломатлигини ҳимоялаш, илмий салоҳиятини оширишда катта имкониятларни тақдим этади, шу муносабат билан инновациялардан кенг ва самарали фойдаланиш Ўзбекистон учун бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади

Замонавий ривожланиш ва рақобат шароитида суғурта ташкилотининг мақсади тезкорлик билан бозор конъюнктурасига жавоб бериш, салоҳиятли суғурталанувчиларнинг суғурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини англаш ва уларни сифатли кондиришга қаратилган бўлиши керак, бу эса ўз навбатида суғурта ташкилоти имиджига ижобий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, суғурталовчининг фаолияти ва бизнес жараёнлари аввало суғурта фаолиятида инновацияларни амалга оширишга асосланган бўлиши керак. Ҳозирда суғурта ташкилоти раҳбарларининг аксарияти суғурта компаниясидаги инновацияларнинг аҳамияти ва муҳимлигини инкор этмайди, бироқ ҳамма ҳам янгиликларни жорий этиш жараёни, улардан мавжуд бизнес моделида фойдаланиш тартиби тўғрисида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Шу муносабат билан суғурта бизнесидаги инновацияларнинг ролини очиб бериш учун “инновация” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ва унинг асосий элементларини аниқлаштириш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, инновация суғурта компаниясининг асосий рақобатдош устунлиги ҳисобланади, чунки ўзгарувчан бозор муҳити шароитида суғурталанувчилар эҳтиёжларини англаш ва талабларнинг ўзгарувчанлигига жавоб бериш суғурта ташкилоти муваффақиятининг калитидир. Шунинг учун истеъмолчилар учун қулай ва тушунарли бўлган хизматни тақдим этиши ва янги ностандарт ечимларни, рақобатчиларнинг суғурта маҳсулотлари ва хизматларидан фарқ қиладиган хизматларни тақлиф қилиши, шунингдек суғурталовчиларнинг ўзига хос суғурта маҳсулотлари ва хизматларини яратиш орқали мижозларнинг келажакдаги эҳтиёжларини тахмин қила олиши керак.

Бугунги кунда суғурта фаолиятида инновацияларнинг тўртта кўриниши амал қилади [7]:

1. Маҳсулотни янгилаш – бунда янги ёки сифат ҳамда фойдаланиш имкониятлари жиҳатидан такомиллаштирилган товар ва хизматларни жорий этиш тушунилади. Бу жараён хизмат кўрсатиш усуллари такомиллаштириш (самарадорлик ва тезкорлик); суғурта компаниялари томонидан қопланадиган хатарлар рўйхатини кенгайтириш; бутунлай янги суғурта маҳсулотлари ёки хизматларини тақдим этишдан иборат бўлади. Бунга интернет орқали суғурта хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришни мисол келтириш мумкин.

2. Жараённинг янгилиниши – бунда суғурта маҳсулоти ёки хизматини етказиб бериш ҳамда яратишнинг янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усуллари жорий этилиши тушунилади, бу жараёндан кўзланган асосий мақсад суғурта хизматларини сотиб олиш қийматини камайтиришдан иборат.

3. Маркетинг инновациясида суғурта маҳсулоти ёки хизматини суғурта бозорида тарғиб қилиш борасида сезиларли ўзгаришларни ўз ичига олган янги маркетинг воситасини жорий қилиш тушунилади. Маркетинг инновациялари суғурталанувчиларнинг эҳтиёжини кондириш, янги савдо бозорларини очиш ва натижада суғурта мукофотлари ҳажмини оширишга қаратилади.

Суғурта фаолиятида қўлланиладиган маркетинг инновацияларига қуйидагилар мисол бўла олади: 1) Интернет-савдо тизимидан фойдаланиш ва суғурта маҳсулотлари ҳамда хизматларини реклама ёки фильмларда намойиш қилиш, оммалаштириш; 2) бозорда ўз ўрнига эга бўлиш учун янги белгини яратиш орқали брендни ўзгартириш ёки унинг учун маълум бир тасвирни шакллантириш; 3) маълум бир мижознинг эҳтиёжларини қондирадиган суғурта маҳсулотларини танлашга имкон берадиган ахборот тизимларини жорий этиш; 4) суғурта маҳсулоти нархини фарқлаш усулларида фойдаланиш, суғурталанувчига суғурта маҳсулотининг керакли хусусиятларини суғурта ташкилотининг веб-сайтида танлаб олишга имкон беради.

4. Ташкилий инновациялар суғурта компанияси фаолиятини юритишда, иш ўринларини ташкил этишда ва ташқи муносабатларда янги ташкилий усулларнинг жорий этилишини назарда тутади. Суғурта фаолиятидаги ташкилий инновацияларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин: 1) компаниянинг илғор тажрибалари тўғрисидаги маълумотлар базаларини ташкил этиш, ўқув материаллари ва бошқа маълумотларни танлаш, ходимларга тақдим этиш орқали ходимларни ўқитишнинг янги усулларини жорий этиш; 2) тизим орқали илғор ўқитиш усулларини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш; 3) автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланиш.

Суғурта бозорининг ҳозирги ривожланиш босқичида суғурталовчининг офис вазифаларини бошқариш, бизнес жараёнларини автоматлаштириш, булутли интернет технологияларига ўтиш учун дастурий таъминот тизимлари фаол ривожланмоқда. Интернетдан тарқатиш канали сифатида фойдаланиш суғурта соҳасининг сезиларли даражада кенгайишига ва суғурталовчи харажатларининг пасайишига олиб келади. Ушбу жараёнлар интернетдан фойдаланувчилар сонининг ўсиши, суғурталанувчилар хатти-ҳаракатларининг ўзгариши билан белгиланади, бу эса ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мувофиқ суғурталовчилар фаолиятида мослашувчанликни талаб қилади [9]. Таъкидлаш жоизки, инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ ташаббус асосан бозорнинг тўғридан-тўғри иштирокчилари (суғурталовчи ва суғурталанувчилар) томонидан билдирилади, бунда бажарилиши керак бўлган баъзи имтиёзлар ёки мажбуриятлар (масалан, фаолиятнинг янги стандартларини жорий этиш)ни аниқлаштириб олиш муҳим ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2001. – С. 41.
2. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. – С. 185.
3. Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инновацион менеджмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – Б. 10. (144 б.)
4. Глущенко В.В., Глущенко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические, прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. – М.: ООО НПЦ «Крылья», 2004. С.30.
5. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 28.
6. Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. – С.: ИНФРА-М, 2009. – С.11.(С. 337)
7. Руководство Осло. Рекомендации по сбору и анализуданных о инновациях. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://www.uis.unesco.org/Library/Documents/OECD OsloManual05\\_rus.pdf](http://www.uis.unesco.org/Library/Documents/OECD OsloManual05_rus.pdf)
8. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – Спб.: Питер, 2004. – С. 19.
9. Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street, NW, 2010. – P.28. (P. 436.)

## **МАМЛАКАТ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ АМАЛИЁТИ**

*Хамроев М.С., таянч докторанти,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу мақолада суғурта хизматлари бозорида янги инновацияларни қўллаш, мижозларга янги суғурта хизматларини тезкор ва сифатли етказишнинг замонавий инновацион йўллари ёритилган

**Калит сўзлар:** суғурта, инновация, суғурта операциялари, суғурта институтлари, суғурта бизнеси

**Аннотация:** В статье рассказывается о применении новинок на рынке страховых услуг, современных инновационных способах быстрого и качественного предоставления клиентам новых страховых услуг.

**Ключевые слова:** страхование, инновации, страховые операции, страховые организации, страховой бизнес.

**Abstract:** This article describes the application of new innovations in the market of insurance services, modern innovative ways of fast and quality delivery of new insurance services to customers

**Keywords:** insurance, innovation, insurance operations, insurance institutions, insurance business

Суғурта – бу бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий тизимлари мукамал ишлашининг ажралмас бўғинидир. Суғурта хизматлари молиявий хизматларнинг бир тури сифатида иқтисодий ривожланиш учун жуда муҳим саналиб, молиявий воситалар билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантиришга хисса қўшади ва иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлайди.

Суғурта бозорининг ривожланиши, суғурталаш кўламининг кенгайиши, суғурта операцияларининг такомиллашиши кўп жиҳатдан суғурталовчилар томонидан миқдорларга кўрсатиладиган суғурта хизматларининг сифати ва кенг доирасига, мамлакатдаги иқтисодий жараёнларнинг барқарорлигига, аҳолининг даромадлилик даражаси ва суғурта маданиятига, суғурта институтига бериладиган ишонч даражасига узвий боғлиқдир. Анъанавий суғурта хизматларини такомиллаштириш, суғурталанувчиларнинг мулкый манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган янги механизм ва рақобатбардош суғурта маҳсулотларини изчил жорий этиш суғурта бизнесининг жадал ривожланишига тўртки беради. Суғурта бизнесини ривожлантиришнинг муваффақиятли моделини шакллантириш асосан замонавий инновацион суғурта технологиялари ва маҳсулотларини амалиётга татбиқ этиш билан белгиланади. Шунини таъкидлаш жоизки, суғурта бозорини ўзгартириш, уни ривожлантириш учун инновацион ғояларни излаш, суғурта маҳсулотларига бўлган янги қарашлар рақамли иқтисодиёт даврида ниҳоятда долзарб бўлиб, сўнгги пайтларда амалий ва назарий тадқиқотларда кенг тарқалмоқда, бунда алоҳида эътибор суғурта компанияларининг инновацион фаолиятига қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инновация тушунчасининг суғурта маҳсулотига нисбатан қўлланилиши суғурта қилдирувчининг мулкый манфаатларини максимал даражада қондиришга имкон беради. Инновацияларни суғурта ҳодисалари натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш, масалан, мобил иловалар ёрдамида суғурта ҳодисаси тўғрисида хабар бериш, суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларни, суғурталанган шахсни аниқлаш учун QR кодларни юборишда қўллаш имкониятлари мавжуд. Шунга кўра, суғурта маҳсулоти таснифини унда қўшимча хусусиятларни акс эттирган ҳолда ўзгартириш ҳамда кенгайтиришмақсадга мувофиқ бўлади ва у қуйидаги жадвалда акс этади (1-жадвал).

1-жадвал<sup>1</sup>


### Суғурта маҳсулотларининг таснифланиши

Таснифлашнинг хусусияти	Суғурта маҳсулотларининг турлари	Тавсиф
Истеъмол талабига кўра	Стандарт	Мажбурий: ТВЭФЖМС, ИБФЖМС, ТФЖМС ва ҳ.к.
	Суғурталанувчининг талабига асосланган	Турли суғурта компанияларининг суғурталаш шартларини таққослаш талаб этилади
	Пассив	Мижознинг айрим суғурта турларига бефарқлиги, жумладан, ишсизлик суғуртаси, ҳаёт суғуртасининг жамғарилиб боровчи турлари ва ҳ.к.
	Актив	Суғурта ҳимоясига бўлган талаб фақат айрим ҳолатларда юзага келади (қисқа муддатли турлар): чет элга саёҳат даврида харажатларни суғурталаш, фуқароларнинг мулкый суғуртаси ва ҳ.к.
	Стратегик	Маблағларни қулай жойлаштиришга ёки узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига йўналтиришга бўлган талаб
Суғурталовчининг даромадлиги нуқтаи назаридан	Сотувнинг етакчи маҳсулотлари	Суғурта портфелида салмоқли улушга эга: шахсий ёки мулкый суғурта: тиббий суғурта, транспорт воситалари

<sup>1</sup>Жадвал муаллиф томонидан ишланган.

		суғуртаси ва ҳ.к.
	Намунавий маҳсулотлар	Барқарор ва доимий мавжуд эҳтиёж (каска суғуртаси, ипотека суғуртаси)
	Келажак маҳсулотлари	Истиқболга мўлжалланган маҳсулотлар (янги маҳсулотлар, янги хатарлар, янги технологиялар)
Инновацияларнинг даражасига кўра	Янги суғурта маҳсулотлари	Бозорда ўхшашига эга бўлмаган маҳсулотлар
	Янги ва қайта ишланган маҳсулотлар	Янги хатар, янги технология, суғурта маҳсулотининг янги архитектураси ва дизайни
	Сотиш нуқтаи назаридан маҳсулотлар	Сотишнинг янги канал ва технологияларини қўллаш
	Бир-бирига боғлиқ маҳсулотлар	Молия бозорининг бошқа бўғинларига таклиф этиладиган ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқиш (масалан, банк картаси каби универсал суғурта картаси)

Суғурта маҳсулотларининг тақдим этилган таснифи нафақат эҳтиёжни аниқлаш, балки суғурталанувчиларнинг мулкӣ манфаатларини таъминлаш бўйича ҳам глобал тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат суғурта бозорига инновацияларни киритиш ва суғурталовчилар фаолиятини истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва таъминотини ҳисобга олган ҳолда суғурта бизнесининг молиявий барқарорлигини ошириш ва фойдани максимал даражада ошириш ҳисобига фаоллаштириш йўналишларини аниқлашга имкон беради (1-расм).



### 1-расм. Мижозлар манфаатларига йўналтирилган суғурта моделидаги маҳсулотлар<sup>1</sup>

Мижозлар манфаатларига йўналтирилган суғурта модели нафақат инновацион маҳсулотлар ва сотиш каналларини таъминлайди, балки суғурталанувчиларга суғурта маҳсулотларини сотиб олишнинг анъанавий ёндашувидан фойдаланиш имкониятини ҳам таъминлаши керак, чунки бугунги кунда вақт ўтиши билан енгиб ўтиладиган тўсиқлар мавжуд, жумладан, суғурта компаниялари фаолиятига бўлган ишончнинг пастлиги, интернетнинг ва айрим ҳудудларда барқарор мобил алоқанинг етишмаслиги, ўрта ва катта ёшдаги аҳолининг рақамли муҳитда ишлашга тайёр эмаслиги каби ҳолатлар.

Шундай қилиб, истеъмолчилар эҳтиёжларини ўзгартириш, янги сотиш каналларининг пайдо бўлиши, иқтисодий рақамлаштириш суғурта маҳсулотларининг таркибини тубдан ўзгартиради. Бозор иқтисодий шароити суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан ишланган.

таъминлаш учун янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқишда, амалдаги маҳсулотларнинг жозибаторлигини сақлашда ва маҳсулотларнинг харидоргир бўлишида инновацион ёндашувларни жорий этишни тақозо этади. Бунда истеъмолчиларнинг талаб ва истакларини батафсил ўрганиш ва уларни амалга оширишга эътибор қаратиш лозим. Янги маҳсулотларни жорий этишдаги инновационлик шунда намоён бўладики, мавжуд механизмни янги объектларга, суғурта предметларига татбиқ этиш, шартномага янги хатарларни киритиш (масалан, бизнесни суғурталаш, цунами хавфи, террорчилик хужумлари, тиббий суғурта бўйича юқори технологик тиббий ёрдам, ободонлаштириш суғуртаси, авиапарвоз кечикиши суғуртаси, кибер рисклар суғуртаси ва ҳ.к.)дан иборат бўлади.

Суғурта бозори амалиётида аксарият ҳолларда янги суғурта маҳсулоти бўлиб маҳаллий суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва янги хусусиятларга эга бўлган эски маҳсулотнинг модификацияси ҳисобланади. Инновацион лойиҳани амалга ошириш давомий, харажат талаб қиладиган ва рискли жараёндир. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида бўлгани каби суғурта бизнесида ҳам инновацион лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг ривожланиш динамикасини бажариш муҳим саналади, бу инновацион лойиҳани амалга ошириш даврини ташкил этади ва уч босқичдан иборат бўлади. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги жадвалда келтирилади (2-жадвал).

2-жадвал

### Инновацион суғурта маҳсулотини яратиш даври

Дастлабки босқич	Лойиҳани амалга ошириш босқичи	Лойиҳа ишларини яқунлаш босқичи
<p>Суғурта бозорининг маълум бир сегментдаги эҳтиёжларини, суғурта бозоридаги вазиятни ўрганиш. Рақобатчилар таркибини ва уларнинг бозордаги йўналишларини аниқлаш. Истеъмолчилар таркибини аниқлаш. Истеъмолчилар эҳтиёжларини аниқлаш. Суғурта полисини сотиш механизминини аниқлаш. Янги маҳсулотни жорий этишни комплекс баҳолаш (маҳсулотни татбиқ этиш рискларини баҳолаш), мижоз учун маҳсулот кийматини аниқлаш.</p> <p>Бизнес ишини ташкил этиш, янги суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш харажатларини таҳлил қилиш. Янги маҳсулот учун кутилган зарар даражасини аниқлаш. Воситачилик ҳақи миқдорини аниқлаш. Лойиҳанинг кутилаётган фойдасини аниқлаш. Компаниянинг ваколатли органи томонидан маҳсулот</p>	<p>Суғурта коидаларини ишлаб чиқиш, иқтисодий асосланган тарифларни ҳисоблаш, суғурта полиси ва шартномасининг намуналарини яратиш, уларни тасдиқлаш ва назорат органига юбориш.</p> <p>Суғурта полисини рўйхатдан ўтказиш ва сотиш учун IT-қарорларини ишлаб чиқиш. Янги маҳсулот бўйича маркетинг материалларини тайёрлаш. Компания ходимлари/агентлари/шериклари учун янги маҳсулотни ўзлаштириш бўйича ўқитишни ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоботида янги маҳсулотнинг ҳисобга олинишини таъминлаш.</p> <p>Янги маҳсулотни бозорга тақдим этиш. Лойиҳа бўйича режалаштирилган кўрсаткичларни доимий мониторинг қилиб бориш (дастлаб кунлик/ҳафталик мониторинг бўлиши мумкин, вақт ўтиши билан - ойлик статистикага ўтиш). Бизнес ишининг янги суғурта</p>	<p>Режалаштирилган кўрсаткичларга мувофиқ муваффақиятли амалга оширилса, лойиҳа ўз фаолиятини тўхтатади ва одатдаги бизнесга айланади, яъни одатдаги иш юритиш йўналиши бўйича ўз ишини давом эттиради. Инновацион маҳсулот ўзининг инновацион фазилатларини йўқотади ва компаниянинг маҳсулотлари қаторидан жой олади.</p> <p>Кутилганидан кўра ёмонроқ натижаларга эришилганда, уни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлганда лойиҳа тўхтатилади.</p>

ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Янги суғурта маҳсулотини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш устида ишлаш учун лойиҳа гуруҳини аниқлаш.	маҳсулотини жорий этишнинг ҳақиқий натижаларига мувофиқлигини баҳолаш (ҳисобланган мукофот, зарар коэффициенти, воситачилик миқдори мониторинги) ва режалаштирилган кўрсаткичларни тузатиш.
--	---

Хулоса ўрнида айтиш керакки, суғурта компанияларининг инновацион фаолияти суғурта бизнесининг мижозларга йўналтирилган моделига ўтишни, суғурта бизнесининг интернетлаштирилишини, янги маҳсулотларни жорий этишни, суғурта маҳсулотларини сотишда рақамли технологиялар ҳамда янги каналлардан фойдаланишни ва суғурта даъволарини кондирининг янги усулларини қўллашни назарда тутди.

## **ХУДУДИЙ ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

***Ибрагимов И.Х.,** и.ф.н., доцент,  
Самарқанд қтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*  
***Қаландаров У.Х.,** т.ф.н., катта ўқитувчи,  
Самарқанд қтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

***Аннотация.** Мақолада ҳудудий туристик комплексларни келгусида тобора ривожлантириш учун зарур бўлган инвестицияларни йўналтириш мақсадида туристик кластерларнинг (ҳудудий комплексларнинг) инвестицион жозибadorлигини замонавий маркетинг воситаларидан бири - бенчмаркинг усули асосида илмий ёндашган ҳолда аниқлаш масаласи ёритилган.*

***Калим сўзлар:** бенчмаркинг, инвестицион жозибadorлик,*

***Аннотация.** В статье рассматривается вопрос определения инвестиционной привлекательности туристских кластеров (региональных центров) с помощью научного подхода на основе одного из современных маркетинговых инструментов - метода бенчмаркинга, как оптимального направления инвестиций, необходимых для дальнейшего развития региональных туристских центров.*

***Ключевые слова:** бенчмаркинг, инвестиционная привлекательность, туристские предприятия.*

***Abstract.** The article discusses the issue of determining the investment attractiveness of tourist clusters (regional centers) using a scientific approach based on one of the modern marketing tools - the benchmarking method, as the optimal investment direction required for the further development of regional tourist centers.*

***Key words:** benchmarking, investment attractiveness, tourism enterprises.*

Маълумки, 2017 йил 7 февралдаги, 4947-сонли Президент фармонида “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси**”да туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш бўйича илгари сурилган вазибалардан келиб чиқиб, соҳани тизимли ривожлантириш борасида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва инвестицион ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳаракатлар стратегиясинидан келиб чиққан ҳолда мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5611-сонли Фармони 2019 йил 5 январь,)

Фармонга мувофиқ туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш;

туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор орқали тартибга солишни мақбуллаштириш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризм турларини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини туризм инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантиришга жалб этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ишлари ташкил этилишини таъминлаш;

туризм соҳасида миллий ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар нормаларини жорий этиш, туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш;

туризм зоналарини самарали бошқаришни ташкил этиш, уларда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва уларнинг салоҳиятини тарғиб қилиш кабибир қатор устувор масалалар илгари сурилган

Ушбу белгиланган вазифалардан келиб чиқиб кейинги беш йил давомида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга ошириб келинмоқда.

*1-жадвал*

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш  
Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони (минг киши)	5346	6041	7010	8410	10010	10600	11250	11810
2.	Туризм хизматлари экспорти (млн АҚШ доллари)	1041	1180	1360	1620	1900	2 000	2080	2170
3.	Ички туристлар сони (мингта ташриф)	15493	16100	17230	18806	20317	21867	23404	25010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони (дона)	914	1100	1620	2200	2600	2800	2900	3050
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони (минг)	20,2	24	35	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони (минг)	41	49	72	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони (нафар)	983	1100	1190	1250	1320	1390	1420	1450

Необходимо разработать модель для использования мультипликатора, выражающего инновационные условия (ИННу) территории. Модуль мультипликатора ИННу служит, на самом деле, базой для измерения конкурентоспособных субъектов сферы туризма. С помощью этой модели, во-первых, так как можно будет определить общий инновационный эффект, можно отражать изменения в организационной структуре капитала. Во-вторых, с ее помощью можно будет определить уровень роста турпродукта в контексте производительности труда и капитала. В-третьих, - учитывать интересы государства, так как рациональное использование финансово-материальных ресурсов в турпредприятиях размножат общий объем выручки от турпродукта. В-четвертых, согласно модели мультипликатора ИННу, можно определить, насколько реально выросла (снизилась) добавленная стоимость (ДС) в расчете на единицу (i) использованных финансово-материальных ресурсов, допустим, в результате принятых Правительством усилий или условий самого турбизнеса. Использование данного предложения позволит оценить эффективность финансового механизма регулирования стратегии развития инновационного турпродукта.

Также немаловажное значение имеет выяснение основных инноваций и применение этих подходов к их финансированию. При этом наиболее адаптивным, применительно к туристической сфере, является кластерный и кибернетический подходы. Это даст возможность вовлечь объекты регулирования и уточнить виды инновационной деятельности в туристической сфере, которые можно будет отнести к инновационным и позволит избежать излишних затрат и сфокусироваться на наиболее значимых сторонах инновационного объекта.

Обоснование системы инновационного развития турпредприятий тоже имеет архиважное значение. То есть, используя кибернетический подход к регулированию финансового механизма, можно будет выявить степень обеспеченности на определенный период времени, отдельные финансовые показатели и состояние инновационной деятельности турпредприятий в целом. Этот подход позволит целенаправленно улучшить инновационные туруслуги и принять соответствующие финансовые решения.

Построение кибернетической схемы гибридного подхода к регулированию турпредприятий территории должно выступать в роли инициатора создания кластера на территории, отвечающего требованиям кластеризации. При этом предъявляемый подход предполагает государственно-частное партнерство. Государство, через государственный инновационный фонд или согласно государственной целевой программе «Развитие туризма», должно выступать в качестве инициатора создания кластера с учетом критериев возможности кластеризации территории, финансировать объекты инфраструктуры, при этом в качестве желаемых значений состояния турпредприятий выбран массив инструментов на основе одного из сегментов туристического кластера.

На основании сформированной для конкретного турпредприятия прибыли (дохода) показана возможность применения финансовой технологии, финансовой поддержки инновационного развития для оценки меры и цены риска, которая обеспечит оценку вероятности роста финансовых показателей в целом, а также позволит дать стоимостную оценку возможности потерь от недополучения запланированной прибыли (дохода).

Реализация этих предложений помогла выявить существующие внутренние возможности для разработки целевых программ по совершенствованию финансового механизма стратегии инновационного развития деятельности турпредприятий и повысить научно-практическую значимость рассматриваемых проблем.

## МОЛИЯ БОЗОРИ РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Гадаев Ж.М., асс.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Молия бозори қимматли қоғозлар бўйича юзага келадиган муносабатларда турли рискларни таъсири ва уни баҳолаш ушбу ишнинг мақсади этиб олинган. Мақолада Марковиц ва Шарп моделлари моҳияти ва бу бўйича ишлаш принциплари, шунингдек инвестицион рискларни суғурталаш бўйича фикрлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** молия бозори, риск, суғурта, Марковиц модели, Шарп модели.

**Аннотация:** Целью данного исследования является оценка влияния различных рисков и их оценка на складывающиеся отношения с ценными бумагами на финансовом рынке. В статье представлены суть моделей Марковица и Шарпа и принцип действия, а также идеи по страхованию инвестиционных рисков..

**Ключевые слова:** финансовый рынок, риск, страхование, модель Марковица, модель Шарпа

**Abstract:** The purpose of this study is to assess the impact of various risks and their assessment on the financial market securities emerging relationships. The article presents the essence of the Markovits and Sharp models and the principle of operation, as well as ideas on insurance of investment risks.

**Key words:** financial market, risk, insurance, Markovits model, Sharp model.

Қимматли қоғозлар бозоридаги рискларни баҳолашда ҳар-ҳил шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда баҳоланилади. Бунда қимматли қоғозлар билан ишлаётган кишига бевосита боғлиқдир Лекин жаҳон тажрибасида асосан уч хил йўл билан аниқланилади. Булар қуйдагилар:

1. Марковиц модели
2. Шарп модели

Юқоридагиларга алоҳида - алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Марковиц моделининг асосий ғояси молиявий инструментнинг бўлажак фойдасини статистик кўриши учун уни тасодифий ўзгарувчан, яъни айрим инвестицион объектлар бўйича маълум даражада тасодифан ўзгаради, деб қарашдадир. Бунда ҳар бир инвестицион объект бўйича маълум эҳтимолий тушумларни аниқлаш мумкин ва ҳар бир киритилган маблағларнинг альтернативи бўйича фойда олиш эҳтимоллари ҳақида маълумот олиш мумкин Марковиц моделидан шу келиб чиқадики, альтернатив инвестициялар бўйича даромадлар нормал тақсимланган бўлади.

Марковиц модели бўйича инвестициялар ҳажми ва рискни таснифловчи кўрсаткичлар аниқланади. Бу эса турли капитал қўйилмаларни турли альтернативаларини ўзаро солиштиришга имкон беради. Бу билан турли комбинацияларни баҳолаш учун масштаб барпо қилади.

Кутилаётган фойда масштаби ҳисобида амалиётда энг эҳтимолий кўрсаткичлар ишлатилади. Улар нормал тақсимланиш ҳолатида математик кутилаётганликка тўғри келади. Риск ўлчовлари бўлиб тақсимлаш кўрсаткичлари хизмат қилади, шунинг учун эҳтимолий фойдалар кўрсаткичлари орасидаги тафовут қанчалик кўп бўлса, шунчалик кутилаётган фойда олинмаслик хавфи катта. Шундай қилиб, риск фойданинг энг аниқ кутилаётган фойда кўрсаткичларидан фарқи билан белгиланилади. Ўз капиталини оптимал жойлаштиришни хоҳлаган инвесторнинг нафақат турли қимматли қоғозларни бир - бири билан солиштириши қизиқтиради, балки иложи борича портфелларни солиштиришдир. Бу рискнинг сочилиш эффектини ишлатишга имкон беради, яъни кутилаётган фойданинг кўрсаткичи ва портфелнинг дисперсияси аниқланилади. Қимматли қоғозлар портфели кутилаётган фойда кўрсаткичи турли қимматли қоғозларнинг  $n$  энг катта даромадлар  $E$  суммаси деб аниқланилади.

Маълум тўсиқли суммани дисперсиялаш учун бир - биридан алоҳида бўлиб ўрганилади, лекин қимматли қоғозлар бозоридаги акциялар сингари умумий бозорни камраб олади. Бунда фақат қимматли қоғозларнинг турига қараб эмас, балки қимматли қоғозларнинг турларидаги нарх тафовути ҳам катта ўрин эгаллайди. Бу курсларнинг ўзгаришига ҳам боғлиқ. Агарда қимматли қоғозларнинг нархи бевосита ҳаммаси ўзгарса, (портфелдаги акциянинг нархи кўтарилса ёки нархи тушса) қўшимча акция олиб нархини кўтариб ҳам бўлмайди ёки тушириб ҳам бўлмайди. Агарда акциянинг нархлари унча ўзгармаётган бўлса, (портфелда ҳар - хил акциялар чексиз бўлса) қимматли қоғозларнинг рисклилиқ даражаси деярли нолга тенг бўлар эди. Лекин амалиётда қимматли қоғозларнинг чеки албатта бўлади, шунинг учун инвестор рискни камайитириши мумкин, лекин мутлоқ йўқ қила олмайди. Шундай қилиб, аниқ бир



қимматли қоғозлар портфелини рискини аниқлаётганда портфелдаги қимматли қоғозларнинг бир - бирига мослигини назарга олиш мақсадга мувофиқдир.

Г. Марковитц: «Қимматли қоғозлар портфелларга тааллуқли жуда яхши назария яратган. Унда қуйидагича юритилади: ўз- ўзини қоплайдиган портфели риск икки турга бўлинади. Биринчи тури системалашган риск бўлиб, бунда ҳамма қимматли қоғозлар бир хил риск даражасига эга бўлиши ва бу рискдан деярли ҳеч ким қоча олмайди. Иккинчиси эса, ҳар бир турдаги қимматли қоғозлар алоҳида ўзига хос хусусиятли рисклар бўлиб, бу рискларни камайтириш мумкин ёки айланиб ўтиш мумкин», - дейди.

Г. Марковитц моделидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир турдаги қимматли қоғозларга фойда даражасини ҳисоблаб чиқиш керак эмас. Фақатгина қуйидаги бирликларни катталиги ҳисобланса бўлар эди; ҳар - хил турдаги қимматли қоғозлар орасидаги фойданинг математик кўрилатганлик  $E_i$ , дисперсиясини  $D_i$  ва ковариацияни  $C_{ik}$ . Бу ҳамма кўрсаткичларни портфель тузилишидан олдин ҳисоблаб чиқиш лозим. Амалиётда эса кичик портфельни солиштириш учун фойдани ва дисперсияни ҳисобланилади. Кориляция коэффицентини ҳисоблашда эса иш жараёни жуда мураккабдир. Шунга мисол учун 100 та акцияни таҳлил қилиш учун 500 та акцияни таҳлил қилишга тўғри келади.

Оғир ишни камайтириш учун У. Шарп индексли моделни таклиф этди. Бу йўл билан Шарп янги портфельни йиғиш йўлини кашф қилгани йўқ. У. Шарп в - факторни киргазган. Бу фактор замонавий портфелда жуда катта роль ўйнайди.

Бозор моделида шундай хусусият борки, бозор индексига қараб ўзгаради. Агар бозордаги индекс кўтарилса, акциянинг нархи ҳам ошади, агар бозор индекси тушса, акция нархи ҳам камаяди.

Ўз оқибатлари бўйича энг хавфли инвестицион рисклар суғуртлаш орқали пасайтирилади.

Инвестицион рискларни суғурталаш риск даражасини камайтиришнинг энг тарқалган усулларидан биридир. Суғурта учун албатта икки томон бўлиши зарур-суғурталовчи ва суғурталанувчи. Суғурталовчи суғурталанувчининг тўловлари ҳисобига пул фондини ташкил қилади.

Суғурта учун тузилаётган пул фондининг мақсадли йўналишига эга бўлиши характеридир. Бунда унинг ресурслари олдиндан келишилган ходисалардаги йўқотишлари қоплаш учун сарфланади, тегишли ҳодисанинг қачон содир бўлиши, унинг қопланиши ва қайси суғурталанувчи билан содир бўлиши олдиндан номаълумлиги боис муносабатлар эҳтимоллик асосида характерланади, берилган маблағлар барча суғурталанувчиларнинг йўқотишларини қоплашга қаратилгани боис маблағлар керак бўлганда қайтади.

Демак, инвестицион рискларни суғурталаш - бу суғурталовчини суғурта бадаллари бўйича қимматли қоғозлар бўлиб қоладиган зарарлар қоплаш ёки шартномада кўзад тутилган ходисалар натижасида қимматли қоғозлар бозорида зараркўриш, банкротлик, кўзда тутилмаган харажатлар, суғурталанган шахснинг (корхонанинг) суд харажатлари ва бошқа ходисаларнинг вужудга келиши натижасидаги зарарларни тўлиқ ёки қисан қоплаш мажбуриятидир. Инвестицион рискларни суғурталаш мулкый суғуртага киради.

#### ***Адабиёт:***

1. P.Howells, K.Bain. Financial markets and Institutions. Fifth Edition. Prentice Hall. Pearson Education Ltd. 2007. – 432 P.
2. Николаева И.П. Рынок ценных бумаг: Учебник. – Дашков и К, 2015 г. – 256 с.

### **МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Ахмедов М.А., магистратура талабаси,  
Самарванд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон***

***Аннотация:*** Мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида таҳлилий амалларни қўллаш зарурияти ва уларнинг мазмуни баён этилган. Бу борадаги халқаро тажриба ўрганилиб, зарур таклиф ва тавсиялар берилган.

***Калит сўзлар:*** Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, аудит, таҳлилий амаллар,

даромад ва харажат, фойда ва зарар.

**Аннотация:** В данной статье описывается необходимость применения аналитических процедур при аудите отчета о финансовых результатах в экономике Узбекистана и их содержание. Изучен международный опыт в этой области, даны необходимые предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** Отчет о финансовых результатах, аудите, аналитической деятельности, доходах и расходах, прибылях и убытках.

**Abstract:** This article describes the need to apply analytical procedures in the audit of the report on financial results in the economy of Uzbekistan and their content. The international experience in this field was studied, the necessary suggestions and recommendations were given.

**Key words:** Report on financial results, audit, analytical activities, income and expense, profit and loss.


Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикаимиз корхоналари фаолияти натижаларини аудиторлик текширувларидан ўтказиш, шунингдек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудити сифатини оширишда таҳлилий амаллардан кенг фойдаланиш ресурсларни самарали бошқариш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни оширишда катта аҳамият касб этади. Чунки корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истикболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорларни қабул қилишда информацион ва назарий асосни яратиш каби муаммолар корхоналар фаолиятида иқтисодий таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда назоратни ташкил этишни талаб қилади.

“Таҳлилий муолажалар” номли 520-сонли халқаро ҳамда 13-сон “Таҳлилий тадбирлар” номли миллий аудиторлик стандартларида аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллашнинг жуда муҳимлиги таъкидланган.

Таҳлилий амаллар деганда, аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва хўжалик чалкашликларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш тушунилади.

Аудиторлик стандартлари тўғрисидаги Низомнинг (SAS) 56-бандида таҳлилий амаллар (таҳлилий тестлар) молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш, келтирилган суммаларни аудитор томонидан аниқланган суммалар билан таққослаш асосида молиявий ахборотни баҳолашни ўзида акс эттиради, дейилган.

Мазмун жиҳатдан аудиторлик тадбирларини 4 асосий гуруҳга ажратиш мумкин:



1-чизма. Аудиторлик тадбирлари.

Шулардан таҳлилий тадбирлар энг мақбул тадбирлар бўлиб ҳисобланади. Чунки таҳлилий тадбирларни қўллаш аудиторлик текширувлари харажатлари нуқтаи назаридан энг самарали ёндошув ҳисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитини ўтказишда таҳлилий амаллардан

аудитор куйидаги мақсадларда фойдаланади:

✓ Хўжалик фаолиятининг эҳтимолли таваккалчиликлар соҳасини белгиловчи ғайриоддий ёки нотўғри акс эттирилган фактлари ва натижаларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;

✓ Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиш;

✓ Корхона молия-хўжалик фаолияти узлуксизлигининг истиқболлини баҳолаш;

✓ Аудиторлик тадбирлари ҳаққонийлигини аниқлаш тадбирлари тахлилий тадбирлар махсус тадбирлар ҳужжатли текшириш тадбирлари

✓ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бузилиши фактларини аниқлаш;

✓ Муфассал аудиторлик тадбирлари сонини қисқартириш;


✓ Миқдор ҳисоб ва ҳисоботида кўзда тутилмаган камчиликларнинг ўрнини аниқлаш;

✓ Юзага келган саволларга жавоб олиш мақсадида тестдан ўтказишни таъминлаш.

Аудиторлик стандартлари бўлими тахлилий амалларни ўтказиш ҳар

қандай аудитда жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

Тахлилий амалларнинг бажарилиши куйидагилардан таркиб топади:



#### *2-чизма. Аудиторлик тадбирларини бажарилиш тартиби.*

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида тахлилий амалларни қўллаш молиявий тахлилнинг таққослаш, нисбатлар ва коэффициентларни баҳолаш каби элементлари ва усулларидан фойдаланишни назарда тутаяди.

Аудиторлик текширувларида энг кенг қўлланиладиган тахлилий амалларга куйидагилар киради:

➤ сўтлардаги қолдиқларни турли ҳисоб даврлари бўйича таққослаш;

➤ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ҳисобот даврига тегишли бизнес режа, сметалардаги кўрсаткичлар билан таққослаш;

➤ ҳисобот давридаги ҳисоботлардаги ўзаро алоқадор моддалардаги маълумотларни ўтган даврлардаги худди шундай нисбий кўрсаткичлар билан таққослаш;

➤ молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларни, кўпинча, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат ва натура бирлигидаги кўрсаткичларини таққослаш;

➤ молиявий кўрсаткичларни (молиявий коэффициентларни) ўртача тармоқ даражасидаги кўрсаткичлар билан таққослаш ва ҳоказо.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида тахлилий амалларнинг энг кўп тарқалгани таққослаш бўлиб ҳисобланади.

Бунда куйидагилар таққосланади: турли даврлар учун сўтлардаги қолдиқлар; молиявий ҳисобот кўрсаткичлари бизнес-режа кўрсаткичлари билан; ҳисоботнинг ҳар хил моддалар билан олдинги даврлар маълумотлари ўртасидаги нисбат; хўжалик юритувчи субъект молиявий кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тегишли тармоғидаги ўртача кўрсаткичлар билан; молиявий ахборотлар номолиявий ахборотлар (хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги унинг бухгалтерия ҳисоби тизимида бевосита акс эттирилмайдиган маълумотлар) билан.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида тахлилий амаллар ўз ичига куйидагиларни олади:

▪ Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш.

▪ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш.

▪ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш.

▪ Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш.

▪ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш.

▪ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгариши ва у билан боғлиқ бўлган нисбий коэффицентлар таҳлили.

Таҳлилий тадбирларнинг тури уларни ўтказиш мақсади, уларни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотга эришиш имконияти ва унга мосликка, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият турига боғлиқ бўлади.

Таҳлилий амаллар аудитни режалаштириш чоғида, текширув жараёнида ва унинг кунлаш босқичида қўлланилади.

Аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъект молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг ғайри оддий тафовутларининг аниқланиш таҳлилий тадбирлар бажарилишининг натижа си ҳисобланади.

Шундай қилиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитининг сифатини кўтаришда таҳлилий амалларнинг кенг қўлланилиши талаб этилади.

Бу нафақат мажбурий ёки ихтиёрий шаклда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ҳар бир босқичида, балки қўшимча аудиторлик касбий хизматларини кўрсатишда ҳам икки томонлама (мижоз ва аудиторлик ташкилоти) манфаатдорликни оширади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар ва интернет манбалар:***

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2021 й. 25 февраль.

2. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.

3. <http://www.audit.uz>.

## **РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ**

***Гадаев Ж.М., асс.***

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

***Нишанова С.Х., асс.***

*Тошкент кимё-технология институти, Ўзбекистон*

***Аннотация:*** Молия бозорида молиявий муносабатларни ташкил этишда турли рискларга дуч келиш ва уларни оқилона бошқаришни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Мақолада молия бозоридаги рискларни оқилона бошқариш йўналишлари ва бу бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

***Калит сўзлар:*** молия бозори, риск, қимматли қозғоз.

***Аннотация:*** При организации финансовых отношений на финансовом рынке важно противостоять различным рискам и организовывать их рациональное управление. В статье сформулированы направления рационального управления рисками на финансовом рынке и предложения и рекомендации в связи с этим.

***Ключевые слова:*** финансовый рынок, риск, ценные бумаги.

***Abstract:*** In the organization of financial relations in the financial market, it is important to face various risks and organize their rational management. The article forms the directions of rational management of risks in the financial market and proposals and recommendations in this regard.

***Key words:*** financial market, risk, valuable papers.

Турли омилларни иқтисодиётга таъсир этиши табиати ва қонуниятлари иқтисодиёт субъектлари томонидан кўпинча доимо узлуксиз, ўз вақтида, аниқ ва тўла идрок қилиниши кийин бўлганлиги сабабли ва шу муносабат билан табиатан эҳтимолий бўлган рискларни молия

бозорида вақти-вақти билан вужудга келиши туфайли унда содир бўлувчи рискли ходисалар, жараёнлар ва ҳатти-ҳаракатлар ҳозиргача бу бозорнинг асосий муаммолардан бўлиб келмоқда. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, рисклар хавфи молия бозорида ва унда фаолият юритадиган барча қатнашчилар ҳаракатларида ҳар доим иштирок этади ва шу сабабли уларни таҳлил қилиб баҳолаш ва бошқариш масалаларини ҳеч қачон молия назарияси ва амалиёти кун тартибидан чиқариб бўлмайди.

Умуман олганда, молия бозоридаги рисклар манбаси ҳар турдаги омиллар ҳисобланиб, уларнинг эҳтимолий тарзда маълум ва номаълум даражадаги таъсири молия бозорида мос равишда рискли жараён, ходиса ва ҳаракатларни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтилса, рисклар ҳар доим омиллар таркибида мавжуд бўлиб, табиатан эҳтимолий характерга эга қонуниятлар асосида тарқалади, уларнинг таъсири остида молия бозори муҳитида ривожланиши шаклланивчи воқеликларга бевосита ёки билвосита ўтади (кўчади). Бундай ҳолат ўз-ўзидан молия бозоридаги рисклар муаммосини ўта долзарблигини тасдиқлайди.

Демак, рисклар молия бозори муҳитида доимо мавжуд бўлиб, унинг ҳолати ва риволаниши сифатини пасайтириб ва заифлаштириб туради (умуман олганда бозор муҳитини “ифлослаштиради”), баъзан эса ёмонлаштиради. Рисклар табиати мазмунини ва таъсири қонуниятларини идрок қилиш (таҳлил негизида) асосида уларни пасайтириш ва бошқариш чоратadbирларини ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса молия бозори қатнашчилари учун катта аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, молия бозоридаги ходиса ва ҳаракатлар чексиз бўлганлиги учун улар таркибидаги рискларнинг сони ҳам умуман олганда саноксиздир. Лекин бунга қарамасдан ҳозирда рискларнинг мазмуни, асосий турлари, уларнинг келиб чиқиши табиати ва таъсири даражаси кўпчилик мутахассисларга маълум. Шу туфайли ҳозирда риск муаммоси қўйган кўп масалалар маълум даражада ўз ечимини топиб келмоқда.

Рискларни баҳолашда уч асосий элементни (унсурни) инобатга олиш лозим: риск манбаи (PM); таркибидан рисклар тарқаладиган операциялар тўплами; риск рецептори (PP).

PMни PPга таъсири бевосита (тўғридан тўғри) ва билвосита (тўғри бўлмаган) бўлиши мумкин.

Қатнашчилар жуфтлигидаги МКД доирасида ички рисклар (ИР), ҳар қандай жуфликлар орасида эса жуфтликлар рисклари (ЖР) вужудга келиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ИР ва ЖР беҳоста (ташқи омиллар сабабли олдиндан билмаган ҳолда) ва/ёки идрокли (субъектив сабабли омиллар асосида) равишда вужудга келиши мумкин. Бунда идроклилари ривожланган бозор шароитида яққол прогнозланиши мумкин ва профессионаллар учун унчалик хавф тугдирмайди, яъни уларни бошқариш мумкин.

Аммо беҳосталари ташқи омилларга боғлиқлиги ва табиатан эҳтимолийлик характерига эга бўлганлиги сабабли қийин бошқарилади. Шунинг учун беҳоста вужудга келувчи рисклар (БР) амалиётда муаммоли бўлади. Демак, БРларни бошқариш мақсадида ўрганиш масалалари профессионаллар ва оддий инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Бунда БР ва ташқи омиллар ўртасидаги алоқани муҳимлигини сезиш мумкин. Агар бу алоқанинг негизида келтирилган 1-расмга мурожаат қилсак, унда БРни бошқариш тамойилини яққол кўриш мумкин.

Моделдан кўриниб турибдики, ташқи омилларнинг вужудга келиши БРни рағбатлантиради, мос равишда БРни вужудга келиши эса PMга таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, PMдан чиққан рисклар операциялар тўплами таркибида мужассамлашган равишда PPга таъсир кўрсатади ва натижада PP ҳаракатларида ноҳуш ходисалар тўғдириб салбий натижаларни келтириш чиқаради. Бу натижалар ўз навбатида ташқи ва ички омилларга таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, “Ташқи омиллар” - “PM” - “PP” - “Ташқи омиллар” кўринишидаги занжирдан иборат А контури пайдо бўлади. Бу контур доирасида (ичида) ҳосил бўлувчи ҳар бир занжир циклида (даврида) вужудга келган рисклар кейинги занжир циклига ўтиб, эҳтимолий тарзда икки баробар ошган (устма-уст тушиш асосида ортиб борувчи) рисклар миқдорини (суммасини) келтириб чиқаради. Одатда ошиб борувчи рисклар миқдорини пасайтириш учун PP (яъни қатнашчилар) рискларини суғурталайдилар (контур В). Бундан кўриниб турибдики, контур В контур А доирасидаги рискларни компенсациялашга хизмат қилади, натижада эса барча рисклар тўлиқлигича суғурталовчига ўтади. Бу усул дунёда энг кенг тарқалган бўлиб, рискларни бошқаришнинг содда усули ҳисобланади.



1-расм. Бевосита рискларни бошқарилишини ташкиллаштириш тамойили модели

Моделдан яна шу ҳам кўриниб турибдики, бир занжир цикли тугаши биланоқ РР (ўзи ичида РМдан ўтган рисклар эвазига) кейинги занжир циклида РМга айланиб қолиши мумкин. Бир занжир циклидан навбатдаги занжир циклига ўтиш жараёнидаги бундай айланишлар “РМ” - “РР” - “РМ” - “РР” кўринишидаги схемага асосланган “сабаб-оқибат-сабаб-оқибат” фалсафий тоифа (категория) бўйича ўзаро боғлиқлик ва таъсир қонуниятини ифодалайди. Демак, бундай қонуният рискларни тарқалиши ҳамда ўзаро таъсири ва боғлиқлигини кўрсатувчи табиий ҳолатдир.

Қатнашчилар ноаниқлик ҳолларининг конкрет шароитларида РМ ва РР ролларини кетма-кет алмаштиришлари мумкинлиги айtilганларни тасдиқлашга асос бўлади.

Юқорида келтирилган рискларни бир вақтнинг ўзида суғурталовчи юқини камайтирилиб бошқаришнинг янги усули бўлиб, муаллиф томонидан унинг тизимли ёндашувига асосланиб таклиф қилинган молия бозори индустрияси сифатини комплекс бошқариш тизимини РМ ва РР фаолияти жараёнига киритилиши хизмат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда юқори даромад олиш ҳаракатида йўл қўйилган идрокли рисклар ўринли бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳаракат таркибида рискларнинг даражаси юқориликча қолаверишини ҳар доим эсда тутиш лозим. Яна шуни ҳам билиш керакки, агар қатнашчи риска мойил бўлмаса (яъни ҳаракатларида меъёр доирасида рисксизлик даражасига риоя қилса), унда олиши мумкин бўлган даромад миқдори ҳам шунга мос равишда камроқ бўлади.

#### **Адабиёт:**

1. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.
2. Shoxa'zamiy Sh. “Moliya bozori va qimmatli qog'ozlar”. Darslik.-Т.: “Fan va texnologiya”, 2012.-444 б.

## **INNOVATSION FAOLIYAT SAMARADORLIGI VA UNI OSHIRISHNING OB'JEKTIV ZARURLIGI**

**Abdukadirova N.A.,**

*Sam ISI yoshlar bilan ishlash, ma'naviyat va ma'rifat bo'limi uslubchisi*

**Аннотасија:** *Mazkur Maqolada umumiy ovqatlanish korxonalarini samaradorligini oshirishda innovatsiyalardan foydalanishdagi ayrim muammolar, innovatsiyalarning ayrim turlari hamda koronavirus pandemiyasi sharoitida innovatsiyalarning ahamiyati ko'rib chiqilgan.*

**Калит со'злар:** *Innovatsiya; innovation faoliyat; xizmat ko'rsatish; innovatsiya turlari.*

**Аннотация:** *В данной статье рассмотрены некоторые проблемы в При использовании инноваций в сфере обслуживания, и виды инноваций, а также их значения в условиях пандемии коронавируса.*

**Ключевые слова:** *инновация; инновационная деятельность; нововведение; услуга; виды инновации.*

**Abstract:** *This article discusses some problems in use innovations to improve the efficiency of public catering establishments, some types of innovations, and the importance of innovations in the context of the coronavirus pandemic.*

**Keywords:** *Innovation; innovative activity; service; types of innovation.*

Bugungi kunda jahonda innovatsiyaning roli va ahamiyati doimiy ravishda o'sib bormoqda. Innovatsion texnologiyalardan foydalanmay turib, korxonaning raqobatdoshligini oshirish juda mushkul bo'lib qolmoqda. Faqatgina yuqori darajadagi ilmiy yondashuvga va yangilikka ega bo'lgan mahsulotlarga, ijobiy iqtisodiy natijalarni ko'rsatish imkonini beradi. Shunday ekan, umumiy ovqatlanish korxonalarini uchun ham innovatsiyalar hayotiy zarurat hisoblanadi. Umumiy ovqatlanish korxonalarini innovatsiyalari samaradorligi ko'proq mijozlarni jalb qilishga bog'liq bo'ladi. Shuningdek, mahsulotlarni tayyorlashda mukammal texnologiyalarni qo'llab sarf-xarajatlarni kamaytirish, mahsulot sifatini hamda xizmatlar xilma-xilligini oshirishni maqsad qilib oladi. Rivojlangan xorij mamlakatlarida yangi texnologiyalarni hamda g'oyalarni qo'llash, eng dolzarb masalalardan hisoblanadi.[3] Innovatsiya innovatsion jarayon natijasidir. Boshqacha qilib aytganda, tijorat darajasida foydalanish mumkin bo'lgan va bozorda yangi mahsulot yoki yangi jarayon sifatida tarqalgan ixtirodir [2].

Ixtirolarning rivojlanishi: boshlang'ich va yirik ixtirolarning paydo bo'lishi, Innovatsiyalarning paydo bo'lishida muhim omillardan biridir. Innovatsiyalarning rivojlanishida davlat muhim rol o'ynaydi.

Shu o'rinda, davlatning vazifasi innovatsion loyihalar, ilmiy tadqiqotlarni kengaytirish hisoblanadi. Chunki bunday loyihalar, birinchidan, mamlakatda zaruriy bo'lgan, xalqaro mehnat taqsimoti talablariga javob beradigan tadbirkorlar tomonidan qilinadigan innovatsion takliflarni kengaytirish imkonini beradi.

Ikkinchidan, ular resurslarni tejashga qaratilgan bo'ladi, ayniqsa, energetika va xom ashyo resurslarini. Yoki bo'lmasam ularning yangi turlarini yaratishiga olib keladi. Bundan tashqari, ular bevosita qo'llab quvvatlashdan ko'ra kengroq ta'sirga ega hamda ko'proq rag'batlantirish xususiyatiga ega.

Rivojlangan mamlakatlarda davlatning Innovatsiyalarni rivojlantirishdagi asosiy dastaklari quyidagilar:

- Dekorativ tadbirlar (patent qonunchiligistandardlashtirish va h.k.)
  - Bozor infrastrukturasi xizmat ko'rsatish, tashkilotni kengaytirish. (axborotni qayta ishlash va saqlash, patentlarni realizatsiya qilish va boshqalar)
- Dotatsiyalar va shartnomalar qilish orqali to'g'ridan to'g'ri innovatsion loyihalarni kengaytirish va oshirish.
  - Biror sohada innovatsion loyihalarni rivojlantirish maqsadida ilmiy institutlarni yoki jamoaviy shartnomaviy ilmiy tadqiqotlarni rag'batlantirish.
  - Bilvosita rag'batlantirish vositalariga soliqlardan ozod etish va soliqdan ozod etish va soliq imtiyozlarini berish, yoki turli shunga o'xshash vositalarni kiritishimiz mumkin.
- Turli xavf xatarlarga ega loyihalar va tadbirlarga davlat kafolatlarini berish.

Innovatsion faoliyat oldindan ishlab chiqilgan innovatsion strategiyaga asoslanadi. Innovatsion strategiyaning bosh maqsadi, innovatsion faoliyatning asosiy yo'nalishlarini rivojlantirishga zaruriy shart- ishariatlarni yaratib berish, innovatsion faoliyat bilan shuullanayotgan korporatsiyalar firmalar va turli mulk shakliga ega korxonalar maqsadlarini, davlat maqsad va vazifalari bilan uyg'unlashtirish hisoblanadi. Innovatsion g'oya ilmiy-texnik faoliyat va tadbirkorlik faoliyati chegarasida paydo bo'ladi. Asosiy maqsad, esa bozorda talabgir bo'lgan va iqtisodiy va boshqa samardorlikka olib keladigan yangi yoki mukammallashtirilgan ob'ektlarni yaratishdir.

Mos ravishda, innovatsion faoliyat rivojlanishida davlatning roli to'g'ridan-to'g'ri bo'lmasligi kerak ya'ni davlat to'g'ridan- to'g'ri moliyalashtiruvchi bo'lmaydi. Bu borada davlat tomonidan tartibga solishning asosiy mexanizmi, rag'batlantirish bo'lishi lozim. Samarqand viloyat statistika boshqarmasi ma'lumotlariga ko'ra, 2020- yilning yanvar-dekabr oylarida ko'rsatilgan bozor xizmatlari hajmi 14 318,7 mlrd. so'mga yetdi. O'tgan yilning shu davriga nisbatan o'sish sur'ati 102,6 %ni tashkil etdi<sup>1</sup>. Xizmatlar ichida ayniqsa, umumiy ovqatlanish tizimi, turistik xizmatlar ichida muhim ahamiyatga ega. Chunki ovqatlanish bilan nafaqat biror insonning birlamchi ehtiyojlari qondiriladi, balki jarayonda biror xalqning urf-odatlarini, an'analarini hamda madaniyatini bilan tanishish imkoniyati vujudga keladi. Bundan tashqari, bugungi kunda umumiy ovqatlanish korxonalariga odamlar ovqatlanish uchun emas, aksincha dam olish uchun, bir-birlari bilan muloqotda bo'lishlari uchun va boshqa turli xil maqsadlar

---

<sup>1</sup><http://www.stat.uz>



bilan tashrif byurishadi. Ammo, quyidagi jadval ma'lumotlariga ko'ra, 2019- yil yanvar-dekabr oylariga nisbatan, 2020 yilda yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar hajmi 3,1 mlrd. so'mga kamayganligini ko'rishimiz mumkin. 2020- yilning yanvar-dekabr oylarida yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlarning umumiy hajmida oziq-ovqat va ichimliklar bilan ta'minlash bo'yicha xizmatlarning ulushi 80,9 % bilan ustunlik qiladi.<sup>1</sup> Ko'rsatkichlarning bu tarzda o'zgarishini koronavirus pandemiyasi bilan bog'lashimiz mumkin. Bu vaqtda faqatgina innovatsiyalarni tez qo'llay oladigan va o'zgarishlarga moslasha oladigan umumiy ovqatlanish korxonalarigina kam zarar ko'rdi.

1-jadval

Iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha ishlab chiqarilgan xizmatlarning asosiy ko'rsatkichlari (2020- yilning yanvar-dekabr oylarida)	Hajmi, mlrd. so'm	O'tgan yilga nisbatan o'sish sur'ati, %da
<b>Xizmatlar - jami</b>	<b>14 318,7</b>	<b>102,6</b>
shu jumladan:		
Aloqa va axborotlashtirish xizmatlari	698,8	108,4
Moliyaviy xizmatlar	2 077,9	121,3
Transport xizmatlari	3 484,9	99,6
shu jumladan: avtotransport xizmatlari	3 366,5	105,8
Yashash va ovqatlanish xizmatlari	458,3	87,8
Savdo xizmatlari	4 202,0	103,2
Ko'chmas mulk bilan bog'liq xizmatlar	324,5	89,6
Ta'lim sohasidagi xizmatlar	736,7	114,3
Sog'liqni saqlash sohasidagi xizmatlar	225,3	108,1
Ijara xizmatlari	414,2	92,8
Kompyuter va maishiy tovarlarni ta'mirlash bo'yicha xizmatlar	363,9	95,8
Shaxsiy xizmatlar	552,6	90,7
Me'morchilik, muhandislikizlanishlari, texniksinovlarvatahlilsohasidagixizmatlar	296,9	85,7
Boshqa xizmatlar	482,7	88,5

Manba: <http://www.samstat.uz/uz/2-uncategorised/4996-innovatsion-faoliyat>

Yana ta'kidlab o'tish kerakki umumiy ovqatlanish sohasi bugungi kun O'zbekiston iqtisodiyotida jadal rivojlanayotgan va tez likvidlanuvchi sohalardan hisoblanadi. Nafaqat O'zbekiston balki rivojlangan, rivojlanayotgan davlatlar iqtisodiyotida ham soxaning tez o'sayotganini ko'rishimiz mumkin.masalan, Rossiyalik mutaxassislarning ta'kidlashlaricha, bu turdagi korxonalarda yillik oborot 1mln dollarni tashkil qilishi, foyda esa kamida 30% ga etishi mumkin. Shu bilan birga bu soxada, boshqalariga qaraganda masalan ishlab chiqarishga nisbatan kamroq investisiya bilan ish boshlasa ham bo'ladi



Hozirgi koronavirus pandemiyasi davrida Iqtisodiy inqirozning oldini olishning hamda iqtisodiy o'sishning asosiy yo'nalishlari innovatsion faoliyat, keng tarqalgan Innovatsion texnologiyalar hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlar yalpi ichki mahsuloti o'sishining 70-85% i ilm-fan yangiliklari hissasiga to'g'ri keladi [1]. Bu ilm fan yangiliklari ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish va boshqaruv sohasidagi texnologiyalar ko'rinishida aks etadi. Bundan esa jamiyat taraqqiyoti bilim, ilm-fanga asoslanadi degan xulosa kelimiz. Innovatsion mahsulot bilan boyitilgan bilim jamiyatning sanoatlashgan bosqichidagi rivojlanishida asosiy kapital vazifasini bajaradi. Jamiyatning rivojlanishida Innovatsion foliyatning roli va ahamiyatini kuchaytirish asosida innovatsiyalarni realizatsiya qilish va hayotga tadbiq etish tempini keskin ortishiga erishishimiz mumkin. Hozirgi davrda investorlar boshqaruv uslubini o'zgartirish, sarf xarajatlarni qisartirishning yangi imkoniyatlarini o'rganishga emas, balki Innovatsiyalarga, innovatsion faoliyatga ko'proq e'tibor qaratishmoqda. Innovatsiyalar kompaniyaning daromadini oshiradi, uning o'sishini jadallashtiradi, kompaniyaning raqobatbardoshligini oshirishga asos bo'ladi.

Umuman olganda Innovatsion faoliyat jamiyat rivojlanishining ijtimoiy-siyosiy iqtisodiy faktorlarini qamrab oluvchi hayotiy faoliyatdir. Qisqacha qilib aytadigan bo'lsak, innovatsion faoliyat yangi ilmiy texnikaviy bilimlardan foydalanish asosida ishlab chiqarish faktorlarining o'zaro ta'sir darajasini yuqori poonaga ko'tarilishni ta'minlashga qaratilgan. Iqtisodiy islohotlar sharoitida barqarorlikni va iqtisodiy o'sishga o'tishni ta'minlashga yo'naltirilgan ilmiy-texnikaviy salohiyatni saqlab qolish, uni rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlarini ishlab chiqish zarur.

Bu g'oyalar ilm- fan natijalariga, amaliy tajribalarga, marketing tadqiqotlari natijalariga yoki sub'ektiv intuistiyaga asoslangan bo'lishi mumkin. Innovatsiyaning natijasi sifatida innovatsion mahsulot qaraladi. Oxirgi vaqtlarda ob'ekt-jarayon yondashuvi mashhur bo'ldi. Bu yondashuvga ko'ra, natija va jarayon yaxlit boshqaruv ob'ekti sifatida qaraladi.

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda jahonda Innovatsiyaning roli va ahamiyati doimiy ravishda o'sib boryapti. Innovatsiyalar texnologiyalardan foydalanmay turib, korxonaning raqobatdoshligini oshirish juda mushkul. Faqatgina yuqori darajadagi ilmiy yondashuvga va yangilikka ega bo'lgan mahsulotlarga, ijobiy iqtisodiy natijalarni ko'rsatish imkonini beradi. Shunday ekan, umumiy ovqatlanish korxonalari uchun ham Innovatsiyalar hayotiy zarurat hisoblanadi. Umumiy ovqatlanish korxonalari Innovatsiyalarni yaratishda quyidagilar mijozlarni ko'proq jalb qilish uchun mahsulotlarni tayyorlashda mukammal texnologiyalarni qo'llab sarf xarajatlarni kamaytirish, mahsulot sifatini hamda xizmatlar xilma xilligini oshirishni maqsad qilib oladi. Xorijda allaqachon yangi texnologiyalarni hamda g'oyalar dolzarb masala hisoblanadi. Umumiy ovqatlanish korxonalari o'rtasidagi kuchli raqobat doimiy ravishda paydo bo'lgan yangiliklarga e'tiborli bo'lishni hamda imkon qadar tez uni korxonalar faoliyatiga kiritishni talab etadi.

#### ***Adabiyotlar ro'yhati:***

1. Гороховицкая Татьяна Николаевна ФГБОУ ВО «Самарский государственный экономический университет» Филиал в г. Сызрани, Россия, Сызрань Заведующая кафедрой «Экономика и управление» Кандидат экономических наук, доцент E-mail: kafedra.eu@mail.ru
2. Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. Новое знание, 2008.с.348.
3. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. – М.: «Дашков и К°» 2008. - С. 625.

### **ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА РИСКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА РИСК МАНБАЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

***Гадаев Ж.М., ассистент***

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

***Аннотация:*** Мақолада ҳозирги шароитда мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, қимматли қозғалар бўйича юзага келадиган рисклар моҳияти, унинг тавсифи ва манбаларини тартибга солиш бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилган, шунингдек тавсиялар шакллантирилган.

***Калит сўзлар:*** риск, қимматли қозғоз, молия бозори.

**Аннотация:** В статье представлены отзывы о характере рисков, связанных с ценными бумагами, их описание и регулирование источников, исходя из текущей ситуации, а также рекомендации.

**Ключевые слова:** риск, ценные бумаги, финансовый рынок.

**Abstract:** The article provides feedback on the nature of risks associated with securities, their description and regulation of sources, based on the current situation, as well as recommendations.

**Key words:** risk, valuable papers, financial market.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурслардан узлуксиз фойдаланиш, уларни самарали инвестициялаш ва мақсадга мувофиқ йўналтириш муҳим аҳамиятга эга ва бу молиявий бозор орқали таъминланади. Молиявий бозор аҳоли ва хўжалик субъектларининг вақтинча бўш маблағларини йиғиш ва уларни самарали жойлаштиришда пул маблағларини эгалари (жамғарувчилар) ва улардан фойдаланувчилар (инвесторлар) ўртасида воситачилик қилади ва бу жараёда юзага келадиган рискларнинг пайдо бўлиш инкор қилишнинг иложи йўқ.

Молиявий бозори фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш муҳим масалалардан бири саналади. Ҳаммамизга маълумки ҳозирги кунда ҳукм сураётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, кўплаб давлатларнинг иқтисодиётига, хусусан молия бозори фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бунинг натижасида молия бозорининг молиявий фаолиятининг рисклилики даражасини кескин ортиб кетишини, ҳатто уларнинг банкрот ҳолатига тушиб қолишларини ҳам кузатишимиз мумкин бўлади. Бундай шароитда, давлат томонидан молия бозорларининг молиявий фаолиятини тартибга солиш, уларга турли имтиёзлар бериш ва қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш, молия бозорларида юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида молия бозори фаолиятида рискларнинг мавжудлиги бу табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки молия бозори фаолияти муайян бир таваккалчиликларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бундай шароитда молия бозорида кутиладиган даромад, фойда ва бошқа молиявий кўрсаткичларни ололмаслик эҳтимоллиги юзага келиши мумкин.

Рискларни молия бозори фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш мақсадида рискларнинг турли белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. молия бозори жорий ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишларида қатор рискларга дуч келадилар. Шунинг учун рискларнинг табиати ва турларини ёритиш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Риск турларининг деярли молия бозорининг молиявий кўрсаткичларига таъсир этади, лекин молия бозори қайси иқтисодиёт тармоғида ўз фаолиятини юритишига қараб, рисклар таъсири даражаси ҳам ўзгариши мумкин.

Ривожланган мамлакатлардаги қимматли қоғозлар бозорида савдо ишлари шунчалик ривожланганки, рискларнинг тури ва қанча зарар кўриши тахминий ҳисоб - китоб қилинмаса, бир куннинг ичидаёқ қимматли қоғозларга қўйган инвестициясини йўқотиши мумкин. Шунинг учун, қимматли қоғозлар бозорида рискларнинг таҳлили жуда катта аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, рискларни таҳлил қиладиган мутахассислар жуда катта ҳурматга эга бўладилар.

Бу ишлар агарда яхши амалга оширилмаса, фонд биржасининг ҳурмати (имиджи) пасайиб кетади. Чунки биржаларда савдо қилаётган профессионал иштирокчилар (брокер, дилер, маклер, трейдер) ўзларининг маблағларидан ёки четдан келган инвесторнинг маблағидан қимматли қоғозлар бозорида қиладиган савдоларга ишлатадилар. Бу дегани, ўзининг маблағидан ҳам яхшироқ фойдаланишга тўғри келади, мубодо четдан келган инвестор маблағини қимматли қоғозларга жойлаштириб фойда ўрнига зарар кўриб ёки барча пулини йўқотиб қўйса, биржада иштирок этаётган профессионал иштирокчи қай аҳволга тушушини тасвур қилиш қийин эмас деб тушунамиз. Четдан келган инвесторнинг пулини эмас, балки ўзининг меҳнати билан топган пулини қимматли қоғозларга инвестиция қилиб, савдода йўқотиб қўйса, четдан келган инвесторга нисбатан икки ёки ундан кўпроқ йўқотгандай бўлиб, аҳоли ўндан ҳам огирлашади.

Қимматли қоғозлар бозорида рискнинг ўрни жуда катта деб ҳисоблайман, чунки инсоннинг табиий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, қаерда фойда кўп, зарар кам бўлса, шу жойда ҳамма ва ҳар доим ишлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун юқорида таъкидлаб

ўтганимиздек, ҳамма жойда риск бор ва бўлади. Бу бозордаги риск натижасида қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал иштирокчилар рақобатчилик билан ишлаш ва ҳар - хил вазиятлардан чиқиш йўллари мукамаллаштириш ва бошқа ҳолларни ўрганишади. Энг асосийси, фойда олишга қизиқиш янада кучаяди.

Молия бозори қатнашчиси учун молиявий инструмент бўйича кўпинча ноаниқ бўладиган қуйидаги информация аҳамиятга эга:

- молиявий инструментни иқтисодий-ҳуқуқий таъминланганлиги асосида базисига эквивалентлиги даражаси;

- ликвидлиги;

- ҳаражатлар;

- рисксизлилик ва натижавийлилик даражаси.

Умуман олганда, информациянинг ноаниқлиги мос равишда рискни келтириб чиқаради.

Рискларни вақт омили бўйича ретроспектив (ўтмишдаги тарихий), жорий вақтдаги ва келажакда содир бўладиган рискларга ажратиш мумкин. Ретроспектив рискларни баҳолаш жорий вақтдаги ва келажакдаги рискларни аниқроқ прогно қилишга ёрдам беради.

Рискларни бошқарилиши бўйича уларни ташқи ва ички бошқаришга ажратиш мумкин. Рискларни ташқи факторларини назорат қилиш ичкисидан мушкулроқ ҳисобланади.

Содир бўлиш омиллари бўйича рисклар табиий (абиоген, биоген), антропоген (техноген, биоген), иқтисодий ва сиёсий бўлиши мумкин.

Сиёсий рисклар - сиёсий ҳолатни ўзгарувчанлиги билан белгиланадиган рисклар.

Иқтисодий (тижорат) рисклари - иқтисодиётдаги ноҳуш ўзгаришлар билан белгиланадиган рисклар.

Ўз навбатида сиёсий ва иқтисодий рисклар ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Қамрови бўйича рисклар қуйидаги турларга ажралади:

- халқаро доирада;

- мамлакат доирасида;

- регионал доирада;

- тармоқ ичида;

- корхона рисклари.

Молия бозори рискларига қуйидагиларни киритиш мумкин: инвестицион риск, тизимли риск, тизимсиз риск, селектив риск.

Тизимли риск - молия бозорининг қандайдир сегментидаги инқирозли ҳолат билан боғлиқ риск бўлиб, унга инфляцион риск, қонунчилик ҳужжатларини ўзгариши rischi, фоиз ставкаси rischi, “буқалар” ва “айиқлар” бозоридаги риск, ҳарбий конфликтлар rischi киради. Бу рискни таҳлили молия бозори сегментларидаги ҳолатнинг ўрганиб (кузатиб) сифатий баҳолаш билан боғлиқ. Лекин унинг натижалари риск даражасини пасайишига таъсир кўрсатмайди. Бу рискни диверсификацияланмайдиган риск ҳам дейилади, инвестицион қарорлар қабул қилинишига боғлиқ эмас.

Тизимсиз риск - агрегирлашган тушунча бўлиб, ўзида молия бозори рискларининг барча турларини мужассамлаштиради. Бу риск молия инструментларининг у ёки бу турини конкрет шар-шароитлардан келиб чиқиб танлаш асосида диверсификацияланиши, пасайтирилиши мумкин. Бундай риска қуйидагилар киради: мамлакатдаги риск, тармоқдаги риск, региондаги риск, инвестициялаш объектлари рисклари (вақт rischi, портфел rischi, тўлов ва клиринг rischi, операцион риск, етказиб бериш rischi, пул кўчириш rischi, бизнес-риск, молия rischi, корхона rischi, катастрофик риск, бошқарув rischi, ликвидлилик rischi, кредит rischi, валюта rischi, саноат rischi, конвертацияланувчи риск, дивиденд тўланмаслиги rischi).

Тизимли ва тизимсиз рисклар мазмунини мавжуд адабиётдан чуқурроқ ўрганиш тавсия этилади.

Селектив риск - портфел шакллантирилиши чоғида молиявий инструментларни нотўғри танлаш билан боғлиқ риск.

Рискларни микдорий ва сифатий таҳлил қилиш мумкин (таҳлил усуллари ва моделлари тегишли адабиётларда кенг ёритилган).

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, қимматли қоғозлар бозорига инвестиция қиритаётган вақтда рискларни аниқлаш ва уларни олдини олиш мураккаб муаммолардан ҳисобланади.

Кўпчилик бунинг маъносидан ҳар бир киши молиявий натижанинг охири нима билан тугаши, ноаниқ ҳаракатлар борлигини кўз олдига келтиради. Лекин ҳис - туйғуларга ишонган ҳолда, ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида яхши натижа билан ишлаш етарли эмас. Шунинг учун рискларни билиш ва бошқариш лозим, бунда қандайдир эҳтимолда бўладиган рискларни маълум йўллар билан бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

#### *Адабиёт:*

1. Молия бозори. Дарслик / Ж.Р. Зайналов, Э.Н. Ходжаев, Н.Х. Рузибаева ва бошқ. – Тошкент: 2019. – 320 б.

2. Frederic S. Mishkin, Stanley G. Eakins, Financial Markets and Institutions, US Prentice Hall, 2012. – P. 255.

### **МОЛИЯ БОЗОРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР РИСКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

*Гадаев Ж.М. –ассистент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Молия бозори ва унинг иштирокчилари ўртасида бўладиган муносабатлар ва ҳаракатлар рисксизлиги молиявий муносабатларда муҳим ўрни тутади. Мақолада молия бозорида ҳаракатлар хавфсизлиги моҳияти ва уни таъминлаш бўйича тавсиялар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** молия бозори, ҳаракат, риск, рисксизлик.

**Аннотация:** Безрисковый характер отношений и действий между финансовым рынком и его участниками играет важную роль в финансовых отношениях. В статье сформулирована сущность обеспечения безопасности действий на финансовом рынке и даны рекомендации по ее обеспечению.

**Ключевые слова:** финансовый рынок, движение, риск, без риск.

**Abstract:** The risk-free nature of relationships and actions between the financial market and its participants plays an important role in financial relationships. The article formulates the essence of action security in the financial market and recommendations for its provision.

**Key words:** financial market, movement, risk, risk-free.

Ҳозирга келиб рискларни баҳолашда турли усуллардан фойдаланилмоқда, масалан: органолептик (дастлабки тарзда таъсир сифатини баҳолашда), статистик-эмпирик (баҳолашда кўп вақт ва маблағни талаб қилади), умумлаштирилган эҳтимолий-математик усуллар (уларни қўллаш арзон ва қулай). Буларнинг ичида энг кўп қўлланиладигани - бу эҳтимолий-математик усуллар бўлиб, уларнинг ёрдамида молия бозори рисклари ва унда ҳар қандай қатнашчининг вақт бирлиги ичидаги ҳаракати рисксизлиги даражасини миқдорий баҳолаш мумкин.

Молия бозоридаги “ҳаракатлар рисксизлиги” - бозордаги рискли шароитларда қатнашчининг бизнес функцияси ва ҳаракатларини маълум вақт давомида қониқарли бажариши эҳтимоли. Бошқача қилиб айтилса, “ҳаракатлар рисксизлиги” - қатнашчининг шундай хоссаки, унга асосан қатнашчи маълум вақт давомида рисксиз ҳаракатнинг идрок этилган ва аниқ прогноз қилинган даражасида барқарор (қониқарли) фаолиятини узлуксиз сақлаб юритиши тушунилади;

Бундай таърифда қуйидагилар муаммоларни ҳисобга олиш лозим:

1) рискларни фавқулудда пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олинса, у ҳолда ҳар қандай ҳаракатлар рисксизлиги эҳтимолий характерга эга, демак бу хосса шартлидир;

2) қониқарли фаолият юритиш тамойилини қабул қилиниши молия бозори ва ундаги ҳар қандай қатнашчининг фаолияти параметрлари маълум вақт давомида рискларга мойиллигидан далолат беради, демак бундай хосса ҳам шартлидир;

3) қатнашчи ҳаракатини олдиндан тахминан маълум деб олинган молия бозори муҳитининг рискли шароитларга мослигини баҳолаш лозим. Баҳолашдаги бундай тахмин одатда ҳаракатнинг қисқа вақт даврида мазмунга эга бўлиши мумкин, демак бу хосса ҳам шартлидир.

“Рисксизлик” термини остида, умуман олганда, молия бозори ва ундаги қатнашчи томонидан талаб қилинган функция ва фаолиятини ҳеч қандай рискларсиз бажаришга қодирлиги тушунчаси ётади. “Қодирлик” термини эса молия бозори ва ундаги қатнашчи талаб қилинган функция ва фаолиятни бажаришга қодир ёки қодир эмас деган маънода қўлланилади. Аммо

“қодирлик” тушунчаси абстракт (ўзгарувчан), яъни кўш маънодабўлганлиги учун талаб қилинган функция ва фаолиятни бажаришликка қодирликнинг турли (энг критик миқдори иккита бўлади, яъни “қодир” ва “қодир эмас”) даражаларини аниқлаш мумкин.

Айтилганлар асосида таъкидлаш мумкинки, агар молия бозори ва унинг қатнашчиси функцияси ҳамда рисклар критерийлари (мезонлари) яққол кўринишда (шаклда, турда) берилган бўлса, унда ҳаракатлар рисксизлиги эҳтимолий кўрсаткичлар (эҳтимолий-математик усуллар, моделлар) ёрдамида аниқ миқдорда ифодаланиши мумкин. Бунда рисклар тақсимланишининг эҳтимолий қонуниятларини осон топиш мумкин бўлади ва унинг асосида қатнашчининг молия бозоридаги ҳаракатлари рисксизлиги даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш имконияти вужудга келади.

Эслатиш лозимки, ҳаракатлар рисксизлиги даражаси уларни режалаштириш босқичида белгилаб олинади, кейинчалик ҳаракатларни бажариш чоғида эса рисксизлик даражасига жорий ўзгартириш ва қўшимчаларсиз эришиб бўлмайди. Чунки рисксизлик ҳоссаи абстракт тушунча, табиатан эҳтимолий қонуниятга эга бўлиб, уни идрок этиш ҳар қандай қатнашчига ҳам осонликча кечмайди, натижада кўп қатнашчилар олдиндан тузган молия бозорида дастлабки таҳлилий-прогноз асосида режалаштирган рисксиз фаолияти дастурларини тўлиқ амалга оширишга ноқобил бўлиб келмоқдалар.

Бундай ҳолат молия бозоридаги рисклар ва ҳаракатлар рисксизлиги муаммосини тизимли ёндашув асосида идрок этишни, тадқиқотларни давом эттиришни ва шунинг асосида ечимини топишни тақозо этади.

Конкрет ҳаракатни кўлланилиши ва унинг зарурлиги ушбу ҳаракатнинг рисксизлик кўрсаткичини белгилайди. Бунда ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш кўп жиҳатдан тўғри келишлиги ва заруратлилиги маъносини касб этади. Одатда молия бозори қатнашчисидан ҳар бири турли рисксизлик даражасига эга бўлган ҳилма-ҳил функция ва ҳаракатлар бажариш талаб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, белгиланган рискли шароитларда қатнашчи вақтнинг турли оралиқларида талаб қилинган функция ва ҳаракатларни муваффақиятли бажаришнинг турли эҳтимолига эга бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорига инвестиция қиритаётган вақтда рискларни аниқлаш ва уларни олдини олиш мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Кўпчилик бунинг маъносидан ҳар бир киши молиявий натижанинг охири нима билан тугаши, ноаниқ ҳаракатлар борлигини кўз олдига келтиради. Лекин ҳис - туйғуларга ишонган ҳолда, ҳозирги қимматли қоғозлар бозорида яхши натижа билан ишлаш етарли эмас. Шунинг учун рискларни билиш ва бошқариш лозим, бунда қандайдир эҳтимолда бўладиган рискларни маълум йўллар билан бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир инвестор молиявий активларни инвестиция қилаётганда ўзида қандайдир ноқулай ҳис-туйғулар пайдо бўла бошлайди, бунинг натижасида инвестор:

- фойда кутаётган даражадан кам бўлиши мумкин;
- фойда олинмаслиги мумкин;
- қимматли қоғозларнинг нархига нисбатан қўйилган маблағнинг маълум қисми йўқотилиши мумкин;
- қимматли қоғозларга инвестиция қилиб қўйилган маблағнинг ҳаммаси йўқотилиши мумкин;

Молиявий натижаларнинг ноаниқлиги, инвесторнинг маблағини йўқотилиши билан боғлиқ. Бу ҳолатни ҳақиқий ноаниқликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлайман.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган рискка кутилаётган фойданинг маълум бир қисмини фонд бозорида тадбиркорликни амалга ошираётган савдо - сотиқлар вақтида йўқотилиши мумкин. Офатли (катастрофик) риск кутилаётган фойдани ёқотиш билан бир қаторда қимматли қоғозлар билан ишлаш учун қилинган инвестиция маблағини ҳам ёқотилиши мумкин.

Агар фойда аниқ бўлса, унда бу фаолиятдан кутилаётган рискларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишнинг энг самарали усуллари сифатида шуни айтиш мумкинки рисксиз бўлиши табиий, аммо бу рискни келтириб чиқарувчи омилларни тўғри ва тўлиқ ўрганишимиз яхши ва самарали қутилган натижага эришишимизга имкон беради.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, молия бозоринг ўзига яраша rischi бўлади. Унинг баҳоси ва кутилаётган фойданинг даражасига қараб баҳоланиши мумкин. Агарда молия бозорининг фаолиятидаги кутилаётган riskларни тўғри баҳолай осяк кутилган натижага эришимиз мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Молия бозори. Дарслик / Ж.Р. Зайналов, Э.Н. Ходжаев, Н.Х. Рузибаева ва бошқ. – Тошкент: 2019. – 320 б.
2. Николаева И.П. Рынок ценных бумаг: Учебник. – Дашков и К, 2015 г. – 256 с.

### **ХОДИМЛАР ДАРОМАДЛАРИ, УЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН УШЛАНМАЛАР ВА АЖРАТМАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Худайбердиев Н.У., и.ф.н., доцент, декан  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Ўзбекистон*  
*Пардаев М.С., магистратура талабаси,  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу мақолада корхоналарда ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар аудитини ташиқ қилиш ҳамда аудит жараёнида қўлланиладиган ишчи хужжатларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

**Калим сўзлар:** ходимлар даромадлари, аудит, ушланмалар ва ажратмалар, ишчи хужжатлар.

**Abstract:** In this article organising wages and deductions audit in companies and during this audit improvement of working documents are researched.

**Key words:** Wages, audit, deductions from wages, current working documents.

**Аннотация:** В данной статье исследуется организация аудита доходов сотрудников, удержаний и отчисления, а также совершенствование рабочих документов, используемых в процессе аудита.

**Ключевые слова:** доход работника, аудит, удержаний и отчисления, рабочие документы.

Ходимлар даромадлари, даромадлардан бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга ундириладиган солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликлиги, шунингдек, кўпроқ меҳнат сарфи талаб этиши, уларни хўжалик юритувчи субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳамда ўтказилаётган аудитнинг ўта муҳим ва масъулиятли объектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг негизида кўплаб сабаблар ётади. Бундай сабаблар сирасига, ходимлар сонининг кўплиги, улар даромадларининг турли-туманлиги, бу даромадларнинг солиққа тортишга бўлган талабларнинг ҳар хиллиги, ва солиқ қонунчилигида белгиланган бошқа турли тартибларга амал қилишнинг мажбурийлигини киритиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар аудитини самарали, тезкор ва сифатли ўтказиш учун унинг назарий, ташкилий ва услубий асосларини янада такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар келишувга кўра комплекс аудитнинг ёки махсус савол тарзидаги аудитнинг объекти бўлиши мумкин. Тузилган шартномага кўра ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар ёппасига ёки танлаб текширилади. Одатда, ходимлар сони кўп бўлган корхоналарда бу объект танлаб текширилади. Бунда танлабтекшириш миқдори умумий ишловчи ходимлар сонининг 10 фоизидан камбўлмаслиги лозим. Ходимлари сони кам бўлган кичик бизнес субъектларида ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар ёппасига тўлиқ текширилади.

Махсус савол тарзида ўтказиладиган аудит текширувида бу объект, одатда, ёппасига барча ходимлар бўйича ўтказилади.

Ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар аудитининг асосий мақсади бўлиб хўжалик юритувчи субъектларда ходимларга даромадлар тўғри ҳисобланганлиги, улардан ушланма ва ажратмалар тўғри ундирилганлиги ва улар молиявий ҳисоботда реал акс эттирилганлиги тўғрисида исботу-далилларни йиғиш ҳисобланади. Чунончи, ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган

ушланма ва ажратмалар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботда реал акс эттирилганлиги тўғрисида йиғилган исботу-далиллар молиявий ҳисоботга ижобий хулоса беришга, аксинча эса ушбу ахборотларнинг нореаллигини тасдиқловчи йиғилган исботу-далиллар молиявий ҳисоботга салбий хулоса беришга асос бўлади.

Ушбу мақсадга эришиш учун аудиторлар олдида бир қатор муҳим вазифалар қўйилади. Бундай муҳим вазифалар қуйидагилар ҳисобланади:

- текширув режасини тўғри тузиш ва унинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- текширув дастурини тўғри тузиш ва унга киритилган саволларни маълум кетма-кетликда ва тўлиқ қамровда текширилишини таъминлаш;
- текширувнинг тез ва соз яқунланишига имкон берувчи усулларни тўғри танлаш ҳамда қўллаш;
- текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида тушунарли ва исботли асосда ёритиш;
- аудиторлик ҳисоботига унда келтирилган исботу-далилларни фойдаланувчилар учун тушунарли ва осон шакл ҳамда мазмунда ифодаловчи аудиторлик ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фикримизча, Ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар аудитини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш тартибини меъёрий ҳужжатларга киритиш, шунингдек ушбу тартибни дарслик ва ўқув қўлланмаларида келтириш фойдалидир (1-расм)



**1-расм. Ходимлар даромадлари, улардан ушланмалар ва ажратмалар аудитининг кетма-кетлиги**

Аудиторлик текширувларини сифатли ва юқори даражада ўтказиш бевосита аудиторлик режаси ва дастурининг тўғри тузилганлигига боғлиқ.

Чунки аудиторлик режаси ва дастури аудиторлик текширувининг асосийэлементи ҳисобланади. Аудиторлар аудиторлик текширувлари режасида даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмаларни текширишга кўпроқ вақт ажратишлари мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, аудиторлик текшируви дастурида ходимлар даромадлари, улардан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар бевосита таъсир кўрсатувчи омилларнинг барчаси қамраб олинган бўлиши лозим.

Ходимлар даромадлари ва улардан ундириладиган солиқлар реаллигини текшириш юқорида келтирилган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда гувоҳлик берувчи

хужжатлар маълумотларига асосан амалга оширилиши лозим. Бунда асосий гувоҳлик берувчи хужжатлар бўлиб штат жадвали, иш ҳақи китоби, ҳисоб-тўлов қайдномаси, шахсий счётлар, нарядлар, табель, тариф ва расценкалар, буйруқлар, аризалар ва бошқалар ҳисобланади. Ушбу хужжатлар асосида ходимлар даромадлари ва улардан ундирилган даромад солиғини текшириш натижалари аудиторлар томонидан махсус иш хужжатлари билан расмийлаштирилиши керак. Таъкидлаш жоизки, ходимлар даромадлари ва улардан ундириладиган солиқлар реаллиги текшируви натижаларини ўзида мужассамлаштирувчи аудиторларнинг иш хужжатлари шакллари ҳамда уларни тузиш тартиблари меъёрий хужжатларда назарда тутилмаган, шунингдек ушбу иш хужжатлари шакллари дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларда ҳам келтирилмаган. Булар, ўз навбатида, амалиётда ходимлар даромадлари ва улардан ундириладиган солиқлар реаллиги текшируви натижаларини ўзида мужассамлаштирувчи аудиторларнинг иш хужжатларини турлича тузилишига, айрим ҳолларда уларни умуман тузилмаслигига олиб келмоқда.

Фикримизча, ходимлар даромадлари ва улардан ундириладиган солиқлар реаллиги текшируви натижаларини қуйидаги шакллардаги ишхужжатлари билан расмийлаштириш тартибини меъёрий хужжатлардан назарда тутиш, шунингдек ушбу тавсия этилаётган иш хужжатлари шакллари дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларда келтириш ҳозирги пайтда амалиётда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга имкон беради (1,2-жадвалларга қаранг).

1-жадвал

**Ходимлар даромадлари реаллиги ва асослиги текшируви натижалари йиғма қайдномаси**

№	Ходим Ф.И.Ш.	Лавозими	Корхона маълумотлари бўйича ходим даромадлари	Аудит натижалари бўйича ходим даромадлари	Четланиш
1	2	3	4	5	6

**Манба: Изланишлар асосида муаллиф ишланмаси.**

2-жадвал

**Ходимлар даромадларидан ундириладиган ушланмалар ва ажратмалар реаллиги текшируви натижалари йиғма қайдномаси**

№	Ходим Ф.И.Ш.	Корхона маълумотлари бўйича ходим даромадларидан ушланмалар						Аудит натижалари бўйича ходим даромадларидан ушланмалар						Четланиш					
		ажратмалар			ушланмалар			ажратмалар			ушланмалар			ажратмалар			ушланмалар		
		1	2	...	1	2	...	1	2	...	1	2	...	1	2	...	1	2	...
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

**Манба: Изланишлар асосида муаллиф ишланмаси.**

Даромадлар ва улардан ушланмалар ҳамда ажратмалар айрим ходимлар бўйича тўғри, айримлари бўйича кўп ёки кам ҳисобланган бўлиши мумкин. Юқорида таклиф этилаётган шаклларда расмийлаштирилган аудит текшируви натижалари асосида ҳар бир ходим бўйича четланишлар аниқланиши ва тузатилиши қулайроқ, кам вақт ва меҳнат талаб қилади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва тавсияларни берамиз:

- Корхона ва ташкилотлар фаолияти меҳнат ресурслари катта аҳамият касб этганлиги сабабли, ходимлар билан муносабатлар уларнинг даромадлари ҳисоб ва аудитнинг муҳим объектидир.

- Аудитнинг самарадорлиги ва натижадорлиги унинг режа ва дастурига ҳамда аудитни ўтказиш кетма-келигига боғлиқдир. Шу сабабли, ходимлар даромадлари, улардан ушланмалар ва ажратмалар аудитининг кетма-кетлигида янгича усулларни қўллаш.



• Ходимлар даромадлари, улардан ушланмалар ва ажратмалар аудитининг ишчи ҳужжатларини такомиллаштириш, хусусан, биз келтирган шаклларни қўллаш, ходимларга ҳисобланган даромадлар, улардан ушланмалар ва ажратмалар тўғри ундирилганлиги тўғрисида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнини осонлаштиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонуни.
2. А.Абуллаев, О.Абдувахобов, И.Қаюмов “Аудит асослари” Дарслик.Тошкент-2003.
3. С.Н. Ташназаров, Д.С. Ташназарова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Маъруза матни. Самарқанд-2019, 464 б.
4. 200-сон АХС «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
5. 220-сон АХС «Молиявий ҳисоботлар аудити сифатини назорат қилиш». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
6. 230-сон АХС «Аудитни ҳужжатлаштириш» 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
7. 250-сон АХС «Молиявий ҳисоботлар аудитида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни эътиборга олиш». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
8. 300-сон АХС «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
9. 320-сон АХС «Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик». 2009 йил 15 декабрдан кучга кирган.
10. ifac.org - Халқаро бухгалтерлар федерацияси расмий сайти.  
lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

### **РЕАЛ СЕКТОРНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ**

**Бозоров А.Р.**, мустақил изланувчи  
Тошкент молия институти, Ўзбекистон

**Аннотация.** Мақолада реал сектор корхоналарини қимматли қоғозларни молиялаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш бўйича илгор мамлакатлар, шу жумладан Россия тажрибаси таҳлили келтирилган. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш бўйича таклифлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар, реал сектор, инвестиция, акция, дивидент.

**Аннотация.** В статье анализируется опыт передовых стран, в том числе России, по финансированию ценных бумаг предприятий реального сектора и совершенствованию фондового рынка. Также с учетом опыта развитых стран были внесены предложения по финансированию предприятий реального сектора в нашей стране за счет ценных бумаг.

**Ключевые слова:** ценные бумаги, реальный сектор, инвестиции, акции, дивиденды.

**Abstract.** The article analyzes the experience of advanced countries, including Russia, in financing securities of real sector enterprises and improving the stock market. Also, taking into account the experience of developed countries, proposals were made for financing real sector enterprises in our country at the expense of securities.

**Key words:** securities, real sector, investments, shares, dividends.

Жаҳон хўжалигида рақобатнинг кучайиши реал сектор корхоналари томонидан инновацияларга бўлган эҳтиёжинининг ортиб боришига олиб келмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, жумладан фонд биржалари ҳамда инвестицион фондларнинг фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш, қимматли қоғозлар орқали реал сектор корхоналарини молиялаштириш механизмнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш реал сектор корхоналарининг инновацион фаолияти ривожланишида ҳамда рақобатбардошлигининг ортишида муҳим ҳисобланади.

Ўрганишлар натижасида нафақат ривожланаётган мамлакатлар балки ривожланган мамлакатларда ҳам реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг оптимал воситалари бўйича илмий, назарий ва амалий ечимини топпаган муаммолар мавжуд. Аксарият муаммолар пандемия

даврида янада ўз таъсирини кўрсатди. Эмитентлар ва биржалар веб-сайтларида барча инвесторлар учун зарур ва қулай бўлган маълумотларни осон топиш имконияти, қимматли қоғозлар эмиссия босқичлари, корхоналарнинг жозибадорлигини ошириш воситалари ва уларга таъсир килувчи омиллар каби муаммолар мавжуд.

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг [1]“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш сингари қатъий вазифаларнинг белгиланганлиги ҳам ушбу мавзу долзарблигининг яна бир тасдиғидир.

Ривожланган мамлакатларда фонд биржалари ҳамда инвестицион фондларнинг реал сектор корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштиришдаги иштироки 1970-1980 йиллардаёқ ҳуқуқий асослар билан мустақамланган бўлиб, қимматли қоғозлар орқали корхоналарни молиялаштириш механизми ишлаб чиқилиб, ушбу жараён мамлакатнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб бўлган. Мамлакатимиздаги реал сектор корхоналарининг ҳам халқаро рақобатбардошлигини таъминлашда ривожланган мамлакатларнинг қимматли қоғозлар орқали корхоналарни молиялаштириш механизмини кенг тадқиқ қилиш орқали илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришда жаҳон хўжалигидаги ҳар бир мамлакат ўз ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий ва ташкилий асосларига эга. Аммо мамлакатларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, биз уларни қуйидагича классификация қиламиз:

- ривожланган мамлакатларда реал сектор корхоналарини ривожлантиришнинг ўзига хос тажрибаси;
- янги индустриал мамлакатларда реал сектор корхоналарини ривожлантиришнинг ўзига хос тажрибаси;
- бошқа ривожланаётган мамлакатларда реал сектор корхоналарини ривожлантиришнинг ўзига хос тажрибаси.

Ривожланган мамлакатларда реал секторнинг нано ва био технологияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарини молиялаштириш замонавий тенденциялардан бири бўлса, янги индустриал мамлакатларда хизмат кўрсатишнинг банк-молия, IT сингари тармоқлари катта жозибадорликга эга, ривожланаётган мамлакатларда эса анъанавий ишлаб чиқариш корхоналари ва қайта ишлаш саноати молмялаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва саноат бўйича конференцияси (UNCTAD) маълумотлари бўйича, жаҳон иқтисодиётида реал сектор тушунчаси қўлланилмайди, аммо унинг таркибига кирувчи тармоқ ва соҳаларни молиялаштириш бўйича ҳисоботлар эълон қилинади. Жумладан, ушбу тармоқ ва соҳалар таркибига қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, кимё саноати, фармацевтика, хизматлар соҳаси ва бошқалар киради (1 жадвал).

#### 1-жадвал

#### Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва саноат бўйича конференцияси маълумотларига кўра реал секторга йўналтирилган инвестициялар ҳажми [3]

№	Сектор	1995	2005	2015	2016	2017	2018
	<b>Жами</b>	3 427	5 206	6 364	6 607	6 967	6 821
<b>1.</b>	<b>Бирламчи</b>	97	210	164	157	115	158
1.	Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик	15	12	30	47	34	46
2.	Кончилик ва нефт қазиб олиш	82	198	134	110	81	112
<b>2.</b>	<b>Ишлаб чиқариш</b>	1 258	1 317	1 609	1 466	1 413	1 518
3.	Озиқ-овқатмаҳсулотлари, ичимликларватамақимаҳсулотлари	126	150	213	174	209	151
4.	Тўқимачилик, кийим-кечак ва тери	35	19	36	39	27	46

5.	Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари	19	11	28	11	15	18
6.	Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	74	10	57	67	43	55
7.	Нашриёт ва матбаа	15	14	19	7	16	28
8.	Кокс, нефтмаҳсулотлариваядроёкилғиси	16	- 7	- 9	- 17	- 15	- 4
9.	Кимёвий ва кимёвий маҳсулотлар	127	151	185	202	151	217
10.	Дори-дармон воситалари	37	110	142	122	94	133
11.	Каучук ва пластик буюмлар	46	53	48	55	55	52
12.	Металл ва металл буюмлар	135	128	137	96	90	120
13.	Электр ва электрон ускуналар	246	237	308	258	278	231
14.	Автотранспорт воситалари ва бошқа транспорт воситалари	66	92	89	86	83	66
15.	Металл бўлмаган минерал маҳсулотлар	74	74	32	58	37	59
16.	Машина ва ускуналар	157	155	182	167	180	213
17.	Мебел ишлаб чиқариш	4	16	18	28	19	10
18.	Бошқа ишлаб чиқариш	81	104	124	113	131	123
19.	Хизматлар	2 072	3 679	4 591	4 984	5 439	5 145
20.	Электр, газ ва сув	41	66	56	105	130	155
21.	Курилиш	47	49	28	82	72	64
22.	Савдо	283	298	361	355	327	346
23.	Турар жой ва овқатланиш хизмати	60	17	42	48	39	37
24.	Ташиш ва сақлаш	97	206	165	207	267	168
25.	Ахборот ва алоқа	218	507	590	570	579	530
26.	Молия	944	1 549	2 072	2 236	2 656	2 339

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Биржалар маълумотлар базаси глобал биржалар фаолиятини кузатиб боради. Унда дунёдаги 95 та биржалар, шу қаторда дунёдаги барча йирик биржалар, шунингдек ривожланаётган мамлакатларда кўплаб кичик биржалар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Ушбу биржалар бозордаги капиталлашуви 90 трлн. Долларга тенг бўлган 52000 дан ортиқ компанияларни бирлаштиради.

Яқин вақтгача корпоратив молия банк тизимининг устунлиги билан ажралиб турадиган Япония, Германия ва континентал Европанинг аксарият мамлакатлари, бир неча йирик акционерлар, шу жумладан етакчи банклар, қимматли қоғозлар ҳамда улушларнинг катта қисмини ўзларида жамлаганлар. Масалан, Германияда ҳанузгача 89% акциядорлик жамиятларининг камида битта акционери бор, 25% акцияларни назорат қилади, бундан ташқари, агар компания самарасиз бўлса, мумкин бўлган қўшилиш ва сотиб олиш бўйича музокараларни мураккаблаштиради. АҚШ, Буюк Британия ва Канадада (фонд бозорига асосланган молиявий тизим) захираларни атомизация қилиш анча кучлироқ. 1990 йилларнинг охирида АҚШда оддий акцияларнинг қарийб 50 фоизи хусусий инвесторларга (жисмоний шахслар) тегишли эди, Япония ва Германияда бу кўрсаткичлар мос равишда 22 ва 17 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, Япониядаги молиявий институтлар барча акцияларнинг 73 фоизини, Германияда - 64 фоизни (банклар - мос равишда 19 ва 10 фоиз) назорат қилиб туришди.

Хитойда қимматли қоғозлар ҳамда фонд бозори ва реал сектор корхоналарини молиялаштириш тизими бозор механизми ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фарқ қилади. Устав капиталига эгалик қилиш тузилмасидаги асосий омил, юқорида кўрсатилганидек, банклар, оилалар, саноат гуруҳлари эгаларининг ҳар хил турлари ўрнига Хитой фонд бозорини "манфаатдор капитализм" шакли сифатида шакллантиради. Хитойнинг молиявий бозори қарзларга асослангандир. Иқтисодий банк кредитлари ва облигациялар ссудалари (асосан давлат) орқали жалб қилинган маблағлар ҳажми акцияларни чиқариш орқали молиялаш ҳажмидан сезиларли даражада ошади. Шу билан бирга, банк кредитлари реал секторга маблағ жалб қилишда етакчи рол ўйнайди.

Юридик шахсларнинг акцияларибош ташкилотлар ва листинг компаниялари таъсисчилари томонидан, миллий ташкилотлар (акциядорлик жамиятлари, яқка инвесторлар, ХХР Давлат кенгаши) ҳисобланади. Россияда эса тижорат банклари ва инвестиция компаниялари томонидан реал секторни молиялаштиришда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

1. Энергия, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо кўпчилик респондентлар томонидан молиялаштириш учун иктисодиётнинг энг афзал соҳалари сифатида танланган.

2. Хусусий корхоналар фонд бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири бўлиб, инвесторларнинг аксарият қисми хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олишни маъқул кўришади. Инвесторлар хусусий корхоналар кўпроқ даромад келтиради, деб ўйлашади.

3. Тижорат банкларининг кўпчилик респондентлари молиялаштириш объекти сифатида Россия бизнесини танладилар. Ушбу гуруҳдаги кейинги энг машхур бўлган нарса, қарз олувчининг Россия резиденти ёки норезиденти эканлиги аҳамиятга эга эмас.

4. Ўрта бизнес (йилига 10 дан 100 миллион долларгача даромад оладиган) молиялаштиришнинг энг машхур сегментига айланди. Энг яхши 30 та тижорат банклари вакилларининг имтиёзлари йирик бизнес ва ўрта бизнес ўртасида тахминан тенг тақсимланди.

5. Тижорат банклари кўп тармоқли компаниялар билан, вертикал равишда интеграциялашган компаниялар ҳамда инвестиция компаниялари билан ишлашни афзал кўришади.

6. Тижорат банклари оммавий компаниялар билан, инвесторлар - нодавлат ташкилотлар билан ишлашга кўпроқ мойил.

7. Қарз олувчиларга ва молиялаштириш объектларига қўйиладиган талаблар орасида ҳозирги молиявий ҳолати, молиявий прогнозлари, даромадлиликнинг уйғун комбинацияси бўйича етакчи талаблар мавжуд.

8. Тижорат банклари айланма маблағларни тўлдириш учун молиялаштиришга кўпроқ тайёр. Инвестиция компаниялари капитал қўйилмаларни молиялаштиришни афзал кўришади. [2]

Халқаро тажрибани ўрганиш жиҳатидан Россия федерациясининг «Россия темир йўллари» очиқ акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолият таҳлил қилинди.

Компания 2003 йилда ОАЖ сифатида ташкил этилган бўлиб, дастлаб оддий акцияларни муомалага чиқарган.

Компаниянинг корпоратив бошқарув жараёнларида қуйидаги мақсадларни қўйишган.

Россия темир йўллари инвесторлар учун бизнес самарадорлигини ва темир йўл саноатининг инвестиция жозибadorлигини оширишга интилади. Компания корпоратив амалиётга халқаро корпоратив бошқарув стандартларини жорий этмоқда.

2004 йил 6 июлда “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги “Россия темир йўллари” ОАЖга узоқ муддатли кредит рейтинги («АА+», «ВВ+»)ни берди. 2004 йил 12 июлда “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги “Россия темир йўллари” ОАЖга “Ваа3” таъминланмаган мажбуриятлари бўйича узоқ муддатли эмитент рейтингини берди ва истикболи “барқарор” деб белгиланди.

01.01.2021 йил ҳолатига кўра “Россия темир йўллари” нинг устав капитали 2440,639343 миллиард рублни ташкил этиб, ҳар бир номинал қиймати 1000 рублдан бўлган 2,330,639,343 дона оддий ва 110 000 000 дона имтиёзли акцияларни муомалага чиқарган.

2-жадвал

**“Россия темир йўллари” ОАЖ томонидан тўланган дивидентлар<sup>1</sup>**

Йил	Бир дона акция учун тўланган дивидент (рубл)	Жами тўланган дивидентлар (млн. рубл)
<b>Оддий акциялар бўйича</b>		
2003	0,382	587,2
2004	0,57	875,1
2005	0,635	975,1
2006	0,685	1 051,30
2007	0,332	512,2
2008	-	тўланмаган
2009	2,265	3 611,80
2010	2,347	3 985,42

<sup>1</sup> <https://company.rzd.ru/ru/9545>

2011	2,354	4 205,38
2012	-	тўланмаган
2013	0,096	185
2014	0,023	45
2015	0,145	296,99
2016	2,436	5 142,00
2017	4,0467	8 750,00
2018	5,966	13 357,28
<b>Имтиёзли акциялар бўйича</b>		
2015	0,1	5
2016	0,1	5
2017	0,1	5
2018	0,1	7

2018 йил октябр ойида битта акциянинг қиймати 994,70 рублни ташкил этиб, декабр ойида 998 рублгача кўтарилган, кейин эса биров ва қисқа пасайишдан сўнг 1000 рублгача кўтарилди. 2019 йил 31 май ҳолатига кўра Россия темир йўлларининг устав капитали 2,308,913075 миллиард рублни ташкил этади: 2,238,913,075 оддий ва 70 000 000 дона имтиёзли акциялари мавжуд бўлган. Дастлаб номинал қиймати 1000 рубл бўлган 1 535 700 000 дона оддий акцияларни муомалага чиқарган бўлиб, кампаниянинг устав капитали 1 535,7 млрд. рублни ташкил этган.

Биринчи мартаба Россия темир йўллари 2004 йил декабр ойида қарз бозорига киришди<sup>1</sup>.

2011 йилда 6 та ва 2015 йилда 3 та нашр, жами 9 та нашр бекор қилинди. 2009 йилгача муддати 10 йилдан ортиқ бўлмаган облигацияларни 2009 йилдан 10 ва 15 йилга облигациялар жойлаштирди. Сўнгги йилларда муддати 10-15 йил, 20-25 йиллик ва ҳатто 30 йиллик облигациялар ҳам муомалага чиқарилди.

Шуни эътиборга олиш керакки, қарзларни тўлаш муддатининг ошиши фонида компаниянинг узоқ муддатли қарзининг ўз капиталига нисбати динамик равишда ўсиб борган.

"Россия темир йўллари" нинг қарз мажбуриятлари эмитенти сифатида фаолияти давомида облигациялар таркибида даромад турлари бўйича сезиларли ўзгаришлар юз берди. Агар қарздорлик қимматли қоғозлари эмитенти сифатида шаклланиш босқичида компания асосан доимий купонли облигациялар чиқарган бўлса, ҳозирги вақтда "Россия темир йўллари" АЖ доимий ва ўзгарувчан купонли облигацияларни кўпроқ муомалага чиқармоқда.

Компания 2012 йил ўрталарида 20 йил муддатга ва умумий қиймати 10 млрд. рубл бўлган индексланган инфратузилма облигацияларини чиқарган.

2015 йилнинг ноябр ойида тўланган энг яқин купон 13,9% миқдорида белгиланган индексланган облигациялардан 36-серияси 54 та локомотивни сотиб олинган.

Еврооблигацияларга бўлган эҳтиёж хорижий валютадаги харажатларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Россия темир йўллари локомотивларни этказиб бериш бўйича бир қатор Европа давлатлари, жумладан Италия, Германия ва Франция билан шартномалар тузган. Компаниянинг барча еврооблигацияларини жойлаштиришни жуда муваффақиятли деб аташ мумкин. Масалан, 2013 йил феврал ойида жойлаштирилган Швеция франкидаги еврооблигацияларнинг 2 та қисми Россия эмитентлари орасида энг катта жалб қилинган (675 млн. ЧФ), эмиссия энг паст купон ставкалари ва энг узоқ муддатларда жойлаштирилган. Россия темир йўллари евро облигацияларининг 2014 йил 6 мартда ҳам жойлаштирган бўлиб, компания 500000000 евро миқдоридаги купон ставкаси билан 4.6% евро облигациялар эмиссиясини жойлаштирди. Инвесторлар Германия ва Австриядан (18%), Швециядан (14%), Россиядан (56%), Буюк Британиядан (9 %) ва бошқа Европа давлатларидан ташкил топган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришда қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

Реал сектор корхоналарни трансформация қилиш, уларда корпоратив бошқарув жорий этиш;

<sup>1</sup> <https://www.rusbonds.ru/>

янги облигация турларини жорий этиш орқали диверсификация қилиш;  
ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозлар ва капитал бозорига оид бошқа молия хизматларини татбиқ этиш;  
давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф орқали хусусийлаштиришни рағбатлантириш.  
ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда самарали ҳуқуқий базани яратиш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;  
инвесторлар учун эмитентларнинг фаолиятига доир, айниқса қимматли қоғозлар бозорида фаолияти бўйича маълумотларни аниқ, ишончли ва тушунарли шаклларда топиш имконияларини яратиш.

#### ***Адабиётлар руйхати:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-4947-сон 07.02.2017//<http://lex.uz/docs/3107036>
2. Banki.ru. Особенности финансирования российского реального сектора банками и инвестиционными компаниями. <https://www.banki.ru/news/research/?id=2334838>
3. World Investment Report 2019 <https://investmentpolicy.unctad.org/publications/1204/world-investment-report-2019---special-economic-zones>

### **МАМЛАКАТИМИЗДА ПАНДЕМИЯ COVID-19 ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Суюнова К.Б., ўқитувчи, СамИСИ таянч докторанти,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада коронавирус пандемияси шароитида туризм тармоқни ва унинг таркибида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари асослаб берилган

**Калим сўзлар:** Давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш, туризм, туристик салоҳият, коронавирус пандемияси, иқтисодий муносабатлар, аҳоли даромадлари

**Аннотация:** В статье обоснованы меры применяемые государством по поддержке и регулированию туристической отрасли и действующих в ней хозяйствующих субъектов в условиях пандемии коронавируса

**Ключевые слова:** Государственное регулирование и поддержка, туризм, туристический потенциал, пандемия коронавируса, экономические отношения, доходы населения

**Abstract:** The article substantiates the measures taken by the state to support and regulate the tourism industry and economic entities operating in it in the context of the coronavirus pandemic

**Keywords:** Government regulation and support, tourism, tourism potential, coronavirus pandemic, economic relations, population income

Динамик тарзда тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жаҳон хўжалигининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда, аҳоли даромадлари ва бандлигини таъминлашда муҳим ҳисса қўшаётган туризмни ривожлантиришга дунё давлатларининг қизиқиши тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон хўжалигида кечаётган ижобий жараёнлар таъсири остида, аҳоли таркибида сердаромад кишилар улушининг кўпайиши натижасида туризм хизматларига талаб геометрик прогрессия билан ортиб бормоқда. Шу туфайли кўп давлатлар туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда, тармоқнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, миллий стратегиялар, дастурлар ва ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга ва ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилмоқда.

Жамият ҳаётида тўсатдан пайдо бўлган коронавирус пандемияси барча мамлакатлар миллий иқтисодиётини ва бутун жаҳон хўжалигини оғир аҳволга солиб қўйди, уй хонадонлари ва тадбиркорларга катта талафот ва моддий зарар келтирди, иқтисодий тарақиётни бир неча йилларга орқага суриб ташлади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, унинг жаҳон хўжалигига етказган зарари 35 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши мумкин [1]. Пандемия оқибатида Ўзбекистонда жорий йил давомида иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиши натижасида мамлакат 2 миллиарддан зиёдрок АҚШ долларига тенг ҳажмда ўзининг мўлжалланган миллий



даромадидан маҳрум бўлади, [2] у 450 мингга яқин оилалар даромадига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин [3].

Тўсатдан бошланган ва барча мамлакатларда, бутун жаҳон хўжалигида иқтисодий кризис бошланиб кетишига сабаб бўлган коронавирус пандемияси туризмнинг тараққиётига кучли салбий таъсир кўрсатди. Туризм соҳаси, айниқса ташқи туризм ўз фаолиятининг хусусиятларига кўра, тўсатдан бошланиб кетган иқтисодий кризисдан жуда катта талофот кўрди. Ана шундай фавқулудда оғир ҳолат ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда давлатнинг тармоқни ва унинг таркибида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳозирги вазиятни ва ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш учун давлат ҳокимияти органлари олдида турган асосий устувор вазифаларни белгилашга ҳаракат қилдик. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларига мувофиқ коронавирус пандемияси шароитида улар қуйидагилардан иборат:

### Ўзбекистонда туризм соҳасини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлатнинг устувор вазифалари [4]

Ўзбекистонда туризм соҳасини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича давлатнинг устувор вазифалари	
туристик маҳсулотнинг нархини пасайтиришга ёрдам берадиган соғлом рақобат учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат сиёсатини кучайтириш;	ривожланган мамлакатларнинг туризм соҳасидаги ижобий тажрибасини чуқур ўрганиш, бу соҳада мамлакатда мавжуд бой тарихий меросни ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келиб чиққан ҳолда ундан унумли фойдаланиш;
маданиятли ва мамлакат нуфузини оширишга хизмат қиладиган тадбиркорлик учун шароит яратиш, хорижий туристларга дўстона муносабатни шакллантириш учун Ўзбекистон фуқаролари ўртасида тарғибот-тарбия ишларини кенг йўлга қўйиш	мавжуд бой маданий ва тарихий меросни сақлаш ва химоя қилиш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш, уларнинг бузилишига йўл қўймаслик;
туризм соҳасида коррупция иллатларини бартараф этишга хизмат қилувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни фаол жорий этиш;	туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш асосида соҳа мутахассислари билим сифатини кескин ошириш;
туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш инфратузилмасини замон талаблари асосида такомиллаштириш;	узок ва яқин хорижда сайёҳлик бўйича Ўзбекистон ваколатхоналарини ташкил этиш, уларнинг туризм субъектлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар билан узвий алоқасини таъминлаш;
туризмни химоя қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий-меъриёв базасини тартиблаш тизимини такомиллаштириш, соҳа хўжалик субъектлари манфаатини химоя қилишни кучайтириш;	туризмда инновацияларни ва маркетингни рағбатлантириш, мамлакатнинг имиджини ошириш орқали туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш;
кириш туризми, ички туризм ва социал туризмни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш;	коронавирус пандемияси шароитида саёҳатчилар хавфсизлигини таъминлашнинг янги ҳуқуқий ва молиявий механизмларини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш асосида туристик саёҳатнинг хавфсизлигини ошириш;
сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш учун қулай муҳитни яратиш (масалан, ерни ижарага бериш шартларини мукамаллаштириш)	коронавирус пандемияси ва жаҳон иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистонда туристик комплексни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга изчил жорий этиш

Ўзбекистонда давлат ушбу масалаларга кучли эътибор қаратмоқда ва ўз зиммасидаги муҳим вазифаларни масъулият билан бажаришнинг юксак намуналарини намоён этмоқда. Фикримизнинг далили сифатида қуйидагиларни баён қилмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 28 майдаги "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўрсатилган туризм бозори иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари соҳа тадбиркорларига катта мадад беришни назарда тутди [5]. Унга мувофиқ туризм бозори вакилларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қўшимча мақсадли механизмлар жорий этилганини туризм иқтисодиётида давлат иштирокининг дикқатга сазовор ижобий самараси сифатида қараш лозим. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизмлари ва тизимлари жорий этилиши соҳада давлат иштирокининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Фармонга мувофиқ Ўзбекистонда сайёҳлар санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга оид янги тизимнинг, яъни

«Uzbekistan Safe travel Guaranteed» («Ўзбекистонда Хавфсиз саёҳат кафолатланган») жорий этилиши пандемия шароитида туризмни қўллаб-қувватлашнинг, унга амалий ёрдам кўрсатишнинг ёрқин намунаси, десак тўғри бўлади. Фармонга асосан туроператорлар ва жойлаштириш воситаларини қўллаб-қувватлаш учун мақсадли фоизсиз ссудалар ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу ссудалар туроператорлар ва жойлаштириш воситалари ўз ходимларини иш ҳақини тўлаш орқали сақлаб туришлари учун 12 ой муддатга бир марта мақсадли ажратилади. Шуниси диққатга сазоворки, ана шу ва бошқа кўплаб мақсадли қўллаб-қувватлаш чоралари натижасида 2020 йилнинг охирига қадар 450 миллион долларлик туристик хизматларни экспорт қилиш имконияти яратилади.

Орадан сал вақт ўтмай Президентнинг 19.06.2020 йилдаги «Санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, туризм соҳасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон қарори эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» (433-сон 10.07.2020) Қарори қабул қилинди [6]. Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва спорт вазирлиги (собик туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси) томонидан ҳам туризмни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тезкор чоралар амалга оширилди, жумладан Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан фоизсиз ссудалар ажратилди [7].

Мамлакатда коронавирус шароитида давлатнинг туризмни тартиблаш ва уни қўллаб-қувватлаш борасидаги ўзининг устувор вазифаларини бажараётганлиги хусусидаги таҳлилимизнинг якуний хулосаси сифатида бу соҳада самарали тизим яратилганлигини таъкидламоқчимиз. Ўзбекистонда туризмни иқтисодий инкироз шароитида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирларнинг амалий самараси ва муҳим аҳамияти хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Масалан, БТТ Бош котиби Зураб Пололикашвили юртимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, туризм бизнесини қўллаб-қувватлаш ва туризм соҳасини тиклаш механизмларини юқори баҳолаб, Ўзбекистонни бу борада намунавий давлат сифатида эътироф этди. БТТ раҳбарияти ва бир қатор хорижлик мутахассислар мамлакатда биринчи навбатда ички туризмни қайта тиклаш, шунингдек туризм объектлари ва инфратузилмасининг янги санитария-гигиена талабларига мувофиқлигини, туристик гуруҳларнинг саёҳат йўналиши бўйлаб хавфсизлиги ва ижтимоий масофани сақлаши каби муҳим жиҳатларини эътироф этмоқдалар [8].

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда туризмни жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг фойдаланилмай ётган улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш асосида келажакда ушбу соҳани миллий иқтисодиётнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мавжуд муаммоларни узил-кесил ва муваффақиятли ҳал этишнинг етакчи омилларидан бирига айлантириш учун давлат томонидан ибратга лойиқ жуда катта ишлар амалга оширилган.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Пандемия жаҳон иқтисодиётига қанчага тушиши мумкин? <https://aniq.uz/iktisod.2020> йил, 12 сентябрь. , Дунё мамлакатлари янги иқтисодий инкирозга қарши қандай курашмоқда? <https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/09/stimulus-package/>
2. Мухаммедов М.М., Мусаев Х.Н., Вафев И.Б. Пандемиянинг қишлоқ иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш – устувор вазифа. Журнал «Агро илм», № 7, 2020 йил, 106-бет.
3. Пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадига жиддий таъсир қилиши мумкин. <https://www.google.com/>, 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор. <https://aniq.uz/yangiliklar/shavkat-mirziyoev-kambagallikni-qisqartirish-buyicha-videosелектор-utkazdi>
4. Суюнова К.Б. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти.
5. "Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайитириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 28.05.2020 даги ПФ – 6002-сонли Президент Фармони.



6. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2020 йилдаги 433- сонли қарори.

7. Туроператор ва жойлаштириш воситаларига фоизсиз ссудалар ажратилди. <https://uzbektourism.uz/cyrl/covid/view>

8. Ўзбекистон ташаббуси билан туризм соҳасини тиклашга бағишланган халқаро онлайн конференция ўтказилди.

<https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1197>

## НАЛОГООБЛАГАЕМАЯ ПРИБЫЛЬ ПРЕДПРИЯТИЯ В УСЛОВИЯХ КОНКУРЕНЦИИ

*Алиева С.С., к.э.н., доцент,*

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

*Ахроров З.О., докторант PhD*

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

**Аннотация.** Статья посвящена характеристике процесса формирования налогооблагаемой прибыли: источников прибыли и финансовых ресурсов. Отдельное внимание уделено выплатам страхового возмещения, поступающим от страховых компаний, а также бюджетным и отраслевым финансовым источникам.

Сделан вывод о том, что учет расходов и калькулирование остаются наиболее важными как в системе финансового, налогового, так и управленческого учета, отражающего наиболее существенные изменения в методологии и методике определения совокупных затрат и прибыли предприятий.

**Ключевые слова:** прибыль, затраты, налоги, предприятие, формирование прибыли, инвестирование, финансовые ресурсы, финансовый менеджмент.

**Аннотация.** Мақола солиқ солинадиган фойдани шакллантириш жараёнининг хусусиятларига бағишланган: фойда манбалари ва молиявий манбалар. Суғурта компанияларидан, шунингдек бюджет ва тармоқ молиявий манбаларидан олинган суғурта товонини тўлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиш керакки, молиявий, солиқ ва бошқарув ҳисоби тизимида харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисоблаш энг муҳим бўлиб қолмоқда, бу корхоналарнинг умумий харажатлари ва фойдасини аниқлаш методологияси ва методикасидаги энг муҳим ўзгаришларни акс эттиради.

**Таянч сўзлар:** фойда, харажатлар, солиқлар, корхона, фойдани шакллантириш, инвестициялар, молиявий ресурслар, молиявий менежмент.

**Abstract.** The article is devoted to the characteristics of the process of formation of taxable profit: sources of profit and financial resources. Special attention is paid to payments of insurance compensation received from insurance companies, as well as budgetary and industry financial sources.

It is concluded that cost accounting and calculation remain the most important both in the system of financial, tax and management accounting, reflecting the most significant changes in the methodology and methodology for determining the total costs and profits of enterprises.

**Key words:** profit, costs, taxes, enterprise, profit formation, investment, financial resources, financial management.

**Введение.** Как правило, каждое предприятие реализует свою продукцию по договорным оптовым ценам, в которую входят себестоимость продукции, прибыль, акцизный налог, налог на добавленную стоимость и транспортные расходы по доставке товаров до станции отправления.

Такая цена указывается в договорах поставки, счетах-фактурах и транспортных накладных. Только после реализации продукции предприятия возмещают свои расходы, получают прибыль и платят причитающиеся налоги.

Отсюда делается вывод, что прибыль от реализации продукции для целей налогообложения может быть не равна прибыли, отраженной в бухгалтерском учете. При реализации предприятиями продукции (работ, услуг) по ценам не выше фактической себестоимости, для целей налогообложения принимается рыночная цена на аналогичную продукцию, сложившаяся на момент реализации, но не ниже фактической себестоимости. Такой порядок приводит к уплате налога на прибыль при отсутствии реальных доходов.

В практике налогового законодательства развитых стран понятию рыночной цены уделяется большое внимание: разработаны критерии признания цены сделки рыночной, правила, применяемые в целях налогообложения при заключении сделки между взаимозависимыми лицами для корректировки цены сделки и налогового обязательства. В отдельных случаях в

соответствии с законом цена сделки может быть не признана рыночной, и в этом случае вступают в действие правила корректировки такой цены для целей налогообложения. В то же время, опираясь на международный опыт, наши законодатели также должны разрабатывать механизм такого регулирования.

Исходными, пожалуй, главным является также вопрос об отдельных частях валовой прибыли, характера взаимодействия этих частей с формируемой чистой прибылью.

Отдельной составной частью валовой прибыли можно также выделить прибыль от реализации основных фондов и другого имущества. Их возникновение связано с поиском новых финансовых инструментов, обеспечивающих определение их размера в целях регулирования объема чистой прибыли.

Предпринимательские способности – это ресурс, за которым сложно установить прозрачный мониторинг, и он не может облагаться прямым налогом (Mogesi, 1998) [11]. Однако объем производства проследить вполне возможно и это позволяет делать выводы (или нет) о наличии прибыли в компании. В этом аспекте компании с высокой прибылью предпочитают скрыть информацию и убедить в том, что прибыль мала, и поэтому платят меньше налогов [10]. Christian J. Bauer, Dominika Langenmaug же полагают, что трансфертные цены, устанавливаемые по рыночным ценам на основе принципа «рыночной стоимости», систематически превышают предельные издержки транснациональных корпораций, что приводит к сокращению налоговых платежей за каждую проданную единицу. Таким образом, оптимальная организация фирм дает новое обоснование эмпирически наблюдаемого более низкого налогового бремени транснациональных корпораций (Christian J. Bauer & Dominika Langenmaug, 2013) [9]. Egger and Seidel (2011) предполагают, что трансфертными ценами можно манипулировать за счет издержек. Эти возможности перемещения прибыли являются единственной причиной интеграции и различного налогового бремени интегрированных и аутсорсинговых компаний [6].

*Основная часть.* В развивающихся рыночных отношениях денежные доходы и прибыль, находящиеся в распоряжении предприятий и предназначенные для выполнения различных социально-экономических и финансовых обязательств, осуществления затрат по расширенному воспроизводству и экономическому стимулированию работающих, являются основой управления прибылью предприятия. Однако формирование прибыли во всех ее разновидностях осуществляется за счет собственных и приравненных к ним средств, мобилизации ресурсов на финансовом рынке и поступления денежных средств в порядке перераспределения и зачитывающихся как прочие доходы предприятий.

Основным источником прибыли, как и финансовых ресурсов в целом на действующих предприятиях выступает стоимость реализованной продукции (оказанных услуг), различные части которой в процессе распределения выручки принимают форму денежных доходов и накоплений. При этом, если финансовые ресурсы формируются главным образом за счет прибыли (от основной и других видов деятельности) и амортизационных отчислений, то прибыль выступает как разница между совокупными поступлениями от реализации продукции (товаров, услуг) и совокупными затратами. Элементы каждого вида затрат фиксируются предприятием согласно Положению о составе затратах [2]. Наряду с ними источниками прибыли и финансовых ресурсов также выступают:

- выручка от реализации вышедшего имущества;
- устойчивые пассивы;
- различные целевые поступления (плата за содержание детей в дошкольных учреждениях и т.д.);
- мобилизация внутренних ресурсов в строительстве и др. [3]

Наряду с вышеперечисленными важную роль играет еще один источник как первого, так и второго финансовых ресурсов – паевые и иные взносы членов трудового коллектива, если они будут включены в оборот в целях обеспечения эффективной работы предприятий в целях извлечения прибыли.

При этом, следует отметить, что значительную долю прибыли в целях накопления финансовых ресурсов в период административно-коммерческой системы получали на основе внутриотраслевого перераспределения денежных средств и бюджетного финансирования. Однако принципы рыночного хозяйствования, внедрение коммерческих начал в деятельность предприятий, естественно, потребовали принципиально иных, то есть рыночных подходов к

Қолаверса, фойда солиғи мазмунида узоқ муддатга мўлжалланган мажбурий пул ҳаракатига мансуб муносабатлар ётади.

Фойда солиғининг моҳиятини ечишда унинг энг демократик тўлов эканлигига эътиборни ҳам қаратиш керак Чунки бозор иқтисодиёти шароитида хилма-хил мулк шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг фойдасини давлат тўғридан-тўғри солиқсиз мажбурий тўлов килиб ола олмайди. Қолаверса давлат хилма-хил мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг фойдасидан бюджетга даромад олиш учун Олий Мажлис тасдиқлаб берган фойда солиғидан фойдаланади. Демак, фойда солиғи солиқ муносабатларининг ўзига хос мустақил таркибий қисмидир. Унинг амал қилиши демократик асосда юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқдир. Шундай килиб, фойда солиғи пул муносабатини ифода этиб, бу муносабатларда бир тамонда давлат ва иккинчи тамонда солиқ тўловчилар, яъни корхона бирлашма ва ташкилотлар туради.

Фойда солиғини ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир.

Биринчидан, фойда солиқ объектининг имтиёзлар орқали тартибга келтириш солиқ тўловининг ўзига боғлиқ килиб қуйилганлиги, корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми утган йилга нисбатан оширишга сифатли маҳсулот (товар) ишлаб чиқишга ундайди. Қўлга киритилган ва корхона балансидаги фойда ноўрин сарфлашни қисқартиради ва тўғридан-тўғри қайтим бермайдиган хўжалик тармоқларига инвестицияни кенгайтиради, уни тез ишга солишга имконият туғдирмоқда.

Иккинчидан, фойда солиғи корхоналарнинг маблағларини уй-жой қурилишига сарфлашга ва уларни экспорт ҳажмини оширишдан фойда олишга кизиктиради. Чунки бундай фойдаларнинг солиқдан озод этиш корхонанинг молиявий аҳволини мустахкамлайдиган тўлов қобилиятини кучайтиради.

Учинчидан, фойда солиқ имтиёзларига амал қилиш ишлаб чиқиш харажатларини камайтиришга, сифатли кўплаб маҳсулот ишлаб чиқишга ва бюджет даромадларини оширишга қулай шарт-шароит яратмоқда.

Тўртинчидан, фойда солиғини келажакда корхона даромадидан олинандиган солиқ билан бирлаштириш имкониятлари улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига боғлиқ, чунки бундай солиқ муносабатлари юзага келтиришга орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида сифат ўзгаришларининг ижобий томонга силжитилишига эришиш мумкин бўлади.

Фойда солиғи корхоналар тўлайдиган бевосита (тўғри) солиқларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Ушбу солиқнинг характерли хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ушбу солиқ фақатгина корхона солиққа тортиладиган даромадга (фойдага) эга бўлсагина ҳисобланади, корхонанинг зарари солиққа тортиладиган базадан кичик бўлганда ушбу солиқ мавжуд булмайди. Демак, фойда солиғини тўлашнинг муҳим шarti бўлиб корхоналарнинг рентабелли ишлаб чиқариш ўз фаолиятларидан фойда олишлари ҳисобланади.

- фойда солиғининг миқдори бевосита корхонанинг соф фойдасига, яъни унинг мулкдорига қоладиган фойдани камайтиради. Демак, солиқ тўловчиларда ушбу солиқ кўпинча норозичиликка олиб келади. Шунинг учун давлат солиқ сиёсатида ушбу солиқ юқини доимо камайтириб бориш муҳим ўрин тутаяди.

- фойда солиғи хўжалик юритувчи субъектларни рентабелли ишлашга, инкирозга учрамасликка интилтадиган солиқ тури ҳисобланади. Корхоналарнинг зарар билан ишлаши нафақат давлатга, балким уларнинг ўзларига ҳам манфаатли ҳисобланмайди. Даромадга

(фойдага) эришмаган корхона ўз ишлаб чиқаришини ривожлантира олмайди, шунингдек жамиятни ривожига ҳам ҳисса қўша олмайди.

- даромадни (фойдани) давлат томонидан белгилаб қўйган ишлаб чиқариш турлари ва шартлари эвазига олган корхоналар ушбу солиқ бўйича жуда катта имтиёзларга эга бўлади, жумладан ишлаб чиқаришни физик ҳажмини оширишдан олинган фойда умуман солиққа тортилмайди, халқ истеъмол товарларини болалар учун товарларни, товарларни экспорт қилганлиги учун ишлаб чиқариш корхоналарига солиқ қонунчилигига кўра жуда катта имтиёзлар белгиланган.

### **Адабиётлар**

1. Хайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Akademiya, 2007. – 256 б.
2. Абдукаримов Б. ва бошқ. Корхона иқтисодиёти. – Т.: Фан, 2005, 220 б.
3. Алиева С.С. Совершенствование формирования и распределения прибыли предприятий в условиях модернизации экономики. (на примере предприятий Самаркандской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. – Т.: БФА, 2011. – с. 26.
4. Мануйленко В. В., Садовская Т. А. Экономическая сущность, виды и функции прибыли хозяйствующего субъекта: современный аспект // Финансовая аналитика: проблемы и решения. – 2012. – №. 33. – с. 26.
5. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Курс лекций. – М.: ИНФРА-М, 1999. – с. 348.
6. Mardiasmo D. Taxation, Publisher Andi, Revision Edition, 2013. – p. 55.
7. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. ва бошқ. Молия: Корхоналар молияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – 268 б.
8. Tashmuradov T. Soliq nazariyasi va tizimi. Darslik. –Т.: Bilim, 2004. -320 б.

## **ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Эрназаров Н.Э., ассистент,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада ҳудудларни иқтисодий ривожлантириши ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқларнинг аҳамиятини ошириш масалалари кўриб чиқилган. Маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш ва ҳудудни иқтисодий ривожлантириши юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган, шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириши ва даромадлар базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** солиқлар, солиқ тушумлари, солиқ тизими, солиқли даромадлар, умумдавлат солиқлари, маҳаллий бюджет, маҳаллий солиқлар, маҳаллий йиғимлар.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы экономического развития регионов и повышения роли налогов в обеспечении стабильности доходов местных бюджетов. Были высказаны замечания по увеличению доходов местного бюджета и экономическому развитию региона, а также практические предложения по стабилизации доходов местного бюджета и укреплению доходной базы.

**Ключевые слова:** налоги, налоговые поступления, налоговая система, налоговые поступления, общегосударственные налоги, местный бюджет, местные налоги, местные сборы.

**Abstract:** The article examines the issues of economic development of regions and increasing the role of taxes in ensuring the stability of local budget revenues. Comments were made on increasing local budget revenues and economic development of the region, as well as practical proposals to stabilize local budget revenues and strengthen the revenue base.

**Keywords:** taxes, tax receipts, tax system, tax receipts, national taxes, local budget, local taxes, local taxes.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлигини ошириш, камбағалликни камайтириш, бюджет даромадларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “ Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир” [1].

Сўнги йилларда мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш ҳамда уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат Президенти томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуниларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ [2, 3].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамда юқоридаги қонунларга мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш, ижтимоий инфратузилмани модернизациялаш ва техник янгилаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини ошириш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва харажатларини оптималлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда [4].

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида уларнинг улушини таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда солиқларнинг аҳамиятини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

#### 1-жадвал

#### Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджет даромадлари улушининг ўзгариш динамикаси [5]

Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й
Давлат бюджети даромадлари (млрд.сўмда)	62229,5	106121,4	<b>128 460,0</b>
Республика бюджети даромадлари (млрд.сўмда)	43 899,8	71 544,7	<b>98186,1</b>
Маҳаллий бюджетлар даромадлари (млрд.сўмда)	18329,7	34576,7	<b>30 273,9</b>
Давлат бюджети даромадлари Республика бюджети даромадлари улушининг ўзгариш динамикаси(%)	70,5	67,5	<b>76,5</b>
Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетлар даромадлари улушининг ўзгариш динамикаси(%)	29,5	32,5	23,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган йилларда Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджет даромадлари охириги уч йилда ўртача 28, 5 фоизни ташкил этиб, сўнги йилларда унинг улушининг ортиши кузатилган. Аммо 2020 йил прогнози бўйича бир оз пасайиш кўрсаткичига эга бўлган.

Маҳаллий бюджетга даромадларни ўз вақтида ва қутилган даражада келиб тушишини таъминлаш ҳамда хўжалик субъектлари фаолиятига минимал таъсир этиши билан баҳоланади. Солиқлар давлат бюджети билан бирга маҳаллий бюджетнинг даромадларини ҳам шакллантиришнинг асосий манбаси ҳисобланади. Эътиборли томони шундан иборатки, мамлакатда шаклланган қонунчилик тизими ёки солиқ қонунчилиги унинг барча ҳудудларида ягона тизим ва кўринишга эга бўлсада, у ҳудудлар тараққиёти ва ривожланиш даражасига турли хил тарзда таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, мамлакат ҳудудлари иқтисодий тараққиётининг кескин даражада табақалашуви шароитида бу жараён янада жиддий кўриниш олади.

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг республикамизда қарор топган механизмини таҳлил қилар эканмиз, мустақиллик йилларида ушбу механизмга қатор ўзгартиришлар киритилишига қарамасдан ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжудлигича қолаётганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, улар молиявий ресурсларни шакллантириш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий солиқлар ва маҳаллий йиғимлар маҳаллий бюджет даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу ўринда маҳаллий бюджетлар бўйича белвосита солиқ, билвосита солиқ,

ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқа даромадлардан тушумларининг ўзгариш динамикаси ва уларни маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

**Маҳаллий бюджети даромадлари таркиби ва тузилишининг динамикаси фоиз ҳисобида[5]**

№	Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й
1	Бевосита солиқлар	44,3	39,7	50,1
2	Билвосита солиқлар	25,9	38,4	28,9
3	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19,4	12,9	17,1
4	Бошқа даромадлар	10,4	9,0	10,4
	Жами	100	100	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг аҳамияти юқори. Бевосита солиқларнинг маҳаллий бюджети даромадларидаги салмоғи 2018-2020 йилларда ўртача 44,7 фоизни ташкил этмоқда.

Шунингдек, маҳаллий бюджет даромадларида билвосита солиқларнинг аҳамияти таҳлил этилаётган йилларда ўртача 28,9 фоизни ташкил этган ҳолда сўнгги 2020 йилда камайиши кузатилган бўлса, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ўртача 16,5 фоизни ташкил этган. Маҳаллий бюджетининг бошқа даромадлари салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган ҳолда ўртача 9,3 фоизни ташкил этиб, таҳлил этилаётган йилларда 2019 йилда бир оз пасайиш кўзатилган. Маҳаллий бюджети даромадларини шакллантириш амалиёти кўрсатмоқдаки, унинг таркибида йиллар бўйича (2018-2020 йиллар) ўз маблағларининг мунтазам кўпайиши кузатилмоқда.

Сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлсада, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги муаммолар тўлиқ бартараф этилмаган.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг ижтимоий- иқтисодий бошқаришдаги ролини кучайтириш ва маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

- маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда бошқа молиявий ёрдам турларини қисқартириш мақсадида режадан ортиқча тушган солиқ миқдорини тақсимлаш механизмини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур. Натижада, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам режадан ортиқча тушумларни тасарруф этиш ҳуқуқини бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар жорий этилса, солиқ тушумларининг ошиши эвазига қоплашга истиқболли имконият яратилади.

- маҳаллий бюджетлар даромад базасини янада мустаҳкамлашда уларга тўғридан тўғри келиб тушадиган солиқларни ҳисобланиш усули ва имтиёзларини қайта кўриб чиқиб, янада такомиллаштириш муҳимдир.

- маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджет ҳуқуқларини кенгайтиришдир. Маҳаллий ҳокимият идораларини ўз ҳудудларида солиқларни жорий этиш ва мустақил солиқ сиёсатини юритишларига йўл очиб бериш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.<http://president.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни,
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. <https://www.mf.uz>.

## ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ БЮДЖЕТИ ДЭРАМАТЛАРЫ

*Байжанов С., Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

*«Бухгалтериялық есап хәм аудит» кафедрасы баслығы*

*Жаңабаева А. 1-курс магистр*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**Аннотация.** Мақолада коронавирус пандемияси шаоитида Ўзбекистон Республикаси бюджетига даромадлардинг келиб тушиши шаоитининг пасайиб кетишининг олдин олиш буйича рўёбга оширилаётган юмушлари кенг ёритиб берилган. Пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини юмиатиши учун мамлакат томонидан аналга оширилган тадбирлар ва уларнинг натижалари, пандемия шаоитида мамлакат бюджетини қабул қилишида илгари сурилган муҳим вазибалар, шу жумладан, давлат бюджетини даромадлар таркибининг 2020-йилдаги ҳолати ва 2021-йил учун истиқболларини назарда чиқиб, уларнинг тизимли турдаги таҳлилин беради.

**Таянч сўзлар:** Республика бюджетини, даромад, бюджет, харажат, инқироз, инфляция, солиқ, солиқ ставкаси, дивидент.

**Аннотация.** В статье подробно описывается работа, проводимая в условиях пандемии коронавируса по недопущению снижения поступлений в бюджет Республики Узбекистан. Автор приводит принятые в стране меры по смягчению воздействия пандемии на экономику страны и их результаты, важные задачи при принятии государственного бюджета в условиях пандемии, а также приводится состояние структуры доходов в 2020 году и прогнозы на 2021 год давая их систематический анализ.

**Ключевые слова:** Республиканский бюджет, доходы, бюджет, расходы, кризис, инфляция, налог, налоговая ставка, дивиденды.

**Abstract.** The article describes in detail the work carried out in the context of the coronavirus pandemic to prevent a decrease in revenues to the budget of the Republic of Uzbekistan. The author gives the measures taken in the country to mitigate the impact of the pandemic on the country's economy and their results, important tasks in adopting the state budget in the context of a pandemic, and also provides the state of the income structure in 2020 and forecasts for 2021 giving their systematic analysis.

**Keywords:** Republican budget, revenues, budget, expenses, crisis, inflation, tax, tax rate, dividends.

Ўзбекистон Республикаси Президентиниң 2017-жыл 7-февралдағы ПФ №4947 санлы пәрманы менен тастыйықланған. Хәрекетлер стратегиясының қабыл етилиўи зәрүр әхмийетке ийе болды. Мәмлекеттиң социал-экономикалық раўажланыўында мәмлекеттиң ўазыйпалары нәтийжели орынланыўы айрықша әхмийетли есапланады. Сонлықтан, мәмлекеттиң миннетинде болған социаллық хәм сиясий искерлигиниң әмелге асырылыўының финанслық тийкарлары финанслық сиясаттың курамлы бөлимлери менен туўырдан-туўы байланыслы есапланады. Мәмлекетте бюджет-салық, кредит, фискаль хәм экономикалық сиясат мәмлекетлик хызметлердиң сапасын асырыўға қаратылған ҳалда әмелге асырылыўын нәзерде тутады [1].

Президентимиз Олий Мажлиске жоллаған Муражатнамасында: -«Пандемия жер жүзилик экономикасы ушын – соған итибар бериң– хәр айда дерлик 400 миллиард доллар муғдарында зыян келтирмекте. Бүгинги күнге шекем дүнья жүзи бойынша 500 миллион жумыс орны жоқ болып кетти»-деп айтып өтти.

Пандемия ақыбетлерин жумсартыў хәм жоқ етиў ушын мәмлекет тәрәпинен жәми 82 триллион сўмлық комплекс ис илажлар әмелге асырылды. Соннан, Кризиске қарсы жамғарма шөлкемлестирилип, коронавируска қарсы гүресий, халықты хәм кәрханаларды қоллап-қуўатлаў менен болған илажларға бюджеттен 16 триллион сўмнан артық қаржы ажыратылды. Сондай-ақ, мәмлекетлик кәрханаларға хәм 500 мыңнан артық исбилерменлик субъекти хәмде дерлик 8 миллион пухараға жәми 66 триллион сўмлық салық жеңилликлери, кредит мүддетлерин узайтырыў хәм инсаныйлық қоллап-қуўатлаў бойынша әмелий жәрдемлер берилди [2].

Мәмлекетлик бюджет дэрамаатларының бюджетке түсинийиниң ўзиликсизлиги тәмийинленсе, экономиканың барлық тармақларының раўажланыўы ушын жетерли дэрежеде кэрежетлер қылыў имканияты болады хәм халықтың турмыс дэрежеси жақсыланады. Егерде қаржы көрсеткишлери толық орынланбаса бюджет бағдарлары бойынша бюджет жетиспеўшилиги келип шығады. Бул болса бюджет-салық сиясатының бирлигин бузады, дэрамаат хәм кэрежетлердиң теңсалмағының бузылыўына алып келеди [3].

Мәмлекетлик бюджетин қабыл етиў өз алдына әхмийетли ўазыйпаларды қояды:



- экономиканың тұрақты хәм жедел раўажланыўын тәмийинлеў, қатаң пул кредит сиясатын алып барыў;
- финанс, салық хәм бажыхана мекемелери алдына салықлар хәм төлемлердиң толық жыйналыўын тәмийинлеўдиң анық бағдарлары хәм механизмлерин белгилеў;
- хожалық жүритиўши субъектлериниң бюджет алдындағы қарызларын кескин кемейтиў;
- салық төлеў интизамын беккемлеў, бюджет қаржыларының мақсетли бағдарлар бойынша ақыллылық пенен жумсалыўын қадағалаў.

Бундай мақсетлерге ерисиў ушын ең алды менен бюджет дәрәматларын қәлиплестириў хәм қәрежетлерден ақыллылық пенен пайдаланыўда салық ставкаларын кемейтип барыў, хожалық жүритиўши субъектлердиң салық жүгин кемейтириў, нәтийже бермейтуғын салық жеңилликлеринен ўаз кеший, мәмлекет қәрежетлерин қурамлы хәм структуралық жақтан қайта көрип шығыў зәрүр [4].

Республикада бизнестиң хәлсиреўи хәм де даўам етип атырған коронавирус пандемиясы фондындағы глобал экономиканың пәсейийи, салық түсимлериниң кемейийине алып келди. Бул шараятта Мәмлекетлик бюджет дәрәматларын жойбарлаў, даўам етип атырған анық емес жағдайлар себепли қурамаласады.

2021-жыл ушын мәмлекетлик бюджетти ислеп шығыўда төмендегилер итибарға алынған:

- ✓ инфляция дәрежеси 9-10% болған жағдайда ЖИӨ ниң 5,1% ке өсийин тәмийинлеўши мәмлекеттиң 2021-жыл ушын социал-экономикалық раўажланыў жойбары;
- ✓ консолидацияласқан бюджет бойынша салық жүгин 26,2% тен 24,5% ке хәмде Мәмлекетлик бюджет бойынша 22% тен 21,3% ке пәсейийин нәзерде тутыўшы, салық хәм бажыхана жеңилликлерин бийкарлаўшы хәм басқа бағдарлардағы 2021-жыл ушын салық сиясатының тийкарғы бағдарлары;
- ✓ айрым түрдеги айрым стратегиялық әхмийетке ийе товарлардың дүнья жүзилик бахадағы қәддиниң өзгериў прогнозы.

2021-жылда мәмлекетлик бюджеттиң тұрақтылығын сақлаў мақсетинде қосылғын қун салығы-15% ке, юридикалық тәреплердиң пайда салығы ставкасы-15% ке, физикалық тәреплерден алынатуғын дәрәмат салығы ставкасы-12% ке, айланбадан алынатуғын салық ставкасы-4% ке, дивидент көринисиндеги пайда салығы ставкасы-5% ке, юридикалық тәреплердиң мүлк салығы ставкасы-2% ке, аўыл хожалығы жерлеринен алынатуғын жер салығы ставкасы-0,95% ке, социаллық салық ставкасы-12%/25 ке сақланып қалмақта[4].

Жергиликли бюджет дәрәматлары базасын беккемлеў мақсетинде:

- физикалық тәреплердиң мүлк салығы ставкасы 15% ке индексация қылынбақта;
- 2021-жылда физикалық тәреплерден алынатуғын мүлк салығы суммасы, 2020-жылда есапланған салық суммасының 1,3 есесинен артық асырылмаўы зәрүр;
- суў ресурсларынан пайдаланғанлық ушын салық ставкасы 15% муғдарында индексация қылынады.
- тәбийий суў хәўизлерине қайта қуйылатуғын суў көлемин салық базасынан шығарыў (мысал ушын, ГЭС);
- аўыл хожалығы ушын нәзерде тутылмаған жерлер бойынша жер салығы ставкасы 15% муғдарында индексация қылынады;
- жергиликли хукимет органларына жер салығы ставкаларын қайта көрип шығыў ўәкиллиги бериледи.

#### **Мәмлекетлик бюджет дәрәматлары структурасы**

<b>Көрсеткишлер</b>	<b>2020 млрд сўм</b>	<b>2021 млрд сўм прогноз</b>	<b>Айырмашылығы млрд сўм</b>
Пайда салығы	26786,0	27779,4	993,4
Айланбадан алынатуғын салық	1301,4	2160,0	858,6
Физикалық тәреплерден алынатуғын дәрәмат салығы	14820,8	16905,8	2085
Қосылған қун салығы	33918,8	46230,7	12311,9
Акциз салығы	11398,8	12330,9	932,1
Бажыхана бажы	3046,6	3830,4	783,8
Мүлк салығы	2167,0	2510,3	343,3

Жер салығы	2290,1	2941,0	650,9
Жер түбинен пайдаланғанлық үшін салық	16439,2	13326,1	-3113,1
Суу ресурстарынан пайдаланғанлық үшін салық	349,5	391,4	41,9
Басқалар	17056,7	16596,3	-460,4
<b>ЖАМИ:</b>	<b>129574,9</b>	<b>145002,3</b>	<b>15427,4</b>

Жоқарыдағы кестеде мәмлекетлик бюджет дәрәматлары жәми 15427,4 млрд.сұмға артқанын көриўимизге болады. Буннан мәмлекет бюджети дәрәматы жылдан-жылға артып баратырғанлығын көриўимизге болады.

Мәмлекетлик бюджет дәрәматларының тийкарғы дереги бул жанапай салықлар-62,6 трлн сұм. Мәмлекетлик бюджет дәрәматларының 42,6% ин хәмде ЖИӨ ниң 9,1 % тин курайды. Жанапай салықлар түсиминиң тийкарғы бөлегин (75%) ҚҚС хәм акциз салықлары түсимлериниң көбейиуи есабынан тәмийинленеди. ҚҚС түсими 47,0 трлн сұм муғдарында проект исленбекте, өсими 2020-жылға салыстырғанда түсимге салыстырғанда 38,4 % ти курайды.

<b>Мәмлекетте ислеп шығарылатуғын товар хәм хызметлер үшін ҚҚС</b>	<b>29,3 трлн сұм (+37,3%)</b>
<b>Импорт товарлар үшін ҚҚС</b>	<b>24,5 трлн сұм (+ 22,4%)</b>
<b>ҚҚС қайтарылыўы</b>	<b>6,9 трлн сұм</b>

ҚҚС бойынша түсимлер прогноз қылынғанда, экономикалық өсим көрсеткишлери хәм де бул салық бойынша әмелге асырылыўы режелестирилген өзгерислер нәзерде тутылады.

Жергиликли ислеп шығарылған хәм импорт қылынған товарлар үшін акциз салығы ставкаларын унификация қылыў мақсетинде 2021-жылдан қыздырылған темеки: шегилетуғын, шайналатуғын, ийскейтуғын, сорылатуғын (снюс) хәм кльян үшін темеки өнимлери: никотинли темекисиз снюс, курамында никотин бар болған суйықлықлар үшін акциз салығы қойылмақта.

Импорт хәм жергиликли ислеп шығарыўға мөлшерленген нефть өнимлери үшін акциз салық ставкалары мууапыкластырылмақта.

Зергерлик буйымлар, гилемлер, гумистен жасалған асхана кураллары, пластмасса плёнкалар: скоч, пластмассалы ыдыслар, электротехника хәм басқа өнимлер, тракторлар хәм ярым прицеpler, азық-аўқат өнимлери үшін акциз салығы бийкар етиледи.

Импорт үшін сырт ел валютада қатаң муғдарларда белгиленген ставкалар, миллий валютаға өткериледи.

Бажыхана бажылар – 3,3 трлн сұм, 2020-жылдағы түсимге салыстырғанда өсими 8,3 % курайды.

Жанапай салықлар – 46,8 трлн сұм, булл болса Мәмлекетлик бюджет дәрәматларының 31,9% тин хәм ЖИӨ ниң 6,8 % тин курайды.

Жанапай салықлар түсими проект қылынғанда экономиканың өсиўи, жаңа кәрханалардың шөлкестирегилиўи, ис хақы фондының өсиўи, сондай-ақ узақ мүддетли қамсызландырыў бойынша жеңилликлердиң бийкарлаў факторлары есапка алынады.

<b>Физикалық тәрәплерден алынатугын дәрәмат салығы*</b>	<b>Пайда салығы</b>	<b>Айланбадан алынатугын салық</b>
16,9 трлн сұм (+14,1%)	27,8 трлн сұм (+3,7%)	2,2 трлн сұм (+66%)

*\*Жеке тәртиптеги исиблерменлерден алынатугын дәрәмат салығы (қатаң белгиленген салық орнына) дивиденттен алынатугын хәм декларация тийкарында төленетуғын дәрәмат салығы киреди.*

Карантин шеклеўлери шараятында киши бизнес субъектлери товар айланысының кемейиўи есесине усы жылдағы түсимлери сезилерли дәрежеде кемейген айланба салығы бойынша ең жоқары өсиўи күтилмекте.

Ресурс салығы хәм мүлк салығы-19,2 трлн.сұм. Мәмлекетлик бюджет дәрәматларындағы үлеси 13,0% хәм ЖИӨ деги үлеси 2,8 % ти курайды.

Бул салық түри бойынша жер салығы ставкаларының жыллық индексацияланыуы хэмде айрым түрдеги объектлер ушын мүлк салығы хэм жер салығы бойынша пәсейтирилген ставкалар муғдарының асырылыуы есабынан дәрабатлардың өсими күтилмекте.

Мүлк салығы	Жер салығы	Жер түбинен пайдаланғанлык ушын салық	Суў ресурсларынан пайдаланғанлык ушын салық
2,5 трлн сўм	2,9 трлн сўм	13,3 трлн сўм	387 млрд сўм
<b>Физикалық тәреплердің мүлк салығы ставкалары</b>			
200 кв.м ге шекем	200 дан 500 кв.мге шекем	500 кв.мден жоқары	Аўылларда 200 кв.м ден
0,23%	0,3%	0,4%	0,3%

Басқа дәрабатлар – 18,4 трлн.сўм. Мәмлекетлик бюджет дәрабатларындағы үлеси 12,5% ти хэм ЖИӨ деги үлеси 2,7% ти қурайды. Басқа дәрабатлар тийкарынан мәмлекетлик үлеси бойынша есапланған дивидентлер, мәмлекетлик бажлары, жыйымлар хэм жарималар есабынан қәлиплеседи. Мәмлекетлик бюджет дәрабатлары көпшилик жағдайда ири салық төлеўшилер қатарына кириўши кәрханалардағы экономикалық жағдайға байланыслы болады [6].

Жуўмақлап айтқанда, мәмлекетлик бюджет дәрабатларын қәлиплестириўде салықлар әхмийетли орын тутады. Мәмлекетлик бюджет дараматларының турақлылығын тәмийинлеўде салықлар тәсиршеңлигин асырыў мақсетинде салық хэм басқада төлемлерди өз ўақытында толық келип түсиўин хэм толық өндириўди тәмийинлеў зәрүр. Сондай-ақ мәмлекетлик бюджет жағдайы менен ЖИӨ ниң өзгериў жағдайы талап компонентлери тәсири шеңбери, қосылған кун көлеми қурамы, экспорт импорт көлемине тәсир етиўши көрсеткишлер топарына, ең кем ис хақы муғдарының өсиуи, ислеп шығарыў көлемин экономика тармақлары кесиминде өсиў дәрежелери сыяқлы көрсеткишлерди бир пүтинлигин системалы анализин әмелге асырып үйренилиўи мақсетке муўапық болады.

#### ***Пайдаланылған әдебиятлар дизими:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29-декабрь 2020 йил.
3. Исламқулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.
4. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б
5. «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» ги 2020 йил 25 декабрь ЎРҚ-657 сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
6. Ўзбекстан Республикасы Финанс Министрлигиниң www.mf.uz рәсмий сайт мағлыўматларынан пайдаланылды.

## **SOCIALLI QSIYASATTÍ INNOVACIYALÍQ RAWAJLANDÍRÍWDA INVESTICIYALÍQ XÍZMETTI BASQARÍW**

***Daniyarov Q. Finans kafedrasınıń docenti***  
*Berdaqatındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*  
**Tengelova M. 1-kurs magistr**  
*Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*

***Аннотация.** Maqolada O'zbekstonda ijtimoiy siyosatni innovatsion rivojlantirishda investitsiyaviy faoliyatni tashkil etishni keng yoritib berilgan. O'zbekistonda iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni boshqarish, rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlash siyosatini kompleks ravishda shakllanganligini aniq misollar bilan ta'kidlab o'tgan. Shu jumladan, mamlakatimiz iqtisodiyotini modernizatsiya qilishning hozirgi bosqichida investitsion siyosatni amalga oshirish mexanizmlarini yana da takomillashtirish kerakligi, investitsiya*

bozorini shakllantirish investitsiya resurslarini to'plash, investitsiyon loyihalarni moliyalash uslublarini keng joriy etish zaruriyati ekanligi va iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta'minlovchi omil sifatida kehg yoritilgan.

**Таянч сўзлар:** iqtisodiyot, barqaror o'sish, investitsiya, investitsion siyosat, modernizatsiya, investitsiyon loyiha, xorijiy investitsiya, soliq siyosati.

**Аннотация.** В статье подробно рассказывается, как организована инвестиционная служба в инновационном развитии социальной политики Узбекистана. Автор подчеркивает тот факт, что политика управления, стимулирования и поддержки развития иностранных инвестиций в целях развития экономики в Узбекистане реализуется комплексно. Также важно дальнейшее совершенствование механизмов инвестиционной политики на современном этапе модернизации экономики, формирования инвестиционного рынка, накопления инвестиционных ресурсов, повсеместного внедрения методов финансирования инвестиционных проектов.

**Ключевые слова:** экономика, устойчивый рост, инвестиции, инвестиционная политика, модернизация, инвестиционный проект, иностранные инвестиции, налоговая политика.

**Abstract.** The article describes in detail how the investment service is organized in the innovative development of social policy in Uzbekistan. The author emphasizes the fact that the policy of management, stimulation and support for the development of foreign investments for the development of the economy in Uzbekistan is implemented in a comprehensive manner. It is also important to further improve the mechanisms of investment policy at the present stage of modernization of the economy, the formation of an investment resources, the widespread introduction of methods of financing investment projects.

**Keywords:** economy, sustainable growth, investments, investment policy, modernization, investment project, foreign investment, tax policy.

Mámleketimiz jedel hám izbe-iz rawajlanıw jolnan barmaqta, bul protsesste dúnya tájriybesin úyreniw, sonday-aq, sırt elli sherikler menen innovatsiyalıq, sawda—ekonomikalıq, investiciyalıq hám basqa da tarawlarda birge islesiw áhmiyetli orın iyeleydi. 2020 jılı 24-yanvarda Ózbekstan Respublikası Prezidenti SH. Mirziyoev Oliy Majliske Múrájáátnamasında ayıp ótkenindey: «Adamlardıń jeterli dáramat tabıwı ushın eń qolaylı biznes hám investiciya ortalıgın qalıplestirip, jańa kárxanalar, jumıs orınların kóbeytiriwimiz zárúr. Bunda eń áhmiyetli jumıslardı ózimiz islemesek, hesh kim bizge shetten kelip islep bermeydi».[1] Sonlıqtanda, mámleketimiz ekonomikasın modernizatsiyalawdıń búgingi basqıshında investiciyalıq siyasatı ámelge asırıw mexanizmlerin jánede jetilistiriw talap etilmekte. Sebebi, investiciya protsesslerin rawajlandırmaq hámde ekonomikanıń ústin sektorlarına investiciyalar kólemin arttırmaq turıp, mámleket ekonomikasınıń turaqlı rawajlanıwına erisip bolmaydı. Óz gezeginde, investiciya protsessleriniń nátiyjeliligi tiykarınan olardıń ámel etiwdegi tártipke salıwshı hám sistemalı shártler, shólkemlestiriw hám basqarıw usılları járdeminde belgilenedi.

2017–2021 jıllarda Ózbekiston Respublikasınıń rawajlandırıwdıń bes ústin baǵdarı boyınsha Háreketler strategiyasına tiykarlanıp keyingi jıllardaǵı mámleketlik dástúrinde quramlıq ózgerislerdi tereńlestiriw, milliy ekonomikalıq jeteki tarmaqların modernizatsiya hám diversifikatsiyalaw esabına onıń básekege shıdamlılıgın arttırıw baǵdarında kárxanalardıń qarjıları, kommersiyalıq bankler krediti, sırt el investiciya hám kreditlar esabınan 2017–2021 jıllarda ulıwma qunı 40 milliard AQSh dollari muǵdarındaǵı 649 investiciya joybarların názerde tutıwshı tarmaq dástúrleri ámelge asırılmaqta.

Ózbekstanda ekonomikanı rawajlandırıw maqsetinde sırt el investiciyalardı ózlestiriwdi basqarıw, xoshametlew hám qollap quwatlaw siyasatı kompleks tárizde ámelge asırılmaqta. Bul processti unamlı júritiw ushın respublikada qatar pármanlar, nızamlar hám normativ xújjetler qabıl etildi. Olar arasında Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019-jılı 25 dekabrde «Investiciya hám investiciya xızmeti haqqındaǵı» ÓZRN-598 sanlı nızamı, 2018 jılı 19 iyuldegi «2018-2019 jıllarda investiciyalıq hám infrastruktura joybarlardı ámelge asırıwdı jedellestiriwge tiyisli qosımsha ilajlar haqqında» ǵı PK,-3874-sanlı qararı, Prezidenttiń 2018 jılı 1 avgusttegi «Ózbekiston Respublikasında investiciya ortalıgın túpten jaqsılaw ilajları haqqında» ǵı PF-5495-sanlı Pármanı [2] hám úlken áhmiyetke iye boldı. Usı normativ xújjetler mámleketimizde tuwrıdan-tuwrı investiciyalardı ózlestiriw ushın eń qolaylı investiciya ortalıgın qalıplestiriw maqsetinde ekonomikanı liberallastırıw, mámleketlik basqarıwın reformalastırıw isbilermenlik subyektlar xızmetine aralıwın sheklew, licenziyalaw hám ruxsat beriw tártiplerin qısqartırıw hám ápiwayılastırıw, tovarlar hám xızmetlerden erkin paydalanıwın támiyilew, sonday-aq, ayaqlarda zárúr infrastrukturanı jaratıwdı támiynleytugin huqıqiy tiykarı jánede bekkemleydi.

Mámleketlik byudjet esabınan investiciyalıq xızmetti finanslastırıwda ústin tarmaqlardı mámleket tárepinen qollap-quwatlawdıń qısqarıwı mámleketniń investiciya siyasatınıń itibarı jeke menshik strukturalar: kárxanalar, bankler hám xalıqtıń juwapkershiligine qaratılǵan. Biraq, házirgi waqıtta investiciyalıq xızmet subyektlari muǵdarı hám sanı artqanına qaramay, olardıń investiciyalıq xızmettegi

ornı hám mámlekettiń ekonomikadaǵı roli hám ornın basa almaydı. Múlkshilik formalarınń ózgerip barıwı menen investiciyalıq xızmetti finanslastırıwdaǵı mámleketlik derekleriniń ornın hár túrli jeke investiciyalıq derekleriniń iyelep barıwı, bul bolsa investiciyalıq xızmetti keń kólemde oraylaspawına, investiciyalıq xızmet kólemi hám nátiyjeliliginiń artıwına alıp keliwi lazım. Investiciyalardı finanslastırıwdıń barlıq imkaniyatlarınan jánede tolıq hám nátiyjeli paydalanıw ilajların engiziw búgingi kúnde investiciya xızmetin finanslastırıwdıń ishki hám sırtqı derekleri strukturasınıń ózgerip barıwı menen baylanıslı. Ekonomikalıq ádebiyatlarda ishki investiciya derekleri esabına milliy derekler, tiykarınan kárxanalardıń óz qarjıları, finans bazarı resursları, xalıqtıń jamǵarmaları, byudjetten ajıralatuǵın investiciya qarjıları esablanadı. Sırt el investiciyalar, kreditler hám zayomlar sırtqı derekler dep esaplanadı. Usı klassifikatsiya ishki hám sırtqı derekler sistemasın olardıń qalıplesiw hám ulıwma milliy ekonomika dárejesinde qollanıw kóz qarasinan sáwlelenedi. Bulardıń bári mámleketimizde basqıshpa-basqısh alıp barılıp atırǵan reformalar hám onıń sheńberinde ekonomikanı modernizaciyalaw, texnikalıq hám texnologiyalıq jańalaw ilajların izshil ámelge asırılıp atırǵanlıǵınıń nátiyjesi bolıp esaplanadı.

Investiciyalar túrli múlk formasındaǵı karxanalar xızmetin shólkemlestiriw hám rawajlandırıw, milliy ekonomikanı modernizatsiyalaw hám onı ózgeritiw hám xalıq aralıq integratsiyasın aktivlestiriwdiń baslı faktori esaplanadı. Investiciyalar ekonomikada jaratılǵan baylıqtıń strukturalıq bólimi bolıp, paydalanıwdan artqan dáramatlardıń jamǵarılıwı nátiyjesinde qayta dáramat tabıw maqsetinde isbilermenlik xızmetine tartılǵan derek esaplanadı.

Xalıq aralıq analizler sonı kórsetedi, mámleket hám aymaqtıń turaqlı ósiwine, jergilikli hám sırt el investorlardıń keń ózlestiriwinde investiciyalıq iskerlikti arttırıw arqalı erisiw múmkin. Usı protsesste erkin ekonomikalıq zonalar investiciyalıq iskerlikti qollap quwatlawdıń eń nátiyjeli formalarınń biri esaplanadı. Búgingi kúnde sırt el investiciyalardı tartıw maqsetinde erkin ekonomikalıq zonalar shólkemlestiriwge úlken itibar qaratilmaqta. 2017-2021jıllarda Ózbekstan Respublikasınıń rawajlandırıwdıń Háreketler strategiyasında quramlıq ózgerislerdi tereńlestiriw, milliy ekonomikanıń jetekshi tarmaqların modernizasiya hám diversifikaciyalaw esabınan onıń básekege shıdamlılıǵın arttırıw maqsetinde “xızmet kórsetip atırǵan erkin ekonomikalıq zonalar, texnoparkler hám kishi sanaat zonalarınń nátiyjeligin arttırıw, jańaların shólkemlestiriw”[3] ústin máselelerdiń biri sıpatında belgilendi. Aymaqlarda básekege shıdamlı eksportqa baǵdarlangan zamanagoy sanaat ónimlerin islep shıǵarıwdı jánede jedellestiriw, sonday-aq, tuwrıdan tuwrı sırt-el investiciyalardı ózlestiriw maqsetinde 21 erkin ekonomikalıq aymaqlar xızmet júritpekte. “Navoiy”, “Angren”, “Jizzax”, “Urgut”, “Gijduvon”, “Qwqon” va “Hazorasp” erkin ekonomikalıq zonalarđın ulıwma qunı 1049,2 mln. AQSH dollarǵa teń 166 joybar ámelge asırılǵan, 11 mıńnan artıq jumıs ornı jaratıldı.[4]

Investiciyalıq aǵımlardıń ósiwin shegaralaw múmkin bolǵan tiykarǵı faktorlar sıpatında tómendegiler esaplanadı: jáhán ekonomikasındaǵı páseywi hám ekonomikalıq ósiw kórsetkishleriniń qısqaırw riski, Evropa aymaqlarındaǵı karızdarlıq hám byudjet qıtshılıǵı máseleleri, evro kursı táǵdiriniń anıq emesligi hám finans bazarındaǵı risklerdiń artıwı esaplanadı.

Investiciya processleriniń nátiyjeliligi tiykarınan olardıń ámel etiwindegi tártipke salıwshı hám sistemalı shártler, shólkemlestiriw hám basqarıw usılları járdeminde belgilenedi.

- joybarlı finanslastırıwdıń nızamlı tiykarın qalıplestiriw;
- joybarlı finanslastırıwdıń mexanizmlerine mámlekettiń xoshametlew sistemasın jaratıw, tiykarınan finanslıq;
  - menedjer kadrlardı tayarlaw hám olardıń ámeliy tájriybe toplamların támiynlew;
  - kapital hám tuwrıdan finans instrumentleri bazarınıń keyingi rawajlanıwına erisip barıw ilajları ámelge asırıw;
  - milliy ekonomikada innovatsion xızmetti finanslastırıwǵa basqa dereklerdi, yaǵnıy jeke sektor, kárxanalar, bankler, qamsızlandırıw kompaniyalar, shet el investorlardıń qarjıların keń ózlestiriw;
  - venchur kapitalınıń baslanǵısh deregi sıpatında mámleket quramındaǵı jamǵarmalar úlken áhmiyetke iye. Xúkimet bul fondlardı qalıplestiriwge ulıwma kapitalınıń belgili protsentin mápdar investorlarǵa usınıw;
  - reformalardı tereńlestiriw waqtında keleshekte investorlar qatnasıwındaǵı sırt el venchur fondlar ashılıwı yaqı qospa investiciya jamǵarmalar shólkemlestiriw;
  - lizing kompaniyaları hám kommersiyalıq banklerin lizing bazarındaǵı qatnasın salamat báseke ortalıǵı tiykarında qalıplestiriw hám de olardıń bazardaǵı úlesin muwapıqlastırıw ushın xúkimet

tárepinen keleshekте hár eki lizing bazarı subyektlarına xuquqıy tiykar jaratqan halda belgili bir muǵdardaǵı qunda lizing operatsiyasın ámelge asırıw rejesin islep shıǵıw;

- kommersiyalıq bankler tárepinen lizing operatsiyaların ámelge asırıw hámde qoyılǵan talaptı orınlaw imkaniyatın jaratıw ushın hár bir kommersiyalıq bankler óziniń kredit resurslarınan belgili bir belgilengen muǵdarda lizing bazarına baǵdarlaw;

- lizing xızmetler bazarında kommersiyalıq banklerdiń iskerligin arttırıw ushın arnawlı maqsetli lizing jamǵarmaların shólkemlestiriw hám lizing protsessinde salıq jeńillikleri hám preferensiyalar engiziw;

- lizing bazarın rawajlandırıw kelesheklerin belgilewde ayaqlar mashtabında lizing protsessleri monitoringin tereń analizlegen halda mashqalalardı anıqlaw hám olardı sheshimin esapqa alıp strategiyalıq dástúrler islep shıǵıw lazım.

Juwmaqlap aytqanımda, mámleketimiz ekonomikasın modernizaciyalawdıń házirgi basqışında investiciyalıq siyasattı ámelge asırıw mexanizmlerin jánede jetilistiriw talap etilmekte. Investiciya bazarın qalıplestiriw investiciya resursların toplaw, investiciyalıq joybarlardı finanslastırıw usılların keń engiziw, fondlardı investiciyalargá aylandırıw, olardan paydalanıw nátiyjeligin arttırıw mashqalaların sheshiwdiń zárúrli shárti esaplanadı. Bul óz gezeginde ekonomikamızdıń turaqlı pátlerde ósiwin támiyinlep baradı.

#### ***Paydalanılǵan ádediyatlar:***

1. Ózbekston Respublikası Prezidenti Shavkat Mirziyoyevyń Oliy Májliske Múrátnaması. “Xalq so’zi” gazetası, 2020 jil 25 yanvar №19

2. www. Lex.uz. (Nızam hújjetleri maǵlıwmatları milliy bazası, 26.12.2019 j., 03/19/598/4221-san)

3. Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń Pármanı. 07.02.2017 j., PF-4947-san). [www.president.uz](http://www.president.uz)

## **МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ**

***Тураев А.А., ассистент,***

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

***Аннотация.*** Ушбу мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджетида тутган ўрни ҳамда ушбу солиқ турининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

***Калим сўзлар.*** Солиқ юки, жисмоний шахс, даромад, солиқ, ставка, солиқ солиши базаси, солиқ солиши объекти, бюджет, солиқ сиёсати.

***Аннотация.*** В данной статье показана роль налога с физических лиц в государственном бюджете и особенности этого вида налога.

***Ключевые слова.*** Налоговая нагрузка, физический, доход, налог, ставка, налоговая база, объект налогообложения, бюджет, налоговая политика.

***Abstract.*** This article shows the role of tax on individuals in the state budget and features of this type of tax.

***Keywords.*** Tax burden, physical, income, tax, rate, tax base, tax object, budget, tax policy.

Ўзбекистон Республикамиз тараққиётини янада юқори босқичларга олиб чиқиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июн 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли фармонлари қабул қилинди. [2] Ушбу концепциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ, Ҳаракатлар стратегияси ва унда кўзда тутилган, республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши айни муддао бўлди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг иқтисодий моҳияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - молия муносабатларининг кичик тизими сифатида, аҳоли билан давлат ўртасидаги иқтисодий

муносабатларни, хусусан уларнинг даромадларидан бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган фондини ташкил этиш муносабатларини акс эттиради.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 1991 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида”ги қонуни асосида жорий этилган бўлиб, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўрт шкалагача бўлган ҳисоблаш тартибидаги тизим 2018 йил 31 декабргача амал қилиб келганини гувоҳимиз. Ушбу ҳисоблаш тартиби кўрчилик оддий аҳоли қатлами фуқаролари ўртасида даромад солиғини ҳисоблашда иқтисодий билимга эга бўлишликлари талаб этилар, бу эса бир бунча муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлар эди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги ПФ-5468сонли фармонга асосан амал қилиб келган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг шкала тартибидаги ҳисоб-китоб шакли ва 8 фоизлик ижтимоий суғурта бадалидан вос кечиш кераклиги белгилаб берилди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисидаги” ПҚ-4086 сонли қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланиши бунинг амалий тасдиғидир. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари таркибида бўлган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига юналтирилган 2 фоизлик тўлов ҳам 2019 йил 1 январдан бошлаб 0.1 фоиз этиб белгилаб қўйилди. [3] Бу эса иқтисодий билимга эга бўлмаган фуқароларимиз учун ҳам жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашнинг оддий усули сифатида кўрсатиб берилди.

**1-жадвал.**

**Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи**

Энг кам ойлик иш ҳақининг даражаси	2018	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1 баробари	0%	12 %*	12 %	12 %
1 баробари	7,5%			
2 баробари				
3 баробари				
4 баробари				
5 баробари				
5 баробари	16,5%			
6 баробари				
7 баробари				
8 баробари				
9 баробари				
10 баробари	22,5%			
10 баробаридан юқори				

Ушбу жадвалда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 2018 йилда 22.5% фоизгача шкала тартибида ҳисоб-китоб қилинган бўлса, 2019-2021 йиллар эса 12 фоиз миқдорида ҳисобланиб келинмоқа.

Ҳозирги кундаги солиқ тизимида кўражисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ҳам ўзига хос бўлган имтиёзлари яъни солиқ солинмайдиган даромадлари таркиби Солиқ кодексининг 378-моддасида ҳамда солиқ солишдан тўлиқ озод қилинган ва ҳар ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги бўйича солиқдан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар [1] ҳам сақланиб қолганини кўришимиз мумкин.

Мавзудан келиб чиққан ҳолда 2019-2021 йиллар мобайнида қандай қулайликлар яратилганлигини айтиб ўтсак муболаға бўлмайди.

*Биринчидан.* Йил давомида иш жойини ўзгартирадиган ходим янги иш жойига аввалги иш ўрнидан иш ҳақи ва ушланмалар бўйича маълумотлар тақдим етиши лозим бўларди. Чунки, даромад солиғи ўсиб борувчи якун билан ҳисобланиши учун, бу маълумотномага эҳтиёж сезиларди. Агар маълумотнома тақдим этилмаган тақдирда, даромад солиғини максимал ставкада яъни 22.5% ставкада ушланиши белгилаб қўйилган эди ва бу ҳам етарлича ноқулайлик келтириб чиқарарди. Энди бундай маълумотнома шарт эмас, даромад солиғи қатъий ставкада бўлгани учун ҳам уни ҳисоблашда бошқа даромадларни билишга эҳтиёж йўқ.

*Иккинчидан.* Ўриндошлик асосида ишловчилар ҳар йили декларация топширишлари лозим эди. Сабаби, икки ва ундан ортиқ жойда камроқ ойлик олган ходим ҳар бир иш ўрнида минимал ставкада солиққа тортилиши мумкин. Барча даромадлар бирлаштириганда эса, шкала ўзгариб кетиши ва қўшимча солиқлар ҳам пайдо бўлиши мумкин эди. Эндиликда эса бир нечта жойдан ойлик маош олган ходим ҳар бир жойда бир хил – белгиланган 12 фоизни тўлаши керакли боис декларация тўлдириш шарт эмаслиги белгиланди.

*Учинчидан.* Аввалги тизимда даромад солиқларини ҳисоблаш бирмунча мураккаб бўлиб, арифметикадан уста бўлишимиздан ташқари, қўшимча маълумотларга ҳам эга бўлишимиз керак эди. Энг кам иш ҳақи миқдори, белгиланган шкалалар, олдинги ойлардаги ҳисобланган ойлик ва ушланган даромад солиғи ва мукофотларгача барча маълумотларни йиғиб борган ҳолда маълум бир ойдаги даромад солиғини ҳисоблашимиз мумкин бўлар эди. Буларнинг барчаси қийинчилик тўғрисидаги сабабли «нима сабабдан бу ойнинг даромад солиғи кўп ушланди ёки кам ушланди» ёки «нима учунбу ходимни ушланмаси камроқ бўлиб қолди» деган саволлар пайдо бўлар эди ва баъзида ҳисобчи йўл қўядиган хатолар туфайли ҳам ортиқча ёки кам тўловлар пайдо бўлаверарди. Энди эса, биргина калкулятор ёрдамида, ҳисобланган иш ҳақимиздан келиб чиқиб, қўлга тегадиган суммани ҳеч бир қийинчиликларсиз ҳам бемалол ҳисоблаб чиқаришимиз осонлашди.

Нима сабабданжисмоний шахсларнинг даромад солиғига кўп урғу бераётганлигимизнинг сабаби шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган жисмоний шахслар томонидан тўланаётган даромад солиқлари давлат бюджети даромадларининг етакчи қисмларидан бирини ташкил этган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида алоҳида ўз ўрнига эга бўлиб ҳисобланади. Мазкур солиқ турининг асосий дастаклари бўлиб солиқ ставкасининг умумий ягоналиги, солиқ солиш объекти ва солиқ солиш базасининг бир бирига ўзвий боғлиқлиги давлат даромадлари ҳажмини ортишига хизмат қилади деб айтишимиз айтиш ҳақиқатдир.

Бунинг исботи сифатида солиқ ислохотларининг 2018 йил билан 2019 йилнинг 1 чорагидаги натижаларига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад 2018 йилда 1.3 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда эса 2.5 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 1.9 баробарга ошганини кўришимиз мумкин[4].

Бироқ юқоридаги маълумотлардан куришиб турганидек, ҳар йили Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни кўришимиз мумкин. Бу ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишдан ягона мақсадимиз, Ўзбекистон Республикада солиқ тизими барқарор даражада ривожланган тизимни яратишдан иборатдир.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қарорлар, фармойишлар ва фармонлар асоси шундан иборатки, солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида солиқ саводхонлигини ошириш ва тушунарли солиқ тизимини ташкил этиш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини янада ошириш мақсадлари аниқ ва равшан қилиб белгилаб бериди.

Мамлакатимиз солиқ тизимида тадбиркорларимиз учун солиқ юқини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳам барча қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатларимизда ўз аксини топмоқда. Зеро мамлакатимизда иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган солиқ-бюджети сиёсати билан боғлиқлиги барчамизга маълумдир.



### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 378-модда. – Тошкент Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.
2. Мирзиёев. Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн
3. Мирзиёев. Ш.М. “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисидаги” ПҚ-4086 сонли қарори.
4. Давлат солиқ қўмитаси маълумоти

## **МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Тураев А.А., ассистент**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бюджет-солиқ сиёсатининг ижроси мамлакатда бюджет даромадларини оширишда солиқ назоратини тартибга солиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ назоратининг муҳимлиги, солиқ назорати ва унинг шакллари, солиқ текшируви моҳиятининг амалий муҳимлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилган. Муаллиф томонидан солиқ назоратини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** бюджет-солиқ сиёсати, бюджет, солиқ, солиқ юки, солиқ текширувлари, солиқ назорати, камерал назорат, солиқ аудити, сайёр солиқ текшируви.

**Abstract.** This article discusses the implementation of fiscal policy in terms of tax control in order to increase budget revenues in the country, tax control and its forms, the significance of it in business entities, the practical essence of tax audit and its specific features. The author provides recommendations on the establishment and improvement of tax control.

**Key word:** fiscal policy, budget, tax, tax burden, tax audits, tax control, in-house control, tax audit, mobile tax audit.

**Аннотация.** В статье представлены реализация бюджетно-налоговой политики в регулировании налогового контроля для увеличения доходов бюджета страны, важность налогового контроля в деятельности хозяйствующих субъектов, налоговый контроль и его формы, практическая важность сущности налоговой проверки и особенности её реализации. Даны рекомендации автора по организации и совершенствованию налогового контроля.

**Ключевые слова:** налоговая политика, бюджет, налоги, налоговая нагрузка, налоговые проверки, налоговые проверки, внутренние проверки, налоговые проверки, мобильные налоговые проверки.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Парламентга Мурожаатномасида ҳозирги пайтда солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришни, мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолашни, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали бартараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлашни, солиқ юкини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этишни таъкидлади [3].

Мамлакатимизда солиқ юкининг камайтириб бориши хўжалик субъектларининг реал даромадларини оширишга уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга ва рағбатлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Аммо ҳозирги иқтисодий жараёнларда солиқ юки давлат дастурлари асосида камайтирилиб келинаётган бўлсада, айрим хўжалик юритувчи субъектлар ханузгача бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурий тўловларни тўламасдан яшириб келишмоқда. Бу эса яширин иқтисодиётни камайтириш ўрнига янада ортишига олиб келмоқда. Шу сабабли барча хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиб бориш талаб этилмоқда. Бу назорат тартиби эса солиқ назорати асосида олиб борилиши мақсадлидир.

Ҳозирги кунгача солиқ назорати ҳақида илмий адабиётларда турлича фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, Б.Тошмуродова солиқ назорати тушунчасига қуйидагича таъриф беришни кўрсатиб ўтади: “Солиқ назорати – бу солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши, солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ

ундирилиши, тўғри ҳисобланиши устидан солиқ органлари ҳамда божхона органлари томонидан олиб бориладиган назоратдир” [6].


Шунингдек, хорижлик олим Т.А.Валерьевич солиқ назорати тушунчасига “**Солиқ назорати** – бу мамлакатнинг амалидаги қонунчилигига асосан солиқ тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ тўпланишини таъминлаган ҳолда, солиққа тортишнинг муҳим элементи ҳисобланади, шунингдек унинг ташкил этилиши солиққа тортиш тамойилларига ҳам мос бўлиши мақсадлидир” [4] деган мазмундаги таърифни кўрсатиб ўтмоқда.

Фан олимларнинг ушбу мавзу асосида олиб бораётган илмий тадқиқотларининг мақсади шундаки, давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини тўғри юритиш ҳамда бюджетга тушадиган тушумларнинг шаффофлигини таъминлашдан иборатдир.

Солиқ назорати тушунчасига кенг маънода тўхталадиган бўлсак, О.К.Нуцалханова “Кенг маънода солиқ назорати - самарали давлат молия сиёсатини таъминлашга қаратилган давлат назорати тадбирларининг мажмуи бўлиб, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳамда марказий ва маҳаллий фискал манфаатларини қўллаб-қувватланишига қаратилади” [5] деган маънода тариф бермоқда.

Хорижий давлатлар ва республикамызда солиқ назорати молиявий назоратнинг муҳим турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Солиқ қонунчилигига кўра, ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назорати эканлиги эътироф этилади [1]. Мамлакатимиз солиқ тизимида қуйидаги солиқ назоратининг шакллари ва солиқ текширувларининг турлари назарда тутилган [2]:

- камерал солиқ текшируви;
- сайёр солиқ текшируви;
- солиқ аудити(1-расмга қаралсин).



*1.расм. Солиқ назоратининг шакллари ва уларнинг таснифи.<sup>1</sup>*

Яширин иқтисодиётни олдини олишда мамлакатимиз солиқ тизимида солиқ текширувларини амалга оширишда албатта камерал солиқ текшируви муҳим бўлиб ҳисобланади.

**Камерал солиқ текшируви** – солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув.

Солиқ тўловчилар мажбурий тўловларни тўлаш жараёнида фаолиятида содир бўладиган молиявий камчиликларни тартибга солишда сайёр солиқ текшируви амалга оширилади.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

**Сайёр солиқ текшируви** — солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш ҳисобланади.

Солиқ назоратини тартибга солишда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан ҳуқуқий ва ташкилий тарзда назоратни кучайтириш мақсадида солиқ аудити ўтказилади.

**Солиқ аудити** - солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида, унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади.

Солиқ аудити доирасида солиқ органлари томонидан солиқ тўловчига ҳужжатлар электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар буюртма хат қилиб почта орқали юборилади ва улар жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади. Ҳужжатлар солиқ тўловчига ёки унинг вакилига шахсан мазкур ҳужжатлар олинган сана кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб топширилиши мумкин.

Ҳозирги кунда солиқ қонунчилигига кўра корхоналардан ундирилган солиқ суммаси амалдаги ҳақиқий ҳолат бўйича фарқлар борлиги ханузгача кузатилмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан иш олиб бораётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятлари давомида ҳақиқий даромад(фойда)ларига нисбатан давлат ҳазинаси учун тўланиши керак бўлган турли кўринишдаги солиқларни камайтириб ёки умуман тўламаслик ҳолатлари борлиги айни ҳақиқатдир. Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатида бундай ҳолатларни сақланиб қолаётгани, солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти юқори эмаслиги, уларнинг ижтимоий-маънавий савияси талаб даражасида етарли эмаслигидан дарак беради деб ўйлаймиз. Зеро мамлакатни ижтимоий томонлама ривожлантириш учун мақсадли юналтирилган ҳар қандай маблағ бизнинг ютиғимиздир.

Бундан ташқари, ҳозирга кунда амалга оширадиган барча саъй-ҳаракатларимизни хавфи юқори бўлган ҳудудларга йўналтириш ва инсофли солиқ тўловчиларга маъмурий юкни минималлаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари мунтазам равишда тадбиркорликка бўлган босимни камайтириб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар асосида ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Албатта бу ўз навбатида солиқ назоратини тартибга солишда самарадорликка эришишга олиб келади:

- солиқ тизими назоратини тартибга солишда тижорат банклари билан тўғридан тўғри очиқ мулоқот олиб бориш, корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг пул маблағлари айланмасини доимий равишда мониторингини назорат қилиш;

- корхона фаолияти давомида ҳисобрақамига шубҳали пул кирими ва чиқими ҳисобини юритиш ва бу корхоналар фаолиятини алоҳида назорат олиш;

- корхонада солиқ назорати ўтказишда асосий эътиборни солиқ тўловларини бюджетга ўтказишда яшириш ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чора кўриш лозимлигини кучайтириш;

- корхоналар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқларини ҳисоблаб чиқиш ва бюджетга ўтказишда солиқ назорати шакллари доирасида текширишни кучайтириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун молиявий жазо чораларини кучайтириш орқали бюджетга солиқ тушумларини тўлиқ сақлаб қолиш мумкин ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида оқилона назорат тизими йўлга қўйилиши, солиқ тизими қонунчилигига тўлиқ риоя этилишида ҳуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш асосий вазифа бўлиб хизмат қилади. Солиқ тизимидаги иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш, солиқ назоратини тартибга солишда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан ҳуқуқий ва ташкилий тарзда назоратни кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда солиқ назоратининг услубий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 135-модда. – Тошкент Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 136-модда. – Тошкент Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.
3. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр
4. Валерьевич Т.А. Налоговый контроль при налогообложении физической лиц на основе подхода “Объект контроля-налогоплательщик” 2009 год, Нижний Новгород.
5. Нуцалханова О.К.. Налоговый контроль как обратная связь в системе финансового мониторинга. Пробелы в российском законодательстве. – 2011. – № 6. – С. 330-332.
6. Тошмуродова Б. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 2007 йил, 120 бет.

## **СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Тураев А., ассистент**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хослиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда солиқ юкини камайтириши йўллари кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** солиқ, тадбиркор, солиқ юки, субъект, солиқ кодекси, ставка.

**Abstract.** This article shows the specifics of the tax system reforms in our country and ways to reduce the tax burden on doing business.

**Key words.** Tax, entrepreneur, subject, tax burden, tax code, rate.

**Аннотация.** В данной статье показана специфика реформ налоговой системы в нашей стране и пути снижения налоговой нагрузки на ведение бизнеса.

**Ключевые слова:** налог, предприниматель, субъект, налоговая нагрузка, налоговый кодекс, ставка.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада ривожланиш юқори даражада жадаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилилиб амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу Ҳаракатлар стратегияси дастури доираси иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳаларда чуқур ислохотлар олиб борилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётни модернизациялаш жараёни тезлашиб бормоқда. Давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида солиқ сиёсатида ҳам бу борада катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, солиқ тизимида туб ўзгаришлар ва янгиликлар жорий этилиши қатор фармон ва қонунларга асосан босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июн 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли фармонлари қабул қилинди [2]. Ушбу қабул қилинган концепциянинг энг муҳим томони шундан иборатки, Республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга оширилиши, солиқ тизимини соддалаштириш ва юридик ва жисмоний шахсларга солиқ тўловларини амалга оширилишларида тушунарли бўлишилиги, концепциясининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади десак ҳам муболаға бўлмайди. Хусусан, 2020 йилда Бюджет-солиқ қонунчилигидаги бир қатор узгартириш ва қушимчаларни гувоҳи бўлдик. Шу жумладан, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб янги тахрирдаги XXI бўлим, 71 боб, 480 моддадан иборат солиқ кодекси кучка кирди. Шунингдек биринчи мартта 2020-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш ҳамда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози белгилаб берилди. Бу қонунга асосан, 2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний

шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз этиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 15 фоиз, айланмадан олинадиган солиқ 4 фоиз, Ижтимоий солиқ 12 фоиз, юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи 2 фоиз этиб белгиланди. Солиқ юкини камайтиришда ҚҚС бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани қайтариш, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари бўйича ҚҚС бир юла ҳисобга олиниши белгиланди. Шунингдек, Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган солиқ суммаси 30 фоизгача камайтирилиши ва ҳисоб рақамидаги айланма маблағлари 1 млрд.сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортиладиган база ялпи даромаддан 25 % қилиб белгиланди. Бундан ташқари «ягона солиқ тўлови» номи «айланмадан олинадиган солиқ»га, «ягона ижтимоий тўлов» номи «Ижтимоий солиқ»га ўзгартирилди. Эски кодексда мавжуд бўлган 13 та солиқ турлари янгисида 9 тагача камайтирилди. Ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди. Кодексда солиқ органлари солиқ текширувларининг камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудитини ўтказиш белгилаб қўйилди. Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Хусусан, улар солиқни қатий белгиланган миқдорларда тўлаш ёхуд жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаши мумкин бўлади.

Солиқ қонунчилигига киритилаётган мана шундай ўзгариш ва янгиликлардан аҳолини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўз вақтида хабардор қилиб бориш, уларнинг солиққа оид ҳуқуқий билими ва маданияти даражасини янада юксалтириш мақсадида давлат солиқ органлари томонидан жойларда бевосита семинар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали ҳар ойда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга ошириб борилмоқда.

Ҳозиргача мамлакат солиқ тизимининг барқарорлигига эришиш учун сўнгги пайтларда Солиқ кодексига ва бошқа солиққа оид қонун кучига эга бўлган ҳужжатларни қабул қилган ҳолда солиқ тизимига жуда кўп ўзгартиришлар киритилмоқда.

Биргина Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришларни кўриб чиқадиган бўлсак (1-диаграмма), уларнинг сони йилдан-йилга ўзгариб бораётганини кузатиш мумкин.

*1-диаграмма*

**2008-2019-йиллар мобайнида Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар сони [3]**




Диаграмма маълумотларидан кўринадикки, 2008 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодекси қабул қилинганидан буён 2019 йил охиригача унга жами 871 та ўзгартишлар киритилган. Ўзи аслида, биринчи қабул қилинган (1998 йил) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [1] бекор қилинишига сабаб, унинг солиқ муносабатларини бевосита тартибга солишга қодир бўлмай қолгани, жуда кўп ўзгартишларга дучор бўлган эди.

Бирок, янги тахрирдаги Солиқ кодекси (2008 йил) ни пухта ишлаб чиқиш учун роппа-роса 3 йил кетганига, яна 2 йил мобайнида уни такомиллаштиришни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритишга руҳсат берилганига қарамадан ханузгача бу жараён охирига етказилмаган. Бу эса республика солиқ тизимини мукамал ташкил этиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда солиқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан*, иқтисодиётни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган солиқ тизимини юзага келтириш ва амалда жорий этиш. Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимини ўрганиш тажрибалари асосида амалга ошириш лозим.

*Иккинчидан*, иқтисодиётда соғлом ракобатни муҳитини таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсимланиши лозим.

*Учинчидан*, солиқ тизимида бажарилган ишлар асосан иқтисодий-ижтимоий ва географик жойлашув шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳар йили солиқ тизимида бўлаётган ўзгаришлар туб ўзгаришлар яъни Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар сони кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишдан ягона мақсадимиз, Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими барқарор даражада ривожланган мукамал солиқ тизимини яратишдан иборатдир.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: 2008.
2. Мирзиёев. Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг 2008-2020 йил маълумотлари

### **ФАКТОРЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ИНВЕСТИЦИОННЫЙ КЛИМАТ**

***Нурмухаммедов А.Н., к.э.н., доцент,***

*Ташкентский химико-технологический институт, Узбекистан*

***Хакимова Г.К., зав.кафедрой, к.э.н., доцент,***

*Ташкентский химико-технологический институт, Узбекистан*

***Хамраев М.С., докторант PhD,***

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

***Аннотация.*** Статья посвящена анализу и характеристике факторов, влияющих на инвестиционный климат. Показаны трудности принятия инвестиционных решений в зависимости от них. Приведены условия, при выполнении которых, по мнению авторов, будет достигнут консенсус.

***Ключевые слова:*** инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, инвестиционные решения, факторы.

***Аннотация.*** Мақола инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиши ва хусусиятларига бағишланган. Инвестиция қарорларини қабул қилишининг қийинчиликлари кўрсатилган. Муаллифларнинг фикрига кўра, таклиф қилинган шартларни жорий этилишига кўра, келишувларга эга бўлиши имконияти эришилади.

***Калим сўзлар:*** инвестиция муҳити, инвестиция жозибадорлиги, инвестиция қарорлари, омиллар.

***Abstract.*** The article is devoted to the analysis and characteristics of factors affecting the investment climate. The difficulties of making investment decisions depending on them are shown. The conditions are given, under which, in the opinion of the authors, a consensus will be reached.

***Key words:*** investment climate, investment attractiveness, investment decisions, factors.

В условиях инновационного развития улучшение инвестиционного климата очевидно. Но, несмотря на это, приходится с трудом реализовывать инновационно-инвестиционные решения. Общество в целом извлекает наибольшую выгоду от деятельности предприятий. Однако их интересы не всегда совпадают. Примером могут служить налогообложение и регулирование. Большинство предприятий жалуется на налоги, а ведь они обеспечивают финансирование общественных услуг. Также многие бизнесмены предпочли бы меньшую степень регулирования и контроля, которые в то же время направлены на снижение несовершенств рыночного механизма, улучшение инвестиционного климата и защиту социальных интересов.


Адекватные противоречия возникают и при проведении политики улучшения инвестиционного климата. Имеются различия в предпочтениях и приоритетах между предприятиями. Их взгляды могут разойтись в вопросах рыночных ограничений, структуры налогообложения или направлений развития инфраструктуры в различных административных

территориях. Поэтому правительство обязано нивелировать различия, создавая равные возможности организации и ведения бизнеса.


Механизмы, посредством которых государство решает проблемы развития предпринимательства, существенно воздействуют на инвестиционный климат. Государство выдвигает ряд условий для обеспечения эффективного инвестиционного климата: сдерживание коррупции, повышение предсказуемости политики, стимулирование общественного доверия и обеспечение соответствия проводимой инвестиционной политики местным условиям.

Практика показывает, что коррупция является самым серьезным препятствием для ведения бизнеса и принятия инвестиционных решений. Устранение необоснованных вмешательств в экономику, снижение полномочий и повышение ответственности чиновников, особенно посредством большей транспарентности, способствуют сдерживанию этого явления.

Ныне любые инвестиционные решения должны сопровождаться риском, поскольку инвестирование – это деятельность, результаты которой могут быть получены только в будущем. Следовательно, уверенность в отдаче вложенных средств, включая доверие к государству, определяет желание предприятий инвестировать. Данные обзора Всемирного банка об инвестиционном климате показывают, что фирмы, работающие в развивающихся странах, считают неопределенность политики первостепенным ограничением, мешающим оздоровлению инвестиционного климата (см.: рис. 1). Повышение степени предсказуемости экономической политики может увеличить вероятность новых инвестиций более, чем на 30% (см.: рис. 2).



**Рис. 1. Факторы, негативно влияющие на инвестиционный климат, %**



**Рис.2. Предсказуемость политики и новые инвестиции фирмы [1]**

На инвестиционный климат оказывают воздействие уровень социальной сплоченности и доверия между участниками рыночных отношений, с одной стороны, и уровень доверия, которое



испытывают граждане к предприятиям и рынкам, с другой. Социальная сплоченность и доверие способны снизить издержки правового регулирования и обеспечить строгое выполнение контрактов, что является важным для инвестиционного климата. Достижение консенсуса в пользу создания более производительного общества может предусматривать следующие основные аспекты:

- гарантии того, что выгоды от инвестиционного климата будут доступны широким слоям общества, а не только определенным предприятиям;
- понимание широкой общественностью выгоды реформ;
- повышение прозрачности деловых отношений между правительством и фирмами, ограничивающее возможности вымогательства и коррупции;
- защита уязвимых групп населения, которые могут оказаться в невыгодном положении в период реформ.

#### **Список использованной литературы:**

1. World Bank World Business Environment Survey.  
<https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2019/11/08/world-bank-group-publishes-2019-enterprise-survey>

### **МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Узакова К.Б., ассистент**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, бюджет даромадлари ва харажатлари барқарорлигига эришишнинг йўллари ҳақида назарий қарашлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, солиқ сиёсати, фискал сиёсат, акциз солиғи.

**Аннотация:** В статье рассматривается роль местного бюджета в экономическом и социальном развитии. Существуют также теоретические взгляды на способы достижения устойчивости доходов и расходов бюджета.

**Ключевые слова:** местный бюджет, налоговая политика, акцизный налог.

**Abstract:** The article examines the role of the local budget in economic and social development. There are also theoretical views on ways to achieve sustainability of budget revenues and expenditures.

**Key words:** local budget, tax policy, excise tax.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги аҳамиятини ошириш муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Ҳудудий ривожланишнинг молиявий манбаи фақат корхоналар ва ташкилотларнинггина эмас, балки маҳаллий бюджет маблағлари ҳамдир. Шу боис маҳаллий бюджетлар кўшимча даромадлар ва тушумлар билан кафолатланиши уларнинг барқарорлашувида бош омил ҳисобланади. Табиийки, бюджет даромадлари ва харажатлари барқарорлигига эришилган маҳаллий ҳокимиятларнинг ўз ҳудудларида ишлаб чиқариш имконияти ва хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга ва ижтимоий тараққиётни таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни молиявий жиҳатдан таъминлаш мумкин бўлади.

Юридик жиҳатдан маҳаллий бюджетлар мустақил бўлсалар-да, ҳозирга қадар юқори ҳокимият идораларининг тўлиқ назоратида. Маблағларни ҳудудлар субъектлари ўртасида қайта тақсимлашнинг объектив механизми йўқлиги уларнинг тўла қарамлигини сақлаб турибди. Ўз навбатида, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан маҳаллий бюджетларга даромад келтирувчи турли субъектлар ўртасидаги фарқнинг катталиги бундай механизм ишлаб чиқилишини қийинлаштиради.

Молия ва солиқ сиёсати, унинг турли сиёсий-иқтисодий устқурмалар шароитида амал қилиш хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисидаги илмий изланишлар жаҳоннинг энг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан узоқ йиллар давомида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг асосий мавзуи бўлиб келди.

Таъкидлаш лозимки, “Солиқ сиёсатини ривожлантириш концепциясининг асосий ёндашувлари ва йўналишлари” муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Таклиф этилаётган 2018 йилги солиқ сиёсати концепциясида Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган иқтисодий ўсиш устуворликлари ва барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари баланслилигини таъминлаш [1], халқнинг турмуш даражасини ошириш асос қилиб олинган.

Мустақиллик йилларида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ва шу билан бирга Давлат бюджети улушидаги умумий миқдори ортиб борди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Харакатлар стратегияси давлат дастури 2017-2021 йилларда мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури концепция тасдиқланган. Шулардан биринчиси - давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасидаги концепцияда марказнинг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимиятларига бериш ва децентрализация, ўзини- ўзи бошқариш органлари - маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ваколатлари ва родини кучайтириш бўйича аниқ вазифалар қўйилган [2]. Хусусан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар. Бундан келиб чиқадики, келгусида маҳаллий бюджетларнинг роли ва аҳамияти ҳам ортиб боради.

Молия тизими ва фискал сиёсат вазифалари ва муаммолари таниқли хорижий иқтисодчи олимлар - С.Фишер, Ж.Кейнс, К.Макконнелл, А.Лаффер, В.Пансков, Б.Бабантя. Д.Черник, Б.Бадырев ва бошқаларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Шунингдек, ўзбек иқтисодчи олимларидан И. Каримов, М. Шарифхўжаев, Т. Маликов, О. Олимжонов, Қ. Яҳёев, Э. Гадоев, Н. Ҳайдаров, Т. Жўраев, Ж. Қўчқоровлар молия ва солиқ тизимларининг амалий ва назарий асослари, моҳияти, алоҳида солиқ турлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

2017 йилда солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ягона солиқ тўловини тўловчи кичик корхоналар ва микрофирмалар ва барча ўрнатилган солиқларни тўловчи йирик корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш мақсадида, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, ягона солиқ тўлови миқдорини бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига (бирок 50 фоиздан ошмаган ҳолдаги миқдорга) камайтирилган ҳолда қўшимча қиймат солиғи тўлаш ҳуқуқи берилган. Бунда тўланган қўшилган қиймат солиғи миқдори ягона солиқ тўловидан чегирилади. Натижада кичик корхона ва микрофирмаларга солинадиган солиқ юки ошиб кетишининг олди олинади.

Айни вақтда маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизми қуйидагича:

1. Маҳаллий солиқлар.
2. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар.
3. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовутни қоплашга бюджет дотацияси.
4. Маҳаллий бюджетда кўзда тутилган мақсадли харажатларни амалга оширишга субвенция.

Кодексга мувофиқ, умумдавлат солиқларига ҳам энг асосий турдаги солиқ - юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ киритилган. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, айни вақтда Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий бюджетларга солиқ тури бириктирилган, яъни мазкур солиқлар тўлиғича маҳаллий бюджетларга туширилади. Буларга мол-мулк солиғи; ер солиғи; жисмоний шахслардан айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни руйхатга олганлик учун йиғим киради.

1-жадвал

**Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг 2020 йилдаги ижроси бўйича маълумотлар, минг сўмда**

т/р	Даромадлар	Режа	Ижро	Фоизи (%)
<b>1</b>	<b>Тўғри солиқлар-жами</b>	<b>1 189 906 151</b>	<b>1 231 820 910</b>	<b>103,5</b>
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	163 271 562,0	185 034 545,8	113,3
	Ягона солиқ тўловидан Давлат			

1.2	бюджетига ажратмалар, шужумладан кичик корхона ва фирмалар бўйича	91 581 233,0	96 756 158,5	105,7
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	908 352 857,0	919 501 520,2	101,2
1.4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	26 700 499,0	30 528 684,9	114,3
<b>2</b>	<b>Эгри солиқлар жами</b>	<b>519 565 386</b>	<b>538 901 730</b>	<b>103,7</b>
2.1	Акциз солиғи	443 434 014,0	455 026 817,5	102,6
2.2	Давлат божи	76 131 372,0	83 874 912,8	110,2
<b>3</b>	<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулкига солинадиган солиқлар жами</b>	<b>370 505 771</b>	<b>397 304 738</b>	<b>107,2</b>
3.1	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	68 965 450,0	70 596 719,7	102,4
3.2	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	98 502 026,0	86 964 775,0	88,3
3.3	Юридик шахсларнинг ер солиғи	71 024 569,0	101 568 314,1	143,0
3.4	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	106 300 020,0	98 757 123,8	92,9
3.5	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	16 883 281,0	21 376 770,2	126,6
3.6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	8 830 425,0	18 041 035,0	204,3
<b>4</b>	<b>Бошқа даромадлар жами</b>	<b>150 534 250</b>	<b>217 596 751</b>	<b>144,5</b>
4.1	Жарималар	53 657 073 0	67 467 106,8	125,7
4.2	Маҳаллий йиғимлар	95 871 177 0	117 950 931,8	123,0
4.3	Бошқа тушумлар	1 000 000 0	32 178 712,3	3 217,9
		0.0	0.0	
	<b>Даромадлар жами</b>	<b>2 230 511 558</b>	<b>2 385 624 128</b>	<b>107,0</b>

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети ижросини таъминлашда юридик шахсларнинг мол-мулк (102,4 %), ер солиқлари (143,0 %) ижроси режадан ортиғи билан бажарилди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк (88,3 %), ер солиқларининг(92,9 %) ижроси эса тўлиқ таъминланмади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, келгусида Ўзбекистонда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетнинг даромадларини оширишда саноат ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига солиқ солинадиган базани кенгайтириш, ҳудудлар солиқ потенциали тушунчасини солиқ қонунчилигига киритган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг солиқ потенциалини ҳисоблаб чиқиш, уни орттириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусини рағбатлантириш механизмини яратиш лозим.

#### **Адабиёт:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” гиПФ-5468-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

## БЮДЖЕТНОЕ СТИМУЛИРОВАНИЕ ПРОГРЕССИВНЫХ СТРУКТУРНЫХ СДВИГОВ В ЭКОНОМИКЕ

*Шамахмудов Ш.С., студент магистратуры,  
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

***Аннотация.** В статье рассматриваются основные аспекты бюджетного стимулирования которые, решают краткосрочные проблемы отдельных секторов экономики, в дальнейшем могут помешать достижению долгосрочных целей, привести к консервации образовавшихся перекосов и дисбалансов.*

***Ключевые слова:** доход, капитал, расход, бюджет, кризис, пандемия, инфляция*

***Abstract.** The article examines the main aspects of budgetary incentives, which, solve short-term problems of individual sectors of the economy, can further interfere with the achievement of long-term goals, lead to the conservation of the resulting distortions and imbalances.*

***Key words:** income, capital, expense, budget, crisis, pandemic, inflation*

***Аннотация.** Maqolada byudjetni rag'batlantirishning asosiy jihatlari ko'rib chiqilgan bo'lib, ular iqtisodiyotning alohida tarmoqlarining qisqa muddatli muammolarini hal qilish, uzoq muddatli maqsadlarga erishishga xalaqit berishi, natijada buzilishlar va muvozanatlarning saqlanib qolishiga olib kelishi mumkin.*

***Калим сўзлар:** daromad, kapital, xarajat, byudjet, inqiroz, pandemiya, inflyatsiya*

Не должны приниматься и реализовываться меры, которые, решая краткосрочные проблемы отдельных секторов экономики, в дальнейшем могут помешать достижению долгосрочных целей, привести к консервации образовавшихся перекосов и дисбалансов.

Из этого следует, что должны быть четко определены приоритеты в расходовании бюджетных средств. Кризис не должен становиться поводом для иждивенческих настроений в экономике и социальной сфере. Государственная поддержка за счет бюджетных средств должна оказываться по веским основаниям, при этом финансовая помощь должна выделяться только в обоснованных и выверенных размерах.

В нынешних условиях нельзя идти на принятие популистских решений, которые повлекут за собой рост неэффективных бюджетных расходов.

Регионы и организации должны ориентироваться на обеспечение своей деятельности и в большей степени за счет собственных средств. Оказание дополнительной финансовой помощи должно рассматриваться не как стандартное финансирование, а как временная мера. Следует задействовать необходимые стимулы для решения вопросов обеспеченности собственной финансовой базы самими администрациями и организациями.

*Повышение обоснованности и прозрачности отбора получателей государственной поддержки.*

Приоритет должен отдаваться мероприятиям, направленным на модернизацию производства и создания спроса со стороны смежных отраслей. Поддерживать нужно только те предприятия реального сектора экономики, которые имеют рынки сбыта своей продукции. Или же государство само должно заступать заказчиком этой продукции.

В случае же необходимости принятия решений об отказе в поддержке неэффективных предприятий следует предусмотреть компенсирующие механизмы, обеспечивающие сохранения стабильной социальной среды. Все такие решения должны так же сопровождаться информационной поддержкой.

*Реализация мер, направленных на стабилизацию ситуации на рынке труда.*

Прежде всего, бюджетные ассигнования следует направить на профессиональную подготовку и переподготовку безработных лиц, находящихся под риском увольнения, а так же на поддержку граждан, которые хотят и готовы начать собственное дело, задействовав при этом механизмы самофинансирования региональных программ содействия занятости населения.

Эти действия необходимо скоординировать с мерами, направленными на поддержку малого и среднего предпринимательства. Граждане, имеющие возможность работать, должны быть сориентированы на экономически активную позицию, а не только *гарантированное* государством получения пособия по безработице.

*Финансовое обеспечение модернизации армии и формирования ее качественно нового облика.*

Необходимо комплексное финансирование мероприятий по переходу к формированию

нового облика Вооружённых сил, отвечающего характеру современных угроз и соответствующего положениям Стратегии национальной безопасности Республики до 2025 года.

При этом требуется строгое соблюдение законодательства в части обеспечения прав и гарантий военнослужащих-как подлежащих увольнению из рядов Вооружённых сил (обеспечение их постоянным жильем), так и тех, кто продолжает выполнять воинский долг (прежде всего обеспечение их достойным служебным жильем).

Комплекс мероприятий по формированию нового облика армии предполагает ее оснащение современными видами вооружений и военной техники, что должно быть финансово подкреплено как в рамках действующей Государственной программы вооружения, так и при ее последующем уточнении.

Параметры увеличения денежного довольствия военнослужащих и пенсий военных пенсионеров целесообразно определить по итогам исполнения бюджета за шесть месяцев текущего года.

*Финансовое обеспечение выполнения принятых международных обязательств.*

Необходимо предусмотреть финансовое обеспечение выполнения принятой Республикой и международных обязательств, в том числе в части содействия развитию беднейших стран.

## **БЮДЖЕТНОЕ ПЛАНИРОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ СОХРАНЕНИЯ ВЫСОКОГО РИСКА ВЫЗВАННОЙ ПАНДЕМИЕЙ КОРОНОВИРУСА**

*Шомахмудов Ш.С., студент магистратуры,  
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

*Аннотация.* В статье рассмотрено бюджетное планирование, которое является для государства предметом активного проведения социальной политики, предоставляя отдельным региональным исполнительным органам власти, возможность для финансирования государственных доходов в условиях мирового финансового кризиса, который заставил городской финансовый отдел скорректировать бюджет государства.

*Ключевые слова:* бюджетное планирование, местный бюджет, региональный бюджет, потенциал, проект, санкции.

*Abstract.* The article examines budget planning, which is the subject of active social policy for the state, providing individual regional executive authorities with the opportunity to finance state revenues in the context of the global financial crisis, which forced the city finance department to adjust the state budget.

*Keywords.* budget planning, local budget, regional budget, potential, project, sanctions.

*Аннотация.* Мақоллада davlat uchun faol ijtimoiy siyosatning predmeti bo'lgan, alohida mintaqaviy ijro etuvchi hokimiyat organlariga jahon moliyaviy inqirozi sharoitida davlat daromadlarini moliyalashtirish imkoniyatini beradigan byudjetni rejalashtirish ko'rib chiqiladi, bu esa shahar moliya bo'limini davlat byudjetini tartibga solishga majbur qildi

*Kalit so'zlar.* byudjetni rejalashtirish, mahalliy byudjet, mintaqaviy byudjet, potentsial, loyiha, sanksiyalar.

В период прохождения практики мною была изучена бюджетная политика городского финансового отдела. При этом следует отметить, что задачи, поставленные в предыдущем бюджете в целом последовательно, реализовываются.

Политика предшествующих лет позволила заблаговременно создать ряд инструментов и резервов, необходимых для того, чтобы, существенно смягчить воздействие на экономику мирового финансового кризиса. Была заложена хорошая основа для позитивных структурных изменений в экономической и социальной сфере.

Но бюджетное планирование на среднесрочную перспективу осуществляется в ситуации, при которой сохраняются высокие риски продолжения глобального экономического кризиса.

В 2021 году ожидается рост ВВП по сравнению с первоначальными прогнозами. Перспективы восстановления положительного роста ВВП в 2020 году остался не определенным. Высок уровень числа безработных, медленно снижается инфляция, впервые за десятилетия прогнозируется снижение реального уровня доходов граждан.

Резкое падение государственных доходов в условиях мирового финансового кризиса заставило городской финансовый отдел скорректировать бюджет на текущий год. Впервые за последние пять лет расходы бюджета будут ниже доходов. Профицит бюджета составить не менее 0,3 процентов ВВП. Накопленные резервы позволит продолжить устойчивое выполнение

социальных обязательств минимизировать сокращение государственного спроса по ряду направлений и заложить возможность осуществления расходов на реализацию антикризисной программы. Общие расходы бюджета превысят ранее запланированный уровень. COVID - 19 заставляет извлечь уроки, чтобы предотвратить в будущем шоки для экономики города Самарканда.

Во-первых, бюджетное планирование должно базироваться на консервативных прогнозах цен на сырье. При этом необходимо продолжить сбережения части доходов в условиях конъюнктуры, но высоких цен на сырье показал, что пандемия коронавируса в структуре отечественной экономики высокою зависимость внешнеэкономической конъюнктуры.

Во-вторых, нужна разумная политика сдерживания роста государственных расходов. В нынешних условиях раздутые расходы становятся неподъемными для государства и могут стать дополнительным источником финансовой нестабильности.

В-третьих, при реализации анти пандемических мер нельзя решать сиюминутные проблемы в ущерб долговременным приоритетам, принимать решения, влекущие за собой рост неэффективных расходов, иждивенчество, консервацию сложившихся перекосов и дисбалансов, нарушать базовые принципы и процедуры, размывая финансовую, а значит и правовую ответственность государства.

В четвертых, поддержание макроэкономической стабильности является фундаментальным условием устойчивого развития экономики. Ее нарушение в конечном счете ведет к замедлению экономического роста из-за удорожания кредитных ресурсов для частного сектора, уменьшения частных инвестиций, роста инфляции и возрастания рисков для предпринимательской деятельности.

Нарушение макроэкономической стабильности чревато неисполнением государством принятых обязательств, необходимостью повышения налоговой нагрузки либо масштабным увеличением заимствований.

Учет выше указанного позволит сформировать и реализовать ответственную бюджетную политику, которая будет служить одним из ключевых инструментов достижения долгосрочных целей города Самарканда.

## ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

*Жоңузиков М. К., студент магистратуры,  
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

**Аннотация:** В настоящее время проблема повышения эффективности сферы услуг является одной из центральных в цифровой экономике. Степень развития которой остается трудно определяемым даже для развитых стран. В статье попробуем дать развернутый ответ на основные понятия и пути повышения сферы услуг в наших реалиях.

**Ключевые слова:** сфера услуг, цифровая экономика, блокчейн, кластер, искусственный интеллект, проекты.

**Аннотация:** Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш муаммоси рақамли иқтисодиётнинг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ривожланиш даражасини ҳатто ривожланган мамлакатлар учун ҳам аниқлаш қийин бўлиб қолмоқда. Мақолада муаллиф хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришнинг асосий тушунчалари ва усулларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қилган.

**Калим сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, рақамли иқтисодиёт, блокчейн, кластер, сунъий интеллект, лойиҳалар.

**Abstract:** Currently, the problem of improving the efficiency of the service sector is one of the central problems in the digital economy. The degree of development of which remains difficult to determine even for developed countries, in the article we will try to give a detailed answer to the basic concepts and ways of improving the service sector in our realities.

**Key words:** service industry, digital economy, blockchain, cluster, artificial intelligence, projects.

В современной мире, все больше важности приобретает информационные технологии которые меняют нашу жизнь буквально за секунды. Внедрение информационных технологий происходит во все сферы услуг экономики, оказывая при этом значительное изменение не только

на внешнюю составляющую, но и на внутреннюю характеристику услуги. Нередко, слияние информационных технологий приводит к появлению новых направлений в науке, цифровая экономика является таковой. Функционирование цифровой экономики сильно зависит от развитости информационной сферы, насколько серверы в состоянии поддерживать нагрузку и насколько оснащены государственные аппаратными средствами для бесперебойного обмена данными. Еще одним важным условием влияния цифровой экономики в сферу услуг является кадровая составляющая, что дает большие надежды на дальнейшее развитие данного сегмента экономики. Цифровая экономика в целом и целом, нуждается в развитой технологической инфраструктуре и высококвалифицированных кадрах которые довольно быстро могут приспосабливаться по нужды рынка.

Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёев в своем послании Олий Мажлису вполне достоверно подчеркнул важность скорых действий в 25 января 2020 года “Формирование цифровой экономики потребует огромных ресурсов и средств. Но мы должны уже сегодня начать приступать к этому, потому что завтра будет поздно”. [1]

В социальной и частной сфере большими темпами переходят на внедрение всех доступных условий цифровизации во всех сферах отраслей экономики республики, в частности, в сфере услуг. Это связано с такими высокотехнологическими областями и сферами как робототехника, искусственный интеллект, интернета вещей и технологий беспроводной связи, обеспечением государственных услуг. По данным всемирного экономического форума 2018 года внедрение всех современных методов цифровизации сумеет увеличить производительность труда на 40% в компаниях. Также все эти новшества потребуют от людей навыков и компетенций и готовности использовать данные технологии в повседневной жизни. Во многом, вся цифровизация потребует от общества цифровой грамотности и готовности к изменениям, решения проблем сохранности данных.

Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев в указе по развитию цифровизации Узбекистана отметил, что “В республике реализуются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, а также широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы, прежде всего, в государственное управление, образование, здравоохранение и сельское хозяйство.

В частности, начата реализация свыше 220 приоритетных проектов, предусматривающих совершенствование системы электронного правительства, дальнейшее развитие отечественного рынка программных продуктов и информационных технологий, организацию во всех регионах республики IT-парков, обеспечение данной сферы квалифицированными кадрами.

Кроме того, реализуется комплексная программа «Цифровой Ташкент», предусматривающая запуск геопортала, интегрированного с более 40 информационными системами, создание информационной системы управления общественным транспортом и коммунальной инфраструктурой, цифровизацию социальной сферы с последующим распространением данного опыта на другие регионы.” [2] Такая трансформация очень выгодна для предприятий сферы услуг, позволяет юридическим лицам воспользоваться субсидиями на сферы информационных технологий; доставка еды, электронная коммерция образовательных услуг и продуктов ежедневного пользования получают все больше возможностей для стабильного роста на рынке. А также, такое внимание со стороны государства означает лишь то, что в дальнейшем интерес к цифровой экономике не угаснет, а только будет расти. Что по сути выгодно для многих других субъектов рынка, которые промышляют о выходе на интернет своих продуктов и услуг.

В настоящее время в мировой экономике сфера услуг является одним из наиболее перспективных и быстрорастущих секторов экономики.

Не так давно интерактивные услуги, например, такие как электронные банковские операции и интернет магазины были малоизвестны для потребителей. На сегодняшний момент все это составляет неотъемлемую часть нашей жизни. Согласно данным Всемирного Банка, услуги составляют 75% от ВВП и трудоустройства в большинстве развитых стран. Но даже в небольших развивающихся странах сектор услуг составляет 50%. Торговля услугами постепенно набирает обороты. Примерно две трети рынка прямых иностранных инвестиций приходится на сектор услуг. [3]

Развитие сферы услуг несет значительный вклад в общий рост экономики. Потому что этот сектор является одним из основных источников создания новой добавленной стоимости, организации производственного процесса, удовлетворения повседневных потребностей населения, в целом, формирования и увеличения объема валового внутреннего продукта. В настоящее время сфера услуг и цифровая экономика стали основными терминами, которые экономисты всего мира уделяют особое внимание. Все это связано с тем что данные сферы в совокупности обеспечивают значительную долю ВВП всего мира.

Согласно данным китайской компании Huawei, в 2016 г. цифровая экономика во всем мире оценивалась в сумму 11,5 трлн долл. США, или 15,5% мирового ВВП. Ожидается, что она будет расти в два раза быстрее, чем «аналоговая» экономика, и к 2025 г. ее вклад в мировой ВВП может достигнуть более 24%. Во многом такие ускоренные темпы развития обусловлены инвестиционной привлекательностью цифровых проектов, показатель доходности инвестиций которых превышает прибыльность нецифровых проектов в шесть раз. [4]

Цифровизация любой экономики зависит от реализации проектов по улучшению сетей ИКТ и предоставляемыми услугами для потребителей этих регионов в частности предприятиям, которые занимаются предоставлением различных консалтинговых, учебных и оздоровительных услуг через сети Интернет. Что поднимает жизнеутверждающую истину для модернизации коммуникационных инфраструктур для обеспечения быстро растущего спроса на эти услуги.

По мнению профессора В. И. Абдукаримова [5] проблемами и путями внедрения и развития цифровой экономики являются:

1. Недостаток финансовых средств у организаций по внедрению цифровых технологий.

Необходимо расширить влияние госорганов по стимулированию предприятий к внедрению цифровых технологий, например, расширение налоговых льгот, создание фондов по финансированию обучения, переподготовки специалистов.

2. Несоответствие компьютерной грамотности требованиям цифровой экономики.

Компьютерная грамотность имеет несколько уровней, в зависимости от уровня решаемых задач.

В связи с этим необходима организация соответствующего образовательного процесса, который на себя должны взять университеты.

3. Психологический барьер по внедрению и использованию информационных технологий.

Необходима организация тренингов и семинаров с пользователями цифровых технологий. Причем содержание данных образовательных курсов должно соответствовать уровню решаемых задач.

4. Несоответствие содержания учебных планов вузов требованиям цифровой экономики.

Исходя из данных можно сделать соответствующие выводы по актуальным проблемам внедрения цифровых услуг в массы во всех развивающихся странах. Нехватка квалифицированных кадров в сфере услуг усугубляется нехваткой специалистов в ИКТ. Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёев своим указом о запустил проект «Один миллион узбекских программистов», что в дальнейшем позволит достигнуть обоюдных целей по развитию ИКТ в стране и подготовке достаточного количества ИКТ специалистов для нужд растущей цифровой экономики.

Исходя из вышесказанного в нашей республике основными направлениями развития сферы услуг в условиях цифровизации являются следующие:

Во-первых, создание единых электронных базы данных во всех сферах экономики Республики Узбекистан, в частности в сфере услуг;

Во-вторых, формировать современные материальные базы для внедрения цифровой технологии;

В-третьих, улучшить систему подготовки кадров в сфере ИКТ для нужд цифровизации процессов в сфере услуг

В-четвертых, выработать стандарты для улучшения качества оказываемых услуг в ИКТ

Во-пятых, в целях предотвращения «утечки мозгов» среди новых высококвалифицированных специалистов, работающих в отраслях цифровизации услуг, выработать стимулирующий пакет условий и удобств.

### **Список литературы:**

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, Национальное информационное агенство Узбекистана URL: <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020> (Дата обращения: 29.01.2020).
2. Указ Президента Республики Узбекистан об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан» и мерах ее эффективной реализации, от 5 октября 2020 г., № УП-6079
3. ISO focus May-June 2016, the magazine of the International Organization for Standardization, P.24. <https://www.iso.org/isofocus116.html>
4. Digital Spillover. Measuring the true impact of the digital economy. (2017) Huawei Technologies Co., Oxford Economics Ltd.
5. Абдукаримов В.И., Трансформация системы менеджмента в рамках развития цифровой экономики, «Проблемы развития сферы услуг в условиях инновационной и цифровой экономики» сборник материалов международной научно-практической конференции, (часть 1), 2020, 151- 161 с.

## **ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

*Шаптаков Ж.У., магистратура талабаси*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Набиев Ш., ассистент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада мамлакат иқтисодиёти ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва уларнинг ижобий таъсири кўрсатиб берилган. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, хорижий инвестиция, модернизация, ишлаб чиқариш.

**Аннотация.** В статье подчеркивается важность иностранных инвестиций для развития экономики страны и благосостояния населения и их положительное влияние. Сформулированы предложения и рекомендации по привлечению иностранных инвестиций.

**Ключевые слова:** инвестиции, иностранные инвестиции, модернизация, производство.

**Abstract.** The article emphasizes the importance of foreign investments for the development of the country's economy and the welfare of the population and their positive impact. Suggestions and recommendations for attracting foreign investment have been formulated.

**Key words:** investments, foreign investments, modernization, production.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари жорий этиш, фан-техника ютуқларини ҳамда инсон капитали имкониятларини тиклашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Инвестиция жалб этиш натижасида янги корхоналар бунёд этилади, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуради, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаради, бу ўз навбатида янги иш ўринларини вужудга келишини таъминлайди.

Юртбошимиз инвестицияларнинг мамлакат фаровонлигида тутган ўрни, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, рақобатдош товарлар ишлаб чиқаришдаги ролини бир маротаба эътироф этиб, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади деб таъкидлаган эдилар [1].

Ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни интенсив ривожлантириш кўп жиҳатдан инвестицияларга яъни сармояларга бориб тақалади. Ҳаттоки миллий иқтисодиётни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни сармояларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Умуман айтганда, ислохотларни самарали амалга ошириш, иқтисодий тараққиёт асоси, мамлакатнинг халқаро интеграцияси ва жаҳон ҳўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлаш омили ҳамда унга эришишга хизмат қилувчи ва иқтисодиётни модернизация қилишнинг бош мезони ҳисобланади.



Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни, айниқса, чет эл сармояларини узлуксиз жалб қилишни, бунинг учун керакли ҳуқуқий шарт-шароитларни талаб қилади. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб республикамизда хорижий инвестицияларни устувор лойиҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Миллий қонунчиликда чет эл инвестициялари — чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар деб эътироф этилади [2].

Миллий иқтисодиётда хорижий инвестициялар оқими қуйидаги объектив ўзгаришларга олиб келади:

- халқаро меҳнат, капитал, тажриба, технология, моддий ресурслар таъминоти ва тақсимотини вужудга келтиради;

- молия операцияларининг эркинлашувини ва халқаро капитал кўчиш оқимини тезлаштиришни таъминлайди;

- миллатлараро корпорацияларнинг пайдо бўлиши асосида халқаро рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёزلарни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юритиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва заҳираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим рол уйнайди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта курулантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари жорий этилиши билан уларни молиялаштириш манбалари ҳажми йилдан-йилга ўзгармоқда. Сўнгги олти йилда инвестицияларни молиялаштириш манбаларида давлат бюджетининг салмоғи бошқа бозор иқтисодиётига хос бўлган молиялаштириш манбаларини ошиши эвазига камайиб борган.

Ривожланган давлатларда инвестицияларни молиялаштиришда аҳоли қўйилмаларининг салмоғи анча юқори. Масалан, Японияда аҳоли қўйилмалари банк тизимининг умумий ресурсларида 70 фоизни ташкил этади. Аҳоли учун жамғармаларни юқори ликвидлиги, ишончлилиги таъминланади [3].

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50%га яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда ички имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича амалга оширилаётган йирик ва стратегик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджетининг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда.

Ўзбекистон иқтисодийни ривожлантиришда хорижий инвестициялар қўламини кенгайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Жумладан:

1. Инвестицияларни жалб этиш ва инвесторларга бериладиган кафолатларни кафолатлаш мақсадида қонунчиликни соддалаштириш ва барқарорлаштириш томон такомиллаштириш, мамлакатга янги лойиҳалар ва қўшма корхоналар ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари келишини рағбатлантиришни таъминлаш зарур.

2. Инвестиция жараёнларини рақамлаштириш ва давлат хизматларини масофавий тақдим этиш орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюрократик тўсиқлар ва чекловларни тўлиқ бартараф этиш учун инвесторлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар оптималлаштириш. Шаффоликни максимал даражада таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш учун хорижий инвесторларнинг мурожаатлари ва сўровлари билан ишлашни ташкил этиш сифати яхшиланишига эришилади.

3. Инвестиция фаолиятини тартибга солишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларидан самарали фойдаланишини инобатга олган ҳолда инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришгине таъкидлаш лозим.

#### *Адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. Мурожаат санаси: 05.05.2021 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/4664142>. Мурожаат санаси: 05.05.2021 йил

3. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011. 63-б.

## **HUDUDLARNI KOMPLEKS IJTIMOY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI HAMDA BOSHQARUVDA KPI TIZIMIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI**

*Pardayev Jaxongir, talaba,  
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, O'zbekiston*

**Аннотация.** *Mazkur maqolada hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning dolzarbligi, ahamiyati, xorij tajribasining muhim jihatlari haqida so'z yuritilgan. Xorij mamlakatlari va nufuzli tashkilotlarining hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish holatini tavsiflovchi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlarga to'xtalib o'tilgan.*

**Калит со'злар:** *KPI, HDI, YAIM, xalqaro valyuta fondi, ijtimoiy ko'rsatkichlar, iqtisodiy ko'rsatkichlar.*

**Аннотация.** *В статье рассматриваются актуальность и важность социально-экономического развития регионов, а также важные аспекты зарубежного опыта. Рассматриваются основные макроэкономические показатели, характеризующие состояние социально-экономического развития регионов, рекомендованных зарубежными странами и влиятельными организациями.*

**Ключевые слова:** *KPI, ИЧР, ВВП, Международный валютный фонд, социальные индикаторы, экономические индикаторы.*

**Abstract.** *This article discusses the relevance and importance of socio-economic development of the regions, as well as important aspects of foreign experience. The main macroeconomic indicators characterizing the state of socio-economic development of regions recommended by foreign countries and influential organizations are considered.*

**Keywords:** *KPI, HDI, GDP, International Monetary Fund, social indicators, economic indicators.*

Mamlakatlarning rivojlanishida ma'lum hudud va regionlarni o'z xususiyatlari va imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi hamda samaradorligi yuqori bo'ladi. Ma'lum bir hududni rivojlantirish ijtimoiy-iqtisodiy kompleks tarzda olib borilishi hududlarni rivojlantirish samaradorligini oshiradi.

Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish mamlakat iqtisodiy qudratining ko'rsatkichi sifatida iqtisodiyotni rivojlantirishda katta ahamiyatga ega. Mintaqaviy rivojlanish mexanizmlarini takomillashtirish milliy iqtisodiyotni boshqarish sifatini oshirish sohasidagi eng dolzarb masalalardan biridir.

Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi bu yalpi hududiy mahsulotning jon boshiga to'g'ri keladigan qiymatlari o'zgarishi bilan tavsiflangan mintaqa tarkibidagi progressiv o'zgarishdir. Mintaqalarni rivojlantirish orqali mamlakat, iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirishni ta'minlaydigan davlatning muhim yo'nalishlaridan biri sifatida qaraladi. Bunda har bir hududning rivojlanish strategiyasi va konsepsiyasini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mintaqa - bu boshqa hududlardan bir qator xususiyatlari bilan ajralib turadigan va ba'zi bir yaxlitlikka ega bo'lgan ma'lum bir hudud.

Mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy kompleks - bu respublika ichidagi hududlarni shakllantirish uchun ob'ektiv asos yaratib, ular orasidagi bog'lanishlar majmuasi bo'lgan ko'plab ob'ektlarning yig'indisi bo'lgan kompleks dinamik rivojlanayotgan tizim. Mintaqaning kompleks rivojlanishi eng oqilona tarmoq va hududiy mutanosiblikni ta'minlashni, quyidagilar o'rtasida maqbul nisbatni o'rnatishni va saqlashni nazarda tutadi: ixtisoslashuv tarmoqlari va yordamchi hamda xizmat ko'rsatish tarmoqlari; qazib olish va ishlab chiqarish sohalari; engil va og'ir sanoat; sanoat va qishloq xo'jaligi; ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma; ishlab chiqarish sohasi va xizmat ko'rsatish sohasi. Mintaqaviy iqtisodiyotning har tomonlama rivojlanishi unda mavjud bo'lgan ixtisoslashuvga ega bo'lgan sohalarga bog'liq hisoblanadi.

Hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi barcha ijtimoiy munosabatlarning sifat jihatidan yangi holatga o'tishini belgilaydigan, kengaytirilgan takror ishlab chiqarishni, iqtisodiyotdagi bosqichma-bosqich sifatli va tarkibiy ijobiy o'zgarishlarni, ishlab chiqarish kuchlarini, o'sish omillarini va rivojlanishini, ta'lim, fan, madaniyat, aholining hayot darajasini, inson kapitalini mintaqalarda samarali ishlashini ta'minlashni nazarda tutadi.

Yevropa Ittifoqining bir qator mamlakatlarida amalga oshirilgan mintaqaviy iqtisodiy siyosatning maqsadlari. Yevropa mintaqaviy siyosati doirasida markaziy organlar asosan muvofiqlashtirish va tashqi vakillik funksiyalarini amalga oshiradilar, birinchi navbatda mintaqa darajasida mamlakat yaxlitligi va o'zini o'zi ta'minlash maqsadiga asoslanadi.

Mintaqaning ichki muhitdagi o'zgarishlar dinamikasini sifatli tavsiflash va baholash uchun xarakterlovchi quyidagi omil guruhlarini tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

- mintaqaning ishlab chiqarish va resurs salohiyati;
- mintaqaviy bozorning tuzilishi;
- mintaqaning kadrlar salohiyati;
- viloyat byudjeti;
- mintaqani rivojlantirish strategiyasi.

To'g'ridan-to'g'ri ta'sir mintaqasining tashqi muhiti sheriklar bilan munosabatlarni o'z ichiga oladi:

- tovar va xizmatlarning tashqi etkazib beruvchilari;
- tashqi iste'molchilar;
- raqobatlashadigan mintaqalar;
- moliyaviy tashkilotlar;
- transport korxonalari.

Mintaqaga bilvosita ta'sir ko'rsatadigan muhit quyidagi ta'sir etuvchi omillarning guruhlarini o'z ichiga olishi mumkin:

- umumiy iqtisodiy;
- umumiy siyosiy;
- ilmiy va texnik;
- tabiiy va ekologik;
- demografik.

Shuningdek, mintaqalarni rivojlantirishning boshqa makroiqtisodiy ko'rsatkichlari guruhlar mavjud. Xususan, Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki mamlakat (mintaqa) makroiqtisodiy holatini tavsiflovchi 26 ko'rsatkichni taklif etadi. Xalqaro valyuta fondi ushbu maqsadlar uchun 10 ta asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlardan foydalanadi

Xalqaro tiklanish va taraqqiyot bankining metodologiyasiga binoan mintaqaviy rivojlanish ko'rsatkichlarining barcha to'plamini quyidagi guruhlar ifodalashi mumkin:

**1. Iqtisodiy ko'rsatkichlar**, ular quyidagilarni o'z ichiga oladi: mintaqaning iqtisodiy salohiyati va undan foydalanish; ishlab chiqarish hajmi va samaradorligi; mintaqaviy bozorlarning holati; investitsiya faoliyati; energiya va oziq-ovqat xavfsizligi; mintaqaning moliyaviy o'zini o'zi ta'minlashi; soliq yuki va mahalliy byudjetlarni shakllantirish uchun mustaqil soliq bazasining mavjudligi; hududiy tuzilish ko'rsatkichlari, iqtisodiy faoliyatning kontsentratsiyasi, diversifikatsiya darajasi; mintaqadagi mulkchilik tarkibi.

**2. Ijtimoiy ko'rsatkichlar**, shu jumladan: mintaqadagi ishsizlik va bandlik darajasi; nominal va real daromadlar dinamikasi; daromadlar va xarajatlar tarkibi; o'rtacha oylik daromad va yashash darajasining nisbati; moddiy ne'matlar va xizmatlarni iste'mol qilish; infratuzilmani rivojlantirish darajasi va boshqalar.

Insonlarning rivojlanish darajasi va hayotining sifatini (mintaqaning ijtimoiy rivojlanishi) umumlashtirilgan baholash uchun BMTning Taraqqiyot dasturi "Inson taraqqiyoti indeksi" (HDI) indikatorini tavsiya qiladi. Inson taraqqiyoti indeksi mamlakat va mintaqaning ijtimoiy rivojlanish darajasini eng umumiy integral baholaydi. Bunga quyidagilar kiradi:

- turli mintaqalarda har xil xarid qobiliyatini hisobga olgan holda, aholi jon boshiga YaIM (YaHM) bilan o'lchanadigan daromad;

- tug'ilish paytidagi umr ko'rish bilan o'lchanadigan umr ko'rish davomiyligi;

- savodli kishilar soni yoki maktabda o'qish muddati, oliy maxsus ma'lumotli shaxslar soni bilan o'lchanadigan bilim yoki ma'lumot darajasi.

**3. Ekologik ko'rsatkichlar**, ular quyidagilarni o'z ichiga oladi: hududga antropogen yuk; ifloslantiruvchi moddalarning atmosferaga chiqarilish darajasi; er usti suv havzalari va chiqindi suv zahiralarning holati va boshqalar.

**4. Demografik ko'rsatkichlar** Shahar va qishloq aholisi soni, uning yoshi va jinsi tarkibi, mehnatga layoqatli aholi, ta'lim darajasi, aholi zichligi, migratsiya muvozanati va boshqalar to'g'risidagi ma'lumotlarni tavsiflovchi ko'rsatkichlar.

Hozirgi vaqtda foydalanilayotgan makroiqtisodiy ko'rsatkichlar to'g'risidagi ma'lumotlarning tizimlashtirilishi ularni uchta asosiy guruhga birlashtirishga imkon berdi:

- ishlab chiqarish sohasidagi ko'rsatkichlar,

- moliyaviy sohadagi,

- ijtimoiy sohadagi ko'rsatkichlar.

Mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi hududiy hokimiyatning markaziy vazifasidir, u inqiroz va doimiy tarkibiy o'zgarishlarda ayniqsa dolzarb bo'lib qoladi.

Zamonaviy sharoitda mintaqalar darajasida boshqaruv tizimini shakllantirishga va hududlarni ijtimoiy-ekologik va iqtisodiy rivojlantirish jarayonlarini iqtisodiy tartibga solish usullarini ishlab chiqishga yangicha yondashishga ehtiyoj sezilmoqda. Bu jarayon esa islohotlarni tizimli davom ettirishni taqozo etadi. Amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar samarasini hududlar kesimida baholab borishni kun tartibiga qo'yadi. Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda boshqaruv tizimi va boshqaruv tizimining samaradorligini tahlil qilib boshqarib borish muhim ahamiyat kasb etadi. Boshqaruv tizimining samaradorligini tahlil qiluvchi ko'pgina usullar bor. Bunday tizimlardan biri KPI tizimi hisoblanadi. Bu tizimdan foydalangan holda hududlarni ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishda boshqaruv tizimi va boshqaruv tizimining samaradorligini tahlil qilib borish mumkin.

KPI tizimi - Samaradorlikning muhim ko'rsatkichi (Key Performance Indicators, KPI) — maqsadlarga erishishga yordam beruvchi ko'rsatkichlarni shakllantirishga qaratilgan tashkilotlarning baholash metodikasi. KPI dan foydalanish tashkilotga nafaqat bozordagi o'rnini baholash, balki faoliyatining ichki mexanizmlarini ham ko'rib chiqish imkonini beradi.

Samaradorlikning muhim ko'rsatkichi (KPI) ko'pincha maqsadlarni sifat va miqdoriy o'lchashga yordam beruvchi vositalar sifatida tushuniladi. Qabul qilingan ko'rsatkich qo'yilgan maqsadlarga javob bermasa, undan foydalanishga hojat qolmaydi. Bu KPI ni qo'llash uchun tushunishi kerak bo'lgan asosiy tamoyillardan biridir. Umuman, maqsad va vazifalarni belgilashning mohiyati, ularni qayta ko'rib chiqish va boshqarish zamonaviy boshqaruv texnikasining asosini tashkil etgan tushunchadir.

Prezidentimizning 2020 yil 1 maydagi "Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni reyting baholash tizimini joriy etish to'g'risida"gi qarori bu jabhadagi ishlarni yangi bosqichda rivojlantirish, mavjud muammolarni hal etish imkonini beradi.

Qarorda hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini reyting baholash tizimini joriy etish vazifasi belgilab berildi. Bu tizimni shakllantirishda statistik ko'rsatkichlarga va so'rovnomalarga asoslaniladi. Bunda 8 asosiy mezon alohida e'tibor berilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak hududlarni ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishda, ishlab chiqilgan strategiya va dasturlarning to'g'ri va samarali ishlashida kadrlarning o'rni beqiyos hisoblanadi. Bu esa kadrlar menejmentini, kadrlarni tanlash va boshqarish, ularning funksional vazifalarini to'g'ri baholash va tahlil qilishni taqazo etadi. Bunda hududlarni kompleks rivojlantirishda xorij tajribasini kengroq o'rganish va mamlakatimizda, ularning xususiyatidan kelib chiqqan holda qo'llash, o'zimizga mos va xos tajribani yaratishni taqazo etadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. <https://uza.uz/>

2. [https://studbooks.net/2020745/ekonomika/sotsio\\_ekologo\\_ekonomicheskoe\\_razvitie\\_regionov\\_evropeyskiy\\_opyt](https://studbooks.net/2020745/ekonomika/sotsio_ekologo_ekonomicheskoe_razvitie_regionov_evropeyskiy_opyt)

3. <https://old.davaktiv.uz/uz/yangiliklar/asset-news/5945-kpi-nima-bosh-a-tizimlardan-afzalligi-andaj>

4. <https://uz.unistica.com/kpi-bu-marketingda-nima-va-uni-qanday-hisoblash-mumkin/>

5. Ivanov I. D. Evropa regionov / I. D. Ivanov. — M., Mejdunarodnye otnosheniya, — 1998. -192 s.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Бобобеков Д.**

*Банк молия академияси тингловчиси, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади халқаро тажриба ва инновацион ҳояларга ҳамда назарий-методологик базага асосланиб, республиканинг чакана ҳисоб-китоб соҳасини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифларни тақдим этишидир. Шунингдек, инновацион технологиялар ёрдамида республика чакана тўлов тизими инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан таклиф ва илмий хулосалар ўрин олган.

**Калим сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, банк тизими, электрон пуллар, электрон пул муомаласи, тўлов тизимлари, чакана хизматлар, банк, миқоз, масофавий хизмат, инновация, назорат, меъёрий база, халқаро амалиёт.

**Аннотация:** Основная цель данной научной статьи - представить выводы и рекомендации по совершенствованию розничного сектора страны на основе международного опыта и инновационных идей, а также теоретической и методологической базы. Также с помощью инновационных технологий есть предложения и научные заключения по развитию инфраструктуры розничной платежной системы в стране.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, банковская система, электронные деньги, электронное денежное обращение, платежные системы, розничные услуги, банковское дело, клиент, дистанционное обслуживание, инновации, контроль, нормативная база, международные операции.

**Abstract:** The main goal of the study is to provide conclusions and suggestions for improving the country's retail sector, based on international experience and innovative ideas and a theoretical and methodological basis. This scientific article describes the theoretical and practical foundations of the use of innovative technologies in the retail payment system, the factors affecting it, and the practical steps taken by commercial banks in this area. There are also suggestions and scientific conclusions on the development of the infrastructure of the retail payment system of the republic using innovative technologies.

**Key words:** digital economy, banking system, electronic money, electronic money circulation, payment systems, retail services, banking, customer, remote service, innovation, control, regulatory framework, international transactions.

Бугунги кунла мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, унда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади. Банк бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари миқозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (артифисил интеллигенсе) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқдалар. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар чакана хизматлар бозорида ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш

чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида «2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили» деб эълон қилинганлиги, бу борада банк тизими олдиға қатор вазифаларни бажаришни келтириб чиқаради. Шу сабабли рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмун ва моҳиятини чуқур таҳлил этиш ва ёритиб бериш долзарб масалалардан биридир.

Дунёда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида, рақамли иқтисодиёт атамаси юзаға келди ва ушбу атама биринчи марта Канадалик олим Дон Тапскот томонидан “Электрон рақамли жамият: тармоқ асрининг афзалликлари ва камчиликлари» китобида 1995 йилда ишлатилган. Унинг фикрича, бозор субъектлари фаолиятини рақамли трансформациялашнинг асосий омили рақамли маъданиятни ривожлантириш ҳисобланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte «рақамли иқтисодиёт» терминини амалиётға киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди. “Рақамли иқтисодиёт” атамаси илмий амалиётға испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдди монографиясини чоп этган.

Унинг фикрича рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турдаги тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил аввалгина бошланган. Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёт” турли хил атамалар билан номланади. Масалан, “постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “ахборот ва алоқаға асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейц), “билимларға асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт). Бу ташқари замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу борада Бугун рақамли технологиялар иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига жадал кириб бормоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиши, турли тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва кучайиши, чакана тўловлар бўйича транзакцион харажатлар қисқартирилишини, шунингдек, тўловларни амалға оширишда молиявий институтларнинг воситачилигини талаб этмайдиган инновацион ва жозибадор тўлов воситаларининг жорий қилинишини тақозо этди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалға ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу қонун асосида **“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари”** ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида 2020 йил 29 апрелда 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур ҳужжат жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, электрон пуллар тизими фаолиятини ташкил этиш, электрон пуллар муомаласи, электрон пуллар тизимида рискларни бошқариш ҳамда тизимда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси норезиденти билан шартнома имзолаган эмитент томонидан мазкур норезидентнинг чет эл валютасида номиналлаштирилган электрон пулларини айирбошлаш операцияларининг амалға оширилиши натижасида маҳаллий электрон пул тизимларининг хорижий электрон пул тизимларига интеграция қилинишиға шарт-шароит яратилади. Бир сўз билан айтганда, электрон пуллар тизимининг яратилиши ва жорий этилиши инновацион тизимли жараён бўлиб, ҳисоб-китобларни амалға оширишда замонавий IT ва технологик ечимларға асосланган ҳолда тўловларни тезкор ва қулай усулда амалға ошириш имконини беради. Бунда айнан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари” ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари электрон пуллар тизимиға оид асосий тушунчалар, шу жумладан, “айирбошлаш

операцияси”, “бир ва кўп эмитентли электрон пуллар тизими”, “олдиндан тўланган карта”, “электрон пуллар тизимининг агенти”, “электрон ҳамён” ва соҳага оид бошқа терминларга батафсил тушунтиришлар берилган. Қоидага кўра, эмитент, оператор, электрон пуллар тизимининг агенти, электрон пуллар эгаси, шунингдек, эмитент билан шартнома тузган банклар, тўлов ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) юридик шахслар электрон пуллар тизимининг субъектлари ҳисобланади (1-расм). Бунда электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ва (ёки) тегишли лицензияга эга бўлган тўлов ташкилоти – электрон пуллар тизимининг операторидир. Эмитент ёки эмитент бўлмаган бошқа банк оператор билан тузилган шартнома асосида электрон пуллар тизимининг ҳисоб-китоб банки сифатида фаолият юритиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, эмитент ўз фаолиятини бошлаши учун, энг аввало, электрон пулларни чиқариш ва реализация қилиши тўғрисида Марказий банкка белгиланган шаклдаги хабарнома ва унга илова сифатида оператор билан тузилган шартнома ҳамда электрон пуллар тизими субъектлари билан тузиладиган шартномалар намуналарини юбориши зарур. Шу жihatдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 23 мартда қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида, мижозларга таклиф этилаётган хизматлар сифати ва кўламининг ортиши ҳамда тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти юксалаётгани натижасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг чакана ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатишда рақамли иқтисодиётдан фойдаланишнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

### Электрон пуллар тизимининг субъектлари



Эмитент ва электрон пуллар тизимининг агенти томонидан электрон пулларни чиқаришда унинг эгасига электрон пулларни реализация қилинганлиги ва электрон пулларнинг эгаси

электрон пулларни сотиб олганлигини тасдиқловчи квитанция ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжат қоғоз шаклда ёки электрон шаклда тақдим этилади. Мазкур квитанцияда кўрсатилиши мажбурий бўлган реквизитлар, хусусан,

- агент, эмитент ва операторнинг номи;
- операциянинг амалга оширилган санаси ҳамда вақти;
- амалга оширилган операциянинг тартиб рақами;
- реализация қилинган электрон пуллар суммаси;
- электрон пуллар эгасига тегишли электрон ҳамённинг идентификация коди;
- ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори кўрсатилиши шарт.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан чиқарилган чет эл валютасида номиналлаштирилган электрон пулларни айирбошлаш операциялари мазкур субъект билан шартномаси мавжуд бўлган тақдирда эмитент томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Электрон пуллар эгаси товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш учун якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга тўловни амалга ошириш мақсадида электрон пулдан фойдаланиши мумкин. Бунда эмитент ёки оператор томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга махсус электрон ҳамёнлар шакллантирилади. Ушбу электрон ҳамёнларга фақат реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун электрон пулларни, кейинчалик банк ҳисобварақларига уларнинг номинал қийматига тенг бўлган пул маблағлари суммасини ўтказиш мақсадида қабул қилинади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг махсус электрон ҳамёнларидаги электрон пуллар мазкур тизимда қайта реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

Хулоса ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда, банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборатлигини инобатга олиб, аҳолида банк тизимига нисбатан ишончни шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралаштишга чек қўйиш долзарб масала ҳисобланади. Шу мақсадда банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида хорижий мутахассислар билан биргаликда давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш жараёнларини изчил давом эттириш, ҳамда кредитлаш амалиётида “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарурияти ортган.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги № ЎРҚ-578 Қонуни. 01.11.2019 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 23 мартда қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620 Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ– 3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 24.10.2019 йилдаги ПҚ-4498-сон Қарори.



# СТРАТЕГИЯ РЕАЛИЗАЦИИ СЕЛЬХОЗПРОДУКЦИИ ФЕРМЕРСКИМИ ХОЗЯЙСТВАМИ КАК ОСНОВА ДОСТИЖЕНИЯ ИХ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ

**Жабборов Ш.А.**, д.в.н.,

Первый заместитель Председателя государственного комитета ветеринарии и развития животноводства, Узбекистан

**Аннотация.** Статья посвящена характеристике и анализу стратегии развития сельскохозяйственных предприятий в условиях пандемии коронавируса. Проанализировано состояние и развитие рынка сельскохозяйственной продукции.

**Ключевые слова:** фермерские хозяйства, сельскохозяйственная продукция, рынок сельхозпродуктов.

**Аннотация.** Мақола коронавирус пандемияси шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириши стратегиясини тавсифлаш ва таҳлил қилишга бағишланган. Қишлоқ хўжалиги бозорининг ҳолати ва ривожланиши таҳлил қилинади.

**Калим сўзлар:** фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги бозори.


**Abstract.** The article is devoted to the characteristics and analysis of the development strategy of agricultural enterprises in the context of the coronavirus pandemic. The state and development of the agricultural market is analyzed.

**Key words:** farms, agricultural products, agricultural market.

Изначально в сельском хозяйстве формирование стратегической цели направлено на два основных объекта – товар и рынок. Это значит – более пристально изучать то, что связано с этими феноменами, определить: с какими продуктами и на какие рынки надо выходить? Выход на те или иные рынки даст ли в результате эффективность в части реализации сельхозпродуктов?

Основным критерием успеха сельхозпредприятий на том или ином рынке должно стать то, что производимая продукция удовлетворяет разносторонние потребности клиентов – потребителей. Только при выполнении этого условия сельхозпредприятия обеспечат выполнение главной цели – получение прибыли и увеличение объема реализации.

Особенность рынка сельхозпродуктов такова, что в периоды экономического спада, в частности, вызванного пандемией коронавируса, и, соответственно, снижения покупательной способности населения потребление их увеличивается. Эту закономерность иллюстрирует рис. 1, на котором представлено потребление продтоваров на рынке Республики Узбекистан.



**Рис.1.** Доля трудовых доходов населения, направленных на приобретение сельхозпродукции в период пандемии коронавируса

Из рис.1 видно, что кризис, обусловленный пандемией коронавируса в 2020 г., привел к росту потребления продтоваров. Эту точку (2020 г.) можно с определенной условностью рассматривать как потенциал внутреннего рынка. Спрос, сложившийся за 2020 г. имел зависимость от экономической ситуации в стране, а тенденция его изменения в разрезе месяцев (2020 г.) показывает, что потребление продтоваров может далее иметь тенденцию к снижению. Это означает, что в условиях обостряющейся конкуренции фермерским хозяйствам, как производителям сельхозпродукции, будет все сложнее реализовывать свою продукцию. Фактически конкуренция идет сегодня в двух плоскостях: товарной и эмоциональной. В первой

фермерские хозяйства, как производители, улучшают качество своей продукции, изобретают различные системы доставки продукции потребителю, пытаются привлечь поставщиков к стратегическому партнерству, расширяет ассортимент и т.д. Во второй непосредственно идет борьба за потребителя, который должен выбрать из множества аналогичной сельхозпродукции определенный вид продукта. Это место в сознании (т.е. память потребителя) строго ограничено. Согласно исследованиям, средний человек может надолго запомнить не более четырех видов товарных марок, но только в одной товарной группе. К замещению одной товарной марки на другую может вести только весьма сильный аргумент.

Изучая отечественный рынок сельхозпродуктов, мы пришли к выводу, что в настоящее время фермерские хозяйства по отдельным видам продукции не обеспечивают потребности населения Узбекистана, как по объемам выпускаемой сельхозпродукции, так и по качеству и ассортименту. Важное значение в удовлетворении спроса населения на сельхозпродукцию имеют ассортимент и качество сельхозпродукции. Ассортимент, как нам представляется, характеризуется чрезвычайной стабильностью на протяжении длительного периода. Анализ ассортимента сельхозпродукции, выпускаемой за рубежом, свидетельствует о необходимости существенного его расширения в Узбекистане. Так, многие страны освоили выпуск нового ассортимента сельхозпродукции в большей степени готовности к употреблению (напр., бананы, хурма, киви и др., овощи и фрукты по виду схожие с отечественной сельхозпродукцией). На основе сельхозпродукции также можно создать новые виды продукции (товара), полученные из различных композиций с включением в них других сельхозпродуктов, которые нуждаются лишь в кратковременной тепловой обработке или не требуют ее вообще.

Напр., в период карантина выявилась потребность в крупах специального назначения, лечебных, диетических, туристических, для различных возрастных групп населения. Отечественные крупяные предприятия осуществляют, в основном, лишь первичную переработку зернового сырья, ее продукция, как правило, нуждается в длительной кулинарной обработке или используется в качестве сырья для других перерабатывающих отраслей, одновременно теряя значительную часть прибыли, что является экономически наименее выгодным. Поэтому в развитых зарубежных странах, практически, не существует поэтапной выработки полуфабрикатной продукции. Для населения используются комплексные производства по выработке различных видов продовольствия, готовых к употреблению. Это сокращает трудоемкость приготовления готовых продтоваров, приводит предприятия к необходимости повышать качество обработки сельхозпродукции и готовой продукции.

В настоящее время в мире резко возрастает потребление мучных товаров с включением в муку других пищевых продуктов. Спрос на продукцию такого рода существует и в Узбекистане, однако в республике количество выпускаемых мучных изделий пока что незначительно. В этой связи на внутреннем рынке доля подобных импортных товаров остается значительной.

Напр., как показали опросы, многие считают, что прекрасные вкусовые качества имеют мучные товары из России, считают, что продукты российского производства намного полезнее для здоровья.

По нашему мнению, основными причинами выработки неконкурентоспособных мучных изделий, являются:

- медленный рост объемов производства и технологических достоинств зерновых культур;
- экономическая невыгодность производства высококачественных мучных продуктов предприятиями;
- отсутствие оборудования, способного выпускать различные мучные изделия по размеру, цвету и другим параметрам.

Другими словами, сегодня потребитель стремится покупать высококачественные мучные изделия широкого ассортимента, различной весовой фасовки и упакованной в соответствии с его представлением. Тот, кто лучше сможет удовлетворить потребность в таких изделиях, выиграет конкуренцию за потребителя. Кроме того, результаты работы позволяют сделать выводы, относящиеся ко всему рынку, которые, по-видимому, могут быть распространены и на другие рынки мучных изделий:

- рынок плохо информирован, особенно при выведении новых продуктов (быстрого приготовления, для детского питания). Существующий потенциальный спрос на эти продукты не развивается и поэтому не может быть реализован при появлении товара на полке в магазине;

- ценовой фактор на сегодня еще является главным, и потребители в основном не ранжируют для себя производителей мучных изделий по цене;

- качество продукта большинство потребителей не связывает с конкурентным производителем, и это понятно, ведь продвижению своих марок лидеры рынка уделяют недостаточно внимания. Чаще всего рекламируется весь ассортимент без выделения конкретных марок, без четкого позиционирования своей продукции и создания законченного ряда торговых марок;

- рост доходов населения не повысит спрос на традиционную сельхозпродукцию, поэтому реализовать свой потенциал сможет тот, кто уже сегодня акцентирует внимание на качестве, инновациях, в том числе и маркетинговых исследованиях потребительских предпочтений рынка сельхозпродукции и умении конкурировать по-новому и продвигать свою продукцию.

Остается надеяться, что проведенный анализ еще раз показал жизненную необходимость проведения маркетинговых мероприятий, результаты которых позволят трансформировать ресурсный потенциал сельхозпредприятий в стратегические факторы успеха на рынке сельхозпродуктов, сохранить потенциальных потребителей и завоевать новые сегменты рынка сельхозпродукции.

### **III ШЎБА. КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯ-КРЕДИТ ТИЗИМИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **III СЕКЦИЯ. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВЗАИМОТНОШЕНИЙ ФИНАНСОВО- КРЕДИТНОЙ СИСТЕМЫ С СУБЪЕКТАМИ МАЛОГО БИЗНЕСА**

#### **III. IMPROVING THE RELATIONSHIP OF THE FINANCIAL AND CREDIT SYSTEM WITH SMALL BUSINESS SECTOR**

#### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ**

**Мусаев Х.Н.**, д.э.н., профессор,

Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы совершенствования, и инструменты налогового контроля, выявляются факторы, ослабляющие налоговый контроль, обращая внимание специалистов на оказание помощи налогоплательщикам в целях обеспечения роста налоговых поступлений в бюджет.

**Ключевые слова:** инструменты контроля, налоговые поступления, налоговая ставка, финансовые и кредитные ресурсы, качество работы.

**Abstract.** The article discusses the issues of improvement, and the tools of tax control, identifies factors that weaken tax control, drawing the attention of specialists to help taxpayers in order to ensure the growth of tax revenues to the budget.

**Keywords.** control instruments, tax revenues, tax rate, financial and credit resources, quality of work.

**Аннотация.** Мақоллада takomillashtirish masalalari muhokama qilingan va soliq nazorati vositalari soliq nazoratini susaytiradigan omillarni aniqlagan, byudjetga soliq tushumlarining o'sishini ta'minlash uchun mutaxassislarining e'tiborini soliq to'lovchilarga yordam berishga qaratgan.

**Kalit so'zlar.** nazorat vositalari, soliq tushumlari, soliq stavkasi, moliyaviy va kredit resurslari, ish sifati.

Налоговый контроль не может быть эффективным без применения современных методов и инструментов осуществления, как дистанционного контроля, так и проведения на местах. В свою очередь во многом зависит от того, насколько последовательны действия работников налоговой инспекции на местах, насколько они скоординированы друг с другом. Налоговый контроль может быть достаточно динамичным и результативным при умелом использовании диагностических инструментов.

Одним из таких инструментов, к сожалению часто применяемых на довольно формальном уровне, является анализ с одной стороны бизнес плана налогоплательщиков, то есть юридических лиц, а с другой их «дорожная карта» и влияние степени их согласованности.

«Бизнес план» или «Дорожная карта» это документ одинакова важный как для самой налоговой инспекции, так и для налогоплательщика. Тщательно работать с ним следует как собственникам – налогоплательщикам и их руководству, так и коммерческим банкам поддерживающих юридических лиц кредитными ресурсами применяемых для них по процентной ставке.

«Бизнес план» или «Дорожная карта» должна убедить как каждую инспекцию, так и предьявителя, который предьявляет в банк, о том, что налогоплательщик в состоянии обеспечить выполнения взятое на себя обязательства в широком смысле слов в пределах законодательно установленных норм.

В процессе работы с «бизнес планом» или «дорожной картой» налогоплательщики и контролирующие их органы могут оценивать способность предпринимателя, то есть руководитель предприятия должен продемонстрировать свою компетентность и способность, а так же ответственность за соблюдение налогового и бюджетного законодательства.

О многом может сказать и обслуживание этих вопросов в последующем п осуществлении дистанционно, налогового контроля на местах.

На местах осуществляется своевременный анализ эффективности управления деятельности налоговой инспекции, соблюдение его внутренних норм и нормативов, выполнение принятых на себя обязательств, планированного и динамичного развития деятельности

налогоплательщиков, можно получить достаточно полное представление об умении предпринимателя приспосабливаться к изменениям внутренних и внешних условий, разрабатывать и обеспечивать соблюдение внутренних правил, добиваться правильности будущего управления за деятельностью организации, бороться с корыстными действиями, и не допустить возможность не легального хозяйства.

Опыт показывает, что не до оценка этих факторов имело достаточно печальные последствия, поскольку качество выполнения обязательств перед государственным бюджетом, кредитными банками, это одно из необходимых условий для обеспечения стоимости в деятельности современного предпринимателя.

Поэтому формальное отношение к бизнес-плану или «дорожной карте», на наш взгляд, следует пересмотреть и придать этому документу, то значение, которое существует в мировой практике. Работа с этим инструментом потребует высокого профессионализма, так как от налоговой инспекции, от банков всех уровней, самого предприятия и руководителя хозяйственного субъекта зависит очень много.

**Abstract.** The article examines the role of small business and private entrepreneurship in the development of the regional and national economy of the country, trends in its development by industry. It also summarizes local experience in this area and develops proposals and recommendations for further development of the sector.

*Key words: small business and private entrepreneurship, small business support system, key indicators of small business development, forms of regulation of small business development.*

Кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра кўпроқ талаб этилмоқда. Чунки кичик бизнес янги иш ўринларини яратиш, иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим бўлмоқда. Кичик бизнесни солиқ ва кредит имтиёзлари короновирус пандемияси шароитида таъсирини сақланиб қолиниши билан бир каторда, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб этади. Янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёев короновирус пандимеяси шароитида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналарни бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, унда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айланиб бориши давр талаби эканлигини доимо эслатиб келиши ҳам бежиз эмас албатта.

Ушбу тоифадаги субъектларга берилган имтиёзларнинг ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг муддатлари узайтирилмоқда. Жорий йилдан бошлаб саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси қўлланила бошланди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар оладиган дивидендларининг инвестицияларга ҳамда аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми ҳам беш йил муддатга солиқлардан озод этилиши мумкин бўлмоқда.

Мазкур мақолада мамлакатимизда кичик бизнесни ривожланишини қиёсий таҳлилини амалга оширган ҳолда соҳани ривожланиши ҳамда уни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Кейинги йилларда ривожланган бозор иқтисодиётида янги фирмаларни ташкил этиш жараёни кескин ўсиб бормоқда. Жумладан, 1970 йилда АҚШда 264 мингта янги корхона ташкил топган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йилда – 532 минг, 1990 йилда – 700 мингта етган. Бугунги кунда АҚШ бизнесининг 99.9 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланиб, 2018 йилда уларнинг умумий сони 30.2 миллион тани ташкил қилди [5].

Ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган, Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли қарори асосий ҳужжатлардан бири саналади. Кичик тадбиркорлик субъектларини республика даражасида қўллаб – қувватлашнинг молиявий сиёсатини бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар, кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш лойиҳалари ва давлат мижозлари ҳисобига

кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш амалга оширилади. Минтақавий ва ҳудудий

даражада ушбу функцияни ўзларининг минтақавий ва шаҳар дастурларига асосланган кичик бизнесни қўллаб – қувватлайдиган минтақавий ва шаҳар фондлари амалга оширадилар.

Давлатнинг кичик бизнесга нисбатан молиявий сиёсатининг асосий мақсади кредит бозорида салбий ҳолатларни йўқотиш, унинг молиявий барқарорлигидаги камчиликларни молиялаштириш, шунингдек, кичик корхоналарнинг ички салоҳиятини ривожлантиришга имкон берадиган ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган сифатли дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Агарда давлат томонидан кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб – қувватлашга қаратилган аниқ сиёсат амалга оширилмаса бундай масъулиятли вазифани ҳеч бир жамғарма амалга ошира олмайди [1].

Республикамиз аҳолисининг 50 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаганлиги сабабли мамлакатимизни келажакда гуллаб-яшниши, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан қишлоқларимиз тараққиётига ҳам боғлиқ.

Бозор механизмлари қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга катта таъсир кўрсатмоқда:

- биринчидан, қишлоқ хўжалигида кўплаб хўжалик юритиш корхоналари яратилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг янада чуқурлашуви, қишлоқда бандлик муаммоси ечимини ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда;

- иккинчидан, қишлоқда кичик бизнес ва хизмат соҳаларининг ривожланиши ноқишлоқ хўжалик тармоқларига таъсири ошиб кетмоқда;

- учинчидан, маҳаллий ва чет эл инвесторларининг қишлоққа кириб келишига йўл очиб бермоқда;

- тўртинчидан, фермерларда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланишига имкон яратмоқда;

- бешинчидан, давлат томонидан қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштирилиши кичик бизнесни ривожлантириш ва молиялаштиришга имконият яратмоқда.

- олтинчидан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни иш билан таъминлашга аҳолини камбағал қатламини юқорида қайд этилган дафтарлардан чиқаришга туртки бўлмоқда.

Аммо жойларда кичик саноат корхоналарини жойлаштириш бир қатор ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий ва иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Бундай мақсад қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан қулай шарт-шароит, тадбиркорлар учун қулай имкониятларни яратиш бўлиб ҳисобланади.

Баъзи бир ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичларини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

### Турли мамлакатларда кичик корхоналар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари [3]

Мамлакатлар	Кичик корхоналар сони (мингта)	1000 кишига тўғри келадиган кичик корхоналар сони	Умумий меҳнат билан бандлардаги улуши, %да	Мамлакат ЯИМда кичик корхоналар улуши, %да
<b>Буюк Британия</b>	2630	46,0	49,0	50-53
<b>Германия</b>	2290	37,0	46,0	50-54
<b>Италия</b>	3920	68,0	73,0	57-60
<b>Франция</b>	1980	35,0	54,0	55-62
<b>США</b>	19300	74,20	54,0	50-52
<b>Япония</b>	6450	49,60	78,0	52-55
<b>Россия</b>	836,2	5,65	9,6	10-11

Кичик корхоналарнинг аксарият қисми савдода, қурилиш ва саноатда яратилган. Масалан, Европада кичик корхоналарнинг тармоқлар бўйича таркибида савдода-21 фоиз, саноатда-18 %, қишлоқ хўжалигида – 11 фоиз, қурилишда – 13 %, транспорт ва алоқада-14%, аҳолига хизмат кўрсатиш-12 %, корхоналар учун хизмат кўрсатишда 11% фаолият юритишса, Осиё давлатларида эса саноатда-41%, қишлоқ хўжалигига 21%, қурилишда-10%, транспортда-12, савдода-16 %ни ташкил этмоқда [2]. Мамлакатимизда 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 53,9 фоизни ташкил этди [4].

Кичик тадбиркорлик субъектлари республикамиз экспортида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар томонидан 2020 йилда 3 миллиард 100,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) экспорти амалга оширилди ва 2017 йилга нисбатан 341,3 миллион долларга кўпайди.

Унинг таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори ўринларда озиқ-овқат маҳсулотлари 1 миллиард 264,4 миллион доллар ёки жами кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажмининг 40,8 фоизини, текстиль ва тўқимачилик маҳсулотлари 815,5 миллион АҚШ доллари ёки 26,3 фоизини, хизматлар экспорти 314,1 миллион доллар ёки 10,1 фоизини ҳамда бошқа маҳсулотлар экспорти 263,5 миллион долларни ёки 8,5 фоизини ташкил этган.

Республика доирасида кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан ёрдам беришнинг кенг қамровли тизими ишлаб чиқилишини кенгайтириш лозим. Шу билан бир қаторда аҳоли яшаб келаётган жойларда саноат корхоналарини ташкил қилиш маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олишга эътиборни қаратиш лозим. Бу борада вилоят ва туман ҳокимликлари, халқ Кенгашлари депутатларининг ўрни ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар катта аҳамиятга эгадир. Улар ташаббусни ўз қўлларига олган ҳолда қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратишга имконият яратиб бермоғи лозим. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмлари бўйича қуйидаги таклифларни амалга ошириш зарур. Вилоят ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан барча корхоналарни молиявий ҳолатига баҳо беришлари зарур. Бундан кўзланган мақсад бир, корхонанинг паспортини ишлаб чиқиш, улардаги мавжуд муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳим. Бу эса корхоналарни келажакда ривожланиши учун қулай имкониятларга эғалигидан далолат беради. Шунингдек, оқилона шакллантирилган паспорт маҳаллий аҳоли, авваламбор, ишсиз ёшларни саноат корхоналарида ишлашга бўлган эҳтиёжлари кичик бизнесни ривожлантиришнинг қўшимча омилларини аниқлаш имконияти бўлади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев А.Ж. Иқтисодиёт ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил.
2. Ерохин В.Я. Международное предпринимательство. – М.: Финансы статистика, 2008. – 390 с.
3. Сабликова М.С. Малый бизнес в России и зарубежом СПбНИУИТМО. СанктПетербург, Россия// [scienceforum.ru/2014/pdf/4664](http://scienceforum.ru/2014/pdf/4664)
4. <https://yuz.uz/news/iqtisodiy-taraqqiyot-mezoni>
5. [www.sba.gov](http://www.sba.gov), <https://sbecouncil.org>

## **ХУДУДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШ ҲАМДА БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

*Ниёзов З.Д., и.ф.н., кат. ўқитув.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Холиқулов Ў.А., магистратура талабаси,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Норқулов Х.И., магистратура талабаси,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимиз ҳудудларини иқтисодий ривожлантиришида банк соҳасининг аҳамияти, банк-молия соҳасини ривожлантиришидаги долзарб масалалар ўз аксини топган. Жомбой туманининг тараққий этишида банк тизимига янги банк маҳсулотларни жорий этиш ҳамда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича илмий таклифлар бериб ўтилган.

**Калим сўзлар:** банк, кредит портфели, нобанк кредит ташкилотлари, сейф-сизам хизматлари, воситачилик хизматлари, аутсорсинг хизмати.

**Аннотация.** В статье отражена роль банковского сектора в экономическом развитии регионов страны, актуальные вопросы развития банковско-финансового сектора. Предложены научные рекомендации по внедрению новых банковских продуктов в банковскую систему и усилению небанковских кредитных организаций с целью развития Джамбайского района.

**Ключевые слова:** банк, ссудный портфель, небанковские кредитные организации, услуги сейф-сизам, брокерские услуги, аутсорсинговые услуги.

**Abstract.** The article reflects the role of the banking sector in the economic development of regions of the country, topical issues of the development of the banking and financial sector. Scientific recommendations on the introduction of new banking products into the banking system and strengthening of non-bank credit institutions with the aim of developing the Dzhambay region are proposed.

**Key words:** bank, loan portfolio, non-bank credit organizations, safe-sizam services, brokerage services, outsourcing services.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қабул қилинган қарорига мувофиқ, худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш [1] мақсадида Самарқанд вилоят Жомбой туманининг фаолияти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган махсус гуруҳ томонидан ўрганилмоқда. Бу борада худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантиришдаги долзарб масалаларга эътибор қаратилиши жуда муҳим бўлиб ҳисобланади, чунки 2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620-сонли Қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

“Жумладан, банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш; банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш; филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш; транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш; қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, худудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш заруратини келтириб чиқаради” [2].

Жомбой туман ҳудудида 3 та тижорат банкларнинг туман филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу банклар атиги 3-4 та йирик маҳаллий мижозларга эга ҳолос. Аксарият банк операциялари жисмоний жаҳсларга чакана хизматлар кўрсатиш ва мақсадли кредитлар ажратиш ишларини амалга ошириб, банк филиаллари ўртасида рақобат мавжуд эмас, чунки АТ “Агробанк” туман филиали фермер хўжаликларига хизмат кўрсатса, ТИФ миллий банк туман филиали минтақадаги қисман Булунғур ва Оқдарё тумани, аҳолига ҳам истеъмол кредитлари беришда фаолият кўрсатмоқда, АТ “Халқбанк” туман филиали эса жисмоний шахсларнинг коммунал тўловлари, пенсия тўловлар ва мақсадли кредитлар ажратишда лидерлик қилмоқдалар. Масалан, ТИФ Миллий банк Жомбой филиали томонидан ажратилган кредитлар салмоғи 1-диаграммада акс эттирилган.

1-диаграмма

ТИФ Миллийбанк Жомбой филиали томонидан 2019-2020 йилларда ажратилган кредитлар [3]



ТИФ Миллийбанк Жомбой филиали томонидан ажратилган кредитлар портфелитахлили шуни кўрсатадики, 2019-2020 йилларда ажратилган кредитларнинг 42% Ипотека кредитларини, 28% аҳоли тадбиркорлигини, 25% маиший техника сотиб олиш учун ажратилган кредитларини, 4% автокредитларни ва 1% таълим кредитини ташкил этган.

Худди шундай, АТ «Агробанк» Жомбой филиали фаолиятини тахлили 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**АТ «Агробанк» Жомбой филиали томонидан 2019-2020 йиллар давомида ажратилган кредитлар[3]**

Кредитлаш соҳаси	2019 йилда				2020 йилнинг ўтган даврида				Жами		
	Жисмоний шахслар		Юридик шахслар		Жисмоний шахслар		Юридик шахслар		2019 йилда	2020 йилда	жами
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма			
Балиқчилик	4	115		472	18	513	2	350	587	863	1450
Нон ва нон махсулотлари	6	145	3	380	-	-	9	273	525	273	798
Паррандачилик	18	75	1	710	114	848	-	-	785	848	1633
Мебель, акфа ромлари, профиллар	-	-	5	1275	-	-	6	169	1275	169	1444
Тикувчилик	16	372	-	-	34	664	-	-	372	664	1036
Ун тегирмони модернизацияси	-	-	1	12200	-	-	-	-	12200	-	12200
Мини футбол ўйингоҳи	-	-	1	200	-	-	-	-	200	-	200
Болалар боғчаси	-	-	1	45	-	-	-	-	45	-	45
Тиббий хизматлар	-	-	3	1100	-	-	-	-	-	-	1100
Маиший ва транспорт хизмати	11	310	5	1705	8	187	5	2455	2015	2455	4470
Туризм хизмати	-	-	-	-	-	-	-	312	-	312	312
Ихчам иссиқхона	174	4341	-	-	248	6051	-	-	4341	6051	10392
Картошка уруғи	102	2032	-	-	114	2175	-	-	2032	2175	4207
Кўйчилик	18	148	-	-	13	364	-	-	148	364	512

АТ «Агробанк» Жомбой филиали томонидан 2019-2020 йиллар давомида ажратилган кредитлар тахлили шуни кўрсатадики, банк филиали томонидан йирик инвестицион фаолият учун маблағлар йўналтирилмаган.

Жомбой туман АТ «Халқ банки» туман филиали томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича 2019-2020 йилларда ажратилган жами кредитлар қуйилмаси 62080,0 млн. сўм бўлиб, шундан:

- Жисмоний шахслар учун 31,5 млн. сўм;
- Юридик шахслар учун 30,6 млн сўм.

Бунда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар:

1. Имтиёзли кредитлар (ПҚ-4231, ПҚ-4498) 7,5 млн сўм;
2. Ипотека кредитлари 12,5 млн сўм;
3. Истеъмол ва бошқа турдаги кредитлар 11,5 млн сўм.

Юридик шахсларга ажратилган кредитлар:


1. Айланма маблағни тўлдириш учун 4,5 млн. сўм;
2. Хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишига 2,5 млн. сўм;
3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 5,8 млн. сўм;
4. Қишлоқ хўжалиги йўналишига 12,7 млн. сўм;
5. Бошқа йўналишлар учун 5,1 млн. сўм.

Жомбой туман АТ «Халқ банки» туман филиалининг кредит портфелининг салмоғи қуйидаги 2-диаграммада акс этирилган[3].



## Кредит портфели

- Чакана кредитлар
- Юридик шахсларга берилган кредитлар



Жомбой туман АТ “Халқ банки” банк филиали томонидан ажратилган кредитлар салмоғ шуни кўрсатадики, жами ажратилган кредитларнинг 51% чакана кредитлар бўлиб, банк асосан жисмоний шахслар билан амалий ишлар олиб борилаётганлигидан далолат беради. Хусусан, Жомбой туман банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш (10 минг аҳолига 1 та банк тўғри келишини инобатга олганда, ўртача туманда қариб 15 га яқин банк бўлинмалари фаолият кўрсатиши мумкин); туманда нобанк кредит ташкилотлари (ломбард, микрокредит, микролизинг ва бошқа турли жамғармалар)ни шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш, туман банк филиалларини монополлигини пасайтириш, аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилишда рақобатни кучайтириш; бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, маҳаллаларда ва аҳоли гавжум жойларда жорий этиш (тумандаги 38 та маҳаллаларда банкоматлар тармоғини кенгайтириш); туман филиаллари бош банк билан келишилган тартибда, меҳмонлар, туристлар кўпроқ катнайдиган жойларда куну-тун ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини жадаллаштириш (айниқса М 39 магистрал йўлни Жомбой тумани худудидан ўтиши жойларидаги автозаправкалар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда).

Туман банк филиаллари секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилашда туман банк тизимига янги банк маҳ сулотларни жорий этиш ҳам ўз самарасини беради. Булар қуйидагилар, яъни контокорент кредити, овердрафт кредити, скоринг кредити, факторинг, лизинг, траст операцияси, сейф-сизам хизматлари, воситачилик хизматлари, мижозлар учун қулай мураккаб бўлмаган бошқа кредит шартномалари тузиш, аутсоринг хизмати, халқаро пул ўтказмалари тизимини такомиллаштириш.

Сейф-сизам хизматини жорий этиш орқали, аҳолининг қимматли буюмлари, бойликлари, қимматли ҳужжатлари банк сейфларида сақланади, вақтинча банкка қўйиш орқали кредитлар олишда гаров сифатида фойдаланилади, мерос сифатида сақланиб шартномаланган талаблар банк орқали бажарилади, йўқотиб қўйиш, ўғирлик жиноятлари камаяди, банкнинг даромади ошади.

Туманда банк тизимини ривожлантиришни аутсоринг хизматини йўлга қўйилиши орқали олис ва чекка маҳаллаларда, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда, йирик корхоналарда, почта алоқаси бўлимларида (Туманда 38 та маҳалла марказлари) банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш лозим. Республиканинг камида 1 000 та почта бўлимида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилишни икки баробарга кенгайтириш ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш [4] ҳам бу соҳада ижобий ўзгаришларни юзага келтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2018 йилнинг 23 февралдаги ПҚ-3620-сонли Қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон Қарори.

3.АТ ”Халқ банки” Самарқанд билоят Жомбой туман филиалининг молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари 12 октябрь 2020 йил.

4.Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Т., 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон.

## **XIZMAT KO'RSATISH SOHASIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISH MANBALARI**

*Artikova Sh.I., tayanch doktorant*

*Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti, O'zbekiston*

**Аннотация:** В статье описаны пути и возможности финансового обеспечения малого бизнеса и частных предпринимателей, осуществляющих свою деятельность в сфере услуг.

**Ключевые слова:** малый бизнес, финансовая деятельность, кредит, капитал, ссуда.

**Abstract:** The article covers the ways of financial provision and opportunities for small businesses and private entrepreneurs operating in the service sector.

**Key words:** small business, financial activity, credit, capital, loan.

**Annotatsiya:** Maqolada xizmat ko'rsatish sohasida faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlarni moliyaviy ta'minlash yo'llari va bu boradagi imkoniyatlar yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** kichik biznes, moliyaviy faoliyat, kredit, kapital, ssuda.

Iqtisodiyotning bozor munosabatlariga kirib borishi jarayonidagi turli mulk va xo'jalik yuritish shakllarining keng taraqqiyoti ular moliyaviy faoliyatini ishlab chiqarish samaradorligini rag'batlantirish maqsadlarida takomillashtirishning muhim, dolzarb muammo ekanligini isbotlamoqda. Yurtimizning istiqboli bozor xizmat tarmoqlarini shakllantirish bilan, mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiyashtirish, yakkahokimlikka qarshi tadbirlarni amalga oshirish, raqobat muhitini vujudga keltirish bilan uzviy bog'liqdirki, bozor munosabatlarini shakllantirish yuzasidan iqtisodiy islohotlar mazkur vazifalarining ijobiy hal etilishi korxonalar moliyaviy faoliyatini tashkil etishning bozor talablariga javob beruvchi holatidan ham kelib chiqadi. Shunga ko'ra, kichik biznes va turli tadbirkorlik shakllarining taraqqiyotida ular moliyaviy faoliyatini tashkil etish xususiyatlari, vazifalari, tarkibi va rivojlanish asoslarini o'rganish muhimdir.

Bozor iqtisodiyoti rivojlanishi sharoitida kichik korxonalar moliyaviy faoliyatining mazmunigina emas, balki ularning vazifalari ham tub o'zgarishlarga duch keldi. Shuning uchun, bozor munosabatlari shakllanishi sharoitida kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyatini tashkil etishning asosiy vazifalarini kompleks holda ko'rib chiqish zarur.

Bizning fikrimizcha, “kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati” tushunchasini tor va keng ma'noda ifodalash mumkin. Tor ma'noda kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati alohida olingan kichik korxonalar, xususiy firma yoki tadbirkorlikning boshqa shakllari moliyaviy faoliyatdan iborat. Bu ma'noda “kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati” tushunchasi “kichik korxonalar moliyaviy faoliyati”, “xususiy firmalar moliyaviy faoliyati” va h.k. tushunchalar bilan bir xil mazmuni ifodalaydi.

Keng ma'noda "kichik biznes korxonalari moliyaviy faoliyati" tushunchasi ijtimoiy takror ishlab chiqarishning turli sohalarida faoliyat ko'rsatayotgan, bir-biri bilan uzviy bog'liq bo'gan kichik biznes korxonalarining moliyaviy faoliyatini ifodalaydi. Mazkur tushunchaning keng ma'nosi uni tor ma'noda tushunishni to'la tarzda o'z ichiga oladi. Shu asosda kichik biznes korxonalari moliyasini korxonalar va xalq xo'jaligi tarmoqlari moliyasining muhim tarkibiy qismi sifatida talqin etish mumkin. O'z mohiyatiga ko'ra ular davlat tomonidan tartibga solib turiladigan pul munosabatlari bo'lib, mazkur munosabatlar kichik biznes korxonalarining hududiy va umumdavlat ehtiyojlari, fondlari va moliyaviy resurslarining tashkil etilishi, taqsimlanishi va ishlatilishi jarayonida vujudga keladi.

Xizmat ko'rsatish va savdo sohalarida yangi ishbilarmonlar o'z ishlarini o'zlari moliya bilan ta'minlaydilar. Ko'pchilik kishilar oz miqdorda bo'lsa ham, tashqi manbalarga muhtoj bo'ladilar. Pul resurslarining 4ta toifasi mavjud:

1. Savdo krediti. Bu turdagi "pul" to'g'ri ma'noda zayom vositasi hisoblanmaydi, haqiqatan bu tovarlar qiymati hisoblanadi. Uni sizning yetkazib beruvchilaringiz sizga pul to'lamasdan qarz qilib beradilar va qarzni eslatilgan muddatlarda to'lash sharti bilan.

2. Qisqa muddatli kredit. Banklar va boshqa kredit beruvchilar, bu kabi kreditlar maxsus maqsadlar – muddatli kreditlar ehtiyot sifatida kelgusi mavsumda sotish uchun beriladi. Bu kabi kredit uchun qarz bir yilga yetmasdan uziladi.

3. Uzoq muddatli kredit. Bu zayomlar bir yildan ortiq muddatga korxonani kengaytirish yoki takomillashtirish uchun beriladi.

4. Aksionerlik investorining qatnashishi. Bu kabi resurslar qaytarilmaydi. Siz vositalarni olasiz va foydaning bir qismini sotasiz.

Tadbirkorlik yo'nalishi firmalarning strategik yo'nalishlarining alohida yo'nalishi bo'lib, resurslarni va imkoniyatlarni rivojlantirish uchun ichki firma orientatsiyasi sifatida ko'riladi. Tadbirkorlik yo'nalishi firmalarning yo'nalishini va yangi imkoniyatlarni o'rganishga intilishni anglatadi va shuning uchun firmaning innovatsionlik, xavf-xatarni va proaktivlikni qabul qilish tamoyillari orqali o'zini namoyon qiladi. Tadqiqot ishlariga katta e'tibor qaratib, tadbirkorlarga yo'naltirilgan jarayonlarning yuqori darajasiga ega bo'lgan firmalar yangi tashkiliy shakllar va atrof-muhit konfiguratsiyalarini yaratishda tajribaga ega va bozor mexanizmlarini o'z manfaatlariga moslashtira oladi. Tadbirkorlik yo'nalishini kapitalizatsiya qilish orqali firmalar biznes hamkorlari bilan loyihalarni amalga oshirishda yuqori tendensiyani rivojlantiradi. Hamkorlik yo'li bilan olingan resurslar yangi mahsulotni ishlab chiqish va bozorning ta'sirchanligi kabi qobiliyatlarni yaratishi mumkin. Natijada, firmalar ichida ishlab chiqilgan qobiliyatlar raqobatbardosh ustunlikni va ish faoliyatini oshiradi.

Davlat va jamiyat tashkilotlari. Bugungi kunda kichik biznesni qo'llashni o'zlarining asosiy vazifasi deb hisoblaydigan davlat va jamiyat tashkilotlarining soni ko'paymoqda. Ular faqat moliyaviy yordam qilmasdan, balki (qoida bo'yicha imtiyozli kredit shaklida), xodimlarni o'qitish va boshqa ishlarda yordam beradi.

Bu kabi tashkilotlarga qo'llash uchun murojaat qilishdan oldin ularni o'ziga xos talablarini bilish kerak, ko'plari ular uchun kerakli sohalaridagi kichik korxonalar yoki alohida ijtimoiy guruhlariga zaxiraga bo'shatilgan harbiyalarga yordam ko'rsatadi.

Kapitalni jalb qilishning boshqa imkoniyatlari ham bor. Masalan, ixtirochi investorlar guruhidan moliya olish mumkin, buning uchun u agar ishi yurishmay, qolganda o'zining ishlab chiqqan texnologiyasiga egalik huquqini ularga toshirishi kerak. Xorijiy moliya manbalari mavjud. Masalan, xorijiy firmalar, ular boshqa davlatlarga investitsiya qilish imkoniyatlarini faol o'rganmoqdalar.

Kichik biznesning ishbilarmonlik tarkiblarini kredit bilan ta'minlash – bu ularga moliyaviy pul yoki tovar shaklidagi vositalarni ma'lum muddatga xo'jalik faoliyatini amalga oshirish uchun berishdir. Kredit bilan ta'minlashni quyidagi turlari mavjud:

- xo'jalik yurituvchi sub'yektlarga pul ssudalarini yoki tovarni kapital o'rnida tog'ridan-to'g'ri berish shakli.

- hisob-kitob turlaridan biri sifatida kredit bilan ta'minlash, ya'ni to'lov muhlati uzaytirilganligi hisobi bilan.

Bu yerda "kredit" tushunchasi keng ma'noga ega. Birinchidan, kredit to'lash va foiz to'lash sharti bilan ssuda ko'rinishida pul yoki tovar shaklida bo'lishi mumkin. Kreditning asosiy vazifasi pul vositalarini qaytarib berish sharti bilan vaqtincha bo'sh pul mablag'larini samarali ishlatishdan iboratdir. Kreditni boshqa vazifasi bu haqiqiy pullarni kredit pullarga va kredit operatsiyalariga almashtirishdan

iborat. Ikkinchidan, kredit o'zini ssuda kapitali harakati shaklida namoyon etadi. Pul yoki tovar shaklidagi ssuda qaytarilishi va to'lov sharti bilan kreditor va zayomchi o'rtasidagi iqtisodiy munosabatni aks ettiradi. Kichik biznesda kredit bilan ta'minlash keng shakllarda tasavvur etiladi, bu yerda quyidagi kreditlar ishlatiladi: tijorat, bank, davlat, iste'molchi, xalqaro. Tijorat krediti – tovar shaklidagi sotuvchilar tomonidan xaridorlarga beriluvchi kredit bo'lib sotilgan tovarni qiymatini orqaroq surishdan iboratdir. Kichik biznes taraqqiyoti uchun davlat krediti davlat budjetidan eng muhimi zamonaviy ishbilarmonlik loyihalarini amalga oshirish bo'yicha tasdiqlangan dasturlar asosida beriladi. Iste'mol krediti – bu kredit shaklida qarz oluvchi sifatida yuridik shaxs, qarz beruvchi sifatida kredit idorasi, korxonalar va tashkilot chiqishi mumkin. Bu kredit shakli xalqning iste'mol talabini qondirish vositasi sifatida xizmat qiladi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, bozor munosabatlari rivojlanib borishi bilan, kichik biznes korxonalarini moliya munosabatlarining tarkibi ham yanada o'zgarib boradi. Shuning uchun kichik biznes taraqqiyoti jarayonida uning moliyaviy faoliyati tarkibiy qismidagi o'zgarishlarni tabiiy bir hol sifatida qarash lozim.

Kichik biznes taraqqiyoti va moliya munosabatlarini takomillashtirish o'zaro bog'liq muammolardandir. Iqtisodiyotning turli mulk va xo'jalik yuritish shakllaridan keng foydalanishga o'tishi, xususiy tadbirkorlik va kichik biznesning taraqqiyoti bilan moliya munosabatlari ham bozor talablari asosida rivojlanishi uchun muhim turtki oldi. Shu bilan birga, moliya kichik biznes taraqqiyotini rag'batlantirishning muhim dastaklariga egadir.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning aholini ish bilan band etishi va o'rta sinfni shakllantirishi kabi xususiyatlari xorijiy iqtisodiy adabiyotlarda batafsil yoritilgan. Rivojlangan mamlakatlar tajribasidan ma'lumki, kichik korxonalar iqtisodiy rivojlanish, ilmiy-texnika ixtirolarini, aholining talabini qondirish uchun qo'llashda istiqbolidir. Boshqarish sohasida kichik korxonalarda eng kam xarajat qilinishi bilan birga mulk haqiqiy egasining qo'lida bo'lib, undan foydalanish, ko'paytirish doimo yaxshi natijalarga olib kelgan.

## **ПРОБЛЕМЫ СТИМУЛИРОВАНИЯ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И ИХ РАБОТНИКОВ В РЕЗУЛЬТАТЕ СВОЕЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

*Мусаев Р.М., к.э.н., доцент,*

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

*Тураев А., ассистент,*

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

*Давлатова М.П., ассистент,*

*Самаркандский государственный университет, Узбекистан*

**Аннотация.** *Статья посвящена реформам в системе стимулирования активной предпринимательской деятельности, направленной на создание полноценной социальной базы, признанию предпринимателей и их союзов социально-экономической основой отечественной системы предпринимательства не только юридически, но и практически.*

*В частности, особое внимание уделено активизации работы по привлечению населения к активной жизни вплоть до создания индивидуальных предпринимателей и их обучения в школах и учебных заведениях экономического направления.*

**Ключевые слова:** *предпринимательство, индивидуальные предприниматели, реформы, стимулирование предпринимательства.*

**Аннотация.** *Мақола тўлақонли ижтимоий базани яратилишга қаратилган, фаол тadbirkorлик фаолиятини рағбатлантириши тизимидаги ислохотларга бағишланган бўлиб, тadbirkorлар ва уларнинг иттифоқларини нафақат юридик, балки амалда ҳам ички ишбилармонлик тизимининг ижтимоий-иқтисодий асоси деб эътироф этади.*

*Хусусан, яқка тартибдаги тadbirkorларни ташиқил этиши ва уларни иқтисодий йўналишидаги мактаблар ва таълим муассасаларида ўқитишгача аҳолини фаол ҳаётга жалб қилиши бўйича ишларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.*

**Таянч сўзлар:** *тadbirkorлик, яқка тартибдаги тadbirkor, ислохот, тadbirkorликни рағбатлантириши.*

**Abstract.** *The article is devoted to reforms in the system of stimulating active entrepreneurial activity, aimed at creating a full-fledged social base, recognizing entrepreneurs and their unions as the socio-economic basis of the domestic system of entrepreneurship, not only legally, but also practically.*

*In particular, special attention was paid to the intensification of work to attract the population to an active life, up to the creation of individual entrepreneurs and their training in schools and educational institutions of the economic direction.*

**Key words:** *entrepreneurship, individual entrepreneurs, reforms, stimulation of entrepreneurship.*

В ходе углубления экономических реформ сложились различные взгляды по проблемам финансово-кредитной поддержки и стимулирования предпринимательских субъектов в рамках малого бизнеса и частного предпринимательства. Особенно эти проблемы обострились в период пандемии коронавируса. Малый бизнес потерял более половины собственных средств.

Противоречивы мнения по поводу существования предпринимательских субъектов в период пандемии коронавируса. Проф. Д.Р.Зайналов, доц. С.С.Алиева считают, что опыт хозяйствования показывает, что малые предприятия должны создавать резервный (страховой) фонд, обычно образуемый в процентном отношении к уставному фонду и не предусмотренного законодательством минимума [1]. По мнению Э.Н.Ходжаева, цель неделимого резервного фонда в том, чтобы сохранить деятельность от различных рисков не только для конкретного малого бизнеса сферы туризма, гостиниц, ресторанов и адекватных им по характеру деятельности субъектов, но и предпринимательских субъектов всех сфер экономики, для системы в целом [3]. На наш взгляд, существование резервного фонда не должно лишать права возможности отозвать при необходимости часть учредительных средств, получать дивиденды от собственных доходов. Предприниматели ныне не ощущают реальных преимуществ от участия в других видах деятельности. Следует отметить, что учредители большинства современных зарубежных предприятий отказываются от получения дивидендов: они зачисляются в страховой, или резервный, фонд, что повышает размер выплаты бонуса за счет дополнительной прибыли от этих средств.

Преобразования субъектов в АО или ООО должны направляться на изменение отношений внутри предприятия с целью повышения материальной заинтересованности работников в результатах своего труда и учредителей в развитии деятельности АО или ООО.

Следует расширить задачи Союза предпринимателей. В Положении о Союзе предпринимателей нужно предусмотреть такие полномочия, как организация всех видов деятельности, предусмотренных уставом Союза. Назрела необходимость совместно с научно-образовательным центром при Союзе предпринимателей в разрезе экономических территорий (районов, городов, областей) и при экономических вузах страны разработать план проведения семинаров, мастер-классов, конференций по изучению и распространению опыта развития предпринимательства по административным территориям страны.

Основным итогом этих мероприятий должно стать возрождение доверия предпринимателя. В связи с этим следует на собраниях Союза предпринимателей серьезно относиться к предложениям и оформлять их в качестве наказов предпринимателей. Наказ предпринимателей – это документ, в котором реализуется как индивидуальная, так и коллективная воля их, на основе их предложений определяются задачи на будущее для совета предпринимателей. Любая перестройка задевает интересы жителей города или села, поэтому все изменения, связанные с открытием или закрытием действующих объектов сервисного обслуживания и др., требуют совета с предпринимателями.

С обострением конкурентной борьбы ускоряются темпы концентрации деятельности предпринимателей путем ликвидации убыточности торговых точек, производственных субъектов и укрупнения их имущества. Такой процесс идет во всех странах. Примером является опыт австрийских, датских и швейцарских предпринимателей. В каждой из этих стран существует только одно общенародное движение предпринимателей. Другой формой концентрации деятельности предпринимателей, осуществляемой в высокоразвитых странах, является расширение деятельности хозяйственных союзов предпринимателей. При этом происходит диверсификация их деятельности. Хозяйственные союзы предпринимателей расширяют свою производственную деятельность. Иногда для решения этой задачи создают отдельные специализированные предприятия, которые вступают в сферу розничной торговли, или обеспечивают функционирование по договоренности с местным населением. Например, универмаги, принадлежащие предпринимателям по оптовому управлению в Дании, реализуют 1/3 оборотов розничной торговли. Оптовые склады создают международные ассоциации для

совместных закупок. Центральные союзы организуют также совместные предприятия на основе международного капитала. Кроме того, они вводят в действие новые специализированные виды деятельности. Например, они организуют совместное страхование, иногда при этом входят в долю с частным капиталом, организуют обслуживание туризма.

Заслуживает внимания опыт одного из предпринимателей по производству швейных товаров в Швеции, объединяющего более 500 человек [2]. Данное предприятие «Баста» создано для лиц, попавших в прошлом в зависимость от наркотиков. На предприятии сложилось несколько направлений трудовой деятельности: строительство, производство столярных изделий и нестандартной мебели, производство ковров, коневодство, содержание «гостиниц» для собак, выращивание сельскохозяйственной продукции и т.д. Такие новые предпринимательские субъекты имеют поддержку со стороны местных органов власти.

К сожалению, в системе поддержки и стимулирования предпринимателей Узбекистана в основе реформирования решаются задачи другого плана.

Главная цель реформы по поддержке и стимулированию предпринимателей заключается в создании полноценной социальной базы, признании предпринимателей и их союзов социально-экономической основой отечественной системы предпринимательства не только юридически, но и практически.

Одна из основных задач – это активизация работы по привлечению населения к активной жизни вплоть до создания индивидуальных предпринимателей и их обучения в школах и учебных заведениях экономического направления.

В связи с этим необходимо доработать Программу, выработать новую концепцию, в которой отразить активизацию работы предпринимателей в следующих направлениях:

- разработать план социального развития союза предпринимателей по каждой экономической административной территории;
- способствовать формированию нового мышления предпринимателей, идеологии и культуры путем совершенствования образовательной и пропагандистской работы;
- улучшить информативность предприятий, в частности, отдельных районов, об экономической и социальной деятельности предпринимателей через газеты, статистические бюллетени. Союз предпринимателей Самаркандской области совместно с СамИЭС должны организовать выпуск газеты, журнала «Предприниматель» и другие издания, могущие освещать деятельность предпринимателей.

#### **Список литературы:**

1. Зайналов Д.Р., Алиева С.С. Принципы управления равновесием между государственным регулированием и развитием предпринимательских отношений. Институційний розвиток соціально-економічних систем: національна економіка у глобальному середовищі : збірник науко-вих праць за матеріалами XI Міжнародної науково-практичної конференції (м. Полтава, 7 травня 2019 року). – Полтава : ПУЕТ, 2019. – С.65-67
2. Кооперативное образование: распространение знаний о кооперативных ценностях и принципах.- М., 1999.- С. 35.
3. Khodjaev E.N. Actual problems of ensuring financial stability of enterprises in the condition of coronavirus pandemic. // JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, Volume 6, Issue 9, ISSN : 2581-4230, Page No. 159-162

### **ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**Урунбаева Ю.П.,** и.ф.д., доцент,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон

**Аннотация.** Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга таъсир этувчи омилларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари.

**Аннотация.** В статье рассматриваются факторы, влияющие на повышение уровня жизни населения за счет развития сферы услуг.

**Ключевые слова:** уровень жизни, качество жизни, спрос, потребление, сбережения населения, заработная плата, доходы.

**Abstract.** The article examines the factors influencing the increase in the standard of living of the population due to the development of the service sector.

**Key words:** standard of living, quality of life, demand, consumption, savings of the population, wages, income.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар белгилаб берилди. Мурожаатномадаги биринчи қайд этилган вазифалардан бири, “2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир” [1], деб кўрсатгани бўлди. Ушбу вазифани бажариш учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга тўғри келади. Мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши салмоқли даражага эга.

Хизмат кўрсатиш деганда кўз олдимизга маълум бир шахснинг иккинчи бир шахс (давлат)га утказётган меҳнати тушунилади. Аммо уни назарий жиҳатдан таҳлил қилинса, бу ўзининг таърифига эга. Бу борада олимларимиз асарларига эътиборни қаратилса, улар турли қарашларга эга эканлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Мухаммедов М.М. хизмат кўрсатишни куйидагича изоҳлайди: “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа” [4] деб таъриф берганлар. Қ.Ж.Мирзаев хизмат кўрсатишга куйидагича таъриф берганлар. Хизмат кўрсатиш дейилганда инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларида юзага келадиган истеъмол эҳтиёжи ва моддий-маънавий манфаатларини қондиришга қаратилган даромад олиб келувчи ҳаракати, фаолияти тушунилади [3].

Инсоният тарихида хизматнинг ривожланиш даврига назар ташласак, хизмат кишилик жамияти пайдо бўлгандан бошлаб инсон кундалик фаолиятида узлуксиз тараққиётни таъминлаш, уни такомиллаштириш борасида доимий ҳаракатда, ижодда ва шу асосда барча эҳтиёжларини қондиришга эришиш мақсадида фойдаланиб келинган. Шунинг учун ҳам хизматни фалсафий категория сифатида қаралиб, унинг жараён эканлигини, жараённи эса ҳаракат деб билиб, оддий эмас, балки кишилик жамиятининг ривожланишига, равнақ топишига қаратилган ҳаракат деб қараш лозим.

Энг муҳими хизматларга бўлган эҳтиёж моддий хизматларга бўлган эҳтиёжлардан ўз моҳияти ва инсоннинг инсон сифатидаги тараққиётидаги аҳамияти жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини модернизациялаш ва янгидан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш асосида хизматлар сифатини ошириш, ушбу соҳани диверсификациялаш асосида хизматлар ассортиментини кенгайтириш, янги хизмат турларини ишлаб чиқариш, хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Америкалик олим А.Маслоу пирамидасида физиологик (моддий) эҳтиёжларга муҳимлиги нуқтаи назардан биринчи ўрин берилган<sup>1</sup>. Шубҳасиз, бундай эҳтиёжлар ижтимоий тизим шакли ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидан қатъий назар, ҳар қандай жамият учун хос ва биринчи даражада қондирилиши лозим. Инсонлар, онгли ҳаракатланувчи тирик мавжудот сифатида, авваламбор бирламчи эҳтиёжларини яъни, озиқ-овқат истеъмол қилишлари, кийинишлари, бошпанага эга бўлишлари шарт. Шундан кейингина улар таълим, маданият, санъат, саёҳат ва ҳоказолар билан шуғулланишлари мумкин бўлади. Ушбу пирамидада турли хил ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиб, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ошиб борган сайин, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжи моддий неъматларга бўлган эҳтиёжига нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланади.

<sup>1</sup><http://www.ctntrforum.ru/Macro/Stat2.5.htm>

Хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг даромадлари шаклланиши меҳнатнинг мазмуни ва характери билан боғлиқ. Хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг тобора ошиб бориши ва такомиллашуви аҳоли бандлигидаги таркибий ўзгаришларда, аниқроғи, унинг бандлигида хизматлар улушининг доимий тарзда ошиб боришида ўз ифодасини топади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти аҳолисининг иқтисодиёт тармоқларида бандлиги кўрсаткичларининг 2018-2020 йиллардаги ўзгариши<sup>1</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
		Йиллар					
		2018	2019	2020	2018	2019	2020
1	Доимий аҳоли сони (минг киши)	32656,7	33255,5	33 905,2	3720,1	3 798,9	3 877,4
2	Иқтисодий фаол аҳоли (минг киши)	14641,7	14876,4	14797,9	1620,6	1604,2	1585,4
3	Доимий фаол аҳоли сонидаги улуши (фоизда)	44,8	44,7	43,6	43,6	42,2	40,9
4	Иқтисодиётда банд аҳоли (минг киши)	13273,1	13541,1	13239,6	1463,3	1455,8	1410,9
5	Иқтисодий фаол аҳоли сонидаги улуши (фоизда)	90,7	91,0	89,5	90,3	90,7	89,0
<b>Жумладан: иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлар</b>							
6	Саноатда (минг киши)	1802,9	1821,5	1789,7	196,1	197,5	191,5
7	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	13,6	13,5	13,5	13,4	13,6	13,6
8	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (минг киши)	3537,2	3544,6	3560,0	396,6	393,1	392,2
9	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	26,6	26,2	26,9	27,1	27,0	27,8
10	Қурилиш соҳасида (минг киши)	1205,5	1324,6	1267,8	147,8	144,1	138,3
11	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	9,1	9,8	9,6	10,1	9,9	9,8
12	Хизмат кўрсатишда (минг киши)	6727,5	6850,4	6622,0	722,9	720,6	688,9
13	Иқтисодиётда банд аҳолидаги улуши (фоизда)	50,7	50,6	50,0	49,4	49,5	48,8

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти статистика бошқармаси 2020 йил -2021 йил январ ҳолатига кўра маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



Юқоридаги 1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони 2018 йилда 3720,1 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 3877,4 минг кишини, яъни (157,3 минг киши) 10,4 фоизга ўсган.

Иқтисодий фаол аҳоли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи кучи талабини қондирувчи аҳолининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатига иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида замин яратади. 2018 йилда иқтисодий фаол аҳоли 1620,6 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан (35,2 минг киши) га кўпайган.

2018 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 50,6 фоизи, яъни (саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш) 740,5 минг киши ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 49,4 фоизи яъни 722,9 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. 2020 йилда мос равишда (51,2 фоиз - 48,8 фоиз) 688,9 минг киши хизмат кўрсатиш соҳасида бандлиги тўғри келмоқда. Албатта пандемия ушбу соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатган дейишимиз мумкин. Вилоят иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сонининг камайиши ялпи ички (худудий) маҳсулот ҳажмининг камайишига ҳамда унинг таркибидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ҳам сезиларли даражада пасайишига олиб келган. Аҳоли бандлиги таркибида бундай ўзгаришларни пандемиянинг таъсири остида вужудга келган сабаб деб баҳолаш мумкин.

Самарқанд вилоятида аҳолининг соҳа ва тармоқлар бўйича бандлигини ошириш имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мақсадида уни республика кўрсаткичлари билан таққослашни лозим топдик. Таққослаш натижасида Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашда республикага нисбатан пастроқ даражаларга эришилганлигини кўрсатди

Шу билан бир қаторда вилоятда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан қарийб 1,0 пунктга юқори. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, унда меҳнат унумдорлиги ошиб борган сайин, ушбу тармоқда банд аҳоли сони бундан кейин ҳам қисқариб бораверади. Агар Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улушини (27,8 фоиз) республика бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етказсак (26,9 фоиз), ушбу тармоқларда 32,0 минг киши ишдан бўшаши мумкин бўлади. Ишдан бўшаганлар эса хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ишга жойлашишади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлаш барча мамлакатлар учун энг долзарб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларига жуда бой ва улкан меҳнат салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат қилиш истаги бор ҳар бир индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишига имконият туғдириб бериш анча ўткир муаммога айланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ташаббуси асосида фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинади ва қонуний равишда меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига ҳамда унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келади. Умуман ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва интенсив асосда ривожланишга мослашган ҳозирги замон ишлаб чиқариши меҳнат унумдорлигининг узлуксиз тарзда ошиб боришисиз амалга ошиши ва ривожланиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда кейинги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш сиёсати, инновацион жараёнларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги жонли меҳнат унумдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши оқибатида моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши нисбий қисқариши содир бўлади. (2-жадвал).

Иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2020 йилларда ялпи ички маҳсулотдаги улуши  
(фоизларда)<sup>1</sup>

№	Тармоқлар	Йиллар								
		2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2015	2020
1	ЯИМ, жами, шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2	Саноат	14,2	21,1	21,8	24,0	22,3	23,6	26,7	25,7	26,4
3	Қишлоқхўжалиги	30,1	26,3	25,1	21,7	19,4	18,2	19,8	18,3	26,1
4	Қурилиш	6,0	4,8	5,1	5,5	5,6	5,9	6,6	7,3	6,4
5	Хизмат кўрсатиш	37,0	37,0	39,5	42,5	45,3	47,2	46,9	48,7	33,5
6	Соф солиқлар	12,7	10,8	8,5	6,3	7,4	6,7	9,2	8,8	7,6

Бундан ташқари, бандлик муаммолари Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда, (айниқса қишлоқ хўжалигида) керагидан ортиқча банд бўлган, лекин бозор муносабатлари мустақамланиб борган сайин, аста-секин ишдан бўшаётган ишчи ходимлар ҳисобидан ҳам анча кескинлашди. Режали иқтисодиёт шароитида ишсизлик муаммоси, унумсиз, яхши самара бермайдиган иш ўринларини асоссиз равишда кўпайтириш, ишчи кучини қандай бўлмасин ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш йўли билан ҳал қилинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, юқорида қайд этганимиздек, барча ресурслардан, жумладан, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурияти кучаяди. Бундай шароитда олдинги даврларда асоссиз равишда, расман яратилган иш ўринларининг бекор қилиниши ва уларда “банд” бўлган ишчи ходимларнинг қисқариши ва натижада уларнинг ишсиз қолиши муқаррар.

Юқоридагиларни умумлаштириб, Ўзбекистонда меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи билан унга бўлган талаб ўртасидаги номутаносибликнинг асосий сабабларини аниқладик бизнинг назаримизда булар: биринчидан – илмий-техника тараққиёти натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши; иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча яратилган иш ўринларининг барҳам топиши; учинчидан – мамлакатда юзага келган ва ҳозиргача маълум даражада сақланиб турган мураккаб демографик вазият [5].

Жамиятда аҳоли турмуш даражасини оширишга доир муаммоларни ҳал этишда айнан эҳтиёжманд ҳолатда ҳаёт кечириётган аҳоли қатламларини аниқлаб, уларнинг сонини узлуксиз камайтириб боришга (темир дафтар) жиддий эътибор қаратилмоқда. Бизнинг фикримизча оилалар ўртасида хатлов ўтказилиб, улар уч тоифага ажратиш ва ҳар бир тоифага нисбатан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан:

Биринчи тоифага давлат томонидан кам таъминланган оилалар учун кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланиш мақсадида ўз даромадларини яшириб келаётган ва натижада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олаётган (чет элдаги, бозор, уй хўжалигида чорва моллари ва бошқа даромадлар) оилалар киритилди.

Иккинчи тоифага кам таъминланган оилалар рўйхатида киритилган, лекин, томорқа ер майдонларига эга бўлган ва ундан фойдаланиш эвазига даромад топиш имконияти мавжуд бўла туриб, кам таъминланган оила сифатида давлат бюджети маблағларидан ўринсиз фойдаланаётган оилалар киритилди.

Учинчи тоифага ногирон, яқка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, сурункали касал ва 16 ёшга тўлмаган фарзандларини тарбиялаётган оилалар (оналар) киритилди. Натижада, биринчи ва иккинчи тоифада асоссиз тарзда ижтимоий нафақалар олиб келаётган оилалардан иқтисод қилинган маблағлардан учинчи тоифадаги оилаларни ижтимоий химоя қилишга, сурункали касал фуқароларни даволаниш учун имтиёзлар кучайтирилади [2].

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, бу борада соҳа олдида турган муаммоларнинг ечимларини топиш учун амалий тадқиқотлар ўтказиб, амалиётда мавжуд ҳолатни баҳолаш, ундаги ютуқлар ҳамда камчиликларни аниқлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг меъзони ҳисобланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 1999-2021 йй маълумотлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. "2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили". Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь (Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлашга Бандликка кўмаклашиш ҳамда жамоат ишлари жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини камбағалликка тушиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак).
3. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. “Хизматлар соҳалар иқтисодиёти” "IQTISOD-MOLIYA" 2014. - 376 б. 149-б
4. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.
5. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: «ФАН», 2013.- 156 б.

## **ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТОВАМАЧИЛИК, ФИРИБГАРЛИК ВА КОРРУПЦИЯ КАБИ ОМИЛЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

*Расулов З.Ж., и.ф.н., доц. в.б.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Латинова Ш. М., ўқитувчи*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада иқтисодий хавфсизлик, таҳдид ва унинг асосий шакли бўлган фирибгарлик тушунчалари ёритилган, уларнинг юзага келиш сабаблари ва оқибатлари, коррупция ва фирибгарликни бартараф этишнинг асосий усуллари келтирилган, тадбиркорлик ва фойдали меҳнат билан банд бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркор, хавфсизлик, таҳдид, фирибгарлик, иқтисодий хавфсизлик, ишибилармонлик муҳити.

**Аннотация:** В статье раскрывается понятие экономической безопасности, угрозы и основная форма мошенничества, излагаются причины его возникновения и последствия, дана характеристика основным методам предотвращения коррупции и мошенничества, приведены предложения по обеспечению безопасности предпринимательства и защиты интересов граждан, занятых полезным трудом.

**Ключевые слова:** предпринимательство, безопасность, угроза, мошенничество, экономическая безопасность, бизнес-среда.

**Abstract:** The article reveals the concept of economic security, threats and the main form of fraud, outlines the reasons for its occurrence and consequences, gives a description of the main methods of preventing corruption and fraud, provides proposals for ensuring the security of entrepreneurship and protecting the interests of citizens engaged in useful work.

**Key words:** entrepreneurship, security, threat, fraud, economic security, business environment.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли вазифаларни ечишга, шу жумладан, инновацион аҳамиятга эга ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантирилишига биринчи даражали вазифа сифатида эътибор берилмоқда. Шу боис инновацион аҳамиятга молик корхоналар фаолиятини ривожлантириш Давлат дастурлари доирасида амалга оширилиб келинмоқда ва бундай дастурларининг асосий мақсадли йўналиши бу корхоналарни модернизациялаш, инновацион қайта қуриш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт потенциали ва валюта тушумларини ошириш бўлиб ҳисобланмоқда.

Аммо бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар, энг аввало тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий хавфсизликни оширишга қаратиб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва инженер-техник

тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларини ички ва ташқи рисклардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, уларнинг хавфсизликларига турли таҳдидлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай таҳдидлар – бу жисмоний (юридик) шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳимояланиши ҳолатини безовта қилувчи ёки унга шикаст етказувчи, унинг фаолиятини шу орқали тўхтатиб қўювчи ёки иқтисодий ва бошқа молиявий йўқотишларга сабаб бўлувчи потенциал ёки реал рисклардир. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида иқтисодий хавфсизлигини сақланишга таҳдидлар онгли равишда қасддан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёки техник зарар етказишга қаратилганлигида намоён бўлади. Умуман бундай ҳаракатлар ҳуқуқий жиҳатдан қонунга зид ҳаракатлар таркибига киради.

Шу ўринда айтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятлари доирасида иқтисодий хавфсизликнинг ўзига хос тури бу товламачилик бўлиб, уни алдаш, ишончсиз фикрларини тўғри фикр даражасига чиқарган ҳолда ҳамкасбларини алдаш (ёки йўлдан уриш), кўрқитиш йўли билан уларнинг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш фирибгарликни англатади.

Товламачилик эса кишиларни товлаб, лақиллатиб, кўрқитиб пул кўрувчи, бирибгар шахсдир [1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида фирибгарликка алдов ёки ишонччи суистеъмол қилиш йўли билан бегона мулк ёки мулкка нисбатан ҳуқуқни қўлга киритиш, деб таъриф берилган [2].

Айтиш жоизки, фирибгарлик содир этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятига ишни ташкил этиш ва уни бошқариш, назорат қилишдаги масъулиятсизлик, боқибегамлик, сусткашлик, интизомсизлик ва иш юритишдаги камчиликларга боғлиқ ҳолда юзага келади. Аммо унга кўмак берувчи омиллар мавжуд бўлиб, улар фирибгарликнинг турли турларини юзага келтириб чиқариши мумкин бўлади. Шулардан бири фирибгарлик йўли билан тузилган молиявий ҳисоботда юзага келадиган бузиб кўрсатишлардир. Бундай ноқонуний ҳаракатларга молиявий ҳисоботда ахборотни атайлаб тушириб қолдириш ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларини нотўғри қўллашни ўз ичига олади, шунингдек, корхонага қарашли активларни ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб олиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Аммо бундай нохуш ҳолатларни юзага келиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида бундай ҳолатларни юзага келтириб чиқарувчи омилларни олдиндан сезиш ва уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш муҳимдир. Ижобий ҳаракатларни жамоа аъзоларидан фойдаланган ҳолда ҳал этилиши юзлаб инсонларни ёмон йўлдан қайтариш, миллиардлаб пул маблағларини ноқонуний ўзлаштиришнинг олдини олган бўлар эди. Шунинг учун жойларда ходимлар фаолиятини тизимли назорат қилиб бориш, ички интизомни кучайтириш, илгари ноқонуний ҳаракатлари билан ажралиб турган ва жамоанинг кўзига тушиб қолган шахсларни масъул лавозимларга тавсия этмаслик, шахсларни раҳбар лавозимига тавсия этишда унинг ҳамтовоқларидан тавсиф олмаслик, унинг ноқонуний ҳаракатлари йиғиндисини асос қилиб олиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Агар раҳбар ўз фаолиятини инсон фаолиятига хавф солиши мумкин бўлган ёки унинг шахсига, манфаатларига зид бўлган ҳаракатлар қилганлиги кўзга ташланиб қолса, унда бундай раҳбарни тезлик билан эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш зарур бўлади. Ҳатто жамоада унинг атрофидаги айрим шахслар (бундай шахсларга асосан раҳбар томонидан лавозимлар, мукофотлар бериб келинган шахслар ёки бир маҳаллада бирга улғайган ва шу каби белгилари билан кўзга ташланиб қолганлар) ушбу раҳбарга нисбатан юқори даражада ижобий баҳо берган тақдирда ҳам. Шундан кейин жамоад, тадбиркорлик фаолиятида кўзбўямачилик, товламачилик, алдаш ва ҳ.к. ҳолатлар юз бермайди. Коррупциянинг олди олинади. Бундан тадбиркор ҳам, унинг жамоаси ҳам фойда кўради. Ҳаққоний иш йўлга қўйилади, одамлар ўртасидаги ишонч даражаси янада мустаҳкамланади. Инсоннинг кадр-қиймати тўғри баҳоланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 8000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Т.: Ўзб-н миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёт, 2008. – 128-348-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси. <https://www.lex.uz/acts/111453>

## ФИНАНСОВО-КРЕДИТНАЯ ПОДДЕРЖКА МАЛОГО БИЗНЕСА: ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

**Бабаев Н.,** студент магистратуры,  
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан  
науч. руков.: **Зайналов Дж.Р.,** д.э.н., профессор,  
Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан

**Аннотация.** Статья посвящена финансовым аспектам государственной поддержки развития сектора малого бизнеса в экономике. Дана характеристика финансовой поддержки субъектов малого бизнеса в западных странах. Отмечены положительные стороны такой поддержки для Узбекистана.

**Ключевые слова:** малый бизнес, финансово-кредитная поддержка, опыт зарубежных стран, финансирование малого и среднего бизнеса.

**Аннотация.** Мақола иқтисодийда кичик бизнес секторини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий жиҳатларига бағишланган. Ғарб мамлакатларида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш хусусиятлари берилган. Бундай қўллаб-қувватлашнинг Ўзбекистонга ижобий томонлари қайд этилди.

**Калим сўзлар:** кичик бизнес, молиявий ва кредит ёрдами, хорижий мамлакатлар тажрибаси, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириши.

**Abstract.** The article is devoted to the financial aspects of state support for the development of the small business sector in the economy. The characteristics of financial support for small businesses in Western countries are given. The positive aspects of such support for Uzbekistan were noted.

**Key words:** small business, financial and credit support, experience of foreign countries, financing of small and medium-sized businesses.

Законодательная база финансово-кредитной поддержки малого бизнеса в Узбекистане продолжает совершенствоваться, и для оказания должного воздействия на складывающиеся правоотношения в экономической и других областях (сферах) важным представляется определение пределов поддержки экономической деятельности малого бизнеса с учетом активной позиции Узбекистана в интеграционных процессах.

Что касается совершенствования правовой базы финансово-кредитной поддержки, то, оценивая состояние нормативной базы Узбекистана в области государственного регулирования деятельности малого бизнеса, следует отметить, что сделано в этом направлении очень много. Анализ нормативной базы Республики Узбекистан по регулированию деятельности малого бизнеса позволяет сделать вывод, что пока нет четких ориентиров, позиций, предпочтений в проведении экономической политики по поддержке малого бизнеса. Следовательно, до тех пор, пока не будет разработана и утверждена концепция развития поддержки малого бизнеса, не следует надеяться на создание прочной и внутренне взаимосвязанной системы норм и нормативов, а, следовательно, и ожидать желаемого эффекта от развития малого бизнеса. Для совершенствования правовой базы можно предложить следующие этапы (рис. 1).




Рис. 1. Этапы процесса совершенствования правовой базы финансово-кредитной поддержки малого бизнеса

Материалы проведенного исследования позволяют сделать вывод о том, что работа по созданию правовой базы регулирования финансово-кредитной поддержки нуждается в постоянном, повседневном организующем воздействии со стороны соответствующих субъектов государственного управления, включаемом в их компетенцию. Проведенный в ходе исследования анализ нормативно-правовой базы регулирования финансово-кредитной поддержки позволяет сделать вывод о том, что часть действующих нормативно-правовых актов по своему содержанию не отражает современного состояния дел в области деятельности малого бизнеса.

На наш взгляд, решение проблемы совершенствования финансово-кредитной поддержки возможно только на основе формирования единого правового пространства, в рамках которого осуществлялись бы комплексное регулирование всех форм деятельности, форм поддержки и защиты интересов субъектов малого бизнеса.

При этом также следует отметить, что при реализации имеющихся и выработке новых инициатив в области развития и государственной поддержки малого бизнеса большую роль играет опыт ряда стран с рыночной экономикой. В последнее десятилетие активные контакты на всех уровнях по линии как общественных, так и государственных и научных структур, причастных к проблематике малого предпринимательства, существенно обогатили наши представления о развитии и поддержке малого бизнеса за рубежом, о мерах по содействию увеличению вклада малых форм хозяйствования в решение конкретных экономических и социальных проблем. Правда, в силу ряда обстоятельств основной акцент в подобного рода контактах делается, как правило, на изучении опыта экономически наиболее развитых стран мира.

В мировой хозяйственной системе, по данным ООН, средние и малые предприятия являются работодателями почти для 50% трудоспособного населения. В таких странах, как Япония, Италия, Швейцария, на малых предприятиях сосредоточена преобладающая часть рабочей силы.

Естественно, этот опыт имеет большое значение для Узбекистана. Данный опыт имеет огромное значение особенно с точки зрения выработки долговременной стратегии развития и поддержки малого и среднего бизнеса. Его изучение в немалой степени способствовало правовому, организационному и институциональному оформлению отечественной политики в отношении малого бизнеса. Однако во многих своих компонентах опыт развитых стран обусловлен совершенно иными экономическими и социально-институциональными факторами, вследствие чего возможности его практической адаптации к отечественным реалиям ограничены.

Рассмотрим такую страну, как Великобритания. Правительство Великобритании уделяет большое внимание развитию и поддержке малого предпринимательства, как основному источнику создания новых рабочих мест и роста занятости населения, а также сокращения социальных обязательств бюджета. Из 3,7 млн. действующих здесь национальных компаний к крупным относятся менее 7 тыс., к средним (с числом занятых до 250 чел.) – около 24 тыс. юридических лиц. В Великобритании 98% вновь созданных предприятий (помимо таких отраслей, как энергетика, газо- и водоснабжение) относились к категории малого бизнеса [2, С. 63].

Весь комплекс государственной поддержки малого предпринимательства в Великобритании осуществляется правительственным органом – Организацией по поддержке малого бизнеса (СБС). По своей структуре и задачам эта организация практически идентична Администрации малого бизнеса США. СБС осуществляет целый ряд программ и инициатив, призванных, в частности, содействовать освоению малым бизнесом новых технологий, получению доступа к финансированию, налаживанию взаимодействия между компаниями, популяризации передового опыта в различных сферах бизнеса. Одной из наиболее важных задач СБС является помощь малым предприятиям в исполнении необходимых регистрационных и иных бюрократических процедур.

СБС курирует и частично финансирует деятельность 80 так называемых «деловых звеньев» (businesslinks), которые созданы во всех регионах Англии для предоставления малым и средним компаниям независимых консультаций по широкому спектру вопросов их деятельности. Консультанты этих служб оказывают помощь на всех стадиях развития бизнеса. В структуре каждого регионального «звена» работают специалисты в области новых технологий (в т.ч.

телекоммуникаций и информатики), экспорта, налогообложения, привлечения кредитов, дизайна и т.п. Аналогичные органы в Шотландии носят название «деловых магазинов» (businessshop), в Уэльсе – «офисов деловых связей», а в Северной Ирландии – местных подразделений экономического развития [2, С. 63].

СБС широко привлекает научно-исследовательский потенциал британских университетов и колледжей, независимых организаций. Малому бизнесу предоставляется доступ к базам научных разработок вузов, а также возможность приглашать на двухлетнюю стажировку студентов старших курсов (специалисты-технологи, дизайнеры, юристы, управленческий персонал), которые совмещают работу в компании с проведением исследований в соответствующей области.

СБС прогнозирует, что в 2006 г. она получит и удовлетворит около 3 млн. обращений в год. Бюджет организации в 2004-2005 финансовом году составил 353 млн. фунтов стерлингов [2, С. 64].

Также развитию малого и среднего бизнеса уделяется большое внимание и в США. В США малое предпринимательство охватывает более чем 23 млн. компаний, производит более половины ВВП страны, обеспечивает работой 54% трудоспособного населения страны, является основным источником создания новых рабочих мест [2, С. 64].

Администрация малого и среднего бизнеса США (АМБ) – Управление по делам малого бизнеса (англ. Small Business Administration, SBA) — агентство Федерального правительства США, созданное с целью финансовой поддержки, а также содействия в управлении предприятиями, которые не имеют доступа на рынки капитала, которыми пользуются более крупные и кредитоспособные корпорации, поддерживать фонд для предоставления кредитов в целях восстановления после природных катастроф [3].

Основная задача АМБ – предоставление гарантий под выделение различного рода займов для помощи вновь созданным компаниям. Гарантии обычно выдаются по займам со сроком на 10-25 лет со ставкой не более 2,75% годовых.

Кроме того, АМБ осуществляет: предоставление гарантийных обязательств в строительных проектах с участием малого бизнеса; выдачу грантов на развитие, а также на проведение научно-технических исследований, осуществляемых по заказам правительства США; оказание содействия малому бизнесу в продвижении товаров и услуг за рубеж; предоставление помощи малым предприятиям при восстановлении после чрезвычайных ситуаций (природных катастроф); специальные программы для разных слоев общества [1, С. 44-45].

В 2005 г. АМБ выдала грантов 491 тысяче предприятий на сумму 40 млрд. USD, инвестировала на сумму в 3,24 млрд. USD в акционерный капитал малых компаний, предоставила 30 тысяч займов на сумму 728 млрд. USD лицам, пострадавшим от стихийных бедствий [1, С. 44-45].

МСП составляют фундамент системы социального рыночного хозяйства в Германии, в значительной мере определяют ее экономический потенциал. К категории МСП в настоящее время относится более 3,250 тысяч фирм, что составляет 99,6% всех существующих в Германии предприятий. Они обеспечивают 64% рабочих мест в стране, 80% вакансий на получение и повышение профессионального образования, 45,9% налогооблагаемого оборота и осуществляют 44,1% валовых инвестиций [1, С. 44-45].

Государственная поддержка МСП осуществляется в Германии по следующим направлениям [1, С. 44-45]:

- повышение образовательного и профессионального уровня работников МСП;
- оказание помощи в выходе МСП на новые рынки товаров и услуг. За последние 5 лет для частных предпринимателей были открыты такие сферы хозяйственной деятельности, как оказание почтовых услуг, телекоммуникация, энергоснабжение, осуществление технических экспертиз и выдача экспертных заключений;
- стимулирование экспортного потенциала МСП;
- создание благоприятных условий для образования новых предприятий.

Основной организацией государственного содействия МСП является Специальный фонд европейской программы реконструкции (СФЕПР), созданный 1 февраля 1950 г.

Важнейшими программами фонда являются:

- программа содействия вновь создаваемым МСП на основе долевого финансирования;

- программа 50-процентного (для старых федеральных земель) и 75-процентного (для новых федеральных земель) финансирования вновь создаваемых МСП;
- программа восстановления для частных производственных, ремесленных и торговых МСП (только в новых федеральных землях);
- программа совершенствования региональной экономической инфра-структуры;
- программа профессиональной подготовки кадров для МСП;
- программа экологии и энергосбережения для МСП;
- инновационная программа по инвестированию в НИОКР (финансируется до 50% общих затрат) и внедрению научных разработок в производство (финансируется до 50% общих затрат).

В Италии действует достаточно разветвленная система содействия малому и среднему предпринимательству. Главный координатор этой деятельности – Министерство промышленности Италии, которое работает в непосредственном контакте с Итальянской конфедерацией промышленников, объединяющей отраслевые и региональные организации. Значительную помощь оказывают региональные Торговые палаты, формирующие консорциумы с привлечением местных банков и финансовых структур [1, С. 44-45].

Следовательно, механизм оказания организационной и финансовой поддержки МСП в освоении новых технологий определяет основу законодательной базы. При этом предоставление безвозвратных ссуд и льготного кредитования предприятий осуществляется по следующим направлениям:

- приобретение высокотехнологического оборудования (т.н. инновационные системы);
- приобретение новых технологий в виде ноу-хау, прикладных программ и документации, обеспечивающих повышение производительности труда;
- создание консорциумов с целью оказания содействия и предоставления услуг входящим в них предприятиям;
- создание инновационных «плотных» предприятий [1, С. 44-45].

В Италии государственной поддержкой пользуются проекты, в которых большинство пайщиков или акционеров состоит из лиц в возрасте от 18 до 29 лет, проживающих по месту создаваемого предприятия. Содействие осуществляется в форме предоставления безвозвратных ссуд. Под действие закона не подпадают проекты расширения, модернизации, реконструкции существующих МСП.

Перечень стран, в которых малому и среднему бизнесу уделяется повышенное внимание, не ограничивается лишь промышленно развитыми государствами. Опыт, накопленный в этой сфере нашими ближайшими соседями – Польшей, Венгрией, Чехией, также заслуживает пристального изучения. Таким образом, развитие малого и среднего бизнеса служит локомотивом движения экономики во многих государствах мира [1, С. 44-45].

Во Франции годового оборот средств МП и СП составляет 60% от годового оборота всех предприятий. Больше половины малых и средних предприятий действует в сфере торговли, услуг и строительства.

Во Франции государственная политика в сфере поддержки малого и среднего предпринимательства имеет два основных направления [1, С. 44-45]:

- оказание содействия малым и средним предприятиям (стимулирование и прямая помощь);
- создание здоровой конкурентной среды.

Она осуществляется министерствами и государственными агентствами (или через их региональные представительства и подразделения) и ставит своей целью:

- уменьшение рисков при выдаче банковских кредитов малым и средним предприятиям путем предоставления гарантий и внедрения совместного финансирования;
- привлечение капитала на развитие предприятия, а также привлечение венчурного капитала.

Финансирование малого и среднего бизнеса во Франции начинается с выдачи займов на создание предприятия. Риск, связанный с их выдачей, полностью покрывается гарантийными фондами [1, С. 44-45].

В бюджете Франции на 2006 г. на государственную поддержку малого предпринимательства было предусмотрено выделение 3,68 млрд. франков.

Роль малого предпринимательства в экономике Италии чрезвычайно велика: в середине 90-х годов на его долю приходилось 99,7% общего числа промышленных предприятий, 74%



занятых в экономике, 60% стоимости произведенной промышленной продукции, 40% общего объема экспорта [1, С. 44-45].

Следует отметить, что Узбекистан перенял частично у Великобритании функции Организации по поддержке малого бизнеса. На основе них создан Фонд развития малого предпринимательства [1, С. 44-45]. Основной целью данного фонда является развитие, поддержание малого бизнеса и частного предпринимательства, а также создание благоприятной среды для его деятельности.

Таким образом, можно сделать вывод, что мировой опыт поддержки и развития предпринимательства в большей степени оказывает влияние на развитие малого бизнеса в нашей республике.

#### **Список литературы:**

1. Блинов А., Никитов А. Немалые трудности малого бизнеса // Российский экономический журнал. 2004. №2, С. 44-45.
2. Казыкеева Э.О. Проблемы невозврата кредитов и пути их решения // Экономическое обозрение. 2000, вып. 2, С. 62-64.
3. Mission Statement — The U.S. Small Business Administration.

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲА КОРХОНАЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

*Тураев А., ассистент*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириши ва ривожлантиришида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда солиқ имтиёзлари тақдим этилиши ҳамда солиқ муносабатларини оптималлаштиришига қаратилган фикр ва мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Солиқ, корхона, хизмат кўрсатиш, имтиёз, ставка, солиқ тизими, солиқ сиёсати.

**Аннотация.** В данной статье представлены взгляды и комментарии по предоставлению налоговых льгот предприятиям, работающим в сфере услуг, по совершенствованию и развитию налоговой политики в стране, а также по оптимизации налоговых отношений.

**Ключевые слова:** Налог, предприятие, услуга, льгота, ставка, налоговая система, налоговая политика.

**Abstract.** This article presents the views and comments on the provision of tax benefits to enterprises operating in the service sector, on improving and developing the tax policy in the country, as well as on optimizing tax relations.

**Keywords:** Tax, enterprise, service, privilege, rate, tax system, tax policy.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмининг таркибий қисми солиққа тортиш механизми ҳисобланади. Айнан ушбу солиққа торташ механизми орқали корхона иқтисодий фаолиятини шакллантириш, олиб бориш ўзига хос ўринни эгаллайди. Шу боис хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига солиқ имтиёзларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини баркарорликка эришишнинг энг муҳим омилларидан бири солиқ сиёсатининг туғри юритилиши бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида солиқ муносабатлари борасида ҳам баркарорликка эришиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Агарда солиқ имтиёзлари хизмат кўрсатиш корхоналари учун туғри ташкил этилса, бундай муносабатни юзага келтиришга боғлиқ меъёрий ҳужжатлар илмий асосланган бўлса, унда хизмат кўрсатиш корхонасини тўлиқ баркарорлашганлигидан далолат беради. Чунки ҳар қандай илмий асосланган меъёрий ҳужжатни амал қилиши корхоналарони молиявий баркарорлигига хизмат қилиши муқаррардир. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида амалиётга илм ва техниканинг янги ютуқларига асосланган инновацион аҳамиятга молик меъёрларни жорий этиш энг аввало солиқ солиш базасини аниқлаш, солиқ ставкасини иқтисодий чегарасини белгилаш, турли солиқ тўлов тизимини қўллаш натижасида хизмат кўрсатиш тизими корхоналарини фойдаси даромадининг баркарор ўсиши ҳам кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланиши мумкин бўлади.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблағлардан олинадиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизими қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иктисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадлари белгилаб берилди [1].

Бундай шароитда, бизнинг фикримизча, барча соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ҳам солиқ имтиёзларини худди шу йўналишларда такомиллаштириш уларни оптималлаштиришнинг муҳим замонавий йўналиши сифатида қаралмоғи лозим.

Солиқ имтиёзларини такомиллаштириш муаммосини оқилона ҳал этиш билан боғлиқ масалаларнинг биринчи гуруҳи уларнинг моҳияти ва ташкил этиш принципларига тегишли ҳисобланади.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятига бағишланган илмий қарашларни қиёсий таҳлили бизга куйидаги муҳим хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Умумий кесишув нукталари бўлишига қарамадан солиқ имтиёзларининг моҳиятини ифодаловчи мавжуд таърифлар, баъзи ҳолларда, бир-бирларидан шаклан ва мазмунан фарқ қилади.

2. Аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари «солиқнинг субъектига бошқа солиқ тўловчига нисбатан афзаллик тақдим этиш» [2] тарзида талқин этилади.

3. Солиқ имтиёзларини «солиқ тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти» [7] сифатида эътироф этиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

4. Айрим ўринларда «солиқ мажбуриятини қисқартиришнинг турли вариантлари»га [9] солиқ имтиёзлари сифатида қаралмоқда.

5. Баъзи ҳолатларда солиқ имтиёзлари «... ҳар қандай давлат иктисодий сиёсатининг инструменти» [4] сифатида умумий қурилишда эътироф этилмоқда.

6. Солиқ имтиёзларига «солиқ юкини енгиллаштириш», «солиқ тўловчи учун солиқ юкини бошқача тарзда юмшатиш» [3] каби қарашлар ҳам мавжуд.

7. «... солиқ мажбуриятини харажатларнинг маълум бир катъий суммасига нисбатан тўғридан тўғри қисқартирилиши»га [8] солиқ имтиёзлари деб қаралапти.

8. Солиқ имтиёзлари «... солиқлар бўйича турли хил енгилликлар» [5] сифатида эътироф этилапти ва х.к.

Солиқ имтиёзларининг моҳиятини ифодалашда, бизнинг назаримизда, унинг моҳиятини тўлиқ ифодаловчи ва кўпчилик томонидан эътироф этилган умумий таърифнинг йук эканлиги ушбу муаммога нисбатан солиқлар ва солиққа тортишга оид бўлган фанлар ривожланганлик даражасининг етарли эмаслиги билан белгиланади. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, солиқ имтиёзларининг ягона моҳиятини турлича талқин қилишга имконият очиб бериб, солиқ имтиёзларини такомиллаштириш масаласини оқилона ҳал этишни янада мураккаблаштиради.

Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига имтиёзли солиқларни қўллаш орқали, жамият хизмат кўрсатишининг ривожланишига, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилишини замонавийлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Солиқлар ёрдамида зарур ижтимоий масалалар ечилади. Аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари даромадлари тартибига солинади, кам таъминланган шахслар солиқ тўловларидан озод қилинади. Демографик сиёсат талабларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзлари ўрнатилади.

Чакана ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, ялпи даромад солиғидан муайян имтиёзларга эга. Пластик карточкалардан фойдаланиш билан боғлиқ имтиёзни мол-мулк солиғи ва товар (хизмат)лар нархларига ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Савдо корхоналарига бу борада имтиёзларнинг кўзда тутилиши уларда пластик карточкаларни жорий қилишга бўлган мойиллигини кучайтириши билан биргаликда, нақдсиз пул айланишини кўпайтиришга хизмат қилади. Бу борада солиққа тортиш тартибини

такомиллаштиришда ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётда синов ўтган илғор тажрибаларидан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарига нисбатан солиқ муносабатларини ривожлантириш борасидаги меъёрий тизимни қай даражада қўйилганлигидир. Бозор муносабатларини модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарида меъёрий тизимнинг йўлга қўйилганлиги солиқ тамойилларига амал этишнинг негизи бўлиб хисобланмоғи лозим. Агар меъёрий қиймат хизмат кўрсатиш соҳа корхоналари учун етарли даражада солиқ муносабатини, бюджет даромадларига солиқларни тўлиқ тушишини таъминлашга имконият яратиб берса, бундай солиқ меъёри оқилона солиқ муносабатини, енгил солиқ юқини амал қилишдан далолат беради. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида амалиётга илм ва техникани янги ютуқларига асосланган прогрессив солиқ меъёрлари жорий этиш натижасида хизмат кўрсатиш соҳа корхоналарининг фойдасини барқарор ўсиш ҳамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланади.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Мирзиёев Ш.М. - Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПҚ-4389-сонли Қарор. 2019 йил 10 июль.
2. Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. - м.: Экономика, 2007. - с. 23; Миляков Н.В. Налоги и налогообложение. Учебник. 7-изд., перераб. и доп. - м.: Инфра, 2008. - с. 33; Узбекистан Республикаси Солиқ кодекси. Расмий нашр. - Т.: «Адолат», 2010. - 25 б.
3. Алиев Б.Х., Абдулгалимов А.Ш. Теоретические основы налогообложения. Учеб. пособие / Под ред. проф. А.З. Дадашева. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - С. 89.
4. Бард З.С., Павлова Л.П. Налоги в условиях экономической интеграции. - М.: КНОРУС, 2004. - С. 23.
5. Жураев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. /Уқув кулланма. - Т.: ТМИ, 2004. - 83 б.; Яхёев К.А. Солиқ тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: 2003. - 247 б.
6. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиқ тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002. - 166 б.
7. Незамайкин В.Н., Юрзинова И. Налогообложение юридических и физических лиц. - М.: Экзамен, 2004. - С. 44.
8. Сычев Н.Г., Илѐин В.В., Крикунов А.В., Ермилов В.Г. Толковый словарь аудиторских, налоговых и бюджетных терминов. - М.: Финансы и статистика, 2003. - С. 103.
9. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. Учеб. пособие. - М.: Инфра-М, 2001. - С. 58.

### **СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ**

***Тураев А.А., ассистент,***

***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон***

***Аннотация.*** Ушбу мақолада солиқ тизими мамлакат иқтисодиёти ривожланишида модернизациянинг қанчалик таъсир этишини кўрсатиб беради.

***Калит сўзлар:*** Солиқ, солиқ тизими, иқтисодиёт, модернизация, корхона, имтиёз, солиқ сиёсати.

***Аннотация.*** В статье показано, как налоговая система влияет на развитие экономики страны через модернизацию.

***Ключевые слова:*** Налоги, налоговая система, экономика, модернизация, предприятие, льготы, налоговая политика.

***Abstract.*** This article shows how the tax system affects the development of the country's economy through modernization.

***Key words:*** Tax, tax system, economy, modernization, enterprise, privilege, tax policy.

Мамлакатимиз таракқиётини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури ишлаб чиқилди [1]. Шу асосда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги 29 июндаги 2018 йилдаги ПФ-5468-сонли Фармони қабул қилинди [2]. Ушбу концепциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унга мувофиқ, Ҳаракатлар стратегияси ва унда кўзда тутилган,

республикада солиқ юкини пасайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифалари тўлақонли амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш яъни модернизациялаш, концепцияни ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши айни муддао бўлди десак муболаға бўлмайди.

Хозирги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш ётади.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг мақсади – мамлакат иқтисодиётини янгилаш, илм - фан ютуқларини тадбиқ қилишни талаб қиладиган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

Иқтисодиётда солиқ муносабатларини такомиллаштириш модернизациялашнинг энг ёрқин кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу аввало, миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини беради. Шу боисдан ҳам солиқ муносабатларини оптималлаштириш ва бошқа иқтисодий категориялар билан уйғунлигини таъминлаш жуда муҳим масалалардан биридир.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларига хизмат қиладиган солиқларни тартибга солиш масалалари энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт-импорт салоҳиятини тартибга солиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этишга хизмат қилади. Ваҳоланки, сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга молиявий муносабатларни тартибга солиш орқалигина эришилади.

Модернизация замонавий жамиятда инглиз тилидан “замонавийлаштириш” деган маънони англатади.

П.Штомпка модернизациянинг турли кўринишларини кўрсатиб ўтади:

- биринчидан, модернизация – жамият олдинга силжиётган бир пайтда прогрессив ижтимоий ўзгаришлар йиғиндисидир;

- иккинчидан, модернизация – етакчи ривожланган соҳа ёки мамлакатга етишиш учун колоқ ёки орқада қолаётган жамиятларни етказишни назарда тутаяди.

- учинчидан, модернизация тушунчаси замонавий жамиятнинг маркази бўйлаб ҳаракат тушунилади [3].

Модернизация кенг маънода жамиятда янгиланиш ва ривожлантириш жараёнларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий модернизация меҳнат тақсимоти ўсиши, ишлаб чиқариш жиҳозлари самарадорлигининг ошиши, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришни ривожлантириш эвазига эришиладиган иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришни назарда тутаяди.

Модернизация товар-пул муносабатларини ривожлантириш, миллий ва трансмиллий бозорларни шакллантириш ва ривожлантириш, капитални айланишини таъминлашга мослашган иқтисодий шакл ва институтларни шакллантириш омилига айланди. Бунда мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан боғлашга хизмат қиладиган хорижий инвестициялар асосий рол ўйнайди.

Модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарамақарши ўлароқ «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, секуляриштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган

махсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Ҳукумат қарорлари билан алоҳида тақдим этиладиган имтиёزلарни қисқартириш ва унинг ўрнига маълум тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли солиқ кредити тарзидаги имтиёزلарни қўллаш зарур. Бунда биринчидан давлат бюджетига қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаб, ўз навбатида иқтисодиётдаги солиқ юкини пасайтириш имконини берса, иккинчи томондан соғлом рақобатни янада ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018-2020 йилларда солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаси давлат молиясининг қай даражада барқарорлигини кўрсатиб бера олди.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқларнинг ставкалари ҳам сезиларли даражада пасайтирилиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса солиқ тизимини модернизациялаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг янада ижобий томонга силжишига олиб келади деб айта оламиз.

Солиқ тизимини самарали такомиллаштиришда ҳозирги глобал иқтисодиётда кўпроқ маълумотларни алмашишда электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларнинг кўп вақтларини сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан бир қаторда уларнинг қўшимча харажатларини яъни маблағларини иқтисод қилишда жуда катта ёрмат бўлмоқда.

Ушбу автоматлаштирилган дастурлар ва усуллар орқали давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар интернетдаги “Шахсийкабинет”лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлиб келишмоқда. Бу эса қўшимча иш ва оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий мақсади – бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, очиқлиги ҳамда тақдим этилган электрон маълумотларни қайта ишлаб жўнатиш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ маъмурчилигини модернизациялаш ва ислоҳ қилишда солиқ-бюджет муносабатларини оптималлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг мустақил даромад топишларига, солиқ текширувларининг самарадорлигини оширишга, солиқ тўловчилар фаолиятига асосиз аралашув ва текширувларнинг олдини олишга, фаолият юримаган ҳисобот даврлари учун ноўрин қўшимча солиқ тўловларни мажбурий тарзда тўламасдан харажатларини янада камайтириш каби кўплаб имкониятларни яратиб бера олади деб ҳисоблаймиз.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
2. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн
3. Sztompka, P. (2015). Modernization as social becoming: 10 theses on modernization. In global modernization review: New Discoveries and Theories Revisited (pp. 25-31).

## **МЕХАНИЗМЫ ЭФФЕКТИВНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСТОРАНОВ**

***Зайналова К.Н., независимый соискатель,  
Самаркандский государственный университет, Узбекистан***

***Аннотация:*** В статье рассматриваются рыночные механизмы регулирования деятельности ресторанов, даются специфические особенности формирования их доходов, раскрываются такие показатели, как трудовой доход, производительность работников ресторана, результативность работы.

***Ключевые слова:*** механизм, оплата труда, доход, стимулирование, результативность, прибыль, эффективность, классификация доходов.

***Аннотация:***Мақолада ресторанларнинг фаолиятини тартибга солишнинг бозор механизмлари кўриб чиқилган, уларнинг даромадларини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган, меҳнат даромади, ресторан ходимларининг меҳнат унумдорлиги, иш самарадорлиги каби кўрсаткичлар ёритилган.

**Калим сўзлар:** механизм, иш ҳақи, даромад, рағбатлантириш, самарадорлик, фойда, самарадорлик, даромадларни таснифлаш.

**Abstract:** The article examines the market mechanisms for regulating the activities of restaurants, gives specific features of the formation of their income, discloses such indicators as labor income, productivity of restaurant workers, work efficiency.

**Key words:** mechanism, wages, income, incentives, efficiency, profit, efficiency, income classification.

Тенденции инновационного развития проявляются и в сфере услуг, в частности, в бурном расширении сферы качества ресторанного обслуживания. Степень развития сети ресторанов, как самостоятельно функционирующих хозяйственных субъектов, стала выступать признаком инновационного развития сферы услуг в целом. Рестораны, как одна из главных составляющих частей предприятий сферы услуг, участвуют в общей системе экономических отношений и подчиняются общим экономическим законам. Вместе с тем, функционирование ресторанов, в частности, формирование их доходов, характеризуется специфическими, присущими им особенностями.

Ресторан, как малый бизнес, наряду с другими предприятиями сферы туризма, может более эффективно развиваться при поддержке государства. В целях обеспечения эффективного и целенаправленного управления деятельностью ресторанов необходимо, в первую очередь, расширять их экономические возможности и создавать благоприятные условия для развития.

Рассмотрим систематизацию дохода ресторанов по основным классификационным признакам (см. табл. 1).

К особенностям, характеризующим содержание труда в ресторане, можно отнести то, что в нем преобладает доля ручного труда. Хотя этот субъект занимается реализацией готовых товаров, полуфабрикатов и производством, т.е. производством по заказу потребителей (посетителей), и несмотря на это, ресторан по уровню технической оснащенности значительно отстает от отраслей материального производства.

Категория труда, как выражение результативности целесообразной деятельности человека, с определенными ограничениями применима и к регулированию ресторанных услуг. В соответствии с ростом производительности услуги принято делить на три категории: инертные, прогрессивные и смешанные. К первой категории относятся услуги, которые по своей природе больше других сопротивляются попыткам повысить производительность.

Таблица 1

### Классификация видов дохода ресторанов

Признаки классификации дохода ресторана	Виды дохода по соответствующим признакам классификации
1. Характер отражения в учете	Экономический доход
2. Характер деятельности ресторана	Доход от обычной деятельности ресторанов Доход от чрезвычайных событий (напр., в условиях пандемии коронавируса, наводнений, землетрясений, проведения крупных спортивных мероприятий, при проведении научных форумов, международных встреч и пр.).
3. Основные виды хозяйственных операций ресторана	Доход от реализации собственной продукции Доход от внереализационных операций Доход от реализации покупных товаров
4. Основные виды деятельности ресторана	Доход от операционной деятельности Доход от инвестиционной деятельности Доход от финансовой деятельности

5. Состав формирующих элементов	Маржинальный доход Валовый доход
6. Услуги, оказываемые в каждом конкретном случае в рассматриваемый период, т.е. в период формирования тех или иных видов услуг	Доход предшествующего периода Доход отчетного периода Доход прогнозируемого (планового) периода (прогнозируемая (планируемая) прибыль)

К категории прогрессивных услуг относятся услуги с другого конца спектра. Они не обязательно требуют участия самого клиента, поскольку для данных услуг возможна замена трудовых затрат на капитальные, а, следовательно, часть работы, связанной с приготовлением пищи, может быть автоматизирована.

К категории смешанных услуг относятся услуги, которые имеют характеристики как первого, так и второго типа, включая торговую услугу. Самая важная особенность ресторанной услуги данной категории – необычайно высокий рост производительности и снижение издержек на ранних стадиях своего жизненного цикла. Рост производительности для этих услуг гасит сам себя, так как, чем больше изначальный рост производительности, тем быстрее можно ожидать его окончания.

- использование частных предпринимателей в качестве дилеров, дистрибьютеров и агентов АО и ООО;
- участие в ассоциациях различных предприятий, организаций и учреждений и т.д. как в стране, так и за рубежом.

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

*Мадаминжонов М.,*

*Банк-молия академияси тингловчиси, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Мақолада инвестицион лойиҳаларни кредитлашнинг АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлар банклари мисолида уларнинг кредит бериш кўрсаткичлари таҳлили келтирилган ва ҳозирги кунда такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** банк тизими, инвестицион кредит, инвестицион лойиҳа.

**Аннотация.** В статье анализируется эффективность кредитования инвестиционных проектов на примере банков развитых стран, таких как США и Германия, и делаются выводы о текущих улучшениях.

**Ключевые слова:** банковская система, инвестиционный кредит, инвестиционный проект.

**Abstract.** The article analyzes the effectiveness of lending to investment projects using the example of banks in developed countries such as the United States and Germany, and draws conclusions about current improvements.

**Key words:** banking system, investment credit, investment project.

Инвестицион кредитлар ҳажмини ошириш учун банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, депозит базасини кенгайтириш, иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш механизмини янада содалаштириш ҳамда уларга ажратилган кредитлар ҳажмини ошириш, авваламбор, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади [1].

ХВЖ хулосасига кўра, жаҳон ЯИМнинг ўсишида жамғармалар муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса, пировардида, инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан ҳиссасини оширишга ва иқтисодий ривожланишга ўз самарали таъсирини кўрсатади.


ХВЖ маълумотларига кўра, 2019 йил бошига ривожланаётган мамлакатлардаги жамғариш меъёри 33,0 %ни ташкил этган ва ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткич (22,0%)дан юқорилигини сақлаб қолган. Бу ҳолат Хитой мамлакати мисолида яққол намоён бўлади. Бу таҳлил қилинаётган АҚШ, Германия ва Россия мамлакатларига нисбатан 2018 йил ҳолатига 2 баробардан зиёдни ташкил этганлиги билан ажралиб туради. Бироқ, бугунги пандемия шароитида барча етакчи халқаро ташкилотлар 2020-2021 йилларда дунё иқтисодиётида сезиларли пасайиш юз беришини қайд этмоқда.

Инвестицион кредитлашнинг асосий капиталдаги улуши тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Унга кўра, Россияда жами асосий капиталга инвестициялар таркибида инвестицион кредитлар салмоғи 10,5 %ни ташкил этишини ва бу кўрсаткич Германиядагига нисбатан қарийб 5, АҚШдагига нисбатан 6, Буюк Британиядагига нисбатан 7,5 баробар ортда эканлигини кўрсатади.

Таҳлил кўрсаткичлари АҚШ ва Буюк Британияда сўнгги йилларда ушбу кўрсаткич фақат ижобий ўсиш суръатини қайд этиб бораётганлигини, яъни инвестицион кредитлаш амалиёти юқори ривожланиш жарёнида бўлиб, банкларнинг иқтисодиётни инвестициялашдаги фаол иштирокини кўрсатади.

Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2017 йилда – 22,3%, 2018 йилда – 31,2%, 2019 йилда эса – 46,5 %ни[2] ташкил этганлигини кўриш мумкин. Бу эса мамлакатимизда ривожланган мамлакатлардаги сингари инвестицион кредитлаш амалиёти сезиларли тарзда юксалиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Ривожланган давлатларда инвестицион кредитларга амалда бўлган талабнинг юқорилигидан, Россия Федерациясида эса аксинча эканлигидан далолат беради. Бунга яна инвестицион кредит бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги ҳам таъсир кўрсатишини қўшимча қилиш ўринлидир, зеро, фоиз ставкаси узоқ муддатли кредитлашнинг банк рисклари асосида шаклланади ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган қайта молиялаш ставкаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади.



**1-расм. “Сбербанк”, “JP Morgan”, “HSBC”, “Deutsche bank”ларида инвестицион кредитларнинг жами банк активларидаги улуши [3], %да**


1-расмдан кўринадики, “JP Morgan” ва “Deutsche bank” да жами активлар таркибида инвестицион кредитлар улуши ўсиб бориши, “HSBC”да сезиларсиз нотекис тенденция, “Сбербанк”да эса сезиларли даражадаги пасайиш қайд этилган. Россиянинг “Сбербанк”ида ушбу кўрсаткичнинг пасайиб бориши, асосан, кредит рискининг ва унга нисбатан бошқа турдаги тақдим этилган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръати юқорилиги билан баҳоланади. Қолаверса, мижозларнинг ушбу банкдан янада қулай бизнес ҳамкорликни тақлиф этувчи бошқа банкларга эътиборининг ортанлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган [4].

Ушбу кўрсаткич 2014 йилда “Сбербанк”да энг юқори – 20,85%ни ташкил этган ҳолда, таҳлил этилган сўнгги 5 йилликдаги ўртача миқдор 15,72 %га, “Deutsche bank”да – 2,8%, “JP Morgan”да – 12,18%, “HSBC”да бирмунча стабил бўлган – 20,49 %га тенг бўлган. Шунингдек, таҳлил даври мобайнида Россия “Сбербанк”ида инвестицион кредитлашнинг жами банк кредитлари таркибидаги улуши ҳам кетма-кет пасайиб борганлиги “Сбербанк” томонидан инвестицион кредитлаш сиёсатида туб бурилиш қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Европа давлатлари, жумладан, Германияда, Япония каби давлатларда инвестицион кредитлашни ривожлантириш мақсадида банклар негатив фоиз ставкада банк сиёсатини олиб боришга ҳам амал қилмоқдалар [5]. Бу эса, авваломбор, мамлакатда инфляциянинг 0,0% даражада (2020 йил август ойи ҳолатида ҳам) эканлиги билан бевосита боғлиқдир [6]. Бу кўрсаткич Испания, Италия (-0,5 %), Ирландия (-1,2%), Греция (-1,9%) каби давлатларда, Ерозонада (-0,8%) “0”дан кичик эканлигини ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.

Бундай шароитда Европа мамлакатлари банклари депозитга маблағ қўювчиларга фоиз тўловларини амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар. Хусусан, Германияда бугунги кунда корпоратив мижозлар учун қўйилмалар бўйича банкларнинг 58 %и, чакана мижозлар учун эса банкларнинг 23 %и негатив фоиз ставкаларини ўрнатишган. Хусусан, Европа Марказий банки депозитлар учун фоиз ставкасини -0,4 %дан -0,5 %гача туширди. Депозит бўйича бундай ҳолат Германияда 2014 йил июн ойидан бери давом этиб келмоқда. Натижада, бундай амалиёт кўпгина тортишувларга ҳам сабаб бўлмоқда [7].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, банкнинг жами кредитлари таркибида инвестицион кредитлар улушининг муттасил пасайиб бориши биргина “Сбербанк” амалиётида кузатилган. Унда ушбу кўрсаткичнинг сўнгги 5 йилликдаги ўртача миқдори – 21,37 %ни ташкил этган, бироқ, ушбу банкнинг бу даврдаги энг кичик мазкур кўрсаткичи ҳам “Deutsche bank”ниқдан (10,56%) 1,7 баробардан юқори бўлган. “JP Morgan”да бу улуш – 34,94% (энг юқори кўрсаткич 2018 йилда 46%), “HSBC”да энг юқори – 50,62 %ни (энг юқори кўрсаткич 2014 йилда 54,5%) ташкил этган (4.2-расм).



2-расм. “Сбербанк”, “JP Morgan”, “HSBC”, “Deutsche bank”ларда инвестицион кредитларнинг жами банк кредитларидаги улуши [3], %да

Ушбу банкларни ўзаро таққослашда шу аён бўладики, АҚШ, Буюк Британия ва Германия давлатларида инвестицион кредитлар катта талаб билан истеъмол қилинади ва бунга ушбу банкларнинг (айниқса, “HSBC” ва “JP Morgan”) жаҳондаги репутацияси юқорилиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Ушбу банклар, нафақат, ўз мамлакатида, балки, дунё миқёсида ҳам кенг кўламдаги инвестицион кредитлашни амалга оширадилар. Жумладан, “HSBC” узоқ муддатли ресурслар етарлиги сабабли Европа, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларидаги инвестиция лойиҳаларини ҳам фаол молиялаштириб келмоқда.

Қолаверса, Европа ва АҚШ банклари кредитни фақат барқарор валютада ва қулай фоиз ставкаларида тақдим этиши, ушбу валюталар инқирозининг жуда паст даражада эканлиги ва кредитлаш шартларининг соддалиги уларда инвестицион кредитлашдаги ўзига хос устунлик ва ривожланишни таъминлай олган. Бу ҳолатни Россиянинг энг йирик банки бўлган “Сбербанк”га нисбатан қабул қилиб бўлмайди. Чунки, мамлакатдаги макродаражадаги инвестицион муҳитнинг жозибадор эмаслиги, инвестицион кредитга талабнинг пастлиги, у бўйича узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги боис таклифларнинг пастлиги ҳамда юқори фоиз ставкалари бунга асосли равишда йўл бермайди. Қолаверса, банк пасивларининг кичиклиги, унинг халқаро молия ва инвестиция бозордаги иштирокининг саёз ва пасивлиги узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш, банк капитали ва инвестицион кредитлашни ривожлантириш имконини бермайди.

#### *Адабиётлар рўйхати:*

1. Камилова И.Х. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари инвестицион кредитларининг ролини ошириш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – № 4, июль-август, 2017. – Б.1.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томоидан ҳисобланди.
- 3.Сбербанк [ Электронный ресурс ] / ПАО Сбербанк. – Электрон. дан. – Россия, сор. 1999-2019. – URL: <https://www.sberbank.ru/ru/legal>, свободный. – яз. рус. – (01.04.2020); JPMorganChase&Co. [Электронный ресурс] / AnnualreportsJPMorganChase&Co. – Электрон. дан. – [США], сор. 2019. – <https://www.jpmorganchase.com/>,свободный. – яз. англ. – ( 01.04.2020); HSDCGroup [Электронный ресурс] / Annualreports; HSDCGroup. – Электрон. дан. – [Великобритания], сор. 2019. – <https://www.hsbc.com/>,свободный. – яз. англ. – ( 01.04.2020); DeutscheBundesbank [Электронный ресурс] / Statistics; DeutscheBundesbank. – Электрон. дан. – [Германия], сор. 2019. – URL<https://www.bundesbank.de/en> свободный. – яз. нем. – ( 01.04.2020).
4. Силантьев А. Э. Роль инвестиционного кредитования в РФ, США и ЕС // StudArctic forum. Выпуск 1 (13), 2019, DOI: [10.15393/j102.art.2019.3761](https://doi.org/10.15393/j102.art.2019.3761). // <http://saf.petrso.ru/journal/article.php?id=3761>
5. <https://propertinterest.com/procentnaya-stavka-v-germanii/>
6. <https://take-profit.org/statistics/inflation-rate/germany/>
7. <https://www.vedomosti.ru/finance/articles/2019/11/23/816772-a>



## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Нармурадов З.Н., магистр*

*Самарқанд Давлат университети, Ўзбекистон*

**Аннотация:** В статье описаны направления повышения эффективности и развития малого бизнеса за счет создания благоприятной бизнес-среды в Узбекистане в условиях пандемии.

**Ключевые слова:** пандемия, бизнес, субъекты малого бизнеса, бизнес-среда.

**Abstract:** The article describes the directions of increasing the efficiency and development of small business by creating a favorable business environment in Uzbekistan in the context of a pandemic.

**Key words:** pandemic, business, small business, business environment.

**Аннотация:** Мақолада пандемия шароитида Ўзбекистонда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш орқали кичик бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш йўналишлари ёритилган

**Калим сўзлар:** пандемия, бизнес, кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлик муҳити.

Жаҳон амалиётида давлатлар миллий иқтисодиётининг барқарор ривожланишида кичик бизнес субъектлари асосий ўрин эгаллаб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Eurostat ташкилотининг маълумотларига кўра, Италияда 3,7 млн., Францияда 2,9 млн., Испанияда 2,4 млн., Германияда 2,3 млн. ва Буюк Британияда 1,9 млн. та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатган. Ушбу соҳада Германияда 17,8 млн., Италияда 11,2 млн., Буюк Британияда 10,3 млн., Францияда 9,0 млн. ва Испанияда 8,0 млн аҳоли доимий иш билан банд бўлган [1]. Шу сабабли ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида барқарор ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорлик фаолияти имкониятларидан кенгрок фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Сабаби, мамлакат минтақаларида қамбағаллик даражасини пасайтириш, бандлик, ижтимоий ҳимоя, маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларга эркинликлар яратиш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи кучига айлантиришга қаратилгандир.

Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг тобора кенгайиши кичик бизнес субъектларининг рағбат асосидаги фаолиятини таъминлашга олиб келмоқдаки, деярли барча тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари йилдан-йилга микдор жиҳатидан ортиб бориши натижасида 2020 йилда мамлакат ЯИМ таркибида кичик бизнеснинг улуши 53,9 фоизни [2] ташкил қилди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш" каби бажарилиши устувор бўлган вазифалар белгиланган [3].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда жаҳонда давом этаётган пандемия шароитида, миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва преференциялар бериш, инфратузилмани янада ривожлантириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бу жараёнларда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.



Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кулай тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ва енгилликларни яратиш. Энг аввало, ҳар қандай муҳит ўз объектининг фаолияти учун эркинлик ва енгиллик яратишга қаратилган бўлади. Шу нуктаи назардан тадбиркорлик муҳити ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигини таъминлаш ва унга қатор енгилликлар яратади.

2. Тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш. Тадбиркорлик муҳити тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ошиб боришига хизмат қилиши лозим. Бунинг учун у тадбиркорларнинг харажатларини қисқартириб, уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларини оширишга таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларни қўллаб бориши зарур.

3. Тадбиркорлик муҳитининг бозор иқтисодиёти талаб ва қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш. Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим таркибий қисми экан, унга шарт-шароит яратувчи муҳит ҳам айнан мазкур тизим талаб ва қоидалари асосида шакллантирилган бўлиши лозим. Масалан, барча фаолият ёки хатти ҳаракатларнинг талаб ва таклиф, фойда ва зарар, рақобат каби механизмларга асосланиши муҳим қоидалардан биридир. Шубҳасиз, хўжалик амалиётида барча фаолият ёки хатти ҳаракатларга соф бозор тизими талаб ва қоидалари нуктаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Бироқ, бу ҳолат тадбиркорлик муҳити фаолиятини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш заруратини инкор этмайди.

Умуман, тадбиркорлик муҳитини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосавий фикрларни келтириш мумкин:

1) Қанчалик қулай тадбиркорлик муҳити мавжуд бўлса, шунчалик кўп тадбиркорлар шаклланади ва мавжуд тадбиркорлик муҳити ривожланади.

2) Агар ижтимоий муҳит тадбиркорлик фаолиятини муҳим деб ҳисобласа, тадбиркорлар учун турли қулай имкониятлар мавжуд бўлса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва бошқариш борасидаги етарли билим ва малакаларга инсонлар эга бўлса, инсонлар шунда ўзларини тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ўзларида куч топа оладилар.

3) Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнида турли ғовлар бўлмаса, давлатнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишига бевосита ва билвосита ижобий таъсири мавжуд бўлса, тадбиркорлик муҳити янада яхшиланади ва тадбиркорлик фаолияти ривожланади.

4) Тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришга кўпроқ ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти паст даражада ривожланганлиги, қулай муҳитнинг шаклланишига адоват билан ёндашув мавжудлиги боисидан эҳтиёж мавжуд бўлади. Чунки, кўплаб бюрократик қонунларга ва процедураларга амал қилиш, ўнлаб ташкилотларга ҳисобот топшириши, процедураларни амалга ошириш учун талай маблағ ва вақт йўқотади. Шу каби жиҳатлар тадбиркорларни тадбиркорлик фаолиятини бошлаш эҳтимоллигини пасайтирувчи хусусият ҳисобланади.

Умуман, мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг тадбиркорлик соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ривожини учун ҳозирга қадар мақсадли дастурлар асосида иш олиб борилиши натижасида қулай тадбиркорлик муҳити шаклланишига эришилди, дейиш мумкин. Айниқса, тадбиркорларимизга берилаётган турли солиқ имтиёзлари, рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши, ҳисоботлар топширишнинг соддалаштирилиши ва уларни бир жойга топшириш ташкил этилганлиги, экспорт операцияларини амалга оширишда давлатнинг турли имтиёзлар орқали кўмаклашуви, тадбиркорлар фаолиятини назоратдан ўтказиш муддатлари кескин узайтирилганлиги ва бошқалар мамлакатимизда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда ва давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити шаклланимоқда.

#### ***Адабиётлар рўйхати:***

1. Eurostat <http://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Malyj-i-srednij-biznes-v-stranah-Evropy>
2. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли Фармони 1-илоvasи.

## БАНК ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Мадаминжонов М.,*

*Банк-молия академияси тингловчиси, Тошкент, Ўзбекистон*

*Аннотация.* Мақолада инвестицион кредитларнинг аҳамияти, уни ташкил этиши йўналишлари, бу бўйича иқтисодчи олимлар фикрлари, инвестицион кредитларнинг хусусиятлари очиқ берилган.

**Калим сўзлар:** банк тизими, инвестицион кредит, инвестицион лойиҳа.

*Аннотация.* В статье описывается значение инвестиционного кредита, направления его организации, взгляды экономистов, особенности инвестиционного кредита.

**Ключевые слова:** банковская система, инвестиционный кредит, инвестиционный проект.

*Abstract.* The article describes the value of an investment loan, the direction of its organization, the views of economists, the features of an investment loan.

**Key words:** banking system, investment credit, investment project.

Тижорат банкларининг кредитлари иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, улар фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестиция лойиҳаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1].

Иқтисодиётни кредитлаш таркиби, кўламлари ва ўсиш суръатларини тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, инвестицион кредитлаш – бу тижорат банкининг қарз олувчи билан инвестицион кредитларни тақдим этиш бўйича ўзаро муносабатларнинг тўлиқ регламентини ташкил этувчи ҳужжатлаштириш, ташкилий-технологик, инфор­мацион-юридик ва молиявий жараёнларнинг ўзаро боғланган комплекси­дир [2].

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида биз мазкур атаманинг куйидаги иқтисодий мазмунда таърифланишини, ўринли деб ҳисоблаймиз: инвестицион кредитлаш – бу реал инвестициялаш объектларида корхона асосий ва айланма капитални шакллантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция ёки модернизация қилиш кабилар учун кредиторнинг қарз олувчига инвестицион кредитларни тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ахборот-технологик, консалтинг-техник, молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

“Инвестицион кредитлаш” тушунчасининг бундай таърифланишига сабаблар куйидагиларга асосланади:

- биринчидан, ҳар қандай инвестицион кредит инвестиция лойиҳасини амалга ошириш асосида моддий қийматликларни яратишга хизмат қилади. Бу эса унинг реал инвестициялаш ҳолатини келтириб чиқаради;

- иккинчидан, инвестиция лойиҳаси турли мақсадларга асосланса-да, аммо, реал инвестициялаш шароитида унга қилинган кўйилмалар зарур фаолиятни ташкил этиш учун талаб этилган асосий ва айланма капитални шакллантиришга қаратилади;

- учинчидан, аксарият ҳолларда, инвестиция лойиҳаларининг қопланиш муддати улар қиймати­га боғлиқ ҳолатда узок муддатни (3 йилдан ортиқ) ташкил этиши хусусиятига эгаллиги, бироқ, инвестицион кредитнинг лойиҳа қопланиш муддатидан ортиқ даврга тақдим этилиши самарасизлиги;

- тўртинчидан, инвестицион кредитлаш тамойилларида самарадорликнинг муҳим ўрин эгаллаши, чунки, самарадорлик ҳар қандай кўйилма ва харажатнинг мақсадлилигини таъминлашга хизмат қилади, пировардида, капитал қийматини сақлаб қолиш ёки янада ўстириш имконини таъминлайди;

- бешинчидан, кредитор ўзини турли рисклардан ҳимоялаш мақсадида “тухумни бир саватга жойламаслик” тамойилига амал қилиши;

- олтинчидан, ҳар бир инвестиция лойиҳаси келтирадиган фойда у томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни қондириш орқали истеъмолчилар манфаатларини таъминлашга бевосита боғланганлигига кўра бир вақтнинг ўзида ижтимоий самараларни ҳам ҳосил қилиши.

Эътиборли томони шундаки, бошқа турдаги кредитлардан фарқли равишда инвестицион кредитга хос бўлган алоҳида бир жиҳат мавжуд, яъни бундай кредитлашда қўйилмаларнинг қопланишининг манбаси сифатида айнан молиялаштирилган инвестиция лойиҳасининг ўзидан олинган даромадлар хизмат қилади. Масалан, корхона ишлаб чиқариш линияларини янада кенгайтириш мақсадида инвестицион кредит жалб этди. Бунда уни қоплаш манбаси бўлиб, инвестиция лойиҳаси ҳисобига ишга туширилган янги ишлаб чиқариш линиясидан олинган даромадлар ҳисобланади. Демак, таъкидлаш лозимки, инвестицион кредит айнан амалга оширилиши мақсад қилинган лойиҳанинг самарадорлигига мувофиқ тақдим этиладиган кредит ҳисобланади.

Бошқа турдаги кредитлаш фаолиятида янги ишга туширилган ишлаб чиқариш линияси даромадлиги пасайган шароитда бошқа ишлаб чиқариш линияларидан олинаётган даромадлар ҳам олинган кредитни қоплаш манбаси сифатида ҳисобга олинади ва қабул қилинади. Инвестицион кредитни тақдим этиш ўзига хос жараён бўлиб, у инвестицион кредитлаш асосида амалга оширилади. Бу ўзига хос мураккаб жараён бўлганлиги боис унинг моҳиятини очиб беришга оид кўплаб тадқиқотларга сабаб бўлган.

Банклар ўз фаолияти йўналишини тобора кенгайтириб бораётган ҳозирги замонавий шароитда инвестицион кредитлаш уларнинг инвестицион функцияси асосида амалга оширилади. Банклар инвестицион функциясини бажариш орқали ўзининг инвестиция фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. “Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолиятни олиб боришдан асосий мақсад банк даромадлиги ва ликвидлигини таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестиция сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигини таъминлаш учун қаратилган” [3].

Инвестицион кредитлаш жараёни унинг бир қатор хусусиятлари билан бошқа кредитлаш турларидан ажралиб туради. Хусусан:

- инвестиция лойиҳаси қийматига мувофиқ, инвестицион кредитлаш йирик, ҳатто, ўта йирик ҳажмдаги ресурсларни талаб этиши;

- инвестицион кредитлаш даврининг узоқ муддатли характерга эгалиги;

- йирик ҳажмли ва узоқ муддатли инвестицион кредитлашлар кўламининг банк активларининг рисклилиқ даражаси ошишига ва ликвидлик даражасининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкинлиги;

- инвестицион кредитлашда маблағларни қайтариш манбаси бўлиб лойиҳани амалга оширишдан олинган даромад ҳисобланиши, шу сабабли лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномаси банк томонидан жиддий ва пухта экспертизадан ўтказилиши;

- инвестицион кредитлашда оддий кредитлашга нисбатан рисклилиқ даражасининг юқорилиги ва шу сабабли ҳам унга қўйиладиган талабларнинг юқорилиги, жумладан, фоиз ставкасининг нисбатан юқори бўлиши;

- инвестицион кредитлашда рискларнинг лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи томонлар ўртасида тақсимланиши;

- инвестицион кредитлашда шитирокчи субъектларнинг кўплиги, жумладан, бир неча тижорат банкларининг ҳам қатнашиши мумкинлиги;

- инвестицион кредитлашда инновация лойиҳаларини молиялаш ҳам юзага келиши сабабли венчурли молиялаш хусусиятларини ҳам ўзида касб этиши;

- инвестицион кредитлашда банк ёки банклар (инвесторлар) гуруҳи иштирокида махсус лойиҳа командасининг ташкил этилиши ва лойиҳа ҳаётийлиги (кредитларнинг тўлиқ қайтарилиши) давомида фаолият кўрсатиши;- кредит шартномасини расмийлаштириш жараёнининг ўта жиддийлиги ва масъулиятлилиги;

- инвестицион кредитлаш билан техник, ахборот, маслаҳат ва бошқа хизматларнинг кўрсатилиши;

- лойиҳа мониторингининг турли босқич ва йўналишларда олиб борилиши.

Банк банк тизимининг асосий элементи эканлиги боис кўпгина иқтисодий адабиётларда

инвестицион кредитлаш тизимида унинг элементлари сифатида кредитлаш субъект (кредитор ва қарз олувчи) ва объектлари келтирилган ва шунга асосланган ўзаро алоқадорликни ёритишга эътибор қаратилган.

#### *Адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-тириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.
2. Банковские продукты и услуги: Инвестиционное кредитование. Учебное пособие. – М.: Евразийская научно-промышленная палата, 2019. – С. 31.
3. Abdullayev Yo., Qoraliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. Bank ishi. O‘quv qo‘llanma. – T.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – B. 218.

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ

*Эгамбердиева С. Молия кафедраси ассистенти  
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ўзбекистон*

**Аннотация:**Мақолада тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб қувватлашда банкларнинг роли “Микрокредитбанк” АТ банки Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали мисолида кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** тадбиркор, банк, инвестиция, кичик бизнес, депозит, кредит, чет эл валютаси, валюта.

**Аннотация:** В статье приведена роль банков в финансовой поддержке предпринимательства на примере Каракалпакского регионального филиала АКБ «Микрокредитбанк».

**Ключевые слова:** предприниматель, банк, инвестиции, малый бизнес, депозит, кредит, иностранная валюта, валюта.

**Abstract:**The article describes the role of banks in financial support of entrepreneurship on the example of the Karakalpak regional branch of the JSCB "Mikrokreditbank".

**Keywords:** entrepreneur, bank, investment, small business, deposit, loan, foreign currency, currency.

Бугунги кунда амалга ошириладиган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик таъминланмоқда. Айниқса, тижорат банкларига тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун зарур маблағлар тақдим этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда босқичма-босқич амалга ошириладиган иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш, ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакатимиз банк тизимининг самарали ишлашига боғлиқдир. Республикаимиз тижорат банклари томонидан депозит ва кредит жараёнларининг самарали амалга оширилиши мамлакат ва унинг ҳудудларида ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсишига эришишга, инвестицияларни кенг жалб этилишига, иқтисодий субъектлари фаоллигига ижобий таъсир этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга бевосита кўмаклашмоқда.


Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартда қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>1</sup> қарори асосида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда. Мамлакатимизда барқарор ижтимоий иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни бекиёсдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйишда, уларни молиявий томондан қўллаб қувватлашда “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг ўрни ва роли йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бунинг боиси Микрокредитбанкнинг асосий вазифаси кичик бизнес субъектларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш йўли билан аҳолини иш билан банд бўлишини таъминлашдан иборат. Хусусан, “Микрокредитбанк” Қорақалпоғистон бўлими ва филиаллари томонидан тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак беришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган.

<sup>1</sup><http://www.Lex.uz>

Айни пайтда “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкнинг Қорақалпоғистон Республикасида бешта филиали, битта мини-банк, иккита банк хизматлари маркази томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга сифатли банк хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.

### 1-диаграмма

**"Микрокредитбанк" КР Минтакавий филиали томонидан 2020 йил 5 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар тугрисида маълумот (млрд.сўмда)**



Манба: "Микрокредитбанк" КР Минтакавий филиали маълумотлари асосида

1-диаграмма маълумотларида кўриниб турганидек «Микрокредитбанк» Қорақалпоғистон Республикаси минтакавий филиали томонидан шу йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар ишларини ривожлантириш мақсадида 3829 та хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга жами 68,7 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитлар иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бўлган саноат ва ишлаб чиқаришга 6,2 млрд.сўм, транспорт ва алоқа хизматлари учун 3,8 млрд.сўм, қурилишга 35,3 млрд.сўм, умумий овқатланишга 3,9 млрд.сўм, аҳолига турмуш хизмат кўрсатиш йўналишига 5,4 млрд.сўм ва бошқа йўналишларга 14,1 млрд.сўм миқдорида тўғри келмоқда. Лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш ҳисобидан 2020 йил беш ой давомида янгидан жами 410 та янги ишчи ўринларияратилишига эришилди. Дастурлар асосида молиялаштириш учун 40,7 млрд. сўм булган 49 та лойиҳа ишлаб чиқилди, бундан 24 млрд. сўм лойиҳалар банк томонидан кредит асосида молиялаштирилди.<sup>1</sup>

Айтиб ўтилган соҳаларни молиялаштириш ҳисобидан 283 донга янги ишчи ўрни яратилади. Бугинги кунда жами миқдори 21,4 млрд.сўмга тенг булган 35 та лойиҳалар тўлиқ молиялаштирилиб, ишга туширилди ва шунинг ҳисобидан 186 та янги иш ўринлари яратилди. Ўтган 2020 йилни таҳлил қиладиган бўлсак, ишга туширилиши лозим бўлган 14 та хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳалар миқдори 16,5 млрд.сўм миқдорида бўлиб, кредитлар ўз вақтида ажратилиш йўли билан молиялаштирилиш ишлари тўлиқ назоратга олинди ва лойиҳалар ўз муддатида амалга оширилиши таъминланди. Шунинг ҳисобидан, 225 та янги ишчи ўринлари яратилди.Шу йил ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга солиштирилганда 13,5 млрд.сўмга кўп молиялаштириш эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3856-сонли қарорига асосан “Аҳолининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни етиштириш ва миқдорини ошириш чора тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан 51 та лойиҳага 2 676.5 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли қарорига асосан “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш” Фонди ҳисобидан 89 та лойиҳага 4 686.4 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилавий институтини мустаҳкамлаш соҳасини тубдан етиштириш тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонида асосан 48 та хотин қизларга 1 760.5 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-

<sup>1</sup>"Микрокредитбанк" КР Минтакавий филиали маълумотлари

5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 190 дона хунармандларга 5 969.2 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида ПҚ-3777-сонли қарори ва “Худудлардаги аҳолини тадбиркорликга кенгдан тортиш тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарорлари асосида<sup>1</sup> “Микрокредитбанк” АТБ Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан 990 та тадбиркорларга 26 556.7 млн.сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича, молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан кенг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича 2019 йил 13 август санасида Президентимиз томонидан ПФ-5780-сонли Фармони қабул қилинди. Бу дегани тадбиркор бўлишни хоҳлаган шахсга кенг йўл очилиши таъминланди. Яъни илгари тижорат банкларидан кредит олиш истагини билдирган тадбиркор таъминот масаласи бўйича бир канча муаммога дуч келар эди. Ушбу ҳужжатлар орқали тадбиркорлар масалага ечимини топди десак адашмаймиз.

Бугунги кунда тадбиркор ўз лойиҳасини амалга оширишда таъминот сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёнидаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фонди” томонидан 8 млрд.сўмгача бўлган кафиллигини олишга ва бундан ташқари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50% миқдоридан, яъни 8% гача ушбу Фонд орқали олган кредитининг ҳисобланган фоизларини компенсация сифатида қоплаб берилиши эътиборга олинган. Бу ҳам ўз навбатида тадбиркорларга катта имтиёз бўлиб хизмат кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш лозим, барча экспорт қилувчи корхоналарнинг мулкчилик формасидан қатъий ҳет эл валюта тушими мажбурий сотиш бекор қилинганлиги, миллий валютанинг ҳет эл валютасига курсни белгилашда бозор механизмларин яъни ҳет эл валютасига бўлган талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш амалиётининг жойлаштирилганлиги, юридик шахсларга товарлар импорти, кредитларни қайтариш, хизмат сафари ҳаражатлари ва бугунги кундаги халқаро ўтказмалар учун тижорат банкларда ҳет эл валютасини чекланмаган миқдорда сотиш олиш (конвертация қилиш) ҳуқуқи берилганлиги ушбу қарорларнинг қабул қилиниши валюта сиёсатин либераллаштириш бўйича ахамиятли кадам бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни банк амалиётида янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- оилавий яқка тадбиркорлик билан шуғилланишни истаган ва бунга ташаббус кўрсатишга тайёр бўлган оила аъзоларини аниқлаш;
- ушбу оила аъзоларини шахсий бизнесни амалга ошириш учун банк ёки бошқа ташкиллаштиришнинг қандай кумагига зарурлигини белгилаб олиш;
- тадбиркорликни ташкиллаштиришни истаган оила аъзоларини банкда микрокредит турлари, шартлари ва ажратиш механизмларин тушинтириш;
- оила аъзолари ўз тадбиркорлигини амалга ошириш бўйича микрокредит олиш учун ариза, бизнес-режа ҳамда таъминот ҳужжатларига банк ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш;
- худудий дастурларга киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш орқали ишга туширилишини таъминлаш;
- экспорт билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонини янада ошириш билан бир каторда давлат бюджетига ҳет эл валютаси тушимини кўпайтириш ишларини жадал ривожлантириш.

Юртимизда изчил давом этаётган иктисодий ислохатларнинг туб замирида одамларнинг фаравон ҳаёт кечиришини таъминлаш, аҳоли турмушини ҳар қачонгидан-да яхшилаш, мижозларга кенг имкониятлар яратишдек эзгу ният мужассамлашган. Бир сўз билан айтганда банклар истиқболи жамият фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ.

<sup>1</sup>[http. www.norma.uz](http://www.norma.uz) (17.11.2017 йилдагиПФ-5242, 02.02.2018 йилдагиПФ-5325, 27.06.2018 йилдагиПФ-5466, 26.04.2018 йилдагиПҚ-3680, 07.06.2018 йилдагиПҚ-3777, 14.07.2018 йилдагиПҚ-3856 13.08.2019 ПФ -5780 ва 07.03.2019 йилдагиПҚ-4231-сонгақаранг).

## БАНКЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Халилов Э., магистратура талабаси,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон  
Илмий рахбар Мусаев Р.М., и.ф.н., доцент  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Аннотация:* Ушбу мақолада, банк персонали томонидан кўрсатиб келинаётган хизматлар ва хизмат сифатини ривожлантириш масалалари ёритилган.

*Калим сўзлар:* банк, банк хизмати, банк персонали, самарали хизмат, меҳнат унумдорлиги.

*Аннотация:* В статье рассматриваются вопросы об услугах банковского персонала, его значение как движущейся силы деятельности банков, также рассматриваются вопросы касающиеся качества банковских услуг и их совершенствования.

*Ключевые слова:* банк, банковское обслуживание, банковский персонал, эффективное обслуживание, производительность труда.

*Abstract.* In a market economy, bank personnel is the main driver of banks. The article deals with the management of the banking staff in today's banking system.

*Key words:* bank, banking services, bank personnel, efficient service, labor productivity.

Банк муассасалари томонидан мижозларга сифатли хизматларни тақдим этиш. Унда банд бўлган ходимларнинг самарали хизмат кўрсатишининг асосий шартидир. Банк хизмати ўзига хос тизим бўлиб, турли ижтимоий-иқтисодий ютуқлар, самаралар, шунингдек муаммо ва вазиятлар билан боғланиб келади. Иш жараёнида кредит берувчи банк билан кредит олувчи мижозлар ўртасида маълум низолар ва қарама-қаршиликлар келиб чиқиши мумкин. Уларнинг оқилона, тўғри ечими банк хизмат тизимининг такомиллигига ва эгилувчанлигига боғлиқдир.

Шу маънода банк хизмат кўрсатишда, бизнингча, қуйидаги муаммолар мавжуд:

- Банкга мўлжалланган ижтимоий хизматлар мажмуаларини етарли даражада ривожланмаганлиги;
- Меҳнат бозорининг, аҳолини иш жойлари билан таъминловчи меҳнат биржаларининг бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада мувофиқлашмаганлиги;
- Банк хизмат кўрсатиш персоналини қайта тайёрлаш;
- Меҳнат унумдорлигини ўсиб боришини таъминлашга банк персонали томонидан кўрсатилган хизматлар етарли даражада мотивацияга эга бўлмаслиги;
- Банк хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган персонални ижтимоий химоя қилиш даражаси қўйилган талабларга жавоб бермаслиги;
- Ижтимоий химоя қилиш тизимининг мослашиш даражаси бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермаслиги.

Ушбу муаммоларни тўғри қабул қилиш ва уларни енгиб ўтиш ҳар қандай шароитда ҳам банк ходимлари томонидан мижозларга кўрсатилган хизмат ва хизмат турлари, уларни сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Турли мулкчилик шаклига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида банк хизматларини кўрсатиш доирасида меҳнат унумдорлигини ошириш, фаолиятини самарали бўлишини таъминлаш учун персоналга хизмат кўрсатиш, унинг яшаши, соғлиги ва иш қобилятини қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни қамраб оладиган, бозор талабларига мос келадиган бошқарувни ташкил этиш зарур. Бозор мунособатлари шароитида банкларда банд бўлган ва мижозларга хизмат кўрсатиш персонали муаммони давлат бюджети ва банклар даромадлари ҳисобига ҳал этиш лозим.

Банкларда банд бўлган персонал томонидан хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва киритаётган иқтисодий ютуқ кўрсаткичларида, фойданинг ўсиб боришида, ҳар бир персоналга қаратилган хизмат кўрсатишнинг қиймат даражаси ўсиб боришидан далолат беради.

Банкларда хизмат кўрсатувчи персонал фаолиятини амалга оширишда ижтимоий муҳитнинг яхшиланиши бошқарувнинг самарали ташкил этилишига боғлиқ. Ижтимоий химоя ва ижтимоий таъминот банк персонали учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Персонал ходимлари келажакда оладиган қариллик пенсиясининг миқдори банк хизматларини кўрсатиш эвазига олаётган бугунги ойлик иш ҳақларининг камида 75 фоизи даражасида бўлишини аңгласалар уларнинг меҳнат фаолияти янада самарали бўлиши мумкин.



Банкларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда уларда шаклланган ижтимоий химояланган муҳит катта аҳамиятга эга бўлади.

Аввало ходимларнинг соғлигига, уларга қаратилган маиший хизматлар сифатига, дам олиш вақтларини ўтказиш учун яратилган шароитларга, соғликларнинг профилактика қилиш чора-тадбирларга, ишдан ташқари бўш вақтларида хордиқ олишлари учун зарурий шароитлар бўлишига, меҳнат

Турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш шароитида иқтисодий субъектлар ўртасида юзага келадиган молиявий ва меҳнат мунособатларини такомиллаштириш зарур. Банк муассасаларида хизмат кўрсатиш тизимини бозор талаблари даражасида ривожлантириш, айрим мавжуд бўлган ижтимоий муаммоларни, яъни хизмат кўрсатиш персонални бошқаришдаги камчиликларни бартараф қилиш, малакали ва лаёқатли персонални иш билан таъминлаш, ижтимоий химоя чора-тадбирларни етарли даражада амалга ошириш ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни яхшилашга бошқариш учун, қуйиғиларга, яъни:

- Банкларни хизмат кўрсатиш фаолиятини самарали олиб бориш учун етарли даражада ижтимоий-маданий шарт-шароитларни яратиш;

- Меҳнат биржаси фаолиятини такомиллаштиришда банкларда мавжуд бўлган меҳнат ихтисосликлари бўйича вакант жойларни ўз вақтида аниқлаб бориш;

- Банкларда хизмат кўрсатиш персоналнинг ортиқчасини уларнинг мутахассисликлардан келиб чиқиб бозор талаблари асосида янги йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш;

- Бозор иқтисодиётининг талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда меҳнатни мотивациялаштириш;

- Банк персонали ходимларининг ижтимоий химоясини кучайтириш ишларига катта эътибор бериш лозим.

Банк ходимлари томонидан банк мижозларига тақдим этилган хизмат сифати турларини оқилона бошқариш аввало банк ходимларини билим даражаси, кўрсатилаётган хизмат турлари доирасида амалий кўникмаларга эга булиши билан ҳам боғлиқдир.

Банкларда хизмат кўрсатувчи ходимларни ижтимоий химоя қилиш, меҳнат қилиш самарадорлигини ўсиб бориши учун зарур бўлган ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилиши зарур.

Банк персоналини ижтимоий муҳофаза қилиш қўймдаги шартларни, яъни:

- Банк персоналини хизмат кўрсатиш қобилиятлари хизмат кўрсатиш жараёнга мувофиқлашувини;

- Бир иш жойида узоқ муддатда ишлаганлигини;

- Ходимларнинг интеллектуал билим даражасини;

- Меҳнат фаолиятида иштирок этиш даражасини аниқлаш умумий даражасини аниқлаш умумий ягона мезонга асосланишини эътиборга олиш лозим.

Бошқарув ташкил этилиши нақадар юқори талабаларга жавоб берса, персонал ходимларида меҳнатга бўлган мотивация (сабабият) ошиб боради. Ўз навбатида бошқарув тизим шаклини қабул қила бошлайди.

Иқтисодиёт бу ўзига хос меҳнат, ишлаб чиқариш, савдо ва шу қабиларга оид соҳа бўлиб, шу билан бирга умумлашган тақдирда маълум ташкилий тизимга асосланган хўжалик юритиш шаклидир. Кенг маънода иқтисодиёт ишлаб чиқаришни қамраб олиб, унда яратилаётган моддий бойликлар аҳолининг ва шу жумладан, маълум даражада ишлаб чиқариш персонал турмушини яхшилашга сарфланади. Ишлаб чиқариш персонали, ўз навбатида, мавжуд хом ашё, ишлаб чиқариш воситалари орқали жамият фаровонлигига таъсир этиб, жамият аъзолари истеъмол қилишлари учун зарур бўлган турли товарларни ишлаб чиқаришни таъминлайди.



## БАНК ХИЗМАТИНИ ОШИРИШДА БАНК ПЕРСОНАЛ ХОДИМЛАРИНИ ХИМОЯЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ

*Халилов Э., магистратура талабаси,  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон  
Илмий раҳбар Мусаев Р.М., и.ф.н., доцент  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу мақола банк хизматларини самарали ташкил этиши, банк персонални сифатли хизмат кўрсатганлиги учун рағбатлантириши, банк хизмат сиёсатини ривожлантириши масалалари атрофида ёритилган ва таклиф, тавсиялар берилган.

**Калим сўзлари:** банк, банк хизмати, персонал, банк хизмат сиёсати, банк ходимларини бошқариши.

**Аннотация:** В статье подробно освещены вопросы эффективной организации банковского обслуживания, стимулирования персонала банка за качественное обслуживание, разработки политики банковского обслуживания, а также даны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** банк, банковское обслуживание, персонал, политика банковского обслуживания, управление персоналом банка.

**Abstract:** The article covers in detail the issues of effective organization of banking services, incentives for bank personnel for high-quality service, development of a banking service policy, as well as suggestions and recommendations.

**Key words:** bank, banking services, personnel, banking policy, bank personnel management.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк ходимлари томонидан эътиборга олган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш фақат давлат аралашуви асосида амалга оширилиши мумкин. Чунки бозор эркин рақобатга асосланган, шунинг учун ҳам давлат турли мулк шаклларида асосланган ишлаб чиқариш жараёнларига аралашмаган ҳолда, қабул қилинган қонунлар орқали ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ яратилган моддий бойликларни қайта тақсимлашни амалга оширади.

Иқтисодиётда қўлга киритилган ютуқлардан самарали фойдаланиб, аҳолини, шу жумладан банк муассасаларида хизмат кўрсатаётган персонални ижтимоий ҳимоя қилиш учун давлат дастурий чора-тадбирларни амалга оширади. Шу маънода бозор шароитида давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя қилишни асосий иқтисодий кўрсаткичларидан бири деб қараш мақсадга мувофиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида А.Смит таъбири билан айтганда инсон фаолияти унинг манфаатдорлик даражасига боғлиқ. Киши ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун ҳаракат қилади, натижада ўзининг ва, шу жумладан аҳолининг моддий манфаатдорлигини таъминлайди. Кембридж университетининг профессори Альфред Маршалл ўзининг “Иқтисодий фан шартлари” (1890) асарида ишчи кучларини иш билан таъминланишини талаб ва таклиф асосида мувофиқлаштириш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берган. У талаб ва таклиф мувозанатини қуйидагича ифодалаган: “Талаб ва таклиф мўътадил мувофиқликда бўлганда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланади, мўътадил ҳолат бузилса, тезлик билан бундай ҳолат эски шаклига қайтади”<sup>1</sup>, деган эди. Бозор иқтисодиёти назариясига катта ҳисса қўшган Дж.Кейнс “Марказлашган ҳолдаги назорат тўлиқ иш билан таъминлаш учун зарур, бунда ҳукумат ўз вазифаларини бир мунча кенгайтиради”<sup>2</sup> деб ёзади. Унинг фикрича, ҳукумат назорати устувор бўлиши лозим.

Тижорат банклари талабидан келиб чиқиб давлат фискал сиёсатининг асосий услуги бўлиб, малакали мутахассисларни иш жойлари билан таъминлаш ҳисобланади. Фискал сиёсат орқали давлат малакали мутахассисларни ишлаб чиқариш ўринлари билан таъминлаб, уларнинг бандлигини кўпайтириши мумкин.

Банк хизмат сиёсатини асосий омили унинг персонал хисобланиб, тадбиркорлик самарадорлигини таъминлайди. Банкда хизмат кўрсатувчи персоналнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳаракатлари давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида назорат қилинади. Акс ҳолда бозор мунособатларини такомиллаштиришда, рақобат муҳити шаклланишда салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Бозор мунособатлари шароитида банк ходимлари бошқариш талаб ва таклиф асосида амалиётга оширилаётган бўлса-да, иқтисодиётнинг нодавлат секторида персонал бошқаруви етарли даражада ривожланмаган. Нодавлат секторларининг турли корпоратив корхоналар

шаклларида ривожланиши хусусий банклар, тижорат банклари, фонд биржалари, бўлинмас мулк биржалари, товар хом ашё биржалари, инвестиция фондлари ва меҳнат биржаларининг фаолияти билан боғлиқ. Нодавлат секторининг ривожланиб боришига қарамай бозор инфратузилмаларининг шаклланиши янги ташкил топаётган турли шаклдаги банклар персонали бошқаруви даражаси, давлат ва йирик ишлаб чиқариш субъектлари иқтисодиёти билан ҳам боғлиқ бўлса-да, уларнинг бошқаруви қўйилган талабларга етарли даражада жавоб бермайди.

Банк ходимлари фаолиятини улар хизмати доирасида бошқаруви даражаси, унинг самарадорлиги иқтисодий эркин рақобатга боғлиқ бўлиб, монопол сиёсатга қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқдир. Банк персонали фаолиятининг самарадорлик даражаси монополистик сиёсатни олдини олишга боғлиқ. Ишлаб чиқариш воситаларига, технологияларига ва турли ижтимоий ва иқтисодий маълумотларга бўлган монополия ҳам персонал бошқарувини самарали ташкил этишга салбий таъсир этади. Банк персоналининг турли интеллектуал ва тадбиркорлик қобилиятлари юқори даражада бўлиши уларнинг олиб бораётган фаолияти ноёб эканлигини ифодалайди.

Тижорат банкларида хизмат кўрсатиш персоналининг чекланган холда бўлиши бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири ҳисобланади. Банкларнинг хизмат қилиш фаолиятларида чекланган персонал қуйидаги қонуниятларга эътибор беришни талаб этади. Жумладан, персонални бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан холда банк фаолиятининг асосий омилларидан бири сифатида баҳолаш зарур. Персонални хизмат кўрсатиш жараёнининг асосий омили сифатида баҳолашда банк ҳолатидан келиб чиқиш керак. Банк фаолияти самарадорлиги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар даражасига ва персонал миқдорига боғлиқ бўлади. Персонал ходимлари сонининг ўсиб бориши банк самарадорлигини пасайишига олиб келади. Банкнинг самарадорлик даражаси ўсиши нафақат хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, балки моддий ва меҳнат ресурслари харажатларини камайтириш даражасига ҳам боғлиқдир. Банк муассасаларининг хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ресурслардан, персоналдан фойдаланишини бошқарувни такомиллаштириб бориш асосида таъминлаш мумкин.

## **БАНКЛАРНИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ДАРОМАДЛАРГА ТАЪСИРИ**

*Расулов З.Ж., и.ф.н., доцент,*

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Ўзбекистон*

*Фарходов Э.К., магистратура талабаси,*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Аннотация:* Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан хўжалик субъектлари кредит бериш орқали улар молиявий натижаларини ошириш, кредит рискларини пасайтириш, банк операцияларидан кўриладиган даромадларни оқилона ошириш масалалари ўз аксини топган, унда шунингдек муалиф таклифлари баён этилган.

*Калит сўзлар:* кредит операциялари, риск, даромад, кредит сиёсати, мижоз.

Автоматизация роботизированных процессов (RPA) – это бизнес и технология, заключающаяся в автоматизации роботизируемых задач. RPA предполагает настройку программных роботов для компании, которые впоследствии будут выступать пользователями IT-приложений, что позволит автоматизировать повторяющиеся, хорошо структурированные большие объемы канцелярских задач, решение которых возможно с использованием существующих IT-систем.

В экономически развитых странах спрос на роботизацию бизнес-процессов чрезвычайно высок. Многие передовые организации уже не могут назвать себя «пионерами», поскольку их примеру последовали уже многие. Согласно исследованию Deloitte 2020 года, спрос на RPA растет: из опрошенных ими респондентов только 13 % используют традиционные программные инструменты, в то время как 78 % уже внедрили RPA автоматизации – четкий сигнал, что RPA стало нормой для бизнеса.

Как видно из исследования, организации, которые пока не инвестируют в роботизацию, остались в меньшинстве. При этом двум третям участников опроса было намного легче перенести последствия пандемии COVID-19, что касается одной трети респондентов, то они по крайней мере начали инвестирование в эту область.

Респонденты, принявшие участие в опросе Deloitte, ожидают, что на протяжении следующих 3 лет им придется переобучить 34 % своих сотрудников, поскольку их роль в достаточной степени изменилась в результате роботизации. Переподготовка будет стоить того, так как автоматизация создаст конкурентные преимущества для организаций, желающих адаптироваться в «пост-ковидном» мире [1].

Сегодня активные сферы, где внедряются технологии RPA на предприятиях – это call-центры и контакт-центры. Автоматизированные системы обслуживания клиентов могут сортировать запросы и предлагать первоначальные ответы клиентам. Автоматическая система может разделять запросы на различные категории и сортировать их по отделам для быстрого решения.

Согласно исследованиям IT-корпорации Towards Data Science, от 70 % до 80 % процессов, основанных на правилах, можно автоматизировать, и рекомендуется начать с обслуживания клиентов. Автоматизированным программным системам (в том числе управляемым RPA) не нужен отдых, и они идеально служат опорой сервисов в режиме 24/7.

Помимо этого, RPA можно подключить к обработке финансовой документации, платежных ведомостей; к хранению и обработке кадровой информации и информации о клиенте и др.

RPA приносит наибольшую пользу в функциях, где можно упростить операции, которые полагаются на рутинную или канцелярскую деятельность, и где можно быстро добиться результатов, без сложного перепроектирования существующих систем.

Однако одно только RPA вряд ли будет лучшим ответом там, где:

- нужно автоматизировать поток работы по ряду отдельных задач;
- одна или несколько задач или процессов требуют специальных знаний для выполнения и экспертизы;

- выполнение задачи предполагает принятие решений в соответствии со сложными многоэтапными бизнес-правилами;

- где запросы данных и ответы должны выполняться с высокой производительностью (требующей пропускной способности более нескольких запросов в секунду)

Процессы, которые могут быть роботизированы, выделяются в соответствии с критериями:

- Алгоритмируемость;



- Трудозатратность;
- Регулярность;
- Затрагиваются несколько систем.

Для мониторинга эффективности банк использует 30 метрик, разделенных на группы:

- Количественные (ориентированы на количество и частоту совершаемых операций);
- Качественные (доля операций, обработанных роботами самостоятельно);
- Скоростные (сравнение с альтернативными методами обработки информации);
- Стоимостные (сравнение стоимости цифровой рабочей силы с сотрудниками, загрузка лицензий);
- Окупаемость (выполнение норматива окупаемости затрат).

В случае возникновения исключительных ситуаций, либо когда требуется принятие «нечеткого» решения, робот не имеет возможности продолжить работу. Это приводит к задержкам в работе и дорогостоящему вмешательству специалистов. Чтобы избежать такой ситуации, создается специальный цифровой интерфейс, в котором пользователь решает возникшую проблему онлайн удаленно, и робот продолжает работу в штатном режиме (см. рисунок 1).




Рисунок 1 – Схема удаленного решения проблемы специалистом  
Источник: собственная разработка

Однако есть и другие сложности введения роботизации:

- Непонимание возможностей и выгод со стороны заказчиков;
- Страхи пользователей;
- Дефицит специалистов RPA на рынке труда;
- Внедрение RPA в целевую архитектуру;
- Специфика сопровождения RPA.

Также стоит отметить непонимание подобных нововведений частью населения. Отсюда могут возникнуть ситуации, когда клиенты начинают разговор с роботом, как с живым человеком, объясняя ему проблему сложносочиненными предложениями, а робот не может понять, какой вопрос интересует клиента.

Заметим, что с максимальной точностью определить эффективность внедряемой роботизации достаточно сложно, поэтому в нашем случае мы обратились к материалам онлайн конференции «FUTURE FINTECH & BANKING, проходившая 28-30 апреля 2021 года, на которой среди прочих принимала участие финтех компания KVINT – компания, создавшая робота, речь которого невозможно отличить от речи живого оператора, а также компания SNDL Lab – ведущая исследовательская группа Департамента анализа данных и машинного обучения Финансового университета РФ. Эта группа специализируется на исследовании и разработке в области семантического анализа, анализа крупных сетевых структур, диалоговых систем и анализа текста [3].

Для подтверждения того, что роботизация повышает эффективность бизнес-процессов, SNDLLab были проведены два кейса: холодные продажи и анкетирование клиентов по качеству оказанных услуг. Результаты кейсов представлены в таблице 1.



Таблица 1 – Результаты кейсов SNDLLab

Сегмент	Человек	Робот
Банк (холодные продажи), % выдачи продукта	1,13%	1,19%
Ритейл (NPS/CSI)	24%	46%

Источник: собственная разработка на основе данных онлайн конференции [3]

Результаты исследования, приведенные в таблице 3.3, свидетельствуют о том, что холодные продажи заканчивались продажей в большем количестве случаев, когда продавал робот, а не живой продавец. Результаты второго кейса – анкетирование по качеству оказанных услуг – показало, что работой робота при продаже было довольно большее количество людей, что отразилось в более высоких оценках индексов CSI и NPS

При описании своего робота компания KVINT утверждает, что 1 разработанный ими робот может одновременно обрабатывать 1000 звонков и более, 1 робот делает до 1 миллиона звонков в день и 1 робот сокращает затраты колл-центра в 2-4 раза [3].

Такого робота можно использовать во многих направлениях деятельности, например при анкетировании клиентов, предоставлении горячих предложений, предоставлении справочной информации, напоминании о необходимости оплаты услуг, информирование о задолженности, Идентификация клиента (по номеру паспорта, ключевому слову, ФИО, номеру договора), контроль качества обслуживания, HR-помощник.

В белорусских банках уже начато введение RPA. Например, в «Приорбанк» ОАО RPA существует в лице виртуального консультанта (сокращенно ВиК). Он приветствует клиентов, представляется и интересуется, чем может помочь, после чего перенаправляет к тому специалисту контакт-центра, который лучше всего сможет проконсультировать по конкретному вопросу. На данный момент эта технология сырая и нуждается во доработке.

Однако это не все возможности RPA, которые можно внедрить в белорусских банках. В рамках дальнейшей роботизации можно предложить внедрение роботов в осуществление холодных звонков, для напоминания уже существующим клиентам о том, что у них заканчивается срок действия карты или (для пенсионеров) пенсионного договора, напоминания о том, что заканчивается срок депозита.

Для того, чтобы оценить экономический эффект от введения технологии наподобие KVINT, предлагается ознакомиться с данными, предоставленными самой платформой KVINT.Ю изложенной в таблице 2.

Таблица 2 – Экономический эффект от введения робота

ДО ВВЕДЕНИЯ		ПОСЛЕ ВВЕДЕНИЯ	
Стоимость оператора		Экономический эффект от внедрения Бота	
ФОТ в месяц (ЗП+налоги+рабочее место)	1703	Количество звонков в день, обрабатываемых ботом	500
ФОТ в день (ЗП+налоги+рабочее место)	77	Среднее время звонка бота	2
Полезное время оператора	65 %	Стоимость 1 минуты звонка Бота, руб.	0,14
Полезное время оператора в день, мин.	312	Количество минут в день	1000
Стоимость 1 минуты оператора в день, руб.	0,25	Количество минут в месяц	30000
Затраты колл-центра		Стоимость звонка в день, руб.	140
Количество звонков в день	500	Стоимость звонка в месяц, руб.	4200
Количество звонков в месяц	11000	Стоимость звонка в год, руб.	50400
Среднее время звонка, мин.	3		
Количество минут в день	1500		

Количество минут в месяц	45000	
Стоимость звонков в день, руб.	372	
Стоимость звонков в месяц, руб.	11160	
Текущая стоимость звонков в год, руб.	133920	
<b>ЭКОНОМИЯ В ГОД, руб.</b>		<b>83520</b>

Источник: собственная разработка на основе [4]

Таким образом, если робот и человек будут совершать одинаковое количество звонков в день, стоимость 1 минуты звонка бота меньше стоимости 1 минуты звонка человека в более чем 1,5 раза. Из таблицы также видно, как экономия времени, которое тратится на сам звонок, влияет на стоимость звонков в год. Эти два фактора в конечном счете приводят к тому, что в год, используя бота вместо человека, работодатель значительно экономит.

Наглядная экономия в год при использовании робота представлена на рисунка 2.




Рисунок 2 – Экономический эффект от введения робота

Источник: собственная разработка на основе [4]

Осуществляя такие нововведения, необходимо сохранять принцип банковской тайны, то есть робот должен анализировать речь конкретного клиента, которому он совершает звонок, чтобы не сообщить информацию третьему лицу.

Таким образом, технология роботизированной автоматизации процессов полезна для многих отраслей. Роботизированная автоматизация процессов быстро становится высокоэффективным способом оказания услуг в банковских и финансовых учреждениях, поддержкой их инициативы по цифровой трансформации. Роботизированная автоматизация процессов помогает снизить частоту ошибок снизить затраты на рабочую силу и повысить точность и эффективность, которая приведет к значительному росту банковского сектора. Роботизированная автоматизация процессов уже вводится во многих банках мира. Отсюда можно сделать вывод, что RPA является развивающимся инструментом в банковском секторе [5].

При введении подобного рода роботизации в коммерческом банке, трудозатратность банковских операций снизится, что в последствии приведет к высвобождению людских ресурсов, оптимизируя расходы и позволяя повысить прибыльность деятельности, что приведет к значительному росту рентабельности банковской деятельности.

#### Список литературы:

1. You've Decided to Adopt RPA. NowWhat? – CFO [Электронный ресурс] – Режим доступа: <https://www.cfo.com/technology/2021/04/youve-decided-to-adopt-rpa-now-what/>. – Дата доступа: 19.05.2021.

2. ROBOTIC PROCESS AUTOMATION: CHALLENGES AND SOLUTIONS FOR THE BANKING SECTOR [Электронный ресурс] – Режим доступа: <https://poseidon01.ssrn.com/delivery.php?ID=335074111074014066097099126088100073109017024072035030106076016111120085009067094107037033035060058099112004015109024096126097062066043049061127118120002091106013067086029023124123088098081113065110096016080021026106122115084094069030114004030117009091&EXT=pdf&INDEX=TRUE>. – Дата доступа: 19.05.2021.
3. Материалы онлайн конференции «FUTUREFINTECH&BANKINGonlineconf», 28-30 апреля 2021.
4. KVINT – Голосовой оператор на телефон [Электронный ресурс] – Режим доступа: [http://itm.ranepa.ru/doc/conf2019/Nazarkin\\_A\\_Kvint\\_Virtualnii\\_golosovoi\\_operator.pdf](http://itm.ranepa.ru/doc/conf2019/Nazarkin_A_Kvint_Virtualnii_golosovoi_operator.pdf). – Дата доступа: 19.05.2021.
5. Vijai, C., et al. “The Future of Robotic Process Automation (RPA) in the Banking Sector for Better Customer Experience.” ShanlaxInternationalJournalofCommerce, vol. 8, no. 2, 2020, pp. 61–65.

## АКТУАЛИЗАЦИЯ СКОРИНГОВЫХ СИСТЕМ В СОВРЕМЕННЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ

*Абдуллаев Н.А, докторант Академии государственного управления  
при Президенте Республики Узбекистан, Узбекистан*

**Аннотация:** Тезисы посвящены вопросам актуализации одной из важнейших средств управления рисками – кредитных скоринговых систем, которые в наши дни превратились в составную часть системы банковского менеджмента. Предлагаются основополагающие положения, которые констатируют необходимости совершенствования механизмов применения и дальнейшей инновационной разработки новых моделей.

**Ключевые слова:** скоринг, скоринговые модели, банковский менеджмент, кредитная скоринговая модель, управление рисками.

**Аннотация:** Тезислар, бугунги кунда банк менеджменти тизимининг таркибий қисмига айланган, хавфлар бошқарувининг муҳим воситаларидан бири – кредит скоринг тизимининг долзарблигига бағишланган. Унинг қўллаш механизмларини такомиллаштириш ва янги моделларнинг инновацион ишлаб чиқариш заруратининг асосий йўналишлари тақдим этилган.

**Ключевые слова:** скоринг, скоринг моделлари, банк менеджменти, кредит скоринг модели, хавфларни бошқариш.

**Abstract:** Theses are devoted to the issues of actualization of one of the most important means of risk management - credit scoring systems, which these days have become an integral part of the bank management system. The fundamental provisions are offered, which state the need to improve the mechanisms of application and further innovative development of new models.

**Keywords:** scoring, scoring models, bank management, credit scoring model, risk management.

Неотъемлемой частью банковского менеджмента является система управления кредитными рисками. В этой системе кредитные скоринговые модели как средство оценки кредитоспособности клиента играют важную роль, поскольку, на основе балловой оценки финансового состояния контрагента, банк сможет определить и принять разумное решение о выдаче или отказе кредита.

Научный анализ скоринговых моделей по оценке финансовой состояний позволили автору настоящих тезисов выявить основные особенности, а также имеющиеся проблемы скоринговых систем региональных значений. Например, многие исследователи скоринговую систему определяют только как способ рейтингования заемщиков – физических лиц. Другая часть ученых рассматривают, что скоринг применяется и при оценке платёжеспособности юридических лиц, в том числе малых и средних предприятий.

В связи с этим необходимо подчеркнуть, что нормативно-правовая база этого процесса еще полноценна не разработана и не согласована. На наш взгляд, здесь решающим фактором выступает то, что не хватает единого подхода к определению критериев и масштабов рейтингования.

Следует отметить, что определения и характеристики скоринга еще недостаточно разработаны и в нормативно-правовых документах нашей страны. Кроме того, и в местной

экономической литературе нет общего подхода к определению концепции скоринга, его составляющих компонентов, место в процессе кредитования и в управлении рисками.

Известно, что Банк занимает лидирующее положение в предоставлении кредита. Но и другие кредитные учреждения являются проводником формирования цифровых изменений и финансовых экосистем на протяжении всего финансовых услуг, что радикально изменяет форму и методы сотрудничества между финансовыми и реальными секторами экономики.

Кредитный скоринг, применяемые банками в Узбекистане, в большинстве заимствованы с иностранных моделей, в которых порой не учтены своеобразные особенности наших условий. Следовательно, коэффициенты, применяемых в их рамках, не всегда будут иметь успех, не охватывает в достаточной мере особенности отрасли, иногда не учитывается система расчета с контрагентом.

В мировой практике методы скоринга уже применяются достаточно широко, как в оценке финансового состояния крупных субъектов, так и при оценке нефинансовых событий. Согласно существующим публикациям, на сегодняшний день популярны 4 вида технологий скоринга:

1) **Application scoring** (скоринг заявки) – модели оценки финансового состояния для принятия решений о возможности осуществления операции;

2) **Behavioral scoring** (скоринг поведения) – модели оценки финансового состояния при осуществлении операции;

3) **Collection scoring** (скоринг взыскания) – модели по установлению отношений с субъектами соглашений с высоким уровнем риска;

4) **Fraud scoring** (скоринг мошенничества) – модели по установлению отношений с субъектами с целью минимизации нефинансовых рисков соглашения.

Сегодня в нашей стране в основном разработана только первая технология, и частично вторая, поскольку эти модели применяются для оценки финансового состояния, принятия решений и для оценки финансового состояния при осуществлении операции. Несмотря на актуальность третьей и четвертой технологий в условиях экономической нестабильности, пока что в банках республики они не нашли широкого применения.

Для развития наиболее важных направлений кредитной скоринговой системы в стране, актуальным становится необходимость расширения масштабов применения скоринговых моделей для оценки финансового состояния банковских партнеров. Для обеспечения достоверности оценки финансового состояния, рекомендуется использовать данные следующих источников: финансовые отчеты, аудиторские сведения, данные информационных агентств, статистические и сетевые сборники, Интернет-ресурсы и СМИ. Следует отметить, что информация, полученная из Интернета и средства массовой информации, отличается низким уровнем надежности. Отчет аудита также не является источником достоверной информации, поскольку он формируется раз в год и часто публикуется с задержкой до 6 месяцев, и что степень полезности этой информации не высок.

На наш взгляд, кредитные скоринговые системы должны использоваться не только в банковских операциях и для рейтингования физических лиц или заемщиков, но, и при установлении алгоритма оценки финансового состояния юридических лиц, независимо от объема их бизнеса. Это связано с тем, что алгоритм рейтинга является одинаковым для различных категорий контрагентов: показать отдельно основные особенности предприятия, сравнить их установленными значениями и затем учитывая важность дать итоговый рейтинг для каждой особенности. Разница между рейтинговыми моделями, по нашему мнению, в основном заключается в комплексе оцениваемых особенностей, различием их значений, и построением системы показателей особенностей.

Таким образом, оказываемые финансово-кредитные услуги в условиях экономической нестабильности периода пандемии, свидетельствует о том, что при оперативном реагировании на изменяющиеся факторы и показатели, при своевременном определении путей диверсификации секторов экономик, при правильном перераспределении бюджетных и внебюджетных средств, при разумной организации финансово-кредитной политики можно будет минимизировать экономические потери и уровень спада развития в целом. На наш взгляд, самое главное, при умелой организации выдачи кредитов с использованием льготных условий, совершенствования механизмов применения кредитных моделей с учетом временных экономических мер, и соответственно, разработки тактико-стратегических параметров, можно привести в

максимальное движение колесо экономики даже в условиях кризиса и тем самым, оказать содействие в преодолении экономических тяжестей.

В качестве заключения вышеизложенных тезисов, следует подчеркнуть, что в сложившейся ныне, в связи с пандемией, условий экономических кризисов, актуальность кредитных скоринговых систем возрастает. Естественно, по мере расширения масштабов их применения проявляются и проблемы, требующие предотвращения. Поэтому, именно эти аспекты будут в центре внимания в научных кругах, в практике аналитиков, чтобы стать предметом исследований.

#### **Список литературы:**

1. Андреева Г.В. Скоринг как метод отсенки кредитного риска / Банковские технологии. – 2000. – №6.
2. Румянцев А. Скоринговые системы: наука помогает бизнесу / Финансовый директор. – 2006. – №7.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Идиев Н.Ф., и.ф.н., доцент**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон*

**Аннотация:** 2017 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, молиявий барқарорлик, актив, даромад, харажат, захира, фоизли маржа, соф фойда.

**Аннотация:** В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах отмечено, что обеспечение финансовой устойчивости коммерческих банков является одним из приоритетных направлений развития банковской системы страны. В статье исследованы актуальные вопросы обеспечения финансовой устойчивости коммерческих банков Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, финансовая устойчивость, актив, доход, резерв, процентная маржа, чистая прибыль.


**Abstract:** The Action Strategy for five priority areas of development of Uzbekistan in 2017-2021 notes that ensuring the financial stability of commercial banks is one of the priority areas for the development of the country's banking system. The article examines topical issues of ensuring the financial stability of commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** commercial bank, financial stability, asset, income, reserve, interest margin, net profit.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўп омилли жараён бўлиб, активларнинг даромадлилигига, мажбуриятлар бўйича харажатлар даражасининг ўзгаришига, банк фаолиятидаги рискларни бошқариш тизимининг қай даражада такомиллашганлигига боғлиқ. Шу сабабли, ҳар бир омилнинг банкнинг молиявий барқарорлигига таъсирини тўғри баҳолаш молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига баҳо беришда соф фоизли маржа кўрсаткичи муҳим ўрин тутаяди. Соф фоизли маржа банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, кредитлар ва депозитлар бозоридаги юқори даражадаги рақобат унинг даражасига кучли таъсир кўрсатади [1].

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, соф фоизли маржа кўрсаткичининг даражасини паст эканлиги, яъни меъёрий даражасидан паст эканлиги ҳисобланади.



**1-расм. ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржанинг даражаси, фоизда [2]**

1-расм маълумотларидан кўринадик, ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржа кўрсаткичи паст, яъни ушубу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг меъерий даражасидан (4,5 %) паст.

ТИФ Миллий банкида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъерий даражадан паст бўлганлиги, фикримизча, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

\*фоизли харажатларнинг ўсиш суръатини соф фоизли даромадларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлиги (2019 йилда 2018 йилга нисбатан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати 67,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, соф фоизли даромаднинг ўсиш суръати 56,4 фоизни ташкил этди);

\*фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги;

\*соф фойда миқдорининг активлар суммасига нисбатан жуда кичиклиги (2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, соф фойда активларга нисбатан атиги 1,2 фоизни ташкил этди).

Мамлакат тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолардан бири – бу кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг юқори эканлигидир.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, 2017-2019 йилларда ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткичнинг ҳақиқатдаги даражаси унинг халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъерий даражасидан (1,0%) юқори бўлган. Мазкур ҳолатлар ТИФ Миллий банки кредитларининг даромадлилик даражасини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамиз банк амалиётида кредитлар бўйича захира ажратмалари суммасининг ҳаммаси тижорат банкининг харажатига олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлда 2696-сонли «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига асосан таснифланган кредитларнинг беш тоифаси бўйича ҳам захира ажратмалари шакллантирилади [3].

Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати билан кредит қуйилмаларининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун, фикримизча, биринчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг брутто кредитларга нисбати билан мажбуриятларга тўланадиган фоизларнинг брутто мажбуриятларга нисбати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъёр даражасида бўлишини таъминлаш учун таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошишига йўл қўймаслик, кредитлар бўйича захира ажратмалари суммасининг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.338.
2. Расм муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг баланс маълумотлари асосида тузилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

## **БЮДЖЕТ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ДЕПОЗИТЛАРГА ЖАЛБ ЭТИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Расулов З.Ж., и.ф.н., катта ўқитувчи  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Ўзбекистон  
Фарҳодов Э.К., магистратура талабаси,  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Аннотация:* Мақолада бюджет пул маблағларини депозитларга жалб этилиш масалалари бўйича иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилди ва банк истиқболларини белгилашга қаратилган илмий таклиф келтирилган.

*Калит сўзлар:* бюджет, пул, банк молия тизими, банк барқарорлиги, депозит, депозит сиёсати, механизм, лойиҳа.

*Аннотация:* В статье исследуются научные взгляды экономистов на привлечение бюджетных средств во вклады и дается научное предложение, направленное на определение перспектив банка.

*Ключевые слова:* бюджет, деньги, банковско-финансовая система, устойчивость банка, депозит, депозитная политика, механизм, проект.

*Abstract:* The article examines the scientific views of economists on attracting budget funds to deposits and provides a scientific proposal aimed at determining the prospects of the bank.

*Keywords:* budget, money, banking and financial system, bank stability, deposit, deposit policy, mechanism, project.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилишида банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш жараёнида эса:

- банк активларининг асосий қисми аҳоли ва ташкилотлардн жалб қилинган омонат маблағлари ҳисобига шаклланганлиги;
- банк бизнесининг хатарга мойиллиги, банк фаолиятида аҳоли ва ташкилотлар маблағларининг хатарга қўйилиши, бой берилиши, йўқотилиши ёки ўзлаштирилиши каби турли хатарлар мавдудлиги;
- бошқа томондан, маълум бир хавфли фаолият оқибатларини юмшатиш учун қилинган ҳаракат (депозитлар суғуртаси ва б.) яна шунга ўхшаш фаолиятни амалга ошириш эҳтимоли билан биоғлиқлиги;
- банк тизимининг барқарорлиги омонатчилар ва кредиторларнинг маблағларига, уларнинг ишончига боғлиқлиги, қарамлигини ҳисобга олиб, банкларнинг депозит сиёсатини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, бу орқали банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш масаласига бугунги кунда нафақат банклар фаолиятининг бир кўрсаткичи сифатида, балки иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган макроиқтисодий кўрсаткич сифатида қаралмоқда. Бу борада белигалнган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида банклар томониданбарча зарурий чоралар кўриб борилмоқда.

Мамлакатимиз банклари томонидан сўнгги йилларда депозит сиёсатини такомиллаштиришда иш жараёнига замонавий технологияларнинг интеграциялашуви ҳамда иш жараёнини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада олиб борилган

илмий-амалий изланишларимиз натижаси сифатида билдирилган таклифлар асосида банкларда аҳоли омонатлари билан ишлаш жараёнини такомиллаштириш, янги жозибадор ва ўзаро манфаатли хизмат турларини жорий этиш бўйича маълум бир ишлар амалга оширилди, жумладан:

АТ Агробанк томонида банк мажбуриятлари акс эттирилган ҳужжат ҳамда қатъий ҳисобда турувчи бланк ҳисобланмиш омонат дафтарчаларининг электрон ҳисобини юритиш, уларни бош офисда рўйхатга олинишидан тортиб филиалларга тақсимланиши ва якуний ишлатилиши (мижозга берилиши, яроқсиз ҳолга келиши, муддати тугаб ёпилиши ва йўқотилиш)гача бўлган ҳаракати назоратини юритиш мақсадида банк дастурий таъминотида омонат дафтарчаларини электрон ҳисобини юритиш бўйича махсус модул ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди ва банк мажбуриятлари акс этган омонат дафтарчалари ҳисобининг тўғри, аниқ юритилишига ва бу борада шаффоф таъминланишига эришилди. Шу билан бирга депозитларга масофадан хизмат кўрсатиш бўйича билдирилган таклифларнинг банк депозитлари таркибида асосий ўринни эгаллаган Агробанк ва Халқ банки Бошқарувлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида ушбу банклар амалиётга СМС-банкнинг, мобиль-банкнинг каби янги хизмат турлари орий этилди.

Натижада аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар банкдаги ўз маблағлари қолдиғи ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни мобиль телефон ёки интернет дастури орқали кўра олиш, эҳтиёжлари доирасида турли тўловларни амалга ошириш ва депозит маблағларини масофадан бошқариш имкониятига эга бўлди. Мазкур хизматлар мижозларга қулайлик, янги имкониятлар тақдим этилиши билан бирга, депозитларга хизмат кўрсатиш орқали банк даромади манбасининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Банкда депозитлар таркиби, омонатларни қайтариш муддатлари, фоиз ставкалари тўғрисидаги ва бошқа депозит портфели таҳлилига оид маълумотлар банк Бошқарувлари қабул қилаётган депозитларни бошқаришга оид қарорларнинг сифати, самарадорлиги ва натижадорлиги оширилишига хизмат қилади.

## БАНКЛАРНИ ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Расулов З.Ж. и.ф.н., доцент,*

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Ўзбекистон*

*Турдиев Ш., магистратура талабаси*

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш тартиби ва муҳимлилик тамойилига ҳос ҳолатлар баён этилган, шунингдек аудит текширувини амалга оширишда эътибор қаратилиши зарур бўлган харажатлар устида тўхталиб ўтилган ва муалиф хулосалари изоҳлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** аудит, аудит назорати, ички аудит, муҳимлилик, сифат ва миқдорий жиҳатлар, текширув, аудит хулосаси.

**Аннотация:** В статье описываются порядок и важность организации внутреннего аудита в коммерческих банках, а также затраты, которые необходимо учитывать при аудите, и разъясняются выводы автора.

**Ключевые слова:** аудит, аудиторский контроль, внутренний аудит, актуальность, качественные и количественные аспекты, аудит, аудиторское заключение.

**Abstract:** The article describes the procedure and the importance of organizing internal audit in commercial banks, as well as the costs that must be taken into account in the audit, and explains the author's conclusions.

**Key words:** audit, audit control, internal audit, relevance, qualitative and quantitative aspects, audit, audit report.

Аудиторлик текширувини режалаштиришда аудит миллий стандартларига риоя этишни муҳимлилик даражасини эътиборга олиш долзарб ахамият касб этмоқда.

Ҳозирда ички аудит хизмати ходимлари муҳим, хатоли моддалар ва ҳисобварақаларни аниқлаш, тўпланган аудиторлик далилларига баҳо бериш, аудиторлик хулосасининг тури ҳақида қарор қабул қилишда текширувни режалаштириш сифатида фойдаланилади.

Унинг муҳимлиги, аудиторлар молиявий ҳисоботларни тийин-тийинигача тўғрилигини қафолатлаш билан баҳоланади. Ички аудитни муҳимлиги бу ҳисобот маълумотларидаги хато камчиликларни аниқлашда намоён булади ва муайян ҳолатларда мазкур маълумотлар билан



ишлаш тажрибасига эга бўлган шахс ўзининг уларга нисбатан ишончга асосланган дастлабки фикрини баён этади.

Субъектни молиявий ҳисоботининг ишончилигига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аудитда муҳим ҳолатлар деб топилган.

Шунингдек, муҳимлиликни аудиторнинг текширилаётган банк филиали молиявий ҳисоботининг ишончилигини тасдиқлашга тайёрлиги мезони деб таърифлаш ҳам мумкин. Муҳимлилик тамойили текширилаётган ахборот кўрсаткичлари ҳажми ёки хўжалик операцияларини акс эттиришда йўл қўйилган хатолар хусусияти билан ҳам белгиланади.

Ички аудитни муҳимлиги аудит жараёнида жуда кўп масалаларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу аудит босқичлари, аудиторлик муолажалари ҳажми ва мазмуни, тўпланган аудиторлик далилларига баҳо бериш ва аудиторлик ҳулосаси шакли ўртасидаги алоқаларни ва уларнинг мантиқий изчиллигини таъминлайди. Муҳимлилик, йўл қўйилган хато миқдорини ва бунинг натижаси ўлароқ, аудиторлик ҳулосаси тузиш ҳам муҳимдир.

Умуман ички аудитга муҳимлиликнинг аудитдаги аҳамияти ва долзарблиги бир неча сабаблар билан изоҳланади:

- аҳамиятсиз тафсилотларни этиборга олмасликка йўл қўяди, аммо барча муҳим ахборот тўла ёритилишини талаб қилади;

- баланс суммаси ва тузилишига, молиявий натижаларга бухгалтерия ҳисоби муайян объектлари қийматининг таъсирини аниқлаш имконини беради. Аудиторлик муолажалари жараёнида активлар, пассивлар ва молиявий натижалар миқдорига жиддий таъсир кўрсатувчи бухгалтерия операциялари тадқиқ қилинади;

- барча муҳим ахборотлар тўла келтирилишини, молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик ҳулосасида барча муҳим жиҳатлар ёритилишини талаб қилади. Бунда аудиторлик ҳулосаси, ҳисобот малумотларига асосланиб, муайян иқтисодий қарорлар қабул қиладиган кам сонли фойдаланувчиларга мўлжалланади.

Ўзининг моҳиятига кўра тижорат банкларида муҳимлилик сифат ва миқдорий жиҳатларга эгадир. Молиявий ҳисоботда фактнинг нотўғри кўрсатилиши, аҳамиятсиз бўлиши, лекин, шунга қарамай, уни ёритиш учун асослар мавжуд булиши мумкин. Сифат ва миқдорий омиллар таъсири муҳимлилик тамойилини амалда қўллашни мураккаблаштиради.

Қолаверса, муҳимлилик тушунчасига муайян даражада субъективлик хусусияти ҳам ҳосил: бир аудитор муҳим деб ҳисоблаган ҳолатни бошқа аудитор аҳамиятсиз деб ҳисоблаши мумкин. Шунини алоҳида айтиш ҳам зарурки, бухгалтерия фаолияти доирасида ўлчашларни амалга ошириш имкониятлари чекланганлиги, аудиторлик текшируви жараёнидаги муайян чеклашлар туфайли муҳимлилик чегараларини аниқ белгилаш ҳозирча иложи йўқ.

Ички аудит бўлими томонидан иш жараёнини режалаштириш босқичида муҳимлилик даражаси аниқланади ва текширув объекти хусусиятларига ва фаолият тармоғи, корхонанинг катталиги, даромаднинг солиққа тортилгунга қадар бўлган суммаси, айланма воситалар қийматига, шартли мажбуриятларнинг, ҳисоботда ғайриоддий моддаларнинг мавжудлигига ва бошқа хусусиятларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, муҳимлилик даражаси миқдори аудитнинг умумий режасида акс эттирилишининг аҳамияти каттадир.

Режалаштириш пайтида аудитор бухгалтерия ҳисоботида жиддий нуқсонларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиши лозим.

Аудитда муҳимлиликка баҳо бериш масаласи, энг аввало, бухгалтерия ҳисоботининг бир ёки бир неча кўрсаткичларини муҳимлиликнинг миқдорий мезони- йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта миқдорни ҳисоблаш усулини ўз ичига олувчи муайян негизни танлашдан иборат бўлади.

Умуман, йўл қўйилиши мумкин хато миқдори режалаштирилган муҳимлиликка нисбатан 50-70 фоиз даражасида белгиланади. Лекин, йўл қўйилиши мумкин бўлган хато даражаси ҳаддан ташқари паст бўлмаслиги керак, чунки бу аудиторлик ҳам ҳажмлари асоссиз оширилишига олиб келиши мумкин.

Одатда, аудиторлар аниқ миқдорий баҳолашларсиз иш кўрадилар, шунинг учун ҳам 5 фоизгача оғиш ҳам аҳамиятсиз деб, 10 фоиздан ортиқ оғиш эса- муҳим деб ҳисобланади.

Ички аудит хизмати ходимлари муҳимлиликнинг режалаштирилган даражасини ҳисоблаш учун молиявий ҳисобот курсаткичларининг уч тоифасини, яъни:

- Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари;
- Баланс моддалари;
- Бухгалтерия ҳисоботи курсаткичларини танлаш мумкин.

Бунда жорий йилнинг асосий кўрсаткичларини ва олдинги йилларнинг ўртача ҳолатга келтирилган кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Миллий стандартда ҳам муҳимлилик кўрсаткичларини аниқлашнинг конкрет йўналишлари эмас, балки бунга оид бир қанча коидалар белгиланган. Чунки мазкур стандартга мувофиқ аудиторлар муҳимлилик миқдорини аниқлашни тартибга солувчи расмий ички ҳужжатга ўтилган. Ушбу ҳужжат аудиторлик хизматининг қарори билан тасдиқланган бўлиши ва доимий асосда қўлланилиши керак.

Бизнинг қароримизга қайд этилган уч гуруҳдан бири уларнинг иккитаси ёки бир йўла учаласи асос қилиб олиниши муҳимдир деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир муайян ҳолда у ёки бу ҳисобварақлар моддалар ва кўрсаткичларнинг танланиши молиявий ахборотнинг сифат жиҳатларига ва миқдорий кўрсаткичларига боғлиқдир.

Муҳимлиликнинг ҳисоблаш учун асос бўлиб бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади. Бунда жуда кўп омиллар, чунончи: тармоқ хусусияти, фаолият қўлами, молиявий натижалар ва баланс тузилиши ҳисобга олиниши кўзда ҳам тутилади.

Муҳимлилик учун асос белгилангач, аудиторлар унинг миқдорий мезонини ҳисоблаш усулини аниқлаши лозим бўлади. Шу боис, аудит жараёнида муҳимлилик кўрсаткичларидан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Унинг кўрсаткичи қанчалик катта булса, камчиликларнинг аниқланмаслик хатари даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

*Хусанов Б.Ш., и.ф.н., доц.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

*Жумаев З.С., магистр*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон*

**Аннотация:** мақолада рақамли иқтисодиёт, молиявий технологиялар ривожланиши шароитида банк хизматларининг ўрни қараб чиқилган. Бунда блокчейн технологиялари асосида рақамли иқтисодиётни амалга ошириш йўллари ҳам кўрилган. “Электрон ҳукумат”нинг бошқариш жараёнлари ҳам ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** инновация, инновацион иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, блокчейн, рақамли технология, интеллектуал мулк, электрон ҳукумат.

**Аннотация:** В статье рассматривается анализ возможностей и угроз для коммерческих банков в условиях цифровой экономики, развития финансовых технологий. Также рассматриваются способы внедрения цифровой экономики на основе технологии блокчейн. Также отражены процессы управления электронным правительством.

**Ключевые слова:** инновации, инновационная экономика, цифровая экономика, блокчейн, цифровые технологии, интеллектуальная собственность, электронное правительство, финансовые технологии, угрозы.

**Abstract:** The article examines the analysis of opportunities and threats for commercial banks in the context of the digital economy, the development of financial technologies. It also looks at ways to implement a digital economy based on blockchain technology. The management processes of e-government are also reflected.

**Keywords:** innovation, innovative economy, digital economy, blockchain, digital technology, intellectual property, e-government, financial technology, threats.

Барчамизга маълумки, бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларга ва аҳоли турмуш даражасига ва сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим якуний натижаси бўлиб бормоқда. Республикамизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва шу асосда банк хизматларининг сифатини ошириш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ва бош мақсади қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб: “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Хусусан, бу масала 2020 йилга “Илм,

**маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**”[1], деб ном берилиши, яъни илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсади кўзланган. Шу сабабли, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси авваламбор ҳар бир соҳада ривожланишга эришишга қаратилган.

Шу боис мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бугунги куннинг ва яқин истиқболнинг энг муҳим вазифасига айланган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, улар экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси кўйилган.

Албатта рақамли иқтисодиёт жамиятда муайян ўзгаришларни юзага келтиради, хусусан, унинг меҳнат шароитларига таъсири сезиларли бўлади. Рақамли трансформация шароитида автоматлаштириш жараёнларининг кучайиши, сунъий интеллект, улкан маълумотлар билан ишлайдиган аналитик тизимлар, роботлардан фойдаланиш кўламининг ортиши меҳнат ресурслари учун ўринбосар бўлиб хизмат қилади. Натижада бизнес юритиш шароитлари такомиллашиб ва самарадорлик сезиларли даражада ортади.

Рақамли иқтисодиёт қанчалик тез шаклланса, аҳоли турмуш даражасида турли қулайликлар пайдо бўлади. Ҳаммамизга маълумки бир неча ўн йиллардан буён электрон ҳукуматни тизимини ривожлантиришга интилиб келамиз. Натижалар эса у даражада сезиларли эмас, атиги сўнгги уч йилда кўзга ташлана бошлади. Халқимиз “электрон ҳукумат” афзалликларини энди ҳис қила бошлади. Бу эса “интеллектуал ҳукумат” тамойиллари асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада кенгайтириш нақадар тўғри йўл эканлигини ҳам кўрсатади.

Бугунги кунгача банклар миқозларига хизмат кўрсатиши учун турли ҳужжатлар ва имзоларни йиғиб келишни талаб қилган бўлса, бугун эса аксинча, миқоз банк хизматларидан тўла қонли электрон фойдаланмоқда. Бунга сабаб эса жорий этилаётган инновациялар. Масалан, банклар рақамли иқтисодиётга ўтаётганлиги, миллий валютадаги пластик карталардан ҳеч чекловларсиз хорижий валюталарга айрибошлаш мумкинлиги, кредит олиш учун ҳужжатларни электрон шаклига ўтганлиги, банкларга блокчейн технологиялар кириб келиши, буларнинг ҳаммаси юқоридаги изоҳларимизнинг яққол далилидир.

Ўз вақтида мобиль банкингнинг жорий этилиши миқозлар учун инновация сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда бу технология миқозлар учун, айниқса ёш авлод учун мажбурий шарт сифатида қаралмоқда. Экспертлар ва таҳлилчиларнинг фикрича, мобиль банкинг технологияси банк-лар учун минимум шарт сифатида қаралиб, бундай технологиядан фойдаланмаган банк, банк хизматлари бозорида аутсайдир сифатида қаралади.

Экспертларнинг фикрича, 2018 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 15 фоиздан ортиғи ўзларининг иш фаолиятида Blockchain технологиясидан фойдаланишни бошлаб юборишди. Бунга сабаб қилиб, Blockchain технологиясининг нисбатан эндигина яратилганига қарамадан, унинг мавжуд бизнес жараёнлардаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани молия бозорлари иштирокчилари орасида улкан қизиқиш уйғотганини кўрсатиш мумкин.

Blockchain технологияси молия бозорининг кўпгина тармоқларини рақобатбардошлигини ва юқори салоҳиятини ошириш имкониятини намойиш этади. Келажакда молия бозорида Blockchain технологиясини жорий қилишга энг жозибадор тармоқ бўлиб инвестицион банкинг ва молиявий транзакцияларни бошқариш ҳисобланади. Blockchain технологиясини кенг қўллаш мумкин бўлган тармоқларга банкларнинг чакана операцияларини, суғурта, кўчмас мулкка инвестициялар ва факторингни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бирга, Blockchain технологиясини молия бозорларини ривожлантиришдаги мавжуд барча муаммоларнинг ечими сифатида қараш нотўғридир. Ҳозирги вақтда Blockchain технологиясидан молия бозорларида фойдаланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари охиригача тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва бу борада ниҳоясига етмаган, ўзини ечимини кутаётган кўплаб масалалар турибди.

Blockchain технологиясини кенг тарқалишига тўсқинлик қилиб турган кейинги муаммолардан бири унинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб қўйилмаганлигидир. Айниқса, бу

холотни молия бозорларида фойдаланишда кўришимиз мумкин. Барча мавжуд миллий валюта тизимлари миллий ҳукуматлар томонидан яратилган ва тартибга солинган. Blockchain технологиясидан эса, ҳам миллий, ҳам халқаро даражада фойдаланилишини ҳисобга олсак, уни технологиясини қонунийлигини таъминлашда қатор долзарб ва ечилиши муҳим бўлган муаммоларга дуч келинади. Blockchain технологиясини ривожланишига тўсқинлик қилаётган яна бир муаммо сифатида транзакциялар блокинни шакллантириш учун улкан ҳажмдаги ҳисоблаш операцияларини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, Blockchain технологиясининг кенг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблардан бири сифатида кўп энергия сарф этиши ва унинг юқори капитал қийматига эгаллигини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Президентимиз мурожаатида таъкидланганидек аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш ва иқтисодий барқарор ривожлантириш мақсадида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” давлат дастури тузилади ва унда қуйидагилар устувор вазифалар сифатида белгиланади:

1. Рақамли иқтисодий инфраструктурасини яратиш, АКТ ривожлантириш, “Ақлли шаҳарлар”, “Хавфсиз шаҳарлар” лойиҳаларини амалга ошириш.

2. Инсон капиталини ривожлантириш ва рақамли кўникмаларни шакллантириш. Мурожаатномада айтилгандек яқин 3 – 4 йил ичида мамлакатимизда 1000 000 компьютер дастурини яратадиган программистлар ва рақамли иқтисодий соҳасида ана шунча иш жойлари яратилади.

3. Рақамли инновациялар экотизимини яратиш. Мурожаатномада таъкидланганидек “Инновацион тараққиёт биз учун ҳаводек зарур”

4. Самарали ахборот хавфсизлик тизимини яратиш

Жамиятнинг қанча кўп аъзоси янги рақамли, юқори технологик маҳсулотларни эгалласа, уларнинг харидоргирлиги ва қиммати шунча ортади, яъни истеъмол кўламининг синергетик самараси намоён бўлади. Натижада иқтисодий ривожланиш салоҳияти янада ошади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодий ва унинг технологиялари аънанавий молиявий хизматлар бозорини “кўпориб ташлаш” салоҳиятига эга. Бу эса тижорат банкларидан рақамли трансформацияни жадал амалга ошириш, Fintech компаниялари билан ҳамкорликнинг самарали йўналишларини йўлга қўйишни тақозо этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги маърузаси. -Т.: 2020 йил 25 январь. <http://prezident.uz/uz/lists/view/>.

2. Зайналов Дж.Р. Усмонова Ш.Ш. Эффект, образующийся при сокращении величины инвестиционных вложений (2021 йил 19-20 февраль)

3. Хусанов Б.Ш., Усмонова Ш. Инвестиция мухитини яратиш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш истиқболлари (2021 йил 19-20 февраль)

## **ПРОБЛЕМЫ УКРЕПЛЕНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ОСНОВЫ ФИНАНСОВ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ САМОУПРАВЛЕНИЯ**

**Эрназаров Н.Э., ассистент,**

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

**Толипова Т., студент,**

*Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан*

**Аннотация.** В статье уделяется внимание отдельным положениям законодательных актов, регламентирующих деятельность местного самоуправления граждан. Кроме того, рассмотрены законодательные акты, регламентирующие деятельность местных бюджетов, сформулированы рекомендации по их улучшению.

**Ключевые слова:** местные бюджеты, органы местного самоуправления, законодательство, финансовое законодательство.

**Аннотация.** Мақолада фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларига эътибор қаратилган. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари кўриб чиқилди, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калим сўзлар:** маҳаллий бюджетлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қонунчилик, молиявий қонунчилик.

**Abstract.** The article focuses on certain provisions of legislative acts regulating the activities of local self-government of citizens. In addition, legislative acts regulating the activities of local budgets were considered, recommendations for their improvement were formulated.

**Key words:** local budgets, local government bodies, legislation, financial legislation.

14 апреля 1999 года был опубликован и вступил в силу Закон Республики Узбекистан «Об органах самоуправления граждан», который направлен на реализацию гарантии финансовых прав органов самоуправления.

Рассмотрим некоторые основные моменты, влияющие на формирование финансовых основ местного самоуправления в Республике Узбекистан.

В настоящее же время финансово-экономическое положение муниципальных образований плачевно. На протяжении 1992-1999 годов имело место снижение уровня бюджетной обеспеченности местных образований.

